



Саïда Зуннунова

...

*Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.*

*Хуш суратинг бир нафас тарк этмас хавлимни,
Кўз шахло-ю, қош эса нилча бўлурми, ҳай-ҳай.*

*Ҳар сўзда юз андиша қилгум донолигингдан,
Кунгунгнинг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай.*

*Гоҳ ханжар, гоҳ асалдек сўзларингдан доғдамён,
Жон олиб, жон бергучи тилча бўлурми, ҳай-ҳай.*

*Васлингнинг умидида дунёдан утиб боргум,
Қаноатда Саïда филча бўлурми, ҳай-ҳай.*

Uzbek Fideiyuzi

1996

3

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛ

65-ЙИЛ ЧИҚИШИ

*Бош муҳаррир:
Уткир ХОШИМОВ*

*Таҳрир ҳайъати:
Мурод МАНСУР
(Наср булими мудири)
Баҳодир МУРОД АЛИ
(Масъул котиб)
Омон МУХТОР
(Бош муҳаррир уринбосари)*

*Икром ОТАМУРОД
(Назм булими мудири)
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФҲОН
(Мерос ва қадрият булими мудири)
Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик булими мудири)*

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊЪАТ
НАШРИЁТИ



Шўхтасин Жалолов

*«Шарқ юлдузи» ойномасининг азиз мухлислари!
Адабиёт дўстлари!*

Журналимизнинг бу йилги 1- ва 2-сонлари Сизга манзур бўлиб, Сиз томондан қизгин қабул қилингани бизни беҳад суюнтирди. Биз ўз иш фаолиятимизда нимагадир эришсак, бу — фақат, Сизнинг меҳрингиз, ихлосингиз, садоқатингиз туфайли! Бундан сўнг ҳам журналхонларнинг фикр-мулоҳазалари, истаклари биз учун муҳим бўлиб қолаверади.

«Шарқ юлдузи» саҳифаларида — журналнинг келгуси сонларида қуйидаги асарларни нашр этиш мўлжалланган:

Аҳмад Лутфий. «САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ» туркумидаги асарнинг кейинги китоблари.

Абдулла Ҳаҳҳор. «ТАШВИШ». Олдин тўлиқ эълон қилинмаган комедия.

Улмас Умарбеков. «ҚИЗИМГА МАКТУБЛАР». Адиб ёзиб қолдирган васиятнома.

Маъруф Жалил. «МАЛИКА». Ривоят-қисса.

«БИЗ КИММИЗ?!» Тарихий қисмат тўғрисида баҳс.

«ТҮЙ МАЖЛИСМИ?!» Мунозара.

«Шарқ юлдузи» журнаliga истаган ойдан обуна бўлиш мумкин. 1996 йилнинг иккинчи ярмига шу кунларда обуна давом этмоқда.

Муқовалардаги суратлар:

- 1-бетда «Ўруғли» дostonига расом Т. Саъдуллаев ишлаган сурат
- 2-бетда Саида Зунциюнова,
- 3-бетда Шўхтасин Жалолов,
- 4-бетда Фитрат.

ДОРИЛОМОН

Мухтасар қисса

Ҳар қанча яхши сўз топсанг, айтиб қол,
Тириксан, гурингга гуллар экиб қол.

Шайх Саъдий

I

1227 ҳижрий йилининг¹ куз фасли.

Фарғона ҳукмдори Умархон бу ажойиб айёмни овда утказишга майл қилди. Сарой мубоширлари овнинг қувноқ, кунгилли бўлиши учун бутун чораларни куришди. Шарқ подшоҳларининг қадимги анъаналарига мувофиқ ҳукмдор билан бирга вазиру вузаролари, навкарлари, мамлакат маликаси, канизак ва жориялар, сакбонлар, қушчилар ҳам овга чиқишлари лозим эди.

Сафар тараддуи тугади. Мезон ойининг охириларида бир неча соябонли арава, минглаб суворийлар Қўқондан чиқиб, шарққа — Ёзевон чўлларига қараб равона бўлдилар.

Ҳаммадан олдинда, икки оқ отда, ёш ҳукмдор билан малика Моҳлар ойим борарди. Уларнинг бошларида қирғиз қизлари қунт билан тиккан оқ қалпоқ, устларида жужунча чолвору шу матодан нимча бор. Моҳлар ойим сочларини қалпоқ остига бостириб, юзига оқ ҳарир тур парда тортиб олган. Агар юзидаги шу парда бўлмаганда, лоқайдроқ одам биринчи қарашда уни «Зап хуш сурат йигит экан-да», деб юбориши ҳеч гап эмасди.

Ҳукмдор билан маликанинг икки тарафида, улардан қирқ-эллик қаддам масофада хоннинг юзга яқин шахсий муҳофизлари, орқада эса, яна шунча масофа қолдириб сарой аъёнлари, шоирлар, навкарлар, сакбон ва қушчилар келардилар.

¹ 1227 ҳижрий йили — ҳозирги йил ҳисоби билан 1812 йилга тўғри келади.

Ов иштиёки билан ҳамманинг руҳи кутарилган. Биқик шаҳардан бепоевни чулга чиқишнинг узида ҳам бир гашт бор. Ҳамманинг фикри-зикри овлоқ жойга тезроқ етиб, ўзининг миришкорлигини намойиш қилиш эди.

Қўқон тевақарларидаги қорам ерлар орқада қолиб, бепоев чул бошланди. Енгил шабада эсарди. Атрофда бирор дарахт йўқ, қуёш гўё барханлар орасидан балқиб чиққандай. Ерга кўнгири кўм бамисоли сув—оқиб борарди. Худонинг газабига йўлиққан бу саҳронинг ягона кўрки юлгин эди. Рост, кўнгири кўм тепалар устида қад кутарган юлгиннинг игнасимон яшил япроги яна ҳам яшилроқ товланиб, гўё Фаргона маликасининг оёқлари остига шу фақир даштда ҳам пояндоз соларди.

Суворийларнинг ҳазил-мутойибалари, қувноқ кулгилари, от тувёқларининг дупури, ўйноқлаб кишнаши — саҳронинг вазмин суқунатини бузганди. Бинобарин, саргиш чул илонлари, бадбуруш калтакесаклар, бўйни бир газ-бир газ келадиган эчкизмарлар бу ола-говурдан чўчи, йўлнинг икки тарафига қараб қочар, юмронлар эса, иллари ёнида ерга қоқилган қозикдай тик туриб, ёв қўшининг ҳаракатини сергаклик билан кузатарди.

Чошгоҳга бориб манзара ўзгарди. Қумлоқлар тутаб, сур тупроқли биебон бошланди. Лекин бу ерларда ҳам бирорта гиеҳ куринмасди. Баҳор ёмғирлари шарофати билан кўкарган шувоқ, янтоқ ва қамгоқ каби чул усимликлари алақачон ёз жазирасида қовжираб, саргайиб ётарди. Умуман, бу улик олам кўзни қувонтирмас, кўнгилни кутармас эди.

Ёш ҳукмдор бундан кўра огирроқ шароитда ҳам сафар қилган, даҳшатли жангларда қатнашган баҳодир сарбоз, тадбиркор саркарда, миришкор овчи эди. Бинобарин, бу якнасқоқ, дилгир манзараларнинг унга дарров салбий таъсир этиши қийин. Аммо бутун умрини шоҳона шароитда, ҳарамда ўтказган малика Моҳлар ойим-чи? Кайфиятлари нечү экан?

Шу андиша билан Умархон Моҳлар ойимдан суради:

— Маликам саҳро сафаридан пушаймон эмасмилар?

Моҳлар ойим юзидаги пардани кутарди. Отаси Раҳмонқулибийнинг узоқ аждодлари мўғуллар билан чатишгани сабабли қизининг чеҳрасида бу қоришиқ қоннинг асари сезиларди. У бодомқовоқ, pistaдахан, мўрча миён бир жонон эди.

Ҳароратнинг зуридан маликанинг нафис лаблари устида гул япроғидаги сингари майда тер пайдо бўлиб, яна ҳам латиғлашган, гузаллашган эди.

Ҳукмдор жавоб кутарди.

Моҳлар ойим нозик бир гамза билан эрига жавоб қайтарди:

— Баҳром овга чиққанда Дилором¹ учун унинг рафоқатида бўлишидан кўра зўр қувонч йўқ, шаҳаншоҳим... Канизлар бундан кўра юксак мартабани тассавур қилолмайди!..

Маликанинг жавобидан Умархон завқ-шавққа тўлиб, беихтиёр «Офарин» деб юборди.

— Ундай бўлса, не андиша билан маликам бунчалар хомуш бўлиб қолдилар? — яна суради Умархон.

— Хомушлигимнинг боиси бор, шаҳаншоҳим.

— Хуш?

¹ Баҳром ва Дилором — Навоийнинг машҳур достони — «Сабъан сайёр»нинг бош қаҳрамонлари. Эрон шоҳи Баҳром хотини Дилоромни шундай севардики, ундан бир лаъза ҳам жудо бўлолмай, ҳатто овга ҳам бирга олиб чиқарди. Моҳлар ойим шунга ишорат қилмоқда. (Т. Ж.)

— Боиси шулким, Фаргона номли жаннатда бундай дўзах мавжудлигини канизлар хобу хаёлотига ҳам келтира олмастар.

Ҳукмдор таажжублангандай маликага қаради-да, унинг юз-кўзларидаги чуқур андишани пайқаб, яна поёнсиз биебонга тикилди. Дарҳақиқат, ер сувсизлиқдан қовжираб, тилка-пора бўлиб ётарди. Ҳолбуки, бу жойлардан атиги элик-олтмиш чақирим нарида — Маргилоннинг шарқий шимолидаги Қоратепа қишлоғининг боғлари шира-шарбатга тўлиб турган олтин онлар эди.

Умархоннинг отаси Норбутабий ва акиси Олимхоннинг ягона ниятлари мамлакатни кенгайтириш эди. Шунинг учун улар ҳукмронлик қилган даврда навкарлар ҳарбий юришлардан бўшамадилар, қилич қинига тушмади. Мамлакатнинг осойишталиги, омонлиги, маъмуриги хусусида ўйлашга фурсат топмадилар. Умархон, акиси ҳукмронлик қилган даврда сарбоз, саркарда сифатида ҳамма жангларга қатнашди. Маъносиз, даҳшатли қиргинларнинг жонли шоҳиди бўлди. Норбутабий билан ўгли Олимхон улут боболари Амир Темур салтанатини қайта тикламоқчи бўлдилар. У замонлар утиб кетганини пайқамадилар. Бобур тиклолмаган бу вайронани, биз тиклаймиз, деб маъносиз кучандилар. Бироқ, аҳли мамлакат бу қаҳрамонларни тан олмади, Олимхонга «Золимхон» деб лаънат тамгаси босди ва уни тезроқ орадан кутариб, Умархонни тахтга чиқарди.

Табиатан шоир, хушфёъл Умархон тахтга чиқишнинг асосий омилларини яхши англаб, ундан узича хулоса чиқарди. Модомики, Темур бўлиши мумкин эмас экан, Ҳусайн Бойқаро бўлиш мумкин-ку! Бунинг учун жангжўйлик, можарожўйликни тарк этиб, аҳолига осойишталик, омонлик бериш даркор. Ана шундагина тахтда осуда утирмоқ, аҳли фазлни: шоирлар, олимларни саройда туплаб, улар сўхбатидан баҳраманд бўлмоқ, бутун умрни фароғатда ўтказмоқ мумкин.

Моҳлар ойимнинг «Фаргона номли жаннатда дўзах мавжудлиги» хусусидаги қалтис, ҳам жасуруна таққоси ҳукмдорга таъсир қилиб, ўтмишни яна бир бор хотирлашга мажбур этди.

Малика эса, хаёлга гарқ бўлган хонни кузатиб, ўз жасоратидан пушаймон эди. Нафсиламбрини айтганда, бу таққос ҳар қандай подшоҳ учун ҳақоратдек туюлиб, айтгувчи газабга дучор бўлиши муқаррар эди.

«О, ношукр банд, — ўз-ўзидан қақшар эди малика, — нега тилин-га бу қадар эрк бердинг! Энг яқин кишинг бунчалар озорга лойиқми эди? Ҳозир оёқ-қўлларингни боғлаб, Дилоромдек мана шу биебонга ташлаб кетса нима қилардинг!..»

Шўрлик малика шундай хаёлларга ботиб, ўз ҳаётини таҳлика остида ҳис этарди-ю, бироқ, бу бадгумонлик уринсиз эди. Чунки Умархон ўз рафиқасининг шеърий истеъдоди билангина эмас, донишмандлиги билан ҳам фахрланар, унга ўз салтанатининг шериги, бегараз маслаҳатчиси деб қарарди. Шундоқ бўлгач, маликанинг мулоҳазаларини охиригача эшитмоқ фойдадан холи эмас деб топди.

— Таққосингиз тўтри, маликам, — маъъсона суз бошлади Умархон, — «Фаргона номли жаннатда дўзах мавжудлиги» ҳар қандай мантиққа хилоф, ҳукмдор шаънига исноддир. Сиз биринчи дафъа бу саҳронинг кўриб бунчалар дилгир буддингиз. Мен эса, Маргилон ҳокими экан чоғимда бу саҳроларни кўп кезганман, бу ерларни маъмур этиш борасида кўп мартаба ўйлаб кўрганман. У вақтларда бу менинг кўрбим етадиган иддао эмас эди. Эндиликда ватан тақдири сиз билан менинг қўлимда. Менинг шаъним — сизининг шаънингиз, менга келган иснод сизни ҳам ерга қаратади. Сиз менинг шаръий рафиқамгина эмас, қариндошимсиз. Менинг тахтга чиқишимга отангиз сабаб бўлганларини, у зот бу салтанатнинг асосий тиргаги эканликларини мен ҳаргиз фаро-

муш этмайман. Бас шундай экан, сафар муносабати билан хотирагизга келган мулоҳазаларни ийманмай, охиригача шарҳ этганингиз маъқул.

Моҳлар ойим мулойим, миннатдор нигоҳ билан эрига боқди.

— Отамнинг салтанат олдидаги хизматларини шаҳаншоҳим андак муболаға билан зикр қилдилар, чоғи. Сиз тахт вориси эрдингиз, отамнинг кумаги булмаган тақдирда ҳам сизнинг урнингиз шу эди.

— Йўқ, маликам, тахт ворислари олдида икки йул бор: бири — дор, бири — тахт... Менинг қисматим қайси бири булишини бир Оллоҳдан уза ҳеч ким билмасди.

Моҳлар ойим қувонч ва миннатдорликдан гул-гул очилиб кетди. Чунки бу давлат, бу салтанат олдида нечоғлик вази борлигини биринчи бор ҳукмдорнинг уз оғзидан эшитмоқда эди. Малика узини эркин ҳис этиб, хондан сўради:

— Бу саҳронинг интиҳоси борми, унинг ҳудуди қаерда?

— Интиҳоси бор, албатта, — жавоб берди Умархон. — Бу саҳро гарбада — Марғилон билан Ҳўқандга, шарқда — Андижонга, шимолда — Наманганга, жанубда — Қува вилоятига туташади.

— У ҳамма жойда ҳам шу зайлдами? — деди у яна синчковлик билан.

— Йўқ, маликам, андак юрилгандан сўнг Сариқ Жуга номли табиий бир анҳорга дуч келамиз. Сариқ Жуга бу даштни иккига бўлиб, жанубдан шимолга қараб оқади. Жутанинг унги ва сул соҳилларида қўллар, тўқайлар бор. У ерлар илвасин билан балиқнинг кони. Ундан нареғи текислик дейишади, каклик, тустовуқ, бедана каби қўшлар, бури, тулки, тўнгиз, йўлбарс каби ёввойи ҳайвонлар жуда сероб эмиш. Шу томонларда Камолтепа, Маслаҳаттепа номли икки тепалик ҳақида миш-мишлар бор, лекин уларни уз қўзлари билан кўрган одамни учратганим йўқ. Умуман, бу томонларда инсон қадами етмаган жойлар кўп.

— Шаҳаншоҳим яқинда рус савдогарларига савдо ёрлиқлари берган эдилар, — қутилмаган мавзуда гап бошлади малика, — уларга қандай матолаер керак эмиш?

— Уларни тери, жун, пахта, ипак каби нарсалар кўпроқ қизиқтиради, чоғи. Хуш, маликам, бунда бирор ҳикмат борми?

— Шаҳаншоҳимнинг қаламравларида¹ Дашти қипчоқ билан Олойдан бошқа жойларда қорвадорликни ривожлантирмоқ мумкин эмас, чунки утлогимиз йўқ. Бунинг устига халқ зич жойлашган шаҳар, қишлоқларда ер оз, аҳли зироат бир парча ерга муҳтож. Агар бу саҳрога сув чиқарилиб, бу ерда бир шаҳар бунёдга келтирилса, деҳқонлар ерсизлик жафосидан қутулиб, бу қақраган дашт элга — дон, ҳайвонотга — сомон берарди.

Умархон бош қимирлатиб маъқуллагандай бўлди-да, жануб тарафга назар солди. Узоқ-узоқларда садарайхон сингари қора бир нарса намоён бўлди. Ҳукмдор отини шу тарафга бурди. Бошқалар унга эргашдилар.

Моҳлар ойим эрини оғир фикрлар тазйиқидан қутқариб, унга бир оз дам бериш ниётида эди. Шунинг учун у малика бўлиб эмас, рафиқа бўлиб истигнолаңди, жиддий муҳокамадан ҳазил-мутойибага кўчди.

— Бир нарсадан жуда афсусланаман, шаҳаншоҳим, — қулимсираб деди у, — агар... айтаверайми?

— Айтинг, айтинг, маликам, нимадан афсусланасиз? — қизиқсинди ҳукмдор.

¹ Қаламравларида — ҳукм-фармонлари утадиган жойларда, қул остингиздаги ерларда, сизга қарашлик вилоятларда, дейилмоқчи.

— Агар бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман, — деди малика эри билан маъноли куз уриштириб.

— Бир эмас, минг бор кечдим, — деб ҳотамлик қилди ҳукмдор, — қани, марҳамат қилиб таассуфнинг сабабларини шарҳ қилинг!

— Лутфи шоҳоналари учун ташаккур, — кула-кула деди малика, — таассуфнинг боиси шулким, бу канизи бетамиз шошилиб Марғилон ҳокими Умарбекка тегмаганда, Фаргона ҳукмдори Умархонга теккан бўларди.

Умархон хандон уриб юборди, малика ҳам кулгидан узини тиймас, кулган сари гузалашарди.

— Бунда нима фарқ бор? Марғилон ҳокими Фаргона ҳукмдори бўлганда ҳам Моҳлар ойим ёнида-ку! — эркалаган оҳангда суз қотди Умархон.

— Тугри айтадилар, шаҳаншоҳим. Бир жиҳатдан қараганда бепарқдай, аммо иккинчи жиҳатдан қараганда катта тафовут бор.

— Яъни?

— Яъни Фаргона ҳукмдори бизникига совчи юборганда, мен бами-соли Ширин, бир шарт қўяр эдим.

— Қандай шарт қўярдингиз?

— Хоннинг совчиларига, бориб ҳукмдорга айтинг, агар у зоти олийлари бу бадбуруш қизни ҳамхоналикка раво кўрган бўлсалар, аввал Ёзёвонга сув чиқарсинлар, шу ерда бир шаҳар бунёд қилсинлар.

Агар шу шартимни бажо келтирсалар, мен шаҳаншоҳнинг хотинлари эмас, канизакалари булишга ҳам розиман, деб туриб олардим...

Умархон қаҳқаҳадан узини тудоламас, жилмайиб турган бу ҳаёт фариштасидан қўзларини узоламасди. Ахирги узини тутиб, сўради:

— Бордию хон бу шартга кўнмаса-чи?

Моҳлар ойим фавқулодда ҳозиржавоб эди:

— Кўнмасдан иложлари йўқ эди!..

— Нечун?

— Шунинг учунки, подшоҳнинг ишқи бу «қурбақа»га тушгани ҳаммадан кўра менга равшанроқ эди...

Ҳукмдор билан малика хандон уриб қулишар, уларнинг бегубор кулгилари чул осмонида янграб, сайёдаларгача эшитилар, қўлларнинг ҳавасини келтирарди...

Узоқ сафар суворийларни толиқтирди, лекин ҳаммадан кўпроқ толиққанлар бояқиш қўшчилар эди. Ахир, шунча узоқ йўлда бир қўлини ҳавода тутиб, лочин, бургут кўтариб келиш осонми? Кошки бу жониворлар енгилроқ бўлса...

Сайёдлар кўп йўл юриб, кун пешиндан оққанда, Яккатол ва Ҳиндикуш мавзёига яқинлашиб қолдилар.

Узоқдан садарайхондек бўлиб кўринган мажҳул қора нуқта — чулда адашганларнинг раҳнамоси, яккаю ягона азим тол дарахти экан. Ун киши қўл ушлашиб кучоқлаганда ҳам унинг асрдийда танасини қамраб ололмасди. Тўрт тарафга қараб тарвақайлаб усган шоҳлари бу жазира-ма саҳрода ярим таноб ерга соя солиб, саломат этиб келган сайёду сайёҳларни ўзининг роҳатбахш оғушига оларди. Бу толини ким, қачон экканини ҳеч ким, ҳатто кекса сайёдлар ҳам билишмасди.

Саҳро — рандаланган тахтадек теп-текис, ун қақирим ерга битта тухум қўйилса кўрингудай...

Бундан икки кун муқаддам озиқ-овқат ортиб келган туя қарвони бу қақир масканга хийла оройиш берганди. Яккатол соясига туртта чодир тортилибди. Булардан бири шаҳнишин, бири хонаи хос, бири ҳарам, яна бири жорияларга аталган чодир эди.

Булардан сал четроқда яна ун чодир тортилганки, булар вази-

вузаролар, шоирлар, шоҳнинг шахсий муҳофизлари учун истироҳатгоҳ вази фасини утарди. Ҳаво иссиқ булганидан шахнишин билан вазирларга аталган чодирлар орасига гиламлар ёзилиб, шоҳи якандозлар тушалган, юмшоқ парқулар қўйилган; хуллас бепоён саҳрода шинам, сулим бир маскан бунёда келган...

Эллик-олтмиш қадам нарида сарой баковуллари қозон-товоқ, учоқ-бошидаги ишлар билан шугулланардилар.

Умархон Марғилон ҳокими экан чоғида бу даштда ташналик азоби ни бир карра тортиб кургандан кейин, Яккатолда икки қудуқ қаздириб қуйганди. Агар шуларнинг зилол сувлари булмаганда, бу ерни қароргоҳ қилиб бўлмасди.

Хон уз яқинлари билан шу ерга қўниб, овчи қўшиннинг асосий қисмини Ҳиндикуш мавзеига жунатди. Ҳиндикуш сизоб сувлар оқадиган катта анҳор, унинг қаердан бошланиб, қаерда тугашини ҳеч ким билмайди. Одамлар бу анҳорнинг мудҳиш номига қараб, бу ерда қароқчилар бирорта ҳинд сайёҳини уддирган бўлсалар керак, деб тахмин қилишади. Ким билади, балки қароқчилар ҳинд сайёҳини эмас, савдогарини уддиргандир, талагандир...

Ҳиндикуш Яккатолдан беш чақирим шарқда, унинг қирғоқларида устан тол, қайрағоч каби дарахтлар ям-яшил бўлиб, бу ўлик саҳрода ҳам ҳаёт борлигини исбот қилиб турарди. Навкарлар ана шу сероб жойга қўнишди.

Сарой хонимлари тушган аравалар чўл билан юрмай, Қўқон-Андижон йўлига тушиб олганди. Бу йўл бир неча қишлоқларни, жумладан, Марғилоннинг шарқий шимолидаги Қоратена қишлоғини оралаб чўлга чиқар, саҳрони икки қисмга бўлиб, Яккатол ёнидан, Ҳиндикуш орқали турги Андижонга қараб кетарди.

Кун аср билан шом ораси. Қуёш уфққа бош қўйиб, чўлга аргувоний нур таратмоқда. Бутун борлиқ доларанг тусга кирган. Ҳатто оқ чодирлар ҳам қирмизи товланади. Қўнғир саҳро ҳам, қуриб сарғайган гиёҳлар ҳам қизил, қизғиш кўринади. Осмонда санқиб юрган оқ булут эса, бир четига қон теккан рўмолчани эслатади. Қирмизи нур ҳавода шу қадар қуюқки, унинг шарофатидан рангпар юзлар ҳам қизариб кетганди.

Шу аснода сарой хонимлари тушган аравалар ҳам етиб келди. Жамоат жам бўлди, ювиниб-таранишди. Йўл губори кетиб, одамлар енгил тортишди. Ҳамма очиққан, ҳамманинг иштаҳаси карнай. Бугун тушки ва кечки таомлар бир йўла дастурхонга қўйилди.

Кеча туя карвони билан бирга келган сайёҳлар бу кунги дастурхоннинг тукин-сочин бўлиши учун яхшигина гамҳурилик қилишибди. Дарҳақиқат, бу шоҳона дастурхонда нима ҳам йўқ! Ҳамма нарса муҳайё: тустовуқ шурваси, қовурилган ва димлаб пиширилган урдак, гоз, қирговул гўштлари, Ҳиндикушдан овланган лаққа, чўлтон ва сузан балиқлари чўғда кабоб қилиниб, ёғда қовурилиб, пайдар-пай келтирилмоқда. Аммо газаклар шу қадар хилма-хил бўлишига қарамай, шароб тортилмаганди. Афтидан, баковулбоши, одамлар андак тамадди қилишсин, дея шароб тортишни пайсалга солиб турарди. Охири сирланган кўзаларда шаробу чинни қадаҳлар — жонон пиёдалар келтирилди. Пиёлага қўйилган қаҳрабо рангли мусаллас — эритилган олтин сингари товланиб, майга бўлган майлни оширарди...

Лекин ҳукмдор бу кунги утиришни узоқ чўзмади. Тонготарда овга чиқилади, бинобарин, йўлда ҳориб келган одамларга дам бериш зарур.

Илк саҳарда хон уз яқинлари ва малика Моҳлар ойим рафоқатида Ҳиндикушга етиб келди. Бу ерда навкарлар шай бўлиб турган эдилар. Улар дарҳол ов асбобларини олиб, йўлга чиқишди.

Миришкорнинг фармонида мувофиқ, сайёҳларнинг биринчи қисми балиқ овлади, иккинчи қисми урдак, гоз, қирговул отади, учинчи қисми кўён, тустовуқ, бедана қидиради, туртинчи қисми кийик, бури, агар дуч келса, йўлбарс овлайди. Хулласи калом, ҳеч кимга зиён-заҳмат, озори тегмай сувда сузган, ҳавода парвоз этган ҳамма жониворларга қарши ҳўл бало ёпирилиб келарди.

Одамзотнинг шафқат, марҳамат ҳақидаги тушунчасида қанчадан-қанча зиддият бор? Мусичанинг ини бузилса, раҳмимиз келади. Каптарга камалак отган болани койиб берамиз, битта товўқни олиб кетган ёки битта қўзига чов солган бурини йиртқич деб атаймиз-да, ўзимиз шу жониворларнинг минг-минглаб қирилишидан завқ оламиз, ҳаловат топамиз...

Қуёш найза бўйи кутарилганда ҳукмдор бошлиқ сайёҳлар Сариқ Жута соҳилига етиб келишди. Қуён, тустовуқ, бедана овлаши лозим бўлган учинчи гуруҳ анҳорнинг чўл соҳилида қолиб, бошқалари аста-секин Жуганинг омонат кунригидан утиб оддилар. Бу ерда — йўлнинг унг ва сул қирғоқларида қамиш устан табиий қўллар мавжуд бўлиб, ҳукмдор айтгандай — балиқ ва илвасиннинг қони эди. Сайёҳларнинг биринчи, иккинчи гуруҳи шу ерда қолдилар. Ҳукмдор эса, туртинчи гуруҳ билан бирга йиртқич ҳайвон излаб, яна илгари кетади.

Икки юзлаб одамнинг бирга юриши овчилик мантиқига сиғмайди. Иккита-иккита, туртта-туртта бўлиб юргани маъқулароқ. Шунда биёбоннинг аламжон¹ сатҳини қамраб, қуршаб олиш мумкин, шунда бирига чап берган ов иккинчисининг уқига нишон бўлади.

Ҳукмдор навкарларига шомгача қароргоҳга қайтинглар, деб амр этди-да, ўзи малика рафоқатида чангалзорга кириб кўздан гойиб бўлди.

Турги, хоннинг шахсий муҳофизлари ҳукмдор билан маликанинг ёлғиз кетишларидан хавфсираб эътироз этдилар. Аммо у, ёшлик ва шоҳлик гурури билан мана бундай илтифот қилди:

— Бу даштда бизнинг ҳаётимизга таҳдид қиладиган одамизот йўқ. Малика билан биз табиат огушида эркин сайр этмоқчимиз, сизларда ҳам бу хоҳиш йўқ эмас, албатта. Бордию қаршимиздан бури чиқса — отиб улдирамиз, йўлбарс чиқса — йўл бермаймиз! Демак, хавфсирашнинг ҳожати йўқ. Аср билан шом орасида биз ҳам қароргоҳда бўламиз.

Подшоҳнинг ҳукми вожиб, нима ҳам деб бўлади. Муҳофизлар лом-мим демай, отларининг бошини бошқа ёққа буришди.

Нафсиларини айтганда, подшоҳнинг ҳозирги амри оқилона эди. Дарҳақиқат, ёш эру хотин саҳрода сайр этганда, соқчиларнинг садоқатидан қатъий назар, номаҳрам кўздан нари юрган маъқул-да...

Бир-бирига тўймаган бу ошиқ-маъшуқлар подшоҳлик юкини елкаларидан иритиб, табиат огушига кирганда, узларини жуда енгил, ута бахтиёр, озод ҳис этишди. Моҳлар ойим бошидаги қалпоқни олиб, турмаклар қўйган сочларини қўйиб юборди. Иккита қилиб урилган қуюқ қора соч — оқ жужунча камзул устида бир гўзал эди. Майин нур

¹ Адамжон — жуда кўп маъносидаги оламжаҳон сузларининг қисқартирилган шакли. Фарғоналиклар, кўп одам келяпти, урнига аламжон одам келяпти, деб ҳам айтадилар. (Т.Ж.)

сочиб турган оппоқ чехрага, табассум аримаган кўзларга қараб тўймасди ҳукмдор. Узи завққа тулиб, ичида мана бу сатрларни ўқиди:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...

Икки ёш чангалзор ва тўқайларни кеза-кеза Камолтепа мавзеига етиб келганларида хоннинг қонжигасида иккита тулки териси осилиб турарди. Демак, овлари юришган — шикорлари барор эди.

Камолтепа эса устида саргайган гиёҳлари билан туя жунидан туқилган кирғиз ўтовига ўхшар-у, жуда баҳайбат, жудаям баланд кўринади. Унинг айланаси минг қадам, баландлиги икки терак буйи. Тепанинг шимол томонидан, унинг доманасини ялаб сизоб сувлар анҳор булиб оқиб ёғибди. Анҳор буйидаги азим чинорларнинг баъзи япроқлари саргая бошлаган эса-да, узоқдан ҳамон ям-яшил кўринади.

Разм солиб қаралганда истироҳат учун бу биебонда шу ердан кура муносиброқ жой йўқ. Сувориларимиз отдан тушишди. Анҳор суви шу қадар тиниқки, унда одам ўз аксини куради. Йўқ, янгилишим, ўз аксинигина эмас, сув ости салтанатини, балиқлар базминини кўриб баҳри дили очиларди...

Моҳлар ойим шу гузалликка маҳлиё булиб тураркан, ҳукмдорни сувости олами эмас, хотинининг сувдаги акси мафтун этганди. «Наҳотки одам боласи шу қадар латиф, шунчалар нафис булса?» — ифтихор билан ўйларди ҳукмдор. — Йўқ-йўқ, бу — фаришта, бу — пари...»

— Маликам эътибор қиялтиларми, — деди ҳукмдор эркалаб, — сув париси ҳам ўзларига монанд кўринади.

Малика фахрлиниб кулганда, «сув париси» ҳам унга тақлид қилиб гузаллашди, жуда чуқурда сузиб юрган балиқлар, гўё маликага таъзим этгандай, сувдан бир газ-бир газ сахраб, анҳорни чайқатиб юбордилар, сув тўлқинланиб, «сув париси» гойиб булди, аммо малика ажиб хаёлларга ботиб, ҳамон қотиб турарди...

Тушлиқдан сўнг ҳукмдор билан Моҳлар ойим Камолтепага чиқишди. Бу ердан теварак-атроф жуда яхши кўринади. Тепанинг жануб томони ажриқ билан қопланган текислик, шарқ томони тўқай, шимол томони ёввойи жийда, турангу каби чўл дарахтлари бир-бирига туташиб кетган қумлоқ эди. Ҳукмдор турангузорга тикилиб қолди. У ерда баҳайбат бир йўлбарс ўз қурбонининг этини суяғидан ажратиб турарди.

Йўлбарс ови жуда хатарли иш. Нишонни тўғри ололмаган сайёда ўзи қурбон булади. Буни ҳукмдор яхши биларди.

— Хоним, — деб хитоб этди ҳукмдор, — кўряписизми, ҳу турангу тагида олачипор бир ҳайвон алланимани гажиб ётибди. Бу — йўлбарс. У жуда йиртқич ҳайвон, ҳар нарсага дафъ қилади. Сиз шу ердан қимирламаманг. Мен у билан олишиб кўраман!..

Моҳлар ойим ҳанг-манг булиб, ранглари учиб кетди. Нима дейишини билмасди. Гўё эри муқаррар ҳаёқатга кетаётгандай ҳаяжон ичида ёлворди:

— Шохим, йўлбарс жуда узоқда-ку... У бизга дафъ қилмагач, сизнинг унга дафъ қилишингиз не ҳолат?..

— Маликам, эҳтимол мен ёмон шохдирман, лекин яхши сайёдман. Сайёдлар бундай овни қўлдан чиқармайдилар!..

Ҳукмдор шу гапларни айтиб, шитоб билан пастга тушиб кетди.

Моҳлар ойимнинг ҳозирги рўйи ҳолати тасвирга буйсунмасди. Ногаҳонийлик уни сархуш қилиб қўйганди. Ҳозир икки ҳукмдор: Фаргона хони билан тўқайлар ҳоқони жангга киришади. Оқибат нима булишини, Азроил қайси бирининг бошида қанот қоқиб турганини бир Оллоҳдан ўзга ҳеч ким билмасди. Моҳлар ойим қўлларини баланд кутариб, Танг-

ридан ҳифзу ҳимоят сўрарди: «Худое худовандо, сендан ўзга такъягоҳимиз йўқ. Шохимни ўз паноҳингда асра! Узинг берган бахтимни узинг тортиб олма! Мени ноумид этма!..»

Ҳукмдор тепалиқдан пастга тушгунча минг хаёлга борди. Йўлбарсга отда ҳужум қилиш керакми ёҳуд аста пусиб борган маъқулми? Пусиб бориш — ўта хатарли, мабодо нишонга уролмасанг, йўлбарс бало-қазодек ташланиб, бир онда тилка-пора қилиб юборади. Отлиқ ҳужумнинг ўз афзаллиги бор: ўқ тегмаган тақдирда қилч билан ҳамла қилиб, жангни давом эттириш мумкин. Сўнгра пусиб бориш — қўрқоқликдан бошқа нарса эмас! У, оқ тулпорига миниб, йўлбарснинг йулини тусишга аҳд этди.

Хон кечувдан утиб, йўлбарс турган майдонда пайдо булиши билан Моҳлар ойимнинг баданини совуқ тер босди. Ранг-кути учиб, пахтадек оқариб кетди. Ҳаяжонининг зуридан юраги сиқилиб, қандайдир бир дара сеза бошлади... У қимир этмасди, гўё бутун вужуди кўзга айланиб, гоҳ эрини, гоҳ йўлбарсни кузатарди...

Ҳукмдор йўлбарсга яқинлашди. Йиртқич от шарпасини сезиб, қонли дастурхонига «фотиҳа» ўқигандай арилади. Хон уни нишонга олди, лекин ҳали узоқ, яна ҳам яқинроқ бориш зарур. Тўқ йўлбарснинг ҳамлага ҳафсаласи булмаса ҳам, ўз оёғи билан келган «насиба»ни қайтаргиси келмади. У ҳам бир неча қадам орқага тисланиб, сапчиб ҳамла қилишга ҳозирланарди.

Миришкорлар, шер билан йўлбарс тусатдан тўқайда дуч келишса, бир-бирига қараб қотиб қолади, ҳамла қилиш учун пайт пойлайди, рақибнинг киприк қоқишини кутиб туради, дейишади.

Ҳозир ҳукмдор билан йўлбарс ҳам шу ҳолатда эди, ҳамла учун қулай пайт пойлашарди. Йўлбарс ўз рақибини йигирма беш, уттиз қадам масофага келишини кутарди. Бу масофада у наъра тортиб, шиддат билан сапчиганда филни ағдаргудей қудрат касб этади. Аммо ҳукмдор унчалар яқин келмади, элик-олтмиш қадам масофада тўхтаб, душманни нишонга олди. Қаеридан отиш керак? Ўқ юрак ё мянга теккандагина бу девдай йиртқич қулаши мумкин. Бордию енгилроқ ярадор бўлса, алам, жаҳд билан ташланиб, отни ҳам, овчини ҳам пора-пора қилиб юбориши ҳеч гап эмас.

Рақиб томоннинг сусткашлиги йиртқичнинг жаҳлини чиқарди, у бонг уриб, наъра тортиб, ҳамлага ҳозирланди. Аммо шу онда отилган ўқ йиртқичнинг юрак-бағрини ёндириб ўтди. Йиртқич жон талвасасида бўкириб, одам буйи сақради-да, ҳолсизланиб қулади. Ҳукмдор ундан кўзини узмай, ошиғич равишда милтиқни ўқлади, яқинроқ бориб такрор ўқ узди. Йўлбарс типирчилаб-типирчилаб жон берарди. Хон елкасидаги огир юкни ташлагандай «уфф...» деб юборди.

Йўлбарс ўлган эса-да, асаблари ҳамон ҳаракатда: гоҳ оёқлари, гоҳ қулоқлари, гоҳ буйини қимирлаб турарди.

Ҳукмдор улик йўлбарсга тикилиб огир хаёлга чумди. Тўқай ҳоқони салобатлигина эмас, жуда гузал эди. Қизилга мойилроқ сариқ холдор пўстин унга жудаям ярашар, салобатини оширарди. Гўё шу саҳронинг кўрки эди.

Бу жангда хон галаба қилди-ю, галаба унга нашъа эмас, алақандай рўхсизлик, шикастадиллик келтирди: «Нима қилиб қўйдим, нега бу жониворни ўлдирдим? Нега йиртқич бизга эмас, мен йиртқичга дафъ қилдим, уни маҳв этдим?»

Ҳукмдор огир фикрлар тазийқида эзиларди; юрагидан чиққан беомон саволларга жавоб тополмасди. У йўлбарс билан олишишга отланганда шуҳрат асирди эди. Йўлбарсни ўлдириб, мурдаси устига чиқмоқчи, маликани чақириб, қандай эр эканини намойиш қилмоқчи эди. Аммо

ҳозир бирдан қабих бир қилмиши хотирига келиб, кўзларини чирт юмиб олди...

Ҳайҳот, кўз юмиш билан юрак таъқибидан қочиб қутулиб буларми-ди? Ҳукмдорнинг кўзлари юмуқ эса-да, ҳаёл кўзлари олдидан бошқа бир манзара ясов тортиб утарди...

Кеч куз. Қурама тоғларининг этаги эди. Овдан сунг, Олимхон уз аёнлари билан кайфу сафо қилаётганда тўсатдан икки йулбарс қароргоҳга ҳужум қилиб қолди. Бир нафасда ҳаммаёқ тўс-туполон бўлиб, қий-чув кутарилди. Ваҳимага тушган навкарлар узларини қаерга уришни билмасди. Йулбарслар наъра тортар, уларнинг овозлари тоғлардан аксадо бериб, ҳаммани даҳшатта соларди. Одамхур йулбарслар қутуриб букиришар, чов солар, чангалларига тушган навкарларни бурдалаб, ҳайқирганча янги қурбон излашарди...

Олимхон бу балони дафъ эта олган навкарларга мукофот ваъда қилди. Аммо саросимага тушиб қолган навкарларнинг пала-партиш уқ узишлари йиртқишларга зиён-заҳмат етказмай, жаҳлларини чиқарарди, холос.

Ана шу аснода майдонга икки суворий кириб келди. Бу пайтда нармода йулбарслар ун тўрт одамни бурдалаб ташлаб, янги қурбонларни қувиб борарди. Суворийлар одамхур йиртқишларни нишонга олиб, ҳайкалдек қотиб қолишди. Бирин-кетин узилган уқлардан ҳар икки йулбарс букириб қулади, шу билан мода йулбарс ер тишлаб қолди-ю, нар йулбарс ҳайбати наъра тортиб, яна ҳамлага ҳозирлана бошлади. Бироқ шер юрак суворийлар шамол тезлигида етиб келиб, мажруҳ йулбарснинг бошига қилич солишди...

Ҳамма иш об-соб бўлгандан кейин суворийлар йулбарсларнинг мурдалари устига чиқиб, хавфу хатар утганини намойиш қила бошладилар. Узоқ-узоқдан туриб бу жангни томоша қилган навкарлар, айниқса Олимхоннинг қувончи оламга сигмасди: чунки бу баҳодир йигитларнинг бири унинг ўғли Шоҳруҳбек, иккинчиси укаси Умарбек эди. Ўзини Амир Темурнинг сояси деб юрган бу жангжуй ҳукмдор уз хонадонидан шер юрак саркардалар чиқаётганини кўриб, суюнганидан кўзларига ёш олди, уларни ардоқлади, навозишлар қилди...

Кейин, орадан тўрт-беш кун утар-ўтмас, Тошкентда сипоҳилар қўзғолони бошланди. Жангу жадаллар жонига теккан сипоҳилар золим, можарогўй Олимхонни ўлдириб, ҳудожуй, хушфеъл, хуштавозеъ Умарбекни хон кутаришди.

Умархон эса, тахтта чиқиши билан қандайдир шайтоний васвасага учиб, тахт даъвоси эҳтимолидан ҳадиксираб, беёзиқдан-беёзиқ Шоҳруҳбекни қатл қилди.

Эсингиздами, юқорида ҳукмдор: «Тахт ворислари олдида икки йул бар: бири — дор, бири — тахт...» деган эди. Дарҳақиқат, узи ҳам тахтни деб Шоҳруҳбекни дорга торттирган эди.

Шу тариқа Умархон фараз этилган тахт ворисидан энгилгина қутулди-ю, лекин унинг руҳи-арвоҳи таъқибидан сираям қутулолмади. Мана ҳозир ҳам улик йулбарс устида экан, бир шарпа эшитилгандай будди: бора-бора у одам қиёфасига кирди. Бу хушсурат, сарвқомат йигит — Шоҳруҳбек эди. Қизиқ, унинг юз-кўзларидан таъна эмас, юмшоқ табас-сум порларди, у ҳаммаша шундай эди... Умархон уни ўлдириб, тинч ҳукмронлик қилмоқчи эди, аксинча бўлиб чиқди — уз оромини йўқотди. Шоҳруҳ тунда тушига кириб, кундузи хотирига тушиб, муттасил таъқиб этарди уни. Мана букун, шу узоқ саҳрода ҳам орқасидан изгиб юрибди!..

Хон кўзларини очиб, чуқур хурсинди. Кунгли вайрон, хотири парижон эди унинг...

Ҳукмдор тепаликка қараб, у ерда кузатиб турган маликага, тушинг,

деб ишора қилди, аммо Моҳлар оймнинг юраги ҳали ҳам бу еққа тушишга дов бермасди. Тугри, йиртқиш ўлди, хавфу хатар ўтди, буниси аниқ. Лекин йулбарс — йулбарс-да, унинг улигида унта тирик бурининг ҳайбати бор, одам ҳайқади... Тугриси, маликанинг назарида йулбарс ҳали улмагандай, дафъ қилиш учун пайт пойлаб ётгандай туюларди. Моҳлар оймнинг кунгли гаш бўлиб паспта тушди. Отига миниб, ҳукмдор ҳузурига борди, лекин унга бир оғиз сўз деганча бўлмай, туқайдан юзга яқин қуроли йигитлар чиқиб эру хотинни ураб олишди. Номаълум йигитларнинг уст-бошлари юпунроқ бўлса ҳам, қурол-яроғлари подшоҳ муҳофизларининг қуролларидан қолишмасди. Уларнинг бири ниқоб кийиб олибди.

Ҳукмдор ошиғич равишда қиличга қул узатди.

— Шошилманг шаҳзода! — фармон берди ниқобдор, — сиз битта йулбарсни ўлдирдингиз, бу ерда юзта шер бор — барига бас келолмайсиз! Қаршилиқ қилсангиз жонингизга жабр қиласиз! Сиз асирсиз, қандай вазиятда эканлигингизни унутманг!

Ниқобдор ўзига ишонч билан, дадил туриб фармон берди. У голиб қушин саркардасидай тугарди узини. Ажабо, нега у ҳукмдорни «шаҳзода» деб атади. Демак, асирини таниди, лекин ҳозир у «шаҳзода» эмас, шоҳ эканидан беҳабар шекилли.

У қуйнидан иккита румол чиқариб, хонга узатди:

— Кўзларингизни боғлаб оласиз, бу — шунинг учун шарт!

Моҳлар ойм ўзининг ҳам, эрининг ҳам ҳаётидан ташвишланиб, изтироб чекарди; ҳукмдор эса, тақдирнинг бу совуқ ўйинидан диққат эди. У ҳозир ҳалокатдан эмас, таққирдан чучирди. Дарҳақиқат, бу номаълум тўда хонни хотини олдида ўта беҳурмат қилиши, унинг шаънига ювилмас доғ тушириши мумкин. Буни куришдан улиш афзал!

Ҳукмдор кузини боғлашдан олдин ниқобдорга қараб сўради:

— Кимнинг қулида асир эканимизни биласак булар?

— Сиз «Олтин бешик»ни¹ тебратганлар қулидасиз! — деди гурур билан ниқобдор.

— «Олтин бешик»ни тебратганлар, — дилда такрорлади ҳукмдор.

— Таажжуб, булар ким бўлди? Акамнинг тирик қолган болаларини? Улар «Олтин бешик»ни тебратганлар эмас, олтин бешикда тебранган-

¹ «Олтин бешик» — Фаргона хонлари уз шажараларини Бобур мирзо орқали Амир Темурга олиб бориб тиркайдилар. Китобдан-китобга кучиб юрган шоирона бир ривоят бор, шу ривоятга қараганда Шайбонийхон 916 ҳижрийда (1510 йилда) шоҳ Исмоилдан энгилиб ҳалок бўлади. Бу хабарни эшитган Бобур мирзо Афғонистондан қушин тортиб, бобоси Амир Темурнинг пойтахти Самарқандни яна босиб олади: Лекин толей бу гал ҳам Бобурга қулиб боқмайди. Орадан ярим йил утар-ўтмас Шайбонийхон авлодларидан Убайдуллахон Бобурга қарши бош кутаради. 912 ҳижрийда (1512 йилда) Самарқанд учун Бобур мирзо билан Убайдуллахон қушинлари орасида қаттиқ жанг бўлади. Шу жангда Бобур қушини тор-мор этилади. Бобур Мирзо икки хотини, ўгли, хазинаси ва бир неча аёнлари билан аранг қочиб қутулади. У Самарқанддан Фаргона водийси орқали қочиб Ўшгача боради. Терак Довонни ошиб, Қашқар-Ҳиндистон йулига чиқиб олади. Ана шу қувгин даврида Бобурнинг Садафак исми хотини ҳомилдор эди. Қочоқлар Хужанд билан Конибодом оралигида кетаётганда Садафакни тўғоқ тутиб, кузи ёрийди, ўгли кўради. Душман таъқиб этиб турганда чақалоқни отлик олиб қочиши — гўдак учун муқаррар ҳалокат. Нима қилиш керак? Ота-она масаҳат қилиб, чақалоқни қимматбаҳо матоларга ураб, йул буйига ётқизиб кетишга қарор қилишади. Бобур видалашиш олдида, жа-воҳирлар қадалган камарини ечиб чақалоқнинг внига қўяди, яъни бирор йул-ловчининг кузи тушса, болани олиб кетади, гўдак омон қолади, деб умид қилади. Бошқача айтганда, болани муқаррар ҳалокатдан сақлаш учун эҳтимол қимоясига ташлаб кетишади.

лар-ку! Бас, ким бўлди булар? Балки бизнинг аждодларга садоқат билан хизмат қилиб муносиб тақдирланмаган кимсалардир?»

III

Отлиқлар шимол тарафга қараб йул олишади. Ҳукмдор билан маликанинг кузлари боғлиқ, отларини икки йигит етаклаб борарди. Улар тўқай ва қамишзорлар оралаб, қумлоқ ерларни кезиб, икки соат чамаси йул юришди. Бироқ хавфу хатар билан тўла бу муддат асирларга машаққатда ўтган умрдай жуда узоқ туюлди. Умархон ёшлигидан жангларда қатнашиб, улим билан олишиб юрган баҳодир бўлса ҳам, ёш умрининг бундай маъносиз хазон бўлишини сира ўйламаган эди.

«Подшоҳ, асорат... — хуноб бўлиб ўйларди ҳукмдор. — Акам-ку элга зулм қилди, ноҳақ қон тўкди, уни қон тутди. Аммо, менинг гуноҳим нима? Эл осуда бўлсин деб маъносиз жангларга хотима берганимми? Дарбадар совурилиб юрган аҳли фозилга нон ва макон берганимми? Наҳотки ўттизга кирмай, эзгу ниятларим билан бирга кумилсам?...»

Моҳлар ойим бўлса, ногаҳоний тасодифлардан сархуш бўлиб, миясига бирор фикр келмас, сас-садосиз, уқтин-уқтин бошини ушлаб борарди.

Ниҳоят бир манзилга келганда, яна ниқобдорнинг овози янгради:

— Шаҳзода, маликам, кузларингизни ечинг!

Ҳукмдор билан Малика кузларига боғланган румолларни олиб, атрофга қарадилар. Бу ер гўё яшиллик саатанати эди. Чор атроф ям-яшил; дала-тус, бог-роғлар яшил барқутта бурканиб, осмон гумбази билан ранг талашарди гўё.

Полиларда эса, кучоққа сигмайдиган қовун-тарвузлар палакларидан баландроқ кўтарилиб, йуловчининг иштаҳасини қўзғарди. Етилган анорлар япроқлар орасидан лахча чўгдек кўринар, томлардан баланд кўтарилган суриларда ҳусайни узум, қандайдир муътабар меҳмонга мунтазир бўлиб, қаҳрабодек саргайиб турарди.

Кизиги шундаки, бу ерда бирорта кекса дарахт йўқ. Уватлардаги тутлар, ариқ бўйларидаги тол ва тераклар, бог ва ҳовлилардаги мевали дарахтларнинг ҳаммаси ёш, кўплари эндигина мевага кирган ниқоллар эди. Эҳтимол бу ёшлик улкасидир, чунки ёшнинг аниқлаш мумкин бўлмаган ниқобдорни мустасно қилганда, асирлар ҳам, уларни қўришаб келаётган йигитлар ҳам ёш, навқирон эдилар.

Ажабо, кузи баҳордек фараҳбахш бу масканининг оти нима? Ростини айтсам, буни узим ҳам билмайман. Яхшиси асирларни кузатиб борамиз. Ахир, улар ҳам ҳайратда-ку. Эҳтимол сўрашиб қолар, ана шунда ниқобдор тушунтириб берар, албатта.

Шоир Мулла Шавқийнинг Фаргона хонлари тарихига оид «Шоҳнома» достонида бу аламангиз ҳолат қуйидагича баён этилган:

*Алар кетди ташлаб, дил абгор бўлуб,
Қолиб бу угул гиряда зор бўлуб...*

Бобур кетиши билан кўчадан шу атроф оқсоқоллари утиб қолади. Улар жавоҳирлар орасида ётган болани кўриб, бу гўдак муътабар хонадонга мансуб бўлса керак, деб ўз тарбияларига олишади, уни «Олтин бешик» деб аташади. Олтин бешикка кейинча уч хил ном қўйишади: 1. Қўтлуғхон, 2. Тангриёр, 3. Худоёр Султон. Шу ривоятга қараганда Фаргонанинг биринчи хони Олтин бешикнинг угли Тангриёр (Илик Султон) бўлиб, кейинги хонлар унинг невара-чеваралари эмиш. (Т.Ж.)

Мана, суворийлар бир маконга етиб келишди. Бу ер шаҳар тушунчасига мос келмас, чунки жуда кичик, бор-йўғи беш юзга яқин хонадон жойлашган эди. Буни қишлоқ ҳам деб бўлмади, чунки жуда озода, жудаям батартиб эди. Иморатлари пахса деворлардан бўлса ҳам, бир ипга тизилгандай қатор кетган. Кўчалар тушпа-туғри, шимолдан жанубга, гарбдан шарққа қараб бир-бирини кесиб ўтади. Разм солинса, бу беном диёрнинг тарҳи зур фаросат билан тузилгани сезилади, гўё улкан шатранж тахтасига ўхшайди бу маскан.

Шу маконнинг ўрта бир ерига келиб суворийлар отдан тушишди. Ҳукмдор билан маликани бир ҳовлига бошлаб кирдилар. Жаннатни ҳеч ким қурган эмас, аммо китобларда уни шундай таъриф-тавсиф қиладиларки, шу маънода булар кирган ҳовли ҳам бамисоли жаннат эди. Яна, қаерда, денг? Малика Моҳлар ойим «дўзах» деб ўқинган ташна саҳронинг қоқ ўртасида.

Сўриток остидаги супада бир мўйсафид китоб мутолааси билан машғул экан, у оёқ шарпасини эшитиб бошини кўтарди. Қариянинг кўзларидан, нуруний чехрасида бир элга етудек ақл ва меҳрибонлик бор эди. У ниқобдор билан йигитларни кўриб таажубланмади, аммо улар қўршовида келаётган ёш жувону яна танишдай туюлган бир сиймога термулиб ҳайрат бармогини тишлади. Қария ўрнидан туришга, бир нима дейишга улгурмай:

— Ассалому алайкум, устоз, — деб ниқобдор таъзим бажо қилди.

Ҳукмдор биринчи қарашдаёқ чолни таниди, бу зот Умархон ўқиган мадрасанинг бош мударриси Фахриддин Охунд эди. Фахриддин ёшлигида Мисрга бориб ал-Азҳар мадрасасида таълим олди. У тиббиёт илмлари билан, жумладан, табобат билан кўпроқ қизиқса-да, риёзиёт¹, фалсафа, мантиқ, фикх², фалакиёт³ илмларини четлаб ўтолмади. Қадимги шарқ ҳукамолари бу илмларнинг барчасида маҳорат касб этганлари сабабли, XIX аср ёшлари ўз истеъдодларини ҳисобга олмай, шуларга кўр-кўрона тақлид қилишар, оқибат бирор илмни таг-туғи билан урганолмай, чала мулла бўлиб қолардилар. Фахриддин мана шу машаққатли йўлни босиб ўтган, шу илмларнинг кўпида маҳорат касб этган камдан-кам сиймоларнинг бири. У мадрасани хатм қилгач, ун йил Мисрда қолиб, ал-Азҳар мадрасасида риёзиёт ва табобатдан дарс берди. Ёши эллиқдан ошгач, мусофирлик жонига тегиб, ўз ватани Фаргонага қайтиб келди.

XIX аср бошларида Миср Мусулмон Шарқининг маданий маркази бўлиб қолгани сабабли у ерга тааллуқли ҳар бир шахс Туркистон фузалолари орасида азизу мукаррам саналарди. Бинобарин, Фахриддин Охундни Қўқон уламолари зур иззат-икром билан қарши олишди.

Фаргона ҳукмдори Норбўтабий эса, махсус ёрлиқ билан уни сарой ҳакими лавозимига тайинлаб, айни замонда мударрислик қилишга руҳсат берди. Ана шу даврда Умархон Фахриддин Охунднинг дарсларига қатнаб, узининг уш тавозълиги, закийлиги билан кекса олимнинг ҳусни таважжўҳини қозонган, шунингдек, ўзи ҳам бу меҳрибон устозни севиб қолганди. Кекса олимнинг не тариқа бу ерга келиб қолганини унинг ўз оғзидан эшитган маъқул.

Қария тавозълини саломга алик олди-ю, яна ҳукмдорга кўз тикди.

— Кексалик қурсин, болам, — деди таажжуб-ла устоз, — тушимми, унгимми, билолмай турибман. Сиз шаҳзода Умарбек эмасмисиз?

— Каромат қилдилар, устоз, — деди ҳукмдор таъзим вазиятида, —

¹ Риёзиёт — математика.

² Фикх — қонушунослик.

³ Фалакиёт — астрономия.

хузури муборақларида ношуд, ноқисул ақл шогирдингиз Умарбек турибди.

Чол қучоғини очиб Умархонни бағрига босди ва унинг орқаларини силаб, қалтироқ овозда деди:

— Ундай деманг, шаҳзода, ношукрлик бўлади. Сиз тақдир ардоқлаган мумтоз кимсалар жумласидансиз. Сиз билан учрашиш ниятида эдим, лекин бу вазиятда эмас. Хуш, нима гап будди? Бу қиз — кимингиз?

— Рафиқам, устоз, иккимиз ҳам асирмиз.

Фахриддин Охунд маъноли қилиб, ниқобдорга қаради.

— Биз овга чиқиб эдик, — изоҳ берди ниқобдор, — Камолатепа атрофидаги йулбарсни шаҳзода отиб қўйибдилар. Қуруқ қайтмайлик деб нару мода шерни ушлаб келдик.

Ниқобдорнинг таққосида ҳайратомуз маъно бўлмаса ҳам «нару мода» калимасидан ҳукмдор ҳам, малика ҳам қизариндилар.

— Хайр, ҳеч боқиси йўқ, утган ишга салавот, — деди тасалли бериб устоз, — қани, марҳамат, супага утинглр.

Малика билан ҳукмдор супага чиқишди. Ниқобдор йигитларига рухсат бериб, ўзи ҳам супанинг бир четига утирди.

Оғир, эзувчи бир суқунат бошланди. Ҳаманинг юрагида гапи бор. Лекин нимадан бошлашни ҳеч ким билмасди. Ниҳоят, гапига даромад булар ниятида:

— Шаҳзода, сиз саркардани танимадингизми? — деб суради устоз қули билан ниқобдорга ишора қилиб.

— Афсуски, таниёлмадим.

Фахриддин Охунд, унинг кузлари, ўзингизни танитадиган фурсат келди-ку, деган маънода ниқобдорга қаради.

— Бу зот марҳум отангизнинг содиқ саркардаларидан Раҳим Безавол бўладилар.

Шу гапдан сунг Безавол юзидаги ниқобни кутарди. Ҳар елкасида бир одам ўтириши мумкин бўлган бу норғул, барваста одамнинг сочсоқоли мош-гурунч бўлса ҳам, ҳануз унда шер юраги, фил кучи бордай туюларди. Бу одамнинг кўз қарашида, қадду қоматида, ўзини туттишида, қандайдир лашкар кишиларига хос салобат, ҳайбат сезиларди. Норбутабий ҳукмронлиги даврида энг даҳшатли жангларда ҳам галаба қозониб, сиҳат-саломат чиққани учун уни Раҳим Понсат эмас, Раҳим Безавол деб аташган эди. Норбутабий бу саркардаси билан жуда фахрланар, угиллари Олимхон билан Умархон шу Безавол қулида ҳарбий таълим олган эдилар.

Безавол юзидаги ниқобни кутарди-ю, назокат билан маликага мурожаат қилди:

— Маликам, сизга муносиб эъзоз-икром кўрсатолмаганимиз учун кечирарсиз умидидамиз. Биз дағалроқ тоифамиз, касбимиз ўзи шундай, қизим... Энди озодсиз, истасангиз ичкарига кириб аёллар орасида ўтиришингиз мумкин.

Бир неча соатдан бери ўз ҳаётларини таҳлика ёстида деб ўйлаган Моҳлар оғим дағал саркарданинг мулоийм сузларидан ҳийла таъсирланган, ҳаётта умид билан қарай бошлаган эди эса-да, эрининг мажҳул тақдирини ҳамон уни ташвишга солар, ҳукмдорни, шу аҳволда қолдириб ичкарига киришни ўзига эп билмасди.

— Озодлик учун раҳмат, ота, — деди тавозе-ла малика, — мен жон деб ичкарига кирардим, аммо шаҳаншоҳимни қолдириб, бу ердан бирор қадам жилломайман, зеро бу алфозда ҳазрат олийларини ёлғиз қолдириш — мен томондан вафосизлик бўлур. Агар мамлакат ҳукмдори бирор жазога мустаҳиқ бўлса, малика уни баҳам қуришга тайёр... Бор-

ди-ю, менга кўрсатилган илтифот «муштилар» аёлга шафқат маъносида бўлса, мен бундай таҳқирга чиқолмайман! Биз тахтта бирга чиқдик, тобутга ҳам бирга тушамиз!..

Маликанинг баёноти учала эркакни ҳам ҳайратда қолдирди. Чунки эр зоти ҳамиша хотинининг вафосига, вафо ҳақидаги ваъдасига зор бўлади. Хотин вафоси — оиллага файз киритади, эрларга куч-қувват бағишлайди, унинг маънавий парвози учун қанот ҳам шу. Аммо бояқиш эрлар хотин вафосини ҳаётдан қура китобларда кўпрёқ қуришади, муҳом унга ташна бўлиб юришади. Бинобарин, хотин вафоси ҳақида шоир достонидан эмас, аёлининг ўз оғзидан эшитиш — эр зоти учун улуғ муқофот. Ҳозир Моҳлар оғим вафонинг жонли тимсоли, хотинлик оламийиғ мухтор вакили эди. Шунинг учун унинг сузларида зур маънавий куч сезилиб, ҳар қандай худбин эркакни ҳам таслим этарди.

Умархон тутқунликда бўлса ҳам ўзини бахтиёр ҳис эта бошлади, чунки эр тушунчасидаги энг юксак фазилат «вафо гавҳари»¹ ҳозир унинг хотини сиймосида намоён бўлганди.

Кўпни кўрган кексалар чуқур тафаккурга чумдилар. Фахриддин Охунд, гўе калима келтиргандай, юз туман нопок эрдан яхшироқ — пок хотунлар оғининг юзи, деб Навоий ҳикматини такрорларди дилида. Бутун умрини жангу жадалларда утказган Раҳим Безавол маликанин сузларига ҳарбийларга хос мантӣқ асосида баҳо беради. Унингча, бу сузларда вафо, садоқатгина эмас, эрларда ҳам камдан-кам учрайдиган жасорат бор эди. Яширишининг не ҳоҷати бор? Фахриддин Охунд ҳам, Безавол ҳам, киройи қизинг бўлса, шундай бўлсин, деб ич-ичларида ҳавас қиламоқда эдилар.

Ниҳоят кексаларнинг дилидаги ҳислар тилга келди.

— Мен ҳукмдор билан маликага дағалроқ муносабатда бўлдим, деб пушаймонда эдим, — деди Безавол, — ростини айтсам, энди ўз қилмишимдан розиман. Биз эркаклар ута худбинмиз: вафо, садоқат, жасорат, фидойилик фақат эр зотига хос фазилат деб юрамиз. Шунинг учун уйимизга ром ясаб берган устага ҳам пул берамиз, таъзим-тавозеъ қиламиз. Аммо шу уйда, ёнимизда яшаб, бизга фарзанд дунёга келтириб берган «уста»га лоқайд қараймиз. Қолбуки, бу уста бўлмаганда биз ҳам, ҳаёт ҳам бўлмасди. Мен шунинг учун ўз қилмишимдан розиманки, маликам, сиз менинг хотин зоти ҳақидаги тасаввуримни остин-устун қилиб юбордингиз. Мен ҳанузгача хотин зотидан бирор кимсанинг бундай жасоратга қобил эканига ишонмасдим. Сиз менинг қалтис муомаларимни қўриб, ёмон фикрларга борган кўринасиз. Бордию мен подшоҳ, сизлар эса, улимга маҳкум гуноҳкор бўлганингизда ҳам, шу жасоратингиз учун иккингиизга ҳаёт бағишлаган булардим, қизим...

Моҳлар оғим жилмайди. У бутун умрини жангу жадалларда утказган, уруш-ўлдириш билан ном чиқарган, шафқатсиз қўринган бу дағал саркардага ижобий таъсир қила олганидан мамнун эди.

— Менга боримдан зиёда баҳо берганингиз учун ташаккур, ота, — деди у, — лекин нафсиламри шулким, менинг урнимда сизнинг қизларингиз бўлганда улар ҳам ўзларини шундай тутган булурдилар.

— Бағдумонликка асос йўқ, она қизим, — меҳрибонлик билан тасалли бера бошлади Фахриддин Охунд, — ҳукмдорнинг ҳаётига ҳеч ким таҳдид қилаётгани йўқ. Бу жиҳатдан тамом хотиржам бўлишингиз мумкин. Биз кўпдан бери подшоҳ билан маликамни, яъни шоир Амирий билан шоира Нодирани бу дийерга таклиф этмоқчи, агар қулай вазият топилса, баъзи арзу ниятлар қиламоқчи эдик. Бу журғатнинг сабаби шулким, қизим, камина ҳам, саркарда ҳам ёш подшоҳ-

¹ Таъбир Навоийдан.

нинг ҳалим табиатини, эзгуликка майлини бошқалардан кўра яхшироқ биламиз. Борди-ю, шундай хайрихоҳ кимсалар, ўзлари истамаган ҳолда, меҳмоннавозлик қоидаларини бажо келтиролмаган бўлсалар, бу — ёвуз ният натижаси бўлмай, кутилмаган тасодиф оқибати деб қаралиши лозим.

Кекса олим шу сўзларни айтиб, Раҳим Безаволга қаради. Безавол унинг кўзларида, сўхбатни шу мақомда давом эттирган маъқул, деган маънони уқди-да, фикрларини тартибга сола бошлади.

Ҳанузгача лом-мим демай утирган ҳукмдор энгил хурсиниб, қоматини кутарди ва икки устозига бир-бир назар солиб, тавозеъ билан деди:

— Сўхбатдан маълум бўлишича, биз асир эмас, меҳмонмиз, душман қуршовида эмас, дўстлар даврасидамиз. Шоирнинг:

*Мавли гуралим найлар,
Найларса гузал айлар —*

дегани шу бўлса керак. Бизнинг кўзларимизни боғлаб, бу тарафга олиб келаятганларида, жаҳаннамга боряпмиз, деб ўйлаган эдик, кўзимизни очганда узимизни жаннатда кўрдик. Айтингиз-чи, устозлар, бу қандай диёр?

Безавол гўё шу саволни кутиб тургандай:

— Бу диёрни Дориломон дейдилар, — деб жавоб берди.

— Дориломон? — таажжубланди ҳукмдор ва давом этди, — мен Фаргонани жуда яхши биламан, лекин бирор вилоятда Дориломон номли шаҳар ёхуд қишлоқ борлигини хотирлай олмайтман.

— Таажжубланманг, шаҳаншоҳ, — деди Безавол, — сиз Фаргона хонлари қаламравидаги шаҳарларни яхши биласиз. Гарчи бу диёр Фаргонанинг юрагида бунёдга келган бўлса ҳам, Фаргона хонларига тобе эмас, озода диёрдир.

— Ҳеч нарса тушунолмадим, марҳамат қилиб батафсил шарҳ этсангиз. Чунки бир мамлакат ичида унга тобе бўлмаган шаҳар ёхуд қишлоқнинг мавжудлиги хилофий одатдир. У кимларнинг диёри?

— Дориломон, — деди Безавол салмоқлаб ва сал киноя оҳангида, — ўз ватанида ватангадо бўлганлар диёри; Дориломон — хонлар зулми ва зугумидан ҳаёти хавф остида қолганлар диёри, шаҳаншоҳим!..

Ҳукмдор ҳам, малика ҳам ерга қарадилар. Вазмин сукунат бошланди. Қуёш қиёлага қараб таъзим этар, гўё у ҳам ҳижолатда қолгандай, заррин нурлари аргувоний тусга кириб, тобора қизариб борарди.

Олимхоннинг зулмидан қочиб, бу чангалзорга маскан қўрган қочқарларнинг ҳаммаси ҳам бу зolimнинг ўлимини сабрсизлик билан кутардилар. Бинобарин, уни ўлдирган кимса ким бўлмасин, буларнинг халоскори эди. Ахир, Шарқ донишманди: «Душманининг душмани менинг дўстимдир» деб бекорга айтмаган! Шунинг учун Дориломон аҳолиси Олимхондан домангир бўлсалар ҳам, Умархондан рози эдилар, ёш хонга ҳеч кимнинг гина-қудурати йўқ эди. Бироқ буларнинг ҳукмдор билан учрашуви шундай тарзда руй бердики, шурлик Фаҳриддин Охунд вазиятни энгиллаштириш учун ҳар қанча уринса ҳам, гап қовушмай тургандек туюларди.

Албатта, зийрак ўқувчилар бу унғайсиз ҳолатнинг сабабчиси Безавол эканини яхши англаб турибдилар. Аммо нафсиламрини айтганда, Раҳим Безавол Олимхон билан келишолмай, бир қисм навкарлари билан бу чангалзорни макон этгандан буён, хон дарак топса, тепамизга қўшин тортади, деб хавфу хатарда яшардилар. Букун Қўқон тарафдаги қоровуллар, биебонда ёв қораси кўринди, деб хабар келтиргач, саркар-

да уч юз баҳодир йигити билан жангга чиққан эди. Камолтепага яқинлашгач, милитқ овозини эшитиб сергакланди. Юз нафар навкарини унг томонга, яна юз нафарини чап томонга пистирмага қўйиб, қолган юз баҳодирини билан ўзи олға қараб кетди. У, Камолтепа теварагида уч-тўрт юз кишидан иборат сарбозлар бор, деб ўйлаганди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Қуршовда фақат шоҳ билан маликани кўриб, бир оз иккиланган эса-да, шу ондаги жанговар руҳ, Олимхондан кўрган аламлири ёдига тушиб, нима бўлса-бўлар мақомда иш тутди, уларни асир тариқасида олиб боришни маъқул кўрди. Ҳолбуки, бунинг ўрнида бошқа сиёсатдон, тадбири, доғули табиатли одам бўлганда, дарҳол отдан тушиб, таъзим билан ҳукмдорнинг рикоб'ини бўса этар, ўзини неча йилдан бери шу олтин оғларини орзиқиб кутгандай қилиб курсатарди. Аммо бу жасур саркарда ундай қилолмасди, Раҳим Безаволдан буни кутиш амримаҳол, албатта.

Бунинг устига, Безаволнинг ҳозирги таъналари қанча ҳақиқат бўлса, шунча уринсиз эди. Шу сабабли, Умархонга қаттиқ ботди, у озор топди.

— Акамнинг гуноҳлари билан мени айблаш — адолатдан эмас! — эътироз этди ҳукмдор. — Эл орасида, қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар, деган матал бор. Олимхоннинг бақирдорлиги раъиятта аён-у, мендан сир эмас эрди. У бошқаларга фақат хон бўлса, менга ҳам хон, ҳам саркарда, ҳамда биродар. Шунга қарамай, биз раъиятнинг раъийга қараб, уни орадан кутардикким, бу ҳақиқат жанобларидан пушида эмас, албатта! Эҳтимол бу билан гуноҳи азим қилгандурман, эҳтимол бу журмим билан охиратим куйгандир, лекин мен Фаргона омон қолсин, деб бу ишга журъат этгандим. Бу — менинг тахт-шўҳратта ташнагим оқибати бўлмай, мамлакатдаги умумий вазият тақозоси эди. Бу ҳақиқатни душманларим узгача талқин этишлари, норасо одамлар моҳиятига етиб бормасликлари мумкин, аммо сиз каби ақли расо зотлардан таъна эшитиш — аламангиз, албатта.

Ҳукмдор унғайсиз ҳолатдан чиқиш учун устозлари олдида жон сирларини очиб ташлади. У тулиб-тулқинланиб гапирди, бу ҳол сузларининг таъсирини кучайтириб, эшитувчиларни ерга қаратиб қўйди. Кекса бир подшоҳ шу йўсинда гапирганда, унинг сўзларини, вазиятни юмшатиш учун қилинаётган бир макр, тулкилик деб шарҳлаш, унга ишонмаслик мумкин эди. Бироқ, кечагина тахтга чиққан йигирма олти яшар Умархоннинг сўзларида темир мантиқ, болаларча маъсумлик сезилиб турарди. Агар шу маъсумлик бўлмаганда, у ўзидан ҳам яширишга уринган жон сирларини очиб ташламас, акасининг ўлимига билфеъл иштирокига ишора қилмасди.

Ҳукмдор умумий вазиятни шарҳлашга киришганда, Моҳлар ойим қомшоқ бир нигоҳ билан гоҳ Безаволга, гоҳ Фаҳриддин домлага қарар, уларнинг кўзларидан дилларидаги ниятни ўқиб олишга интиларди. Қуз — юрак ойнаси. Тўғри, қузга қараб дилдагини пайқаш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди, лекин Моҳлар ойимдек ақли заколардан буни яшириб ҳам бўлмайди.

Моҳлар ойим қарияларнинг қалбига қуз ташлаб, шундай хулосага келди: Раҳим Безавол бир қарашда кўрқинчли туюлса ҳам, аслида хайрихоҳ одам экан. Фаҳриддин Охунд эса, тийнати пок, беозор, фаришгасимон бир одам. Бас, шундай кимсалардан не ёмонлик чиқсин?

¹Рикоб — узанги. Рикобини бўса этмоқ — узангисини ўпмоқ. Қадимги подшоҳларнинг тобелари ўз ҳукмдорларига садоқат ва муҳаббатни шу тариқа изҳор этганлар.

Худди шу аснода ичкаридан бир аёл чиқиб, тугри супа томон кела бошлади. Ёши қирқларга бориб қолган сарвқомат, хушбичим бу хоним Раҳим Безаволнинг хотини Салимабегим эди. Эрининг шон-шухрати бир вақтлар бу хоним учун Норбутабий ва Олимхон саройининг эшикларини кенг очиб, уни хоним ойимлар билан иноқлашувига сабаб бўлганди. Хушрўй, хушфезл бу жувон Норбутабийнинг хотини, қизлари ва бошқа аёнларнинг хотинларига жуда хуш келиб, сарой хонимларининг бирор мажлиси унингсиз ўтмасди.

Безавол Олимхон билан Бухоро амири орасида Уратена учун бўлган бемаъни жангларга қарши чиқиб, Олимхоннинг раъйини қайтардию ҳаёти хавф остида қолганини фаҳмлаб, бирдан гоийб бўлди. Мана, шундан бери Олимхон қўшини саркардасиз, хоним ойимлар суҳбати тузсиз таомдек бўлиб, қўшин узининг қўрқмас саркардасини, сарой хонимлари узларининг қувноқ суҳбатдошларини қўмсаб юрардилар. Моҳлар ойим ҳам буңдан тўрт-беш йил аввал Олимхон саройига меҳмон бўлиб борганда бу жувонни шу саройда кўрган, уңда Салимабегим яна ҳам ёш, яна ҳам зебо эди. Аёл издиҳомга яқинлашиб, умумий бир таъзим билан салом берди-ю, эри ҳузурда туриб қолди. Безавол «хизмат!» дегандай хотинига қаради.

Салимабегим майин, ёқимли овоз билан келишининг сабабини баён этди:

— Қишлоқ аёллари бизнинг кулбага ташриф буюрибдилар. Ҳаммаларининг орзулари малика Моҳлар ойимни бир куриш. Агар ёш хонимиз рози бўлсалар, мен маликамни ичкарига — аёллар даврасига таклиф этардим.

Ҳамма подшоҳга қаради, подшоҳ аввал хотинига, сўнг таклиф этаётган аёлга қараб:

— Малика бундай ишларда соҳиб-ихтиёр, хоним, — деб жавоб берди.

Малика эрига миннатдор назар ташлаб кўзгалди. Фахриддин Охунд буни маъқуллагандай: «Яхши, қизим, яхши... кабутар бо кабутар» деб кўйди.

Салимабегим маликанинг истиқболига келиб, икковлари самимий куришдилар. Мезбон узининг азиз меҳмонини ичкарига бошлаб бораркан, унга меҳр билан боқиб:

— Маликам, бу канизларини эслай олдингизми? — деб сўради.

— Нега эсламай? Сиз сарой хонимларининг гули: муҳтарама Салимабегимсиз. Сиз ҳали ҳам сарой хонимлари оғзида дostonсиз, бегим... — деди Малика навозиш билан.

Гузаллар бир-бирини тан оламайди, тилга кириб бири иккинчисини мақтамайди, узга гузални тан олса, уз баҳоси пасайгандай туюлади уларга. Аммо Моҳлар ойим ҳаётдан нафосат излаб юрган аёл. Шунинг учун узгаларнинг чиройидан, бошқаларнинг фазилатларидан завққа тулиб, шулар билан ҳам фахрланарди.

Мамлакатнинг энг муътабар, энг гузал аёли тили билан айтилган бу илиқ сузлар, бу юксак баҳо Салимабегимнинг кунглини қувончга туладириб, у гул-гул очилиб кетди.

— Лутфи шоҳоналари учун ташаккур, маликам, — миннатдорчилик қилди Салимабегим, — лекин канизлари хусусида андак муболага қилдилар. Мен кимман? Саҳройи бир кампир...

— «Саҳройи бир кампир», — кулимсираб тақрорлади малика, — агар кампирлар сизга ухшаса, ҳамма қизлар тезроқ «кампир» бўлишга ошиқардилар. Сизни қиёмга келган офтобга қиёс қилиш мумкин. Офтоб бу даражага кутарилганда ҳам пурҳарорат, ҳам нурафшон бўлади, бегим...

Салимабегим маликани бошлаб ичкари ҳовлига кирганида, йулакнинг икки тарафида хотинлар саф тортиб туришарди. Ранго-ранг очилиб турган нафис кузги гуллар лабларида табассум, кузларидан меҳр томиб турган бу жонли гулларга қўшилиб, шинам, сулим ҳовли чинакам жаннатга айланган эди. Малика йулак бошида кўриниши билан ёш бир жувон кажава кутариб чиқди-да, гул баргидан йулакка поёндоз сепди. Шундан сўнг:

— Марҳабо, маликам.

— Хуш келибсиз, маликам!

— Нуридийда, маликам! — садолари янгради.

Бу қутлов овозлари ташқари ҳовлида ҳам баралла эшитилиб, Безавол билан ҳукмдор бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар.

Ҳеч қутилмаганда бу тантана маликани довдиратиб қўйди. У йулак бошида бир оз тўхтади-да, тавозе билан табрикларга жавоб бериб, аёлларга разм солди. Йулнинг ун тарафида, узидан ун қадам нарироқда Момо Ҳаводек кекса, нуруний бир кампирга кузи тушди. Малика гул поёндоз устидан оҳиста юриб бориб, шу кампир ҳузурда тўхтади.

— Меҳрибон дугоналар, — ардоқлаган оҳангда сўз бошлади малика, — менга кўрсатилган иззат-икром учун ҳаммаларингизни бағримга босиб, бир-бир куришиб олгим бор, аммо сизлар жуда кўпсиз. Бинобарин, ҳаммаларингиз учун мана бу табаррук онанинг муборак қўлларини упаман-да, сизлар билан ҳам кўришдим деб ўзимга тасалли бераман. Розимисизлар?

— Розимиз, маликам, розимиз...

— Худо сизни ёрлақасин, маликам!..

Шундай садолар янграб турганда малика таъзим этиб, табаррук кампирга яқинлашди, кампир уни бағрига босиб, пешонасидан ўпди, «Дунё тургунча турун, болам», деб қувонганидан кўзларига ёш тўлди...

Бирдан мусиқа янгради. Бир тўда қизлар Салимабегимнинг ишораси билан шоиранинг «Кел» деб бошланадиган машҳур газалини куйлаб кетдилар.

Биринчи қиз:

*Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.*

Ҳамманинг диққат-эътибори ўша томонга қаратилди. Шеърнинг тийран мазмуни, энгил вазни, ўйноқи куй ва ёш ҳофизанинг ёқимли овози юракларни бехато нишонга олар эди.

Иккинчи қиз:

*Бедардларнинг жафоларидин
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.*

Бу хонанданинг овози ўзи ўқиган байтнинг мазмунидек маҳзун, синиқ бўлиб, жабрдийдаларнинг руҳига жудаям уйғун эди.

Биринчи қиз:

*Дунё чаманини булбулисан,
Гул шохиди ошғён этиб кет.*

Иккинчи қиз:

*Эй ашк, кўзимни мактабидин,
Ҳайрат сабоқин равон этиб кет.*

Биринчи қиз:

*Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ била хазон этиб кет.*

Иккинчи қиз:

*Ушшоқ мақоми бустондур,
Азми раҳи бустон этиб кет.*

Шеър, куй фазоларда парвоз этар, юракларни гам-гуссалардан тозалар, аламдийдаларга таскин берар, руҳларини кутарар, олам фақат ёвузлик билан эмас, эзгулик билан ҳам тўла, деб таъкидлар эди гуе.

Эшитувчиларнинг ҳар бири ўз ҳаёт йули, ушалган ёҳуд тақдир гов булиб ушлалмай қолган орзу-умидлари билан вобаста ҳис-туйғулар оламида сайр этар, бири эришолмаган муддао учун надомат чекса, бошқа бири ҳозирги тантанани узун кечанинг субҳи санар, енгил нафас оларди.

Қизлар борган сари ёниб куйлар, шеърнинг таъсир кучини оширардилар:

Биринчи қиз:

*Мақсад на эди, жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет.*

Иккинчи қиз:

*Пош этма улусқа ишқ сиррин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.*

Шеърятни бу саҳрода ҳам қадр топганидан мамнун, руҳий бир ҳаюватдан сархуш бўлган шоира газалининг охириги байтини тулиб-тўқилланиб узи уқиди:

Моҳлар ойим:

*Кел, ишқ йулида кўзларингни,
Эй Нодира, дурфишон этиб кет...*

Куй тинди, газалхонлик тугади. Кувончдан кўнгли гул-гул очилган Моҳлар ойим ёш ҳофизаларни ардоқлаб, пешоналаридан ўпди, Салимабегимга ташаккурлар айтди.

IV

Энди хотинларни ичкарида қолдириб, яна ташқарига — ҳукмдор утирган супага чиқамиз. Биз ичкаридаги воқеаларни кўздан кечиргунча супага дастурхон ёзилиб, оби-таом тортилди. Таом асноси ҳукмдор ўз фаолиятдан сўз очиб, хорижий давлатлар билан савдо-тижорат ишлари ривожланаётганини, Дашти қилчоқда Оқмачит номли шаҳар бунёдга келтираётганини, аҳли физилини саройга тўплаб, уларга нон ва макон берганини фахр билан нақл қилди.

Бу ҳикояни зўр эътибор билан эшитиб утирган Фахриддин Охунд

қиссадан ҳисса чиқариш пайти келганини пайқаб, сипориш билан сўз бошлади:

— Савдо-тижоратга ривож бермоқ, шаҳарлар бунёдга келтирмоқ — подшоҳнинг ақли расолигидан бир нишонадир. Маълумки, Дашти қилчоқ кўздан бери қароқчилар маконига айланиб, қарвонлар учун энг хатарли йул, «борса-келмас» бўлиб қолганди. Агар саҳв қилмасам, Оқмачитдан мурод қарвонларнинг аминиятини таъминлаш булса керак?

— Шундай, устоз, — тасдиқлади ҳукмдор, — ниятимиз шу.

— Ниятингизга етинг, ўлим. Бу эзгу иш. Агар шу йўлда собит қадам булсангиз савоби азимга доҳил бўлиб дунёю охирагингиз обод бўлади, шаҳзодам...

Фахриддин Охунднинг оталарча меҳрибонлиги одоб ва назокати рўй берган оғир вазиятни бирмунча енгиллаштирди. Умархоннинг алам ва шубҳалари тамом тарқалиб, ўзини чинакам дўстлар даврасида ўтиргандек ҳис эта бошлади. Ёш ҳукмдор ўз тахти пойдеворини мустақамлаш учун бакуват қўлга, донишманда, бегараз маслаҳатчига эҳтиёж сезарди. Бу кун икки дафъа улимдан омон қолган ҳукмдор бутун ақли фаросатини ишга солиб, жангу жадалсиз мустақам, саркаш Дориломонни узига тобе қилиш ниятида эди. Бундан ташқари, сипоҳийлар кўзголони муносабати билан тахтта кутарилган Умархон бу жангжўй тоифанинг пешвоси Безаволнинг қандай зўр куч эканини жуда яхши билар, уни узига ром қилиш билан бутун қўшин муҳаббатига сазовор бўлишини сезарди. Қўшин эса, тахтнинг поялари эди. Бу ҳақиқатни чуқур ҳис этган ҳукмдор сийсатдон назокати билан шарқ одобини қўшиб йўтирди.

— Охирагим нима бўлишини билмайман, — деди ҳукмдор, — аммо бу дунёни обод қилиш сиз билан бизга боғлиқ кўринади. Ахир, гап бир хонадон устида эмас, бутун бошлиқ бир мамлакат ободонлиги устида боряпти. Мамлакатни маъмур, элни осуда қилоқ учун шогирдингиз ҳамон устозлар маслаҳатига муҳтож. Бинобарин, мен сизларни бу ҳилватда эмас, пойтахтда, саройда кўришни истардим. Тутри, сиз акамдан озор кўрдингиз, бундан ўзим ҳам ҳижолатдаман. Аммо мен сизларни акамнинг рақиблари деб эмас, ота қадрдонларим деб саройга даъват қилоқдаман!

Ҳукмдор жуда нозик жиҳатни эслатди. У икки оғиз гап билан бу кексаларни ҳам ватан тақдири учун жавобгар қилиб қўйди. Бундан ташқари, бир мартаба туз ичган жойга қирқ йилгача салом қил, деган ҳикмат бор. Умархон шарқнинг одамийлик ҳақидаги шу ҳикматига асосланиб, акамдан койишга ҳақлисиз, лекин отамнинг тузини унутманг, демоқчи эди. Мана шу жиҳат Безаволни ҳам, Фахриддин Охунднинг ҳам уйлантиб қўйди.

«Мен кўрнамак булолмайман! — узича таъкидларди Безавол. — Бу — ута пасткашлик бўлади. Мен шаҳзодага озор бердим, у эса, газабланиш ўрнига отасининг туз-намагини шафе келтириб мендан ҳимоя сўраяпти. Ердан сўраб чузилган қўлни қуруқ қайтариш қандай бўларкин?..»

«Хайрихоҳлик — дуоғуйликдан иборат эмас, — уйларди устоз, — уни иш билан кўрсатмоқ керак. Бироқ менинг ҳилвираган жисмим бунга бардош берармикан?»

Ҳукмдор жавоб кутарди, лекин ҳадеганда жавоб булмади. Кексалар ўз фикрларини тартибга солгунча ичкаридан Моҳлар ойим билан Салимабегим чиқиб келдилар. Улар тавозеланиб супага яқинлашганда, Безавол ўрнидан туриб, малика билан хотинига жой кўрсатди.

Моҳлар ойим мамнун, хушнуд кўринарди. Кечки шафақнинг майин нурлари унга шу қадар оро бергандики, бу лоларанг нур қўёшдан эмас,

унинг юзларидан таралаётгандек туюларди. Маликанинг юзида акс этган нур ҳукмдорнинг ҳам юрагини ёритгандай бўлди.

— Маликам гоят хушнуд, хушҳол куринадилар, — деди ҳукмдор, — бунинг боиси не? Билсак буладими?

— Раъяятнинг аҳволидан, кайфиятидан воқиф бўлмоқ, унинг талаб-ларига қулоқ сомоқ — адолат тушунчасининг салмоқли бир қисми, шохим, — арз эта бошлади малика. — Дориломон Олимхондан зулм кўрганлар макони экан, бу жабрдийдалар ўз ҳаётларини сақлаш учун тўғайларда маскан қуришга мажбур бўлибдилар. Йиллар давомида тиш-тирноқлари билан ер кавлаб, мен «дузах» деб уйлаган даштда жаннатмакон бир дийр бунёдга келтирибдилар. Таажжубки, Олимхон орадан кўтарилиб, ёш шохимиз тахтга чиқиши билан аҳоли гойибона ҳазрати олийларига байат келтирди.¹ Дориломонда шоду хуррамлик бошланибди. Дориломон хотинлари канизингизни тантанавор қутиб, бениҳоя иззат-икром кўрсатдилар. Мен улар билан мулоқотда бўлиб, ҳол-аҳволларидан, орзу-ниятларидан воқиф бўлиб чиқдим.

— Аҳволлари нечун, ниятлари не экан? — қизиқсинди ҳукмдор.

— Аҳволлари яхши, ниятлари хайрали, шохим.

— Яъни?

— Мен хотинлар орасида Момо Ҳавони учратдим, — ҳаммани ҳайратда қолдириб шарҳлади малика. — Бир юз йигирма олти ёшга кирган бу табаррук кампир ҳозир тўққизинчи подшоҳ даврида умргузаронлик қиларканлар. Унинг нуруний чеҳраси, меҳр тўла кўзлари, майин, эркаловчи овози бизнинг фаришта тўғрисидаги тушунчамизга шундоққина мос келади. Момонинг асрий хотиралари мукамал бир қисса. Агар мен Хорун-ар-Рашид бўлганимда унинг кўрган-билганларини муфассал ёздириб, «Алиф Лайло ва Лайло» қиссаларини яна ҳам тўлдирган бўлардим. Қишлоқ аёллари номидан шу асрдийда кампир арз қилдилар.

— Хуш, тилаклари не экан? — сўради ҳукмдор маликанинг тўлиб-тошиб гапиришидан завқланиб.

— Момо «Ёш хонимизнинг умрлари боқий, давлатлари зиёда бўлсин», дея сизни алқаб-алқаб, Дориломонни шаҳарга айлантириб беришингизни илтимос қилдилар. Содиқ фуқароларингиз бу ернинг маҳсулдорлигини амалда қуриб, шу чўлни бошдан охиригача бўстон қилиш ниятида эканлар.

— Маликам нима деб жавоб қилдилар? — деди ҳукмдор ичкаридаги музокараларнинг оқибатини билишга интилиб.

— Агар йўлда шаҳаншоҳимнинг бу борадаги мулоҳазаларини эшитмаганимда, яъни Ёзёвон чулларини обод этиш ниятида эканлигингизни билмаганимда, момога бирор жавоб беришга ожизлик қилардим. Масаланинг бу жиҳатлари менга аён бўлгани учун, Дориломон шаҳарга айланади, деб ваъда бердим ва у кишидан оқ фотиҳа олиб чиқдим, шохим...

Боятдан бери шу талабни қўямай, фикрга толиб турган устоз билан Безавол бирдан енгил тортиб, бу хабар ҳукмдорга маъқул ё номаъқуллигига қарамай: «Баракалло, маликам, баракалло!» деб юборишди. Агар ҳозир шу ерда бўлганда бу кексалар Момога ҳам қайта-қайта қўлуқ қилишган бўлардилар. Чунки болалари йиллар давомида бош қотирган муаммони Дориломоннинг онахони енгилгина ҳал этибди-қўйибди.

Бироқ охири сўз ҳукмдорга боғлиқ, ҳукмдор бу таклифни маъқуллармикан?

Подшоҳлик усули идораси ҳукм сурган даврда ҳукмдордан сунг мамлакатнинг энг муътабар сиймоси хоннинг хотини саналарди. Бу кўҳна анъана бўлиб, ҳатто Чингизхон ва Амир Темуру каби улуғ жаҳонгирларнинг хотинлари ҳам давлат ишларига аралашар, урни келганда, уларнинг маслаҳатлари — маслаҳат, гаплари — гап бўлиб, қонун тусини олиб келган. Умархон эса, гоҳо ширин хабарларга эрк бериб, ўзини Амир Темуру Моҳлар оймни Бибиҳонимдек фараз этиб юрарди. Ҳол шундай экан, ун тўққизинчи асрга келиб, Моҳлар ойм сиймосида кўринган Бибиҳонимнинг раъйини қайтариб буладими?

Бироқ шаҳар қуриш нима эканини Оқмачит тажрибасидан кўрган Умархон ҳамон фикрга чўмиб ўтирар, бу катта ишни ҳар томондан ақл тарозусига солиб кўрар эди.

— Букунгача билганимиз, — салмоқлаб гап бошлади Умархон, — шаҳарларни қамал, қалъаларни вайрон этиш эди. Мана энди шаҳарлар бунёд этиш зарурияти тугилибди. Шаҳар барпо этиш яхши ният-у, мушкул машғулот. Бу эзгу ният тунги нурдек жудаям узоқдан куринади, унга етмоқ учун олтидан от керак. Лекин биз ноумидлар жумласидан эмасмиз, бизга олтин тахт берган парвардигори олам олтин отни ҳам дариг тутмас, деб умидвормиз. Момонинг дуолари ижобат бўлган кўринади. Маликамнинг айтганлари айтган: Дориломон шаҳар бўлади!..

Бу гапни эшитиб, ҳамманинг чеҳраси ёришди. Фахриддин Охунд билан Безавол чигалини ечиб бергани учун маликадан беҳад маннун эдилар. Гапи ўтганидан Моҳлар оймнинг қувончи юрагига сигмай, юзида акс этар, у эрига майин нигоҳ ташлаб, кўзи билан миннатдорчилик изҳор қиларди.

Ҳукмдорнинг илтифоти билан издиҳомда рўй берган кўтаринки вазиятдан фойдаланиб, Фахриддин Охунд унинг таклифига жавоб қила қолди:

— Подшоҳ ва маликамизнинг Дориломон аҳлига кўрсатган лутфи шоҳоналари, ёш ҳукмдоримизнинг саркарда билан фақирни саройга даъватлари бошимизни кўкка етқурди, — деди у. — Бу илтифотлардан сунг бизнинг вазифамиз шоҳ ва маликамиз рафоқатларида Ҳўқандга қараб равона бўлиш, албатта. У ҳолда биз: «Аз дўст як ишорат — аз мо ба сар давидан»¹ мақомида иш тутган бўлурдик. Аммо бу мулоқот шундай қутилмаган ижобий натижаларга олиб келдики, бу ҳол Ҳўқанд сафарини андак файсалга солишни тақозо қилади. Албатта, буни подшоҳ илтифотларига лоқайд қараш маъносидан эмас, бу илтифотларга сазовор бўлиш, шунга муносиб бирор хизмат кўрсатиш истаги маъносидан тушунилмоғи лозим.

Гарчи устознинг узри ҳали пардапуш бўлиб, унинг том маъноси издиҳомдагиларга ошкор бўлмаса ҳам, замирида бир ҳикмат борлигига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Устоз шу рамзли муқаддима билан тингловчиларнинг эътиборини тортиб, ёнидаги китоблар орасидан бир қоғозни олди. Қоғоз анча катта, тўрт букланган эди. Қария ориқ, рангпар қўллари билан оқистагина қоғоз қатларини очиб, уни ҳукмдор олдига ҳузиб қўйди.

— Ҳузурий муборақларида Фарангистоннинг пойтахти Порис² шаҳрининг умумий тарҳи³ турибди. Фақир Мисрдан қайтишда бир араб савдогарининг шарофати билан бу шаҳри азимни ҳам зиёрат қилиб

¹ Байат келтирмоқ — бировнинг подшоҳлигини тан олмоқ, унга ўзини тобе деб биламоқ.

¹ Дўстандан бир ишорат — биздан олиб-югурмоқ.

² Порис — Париж.

³ Тарҳи — плани.

уттан эдим. Шарқ меъморларини қасрлар, саройлар, масжиту мадрасалар барпо этишда беқийс деса арзийди. Аммо бизда шаҳарсозлар йўқ. Бинобарин, шаҳарларимиз бисёр беандоза воқеа бўлибдур. Кўчаларимиз беҳад тор, эгри-бугри, илон изи. Гарчи иқлимимиз иссиқ бўлса ҳам, шаҳар кўчаларининг торлигидан йул буйларига дарахт экиб бўлмайди. Шаҳарларда яшил хиёбонлар, истироҳатгоҳлар, анҳорлар йўқ. Саратоннинг жазирима кўнарида бозорчилар бош суққудек соя тополмай, азоб чекадилар. Чанг-тузон қоплаган дарахтсиз шаҳарнинг ҳавоси бузилиб, беморлар купаяди. Шарқ улаларида уқтин-уқтин пайдо бўлаётган вабонинг боиси ҳам мана шу.

Устоз бир оз нафасини ростлаб, яна сўзида давом этди:

— Мамлакат бамисоли бир гавда, шаҳарлар унинг узвлари. Агар бирор аъзомиз лат еса — бутун гавдамиз зирқирайди. Бордию бирор аъзомиз нотугри усса — гавда табиий мутаносиблигини йўқотади, одам бадбуруш кўринади. Мамлакат ва шаҳарлар хусусида ҳам шу хил муҳокама юрийтиш мумкин.

Устоз аждодлар хотирига келмаган ҳаётий заруратдан баҳс очиб, аҳли мажлисни лол қилиб қўйди. Умархон олдига ёзилб қўйилган қоздан куз узмас, малика Моҳлар ойим эса, фаранг шаҳарсозлари санъатига маҳлиё эди.

Бир парча қозғод подшоҳ билан маликани бу қадар сеҳрлаб қўйганидан руҳланган устоз асли мударрасига кучди:

— Порис шаҳрини — оламнинг кўрки деса арзийди, бу шаҳар тарҳида бизнинг шаҳарларга хос, сизларга авн ва мен баён этган нуқсонлар йўқ. Бу шаҳар қурилишида мустаҳкам интизом ва ажиб мутаносиблик бор. Кўчалар жуда кенг, уқдай тугри. Агар куча бир ошиёнклик иморатлар билан бошланса, интиҳосигача шу тарзда кетади, аксинча икки ошиёнклик бўлса, охиригача шунга эътибор қилинган. Бу хил мутаносиблик шаҳар кўркига кўрк қўшади. Маҳаллалар орасидаги яшил хиёбонлар, атайлаб шаҳар орасидан олиб утилган анҳорлар иқлимни юмшатиб, ҳавони тозалаб туради. Гарб подшоҳликларида шаҳар қурилиши табиблар назоратида булар экан. Дарҳақиқат, бир табиб шаҳардаги ҳамма беморни кўра олмайди. Аммо шаҳар қурилишида мутасаддий бўлса, кўп хасталикларнинг олдини олиши мумкин. Агар подшоҳимизнинг бу хиёбонда шаҳар барпо этишлари қатъий бўлиб, бу ниятларида устивор турсалар, менинг ўрним сарой эмас, шу саҳро бўлгани маъқул. У ҳолда мен мудом иш бошида булар, подшоҳ ва маликамиз шарофатлари билан кўп йиллик орзуларим рўебга чиққанини уз кўзим билан кўрар, буни фақир учун тақдирнинг мукофоти деб билардим, шоҳим...

Фахриддин Охунд ўз узрини шундай асосладикки, унга эътироз қилиш амри маҳол эди. Бундан ташқари, устознинг узрида чекиниш, узини четта олиш эмас, у ёшдаги кишига оғир бўлса ҳам, «мушкул машгулот»га қараб интилиш сезиларди. Бу ҳол ҳукмдор билан маликанинг руҳини кўтарди, «қиламиз» деган ишлари бошлангандай, ниятлари рўебга чиқаётгандай туюлди. Умархон фикран бу чўлда қад кўтарган ямшилл шаҳарни кўз олдига келтириб, чехраси очилди. Малика бу меҳрибон чолнинг ҳимматини кўриб, унга бўлган ҳурмати яна зиёда бўлди.

— Муҳтарам устоз, — деди эъзозлаб малика, — жанобингиз Дорилонда ҳам табиб, ҳам мактабдор эмишсиз. Буни менга хотинлар айтишди. Бунинг устига меъморлар, муҳандислар билан чўл кезиб жой танааши, шаҳар тарҳини тузиш сизга оғирлик қилмасмикан?

— Эҳтимол андак оғирлик қилар, маликам, — жавоб берди устоз. — Борди-ю, бу оғирлик сезиларли даражага бориб қолса, мактабдорликни муҳтарам Салимабегимга топширамиз. Ҳозир ҳам бу ишни шу

олийҳиммат аёл ёрдамида олиб бормоқдамиз. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати шуки, мударрасо яқинлашса руҳ кўтарилади, кўтаринки руҳ жисмимизга қувват бағишлайди, қизим.

— Майли, биз рози, — маъқуллади ҳукмдор, — сиз бу ерда бўлсангиз шаҳримиз ҳам гўзал, ҳам хасталиклар утолмайдиган истеҳком бўлишига аминмиз. Булажак шаҳарни ёвлардан сақлаш биздан, бало-қазолардан асраш сиздан бўлсин, устоз!..

— Сизнинг бу ҳимматингиз, — деди ифтихорла малика, — беихтиёр Алишер Навоийни хотирга келтиради. Агар Мовароуннаҳрда сиз монандлар бўлмаганда ул зот Фарҳод тили бирлан:

*Ҳунарни асрабон неттумдур охир,
Олиб тупроққаму кеттумдур охир —*

деб наъра тортмас эдилар. Борини элидан дариг тутмаган замон Хотамларига шарафлар бўлгай!..

Издихомдагилар малика сўзи таъсирида эканлар, йўлақдан оёқ шарпаси эшитилди. Ҳамма уша тарафга қаради. Йўлда икки қўлаб йулбарс терисини кўтариб келаётган барваста, хушсурат бир йигит кўринди. Унга кўзи тушган саркарда бир сулиш олиб, енгил тортди. Бу — Безаволнинг тўнгич угли Отаўғил эди. Боядан бери сукут сақлаб турган Салимабегимнинг чехраси ёришиб, қомати кўтарилди. Она ифтихор билан боласининг қўлидаги гайритабиий совгага қаради. Олачипор йулбарс териси кечки шафақ шуъласида ҳар хил товланар, оловдек ёнарди. Йигит супага яқинлашгач, умумий таъзим бажо келтириб, отаси ҳузурида тўхтади.

— Сайёдлар бундай йиртқичларни фақат териси учун овлашади. Биз шундай ноёб терининг саҳрода қолишини эп кўрмадик. Агар рухсат этилса...

— Яхши уйлабсан, ўғлим, — деб маъқуллади саркарда, — омонатни эгасига топширгил.

Йигит, қизаринқираб Умархон ҳузурига қараб борди-да, унинг оёқлари остига терини тушаб деди:

— Мағлуб йулбарс голиб шернинг оёқлари остида бўлгани маъқул.

У қаддини кўтариши билан Умархон унинг унг елкасига қўл ташлаб, сўради:

— Исмингиз нима, йигит?

Шоҳ салобати босган йигит ибo билан:

— Исмиим Отаўғил, — деб жавоб қилди.

— Отаўғил... — дея такрорлади Умархон, — яхши исм экан. Айтингчи, қандай бахтли отанинг ўглисиз?

Йигит лоладек қизариб, саркардага қаради.

— Мард одамнинг ўгли экансиз. Бундай ота билан фахрланиб, бошингизни тик кўтариб юрсангиз арзийди. Йулбарс териси учун ташақкур, Отаўғил!..

Моҳлар ойим ардоқловчи нигоҳ билан яхши фарзанд устирган онани табриклади.

Безавол боятдан бери шеърнинг даъватига нима деб жавоб қайтаришини билмай турган эди. Бирдан калаванинг учини топгандай бўлиб ўрнидан қўзғалди.

— Ўғлим, сен шу ерда тур, мен ҳозир келаман, — деб амр этди-да, узи ичкарига кириб кетди.

Йигит оҳистагина онасининг ёнига ўтди. Орадан икки-уч дақиқа ўтмай саркарда ичкаридан қайтиб чиқди. У қандайдир бир қилични, жуда эҳтиёт билан, икки қўлаб кўтариб келарди. Супага яқинлашгач,

Салимабегим билан угли уринларидан туришди. Саркарда ишора билан углини ёнига чақирди. Иккиси тик қолишди. Ҳамманинг кўзи ота-болада эди. Булар икки қатра сувдек бир-бирига монанд, фақат бириси каттароғу иккинчиси кичикроқ эди.

— Эсимни таниганимдан бери марҳум отангиз хизматларида бўдим, — деди бироз хомушлик билан, — уз ҳаётимни таҳлика остида қолдириб, у зотнинг ҳаётларини муҳофаза қилишга уриндим. Садоқат билан хизмат қилганим учун у кишининг ишонч-эътиборларига сазовор бўлдим. Эндиликда ёшим бир жойга бориб, атрофимга қарасам, узим танҳо қолибман. Довюррак сафдошларимнинг ҳаммасини ўлим отлиг аждаҳо уз қомига тортибди. Мен ҳам ушалар изидан боришга мажбурман, бунда саркашлик қилиб бўлмайди! Маҳшар куни менинг гуноҳ ва савобларим тарозига солиб тортилгудай бўлса, тарозининг гуноҳ палласида мен уруш майдонларида кесган бешлар қўйилиши муқаррар, бироқ савоб палласига нима қўйилади? Мана бу беомон савол менга сира тинчлик бермайди. Энди мен охирагга тўша тайёрлашим, бирор савоб иш қилиб, ёрут юз билан сафарга чиқишим лозим, шахзода.

— Бундай савобни нимада кўрадилар? — деди қизиқиб ҳукмдор.

— Бундай савобни қўшинга саркарда бўлишда эмас, сиз айтган «мушкул машгулот»га саркор бўлишда, бева-бечораларга бошпана беришда, бу ерни обод қилишда кўраман, — деди у.

— Бир мўминни савоб ишдан қайтариш — гуноҳи азим, албатта. Мен сизни бу хайрли азиматдан қайтармайман. Демак, бўлажак шаҳарнинг муҳандиси ҳам, саркори ҳам Дорилотмоннинг узидан чиқади. Ови юрганнинг дови юради, деган мақолнинг маъноси шу бўлса керак. Ота қадрдонларнинг хоҳишларини бажо келтириш ҳам фарз, ҳам қарз. Яна қандай рижо ва таманнолари бор?

— Мана шу шамшир валинеъматимизнинг каминага ҳадялари, — ниятини шарҳлашга киришди Безавол. — Мен бу жангвор қурол билан ҳамиша уруш жаҳаннамидан бешикаст чиқардим. Энди мен саркарда эмас, саркорман. Шунинг учун бу мўтабар ёдгорликни углимга, углимни эса сизга топширсам, шоҳим...

Гап шу ерга келганда, Отаўғил ялт этиб онасига қаради. Бояқиш Салимабегимнинг қора шахло кўзлари жовдираб, имдоқ истарди. Бироқ отасининг сузларидаги қатъиятни куриб, бирор суз қотишга ботинмади, шўрлик. Гарчи бола чехраси бегубор меҳр билан она қалбига нақш этилган эса-да, у гуё бутун вужуди билан кўзга айланиб боласига тикиларди. Салимабегимнинг лаблари қалтирар, боласидан куз узмас, лекин қараб ҳам тўймасди...

Шу топда она қалбиди қандайдир сас-садосиз бир фарёд кўтарилиб, самоларга етарди-ю, ердагилар эшитмасдилар.

Она шу аҳволда экан, саркарда азиз фарзандига тикилиб, унинг бақувват елкасидан ёдгорлик қиличининг тасмасини утказди, гилофни чаш ёнига тушириб қўйди. Бола миннатдорлик билан отасига таъзим қилди-да, бирдан жиддий тус олиб, қоматини тик кўтарди. Қилични гилофдан сугуриб, икки қўллаб кўндаланг ушлади ва эҳтиром билан эгилиб, унинг оломос тигини ўпди. Бола бошини кўтариб қиличсоз

санъатига разм солганда, лаблари теккан жойда олтин билан ёзилган мана бу сузларни кўрди:

«Саркардамиз, сафдаримиз! Раҳим Безаволга, Норбутабий».

Йигит руҳланиб, Умархонга қаради.

— Бу шамширда икки отанинг, икки саркарданинг, икки дўстнинг табаррук номаи дарж этилибди, шоҳим. Сизга қасамёд қилиб айтаманки, буни тақдим этганларнинг юзлари ҳеч қачон шамгин бўлмагай!..

Бу самимий маросим ҳаммага таъсир қилди. Ҳукмдор унинг таъсирида беихтиёр уридан туриб, Безавол билан Отаўғил ҳузурига келиб тўхтади. У, йигитнинг қўлидан шамширини олиб, унинг тигидаги ёзувга назар солди. Ростдан ҳам бу шамшир шиддатли жанглр, дўстлик, садоқат рамзи эди. Умархон отасининг қўли теккан бу табаррук қуроли алақандай ҳаяжон ичида ўпиб, уни яна ёш соҳибга қайтарди. Шундан сўнг Безаволни кўчоқлаб:

— Раҳмат, саркарда, — деди миннатдорчилик билан, — мен қачон, қандай шароитда дуч келишимни билмасдим, лекин учрашгудек бўлсак, шунга ухшаш бир ҳол рўй беришини сезардим. Отам марҳумнинг руҳарвоҳларини шафе келтириб айтаманким, Норбутабий салтанати даврида сизининг мавқеингиз қандай бўлса, Умархон салтанати даврида Отаўғилнинг мавқеи ундан кам бўлмайди. Биз тақдирнинг букунги тўфаларидан мамнунмиз. Энди бизга руҳсат.

— Қароргоҳ қаерда, шоҳим? — деб сўради Безавол.

— Яккатол мавзеида эди. Ҳали менинг мулозим ва навкарларим уз шоҳ ва маликаларини йўқотиб қўйиб, чулни остин-устун қилиб юбордилар десангиз-чи, энди биз борайлик.

Безавол углига фармон берди.

— Сен беш навкар билан ҳукмдорни Яккатолгача кузатиб борасан. У ерга боргач, ҳамроҳларингни дарҳол изига қайтариб, узинг подшоҳим қароргоҳларида қолгайсан. Эсингда тут, углим, бундан сўнг сенинг урнинг лашкар қароргоҳлари бўлади. Танпарвар бўлма! Қароргоҳда яшаб қаттиқликка кўникмаган, қўшин кайфиятини билмаган, унинг қўвончаларини баҳам кўрмаган, шахсий баҳодирлиги билан намуна бўлиб, қўшиннинг ишонч-эътиборига сазовор бўлмаган саркарда — галаба нашъасидан маҳрум бўлади...

Ота насиҳатини жон қўлоғи билан эшитган угил жиддий қиёфага кириб:

— Бу измингиздан чиқмагайман, хотиржам булинг, — деди ва шитоб билан ташқарига чиқиб кетди. Зум утмай яна қайтиб: — Биз сафарга тайёрмиз, — деб хабар қилди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиб, ҳамма уридан қўзғалди. Шу онда Отаўғил онаси ҳузурига келиб, бош эгди. Ҳамманинг диққат-эътибори она-болада, ҳозир вақт шулар ихтиёрида эди. Йигит нимадир айтмоқчи бўлса ҳам, фикрларини бир тартибга соломай, гомуш қотиб қолди.

Салимабегим боласининг тақдири шундай бўлишини, яъни бир кун орага жудолик тушишини яхши билса ҳам, унинг қачон келишини бил-

¹ Сафдар — душман сафларини ёриб ўтадиган, уларни тор-мор этадиган жасур саркардалар «сафдар» деб аталарди. Луғавий маъноси — саф йиртар, саф бузар.

масди. Жудоликнинг номаълум муҳлати — мавҳум тушунчага ухшайди, у қуп ҳам безовта қилмайди. Букун, шу мавҳум тушунча, тусатдан муқаррар муҳлатга айланиб, бояқиш онани бироз эсанкиратган эди, лекин бу танталади ҳарбий маросим руҳини кутариб, ҳис-ҳаяжонларини бироз бошотиб олганди.

Она оҳиста урнидан туриб, боласининг бошини силади, пешонасидан упди, сунгра кузларини ярим юмиб, уни бағрига босди. Йигитнинг юрагида пайдо булган эзгу-ҳислар мавж уриб, вужудини ҳеч нарса билан қиёс этиб булмайдиган, ажиб бир ҳаловат қамраб олди...

Эзгу сукунат чуқди. Одабийликнинг бу сассиз тантанасини куриб ҳамманинг эти жимирлаб кетди. Бу таниш ва муқаддас ҳиссиёт ёшу қарининг қалбиди бир инқилоб қўзгадики, унинг тутдори она деб аталган табаррук зот эди.

Фахриддин Охунд ўз ҳиссиётини яширолмай, кузларига еш олди. Моҳлар ойимнинг асаблари бардош беролмай, кўз ёшларини артиб, Салимабегим ҳузурига борди ва астагина унғ қўлини унинг елкасига ташлаб, бир нафас хомуш қолди, сунгра:

— Бегим, — деди малика ёлворган, титраган овозда онага тасалли бериб, — мен ҳам она зотиданман. Шу вайдан бу муқаддас ҳиссиёт менга бегона эмас. Сиздан илтижо этаман: Отаўтилга бундан сунг гам-хурлик қилишни менга ишониб топширинг. Мен эса, барча табаррук оналарнинг руҳ-арвоҳларини шафе келтириб айтаманки, бизнинг салтанат барқарор экан, Отаўтил ҳеч қачон хорлик кўрмагай.

Онанинг ҳис-ҳаяжонлари бир оз таскин топгандай булди. У яна бир маротаба боласининг юз-кузларидан упди.

— Хайр, болам, — деди она ниҳоят, — сафарларинг бехатар бўлин! Ой бориб — омон кел.

Шундан сунг Салимабегим маликага утирилиб, дилдорлик учун миннатдорлик изҳор қилди:

— Тақдир маликамни мамлакатдаги ҳамма болаларнинг онахони мақомига кутарибди. Шу вайдан, бошқа оналар сингарини, мен ҳам шафқат ва марҳаматингизни менинг ёлғиз боламдан дарин тутмасиз деб умидвор буламан. Тангрим сизни ёрлақасин, маликам...

Отаўтил йўлбарс терисини олиб шитоб билан ташқарига қараб юрди. Унинг кетидан Фахриддин Охунд, ҳукмдор ва Безавол, энг орқада Моҳлар ойим билан Салимабегим чиқдилар.

Ҳукмдор билан маликанинг бу ерларда пайдо бўлиши нодир воқеа булиб, уларни бир куриш истаги жуда зур эди. Шунинг учун Дориломоннинг каттаю кичиги бу ерга тулланиб, қалдирғочнинг боласидек, кучанинг икки тарафига саф тортиб турардилар. Меҳмонлар пайдо булиши билан кузатувчилар орасида жонланиш бошланди. Ҳамма олдинга ўтиб, хон билан маликани кўришга ошиқарди.

Умархон билан Моҳлар ойим тулланган халойиққа ялпи таъзим ва салом қилиб уртага утишди. Ҳамманинг назар-эътибори шуларда, ҳеч ким чурқ этмасди. Малика хотинлар орасида бояги Момони куриб унга яқинлашди.

— Онахон, — тавозе билан асрдийда кампирга мурожаат қилди малика, — арзу истакларингизни шаҳаншоҳимга етказдим. У киши бу

савоб ишга бош қўшишга рози булдилар. Бу биебон тез фурсатда шаҳарга айланажак. Бироқ шаҳарга нима деб ном қўямиз ва қандай маслаҳат берасиз?

— Умрингиздан барака топинг, болам. Додимизга еттанлари учун еш хонимизнинг умр-давлатлари зиёда булсин, — дуойи хайр қилди кампир, сунгра бир оз уйлаб, яна давом этди. — Янги шаҳарга қандак ном қўяйлик дейсизми? Невайи, болам? Шаҳар бола эмаски, мен унга ном қўйсам. Алмо бир нарса аниқ: шаҳар барпо этишга хон бош қўшгандан кейин у хон шаҳри булади. Шу маънода булажак шаҳарни «Шаҳрихон» деб аталса қандай буларкин?

— Раҳмат, онахон, — деди малика қувониб, — булажак шаҳарга бундан гузал ном топиш қийин.

Отаўтилнинг дуслари ҳукмдор билан маликанинг отларини етаклаб келишди. Моҳлар ойим, тавозеланиб, ҳамма билан хайр-хуш этгач, Момони кучоқлаб, унинг юз-кузларидан упта кетди.

Табаррук кампирнинг асрдийда кузлари қуп соҳибжамол қизларни кўрган эса-да, бундай хушрўй, бундай хушфезъл, бундай хушназокак ва бундай сузамол, ёқимтой жувонни ҳаргиз кўрган эмасди.

— Сизни кўриб, кузларимиз туймайди, она қизим, — деди ардоқлаб кампир. — Яна келинг, албатта келинг, қизим. Сиз орамизда булсангиз, чул ҳам гул булиб кўринадиди кўзга...

Хон билан хотини отта миниб, кучанинг икки тарафига саф тортиган катта-кичикка таъзим — тавозе қилишди.

— Хайр, худонинг паноҳига! — оқ фотиҳа берди устоз.

Хайр-хуш садолари остида саккиз суворий Дориломоннинг шарқи жанубий томонига қараб равона булди. Олдинда Отаўтил, уртада ҳукмдор билан малика, ёнларида ва орқада Безавол тайинлаган муҳофизлар қуриқлаб борардилар.

Одамлар қош қорайгунча орқада қараб қолишди. Оқ тулпор миниб, оқ либосларга бурканган Моҳлар ойим, чул оқшомининг кул ранг ҳавосида осмонда суворийсимон кўринган булутдай сузиб борарди...

V

Сайр ҳам сайр, саргардонлик ҳам сайр, дейдилар. Ҳукмдор билан малика бу кунни шу тарзда ўтказишди. Шоду хуррамлик, хавфу хатар буларга пешвоз чиқиб, бири биридан узишга интилди. Кутилмаган воқеалар, тасодифий учрашувлар, аччиқ таъналар, хайрихохона режалар, тантанали кузатишлар — буларнинг ҳаммаси воқелиқдан кўра рўёга — тушга ухшарди. Лекин бу туш эмас, воқелик эди.

Агар бу воқеликка ибрат кўзи билан қаралса, файласуфнинг тафаккурига, шоирнинг илҳомига, давлат арбобининг фикр тарзига ижобий таъсир қилиши ҳеч гап эмас. Одам фавқулодда бир ҳодисанинг шоҳиди булса, узоқ вақтгача шу ҳодиса атрофида фикр юритади, баъзан бу фикр умр бўйи кишини таъқиб қилиб юради. Бу кунги воқеалар, бири-бирига зид кайфиятлар шу қадар тез алмашиб турдики, улар устида

чуқурроқ ўйлашга, бирор хулосага келишга ҳукмдор билан маликанинг фурсатлари булмади. Мана энди, бепоеън чул, муҳташам осмон гумбази остида, ҳар бир масала устида чуқур ўйлаш, уни ипидан игнасиғача текшириш, мақбулини қабул, номаъқулини рад этиш мумкин.

Ҳаммадан олдин юз курсатган бир юлдуз самовий шамларни биринкетин еқа бошлади. Қоронги қуюқлашган сари юлдузларга нур кириб жанубнинг забаржад осмонига зеб-оройиш берди. Тун салтанати бизнинг ҳукмдор сингари вазмин, салобатли ва ўйчан қуринарди.

Саккиз йурганинг қуриган ут-улан устида бир маромда қадам ташлаши қандайдир бир куй ҳосил этар ва бу куй ҳар кимга ҳар хил эшитилар, хаёлга гарқ бўлиб кетаётган Моҳлар ойимнинг қулогига: «Шундай, шундай, шундай», деб бир фикрни таъкидлагандай, маъқуллагандай буларди. Узоқ-узоқлардан ҳаққушнинг мунгли фигони, асрий ноалари эшитилади: «ҳаққу, ҳаққу, ҳаққу...» Машъум бойқуш эса, хунук овози, совуқ қаҳқаҳаси билан кунгилани гаш этиб, тун ҳайбатини оширарди.

Суворийлар Камолтепа мавзеига етиб келганларида, тун маликаси тулин ой, «Сулаймон тахти»га¹ чиқиб, Фаргонани нурхонага айлангирган эди. Улар яна бир оз юриб, боя Умархон йулбарс билан олишган жангоҳдан чиқишди.

Бирдан отлар тайсаланиб, сарак-сарак қила бошлади. Отаугил бир нарсани сезгандай дарров отининг жиловини тортди. Ҳамма тўхтаб, беихтиёр йулбарс жасади ётган тарафга қарашди. Тун суддай ойдин булса ҳам турангу япроқлари соя солган ер ним қоронги эди. Аммо шу қоронгида қандайдир юлдузлар милтиллар эди. Гуё осмондан учган юлдузлар шу ерга тушган-у, ҳамон нурлари сунмай, порлаб тургандай. Бу нимаси? Эҳтимол йулбарслар уз ҳамжинслари мозорига шам ёққандир? Балки қасос олиш учун бир тудаси пойлаб ётгандир?

Маликанинг этлари жимирлаб, кунглига ваҳима тушди. Аммо етти йилдан буён саҳрода яшаган ёш муҳофизлар мунажжим булишмаса ҳам, бу «юлдуз»ларнинг сир-асроридан воқиф эдилар.

— Қаршимизда бурилар турибди, шоҳим, — деб арз қилди Отаугил, — улар шоҳона дастурхон атрофига тупланишган. Агар йулбарс этидан тўйгунча еган бўлсалар, ҳозир кетишади, бўлмаса бизга даф қилишади.

— Уларга фурсат бермай, биз даф қиламиз, — деди ҳукмдор.

— Йўқ, шаҳаншоҳим! — эътироз билдирди Отаугил. — Сиз билан маликанинг ҳаёти учун биз жавобгармиз. Қоронгида бури билан олишиш — хатарли иш. Биз бўлсак, бу «тоифа» билан тунларда ҳам олишиб урганганмиз.

Отаугил «юлдуз»лардан кўз узмай, қиличини сугурди. Бошқалар ҳам ихтиёрсиз қиличга қул чўзганларини сезмай қолишди.

— Ганишер, Раҳимжон, — қўмонда берди ёш саркарда, — сиз икковингиз шаҳаншоҳим билан маликам ҳузурларида, ҳар эҳтимолга қарши тайёр турасиз. Биз...

¹ Шаҳрихонда, Бузда, умуман марказий Фарғонада туриб кузатган одамга ой Уш тарафидан, тўғрироғи Ушда «Тахти Сулаймон» деб аталган тоғ орқасидан чиқиб келаётгандай туюлади.

Бироқ Отаугил қўмонда бериб улгурмай, йулбарс жасади теварагидаги «юлдузлар» сунди. Бурилар жангу жадалдан қўра бирор сайхонликка бориб, тинчгина дам олишни маъқул куришди, чоғи. Бурибоши ҳам роҳларини эргаштириб турангу дарахти орқасига ўтди. Ойдинда уларни аниқ куриш мумкин эди. Тўрт бури шитоб билан туқайга қараб йул олди. Ганишер уларга ваҳима солиш учун йўгон овози билан «ҳо-ҳо-ҳой!...» деб наъра тортди.

Суворийлар йулбарс жасади ёнига келиб ҳайратда қолишди. Тўрт бури бутун бошли бир йулбарснинг этини пок-покиза еб битирибди. Суякларигина қолибди, холос.

Йулбарснинг аянч аҳволи ҳукмдорга қаттиқ таъсир қилди.

— Ҳалигина бунинг ҳайбатидан барча махлуқот зир титрар, наърасидан биебон ларзага келарди, — деб афсусланди ҳукмдор. — Мана энди бундан ҳақир, бундан фақир жонивор йўқ. Ҳозир ўзини чумолидан ҳам ҳимоя қилолмайди, шурлик...

Одамизотнинг кунгида газаб билан марҳамат, эзгулик билан ёвузлик, йиртқиқчилик билан одамийлик ёнма-ён туриб, мудом бир-бирига зид ҳаракатда бўлади. Ҳозир ҳукмдорнинг қалбида йиртқиқчилик эмас, одамийлик ҳаракатга келди: қани, курайлик-чи, иймони уни қайси йулга бошларкин?

Отаугил йулга чорлади. Бироздан сунг суворийлар Камолтепадан утиб, Сарик Жута томон равона буддилар.

Тошкент-Шаҳрихон. 1966 й.

Журналнинг 134—143-бетларида атоқли олим ва адиб Тухтасин Жалопов ҳаёти ҳақидаги лавҳа билан танишасиз.



Ҳалима Худойбердиева

ДИЛИМДАГИ ҚУШЛАРИМ ҒУЖ-ҒУЖ...

Мен сизга кетаман

*Етмишдан ўтдингиз, онажоним, сиз,
Бу гапларни ўйлаб, тўқиганим йўқ.
Мен эса вақт топиб, сизга чуқиб тиз
Еттита шеъримни ўқиганим йўқ.*

*Боримни чулдироқ боламга тутдим,
Ўғил-қизим ўпдим... худдики қантдай,
Аммо, мен... онажон — сизни унутдим,
Унутдим қандай?!*

*Катта давраларга ҳозирлик кўрдим,
Гуркирадим. Суйди ганим-да, дўст-да.
Ул давраларда қирқ олтига кирдим,
Сиздан олисда!..*

*Катта давраларда оқарди сочим,
Гоҳ кетди, гоҳ келди қўлларимга туг.
Катта давраларга... топдим иложин,
Сизга эса... йўқ!*

*Бас!
Армон кўнгулни, кўзни тинитар,
Гарчанд кўз, кўнглумдан узоқ бир найсиз.
Мен улсам... шу кўни давра унутар,
Сиз ўлгунингизча йиғлайсиз!..*

*Онажон!
Бугун сизга кетгум армонни тахлаб,
Қолганлар-ла, олди-бердим етади.
Мен сизга кетаман, қизим чарақлаб
Катта давраларга кетади...*

Дарё

*Тўсилган дарёдай оқмасдан қўйдим,
Чақнаб, атрофимга боқмасдан қўйдим.
Ким бор дунёсида куз-куз этмоққа
Зебу-зийнатларим тақмасдан қўйдим.*

*Дарёнинг-ку асоси куч, шиддати мўл,
Тўғон тагин шиддат қўшмоғи мумкин.
Шиддатли қудратга очилмаса йўл,
Дарё қиргоғидан ошмоғи мумкин.*

*Бу қудрат тўғонни йиқар, синдириб,
Хавф тортмангиз чўлга ё тоққа кетар.
Бу қудрат чарх урар сизни қидириб,
Сизнинг пойингизда оқмоққа кетар...*

Дил айланар тошқин кўлга

*Икки кўзим, менинг икки қорачўгим,
Тошга теккач, тошга дўнган тошчаларим.
Меники, — деб, — бу дунёнинг бору-йўгин,
Сайраб юриб хато қилган қўшчаларим.*

*Бойлигингиз бир чақага арзимаиди,
Бир Оллоҳ бор, бошқасини елга сочинг.
Кетар пайтмас, келар пайтда, айна ҳозир,
Кўнглунгиздан, қўлингиздан элга сочинг.*

*Сочинг, бум-буш, қуруқ қолсин, токим келар,
Илоҳ сувлар, дил айланар тошқин кўлга.
Тозаланган, буш дилга бир оқим келар,
Оқиб келар бум-буш, қуруқ қолган кўлга.*

Қутлов

Назирқул акага

*Бугун эллик боғу-роғни оралаб утиб,
Эллик тоғдан ошганларга йўллаймиз салом!
Иншооллоҳ, ортингиздан боргаймиз етиб,
Шундай холис ният билан бошлаймиз калом!*

*Эллик ёшдан ошгунча то, шунча йиқилиб,
Шунча туриб келгандирсиз, чарчаманг, энди.
Бугун қиров сочингизга синчков тикилиб,
Дейман: Сизнинг отдай юрак говларни енгди!*

Енгиб ўтдингиз, сиз, Усмон Носир ёшидан,
Қодирийнинг ёшиданам энгиб ўтдингиз.
Мирзо Бобур, Улуғ Бобур етмаган ёшга,
Оллоҳ қўллаб, сиз, етдингиз, шукур, етдингиз!

Бу кун бомдод намозида юкиндим сўзга,
Оллоҳимни илтижо-ла сўзга урадим.
Эрта кетган оғаларим умрини сизга,
Қурмай кетган шон-шухратин сизга сурадим.

Қодир танграм, чиқармагай ҳақни ноҳаққа,
Турналарим ҳали кўкрак керса ажабмас.
Минг сўзимдан бири етса Оллоҳга, халққа,
Парвардигор сураганим берса ажабмас.

Ёнар кунлар

Уч куним бор, олддаги шу уч куним,
Булгай шавқу-шарорларим зич куним.

Буш ўтган ой-йилларимни тўлдиргич,
Ўз-ўзимга қасос куним, ўч куним.

Сўнаётган руҳга олов пуркалаб,
Қонларимни қилгучи «куч-кўч» куним.

Жим-жим ўтдим, бермади савту-садо,
Дилимдаги қушларим гўж-гўж куним.

Умрим бодом дарахтига менгзардим,
Ўтган кунлар, мағзсиз куним, пуч куним.

Келаримда, еларимда қор, қиров,
Кетаримда ут бўлдим, дуч куним?!

Кутганимда келмадинг-эй, ҳеч куним,
Кеч қолдинг-а, кеч қолдинг-а, кеч куним.

Азизим

Ногоҳ қаршимдан чиқиб, кутиб олган пайтларинг,
Учиб юрган қуш эдим, тутиб олган пайтларинг,
Тақдиримга отингни битиб олган пайтларинг,
У менинг бу дунёга келар чоғим, азизим!

Кейин иноқ, донлашиб кўкка учди икки қуш,
Юксакни нишонлашиб тикка учди икки қуш,
Бахтни-ю барбодлигни бирга кечди икки қуш,
Бугун сориг тортмоқда кўм-кўк боғим, азизим!

Умр—нима? Утар йул. Утаримда бирга бўл,
Ҳали умидларим мул, етаримда бирга бўл,
Қазо келса дунёдан кетаримда бирга бўл,
Бошимда бўл, ботинга ботар чоғим, азизим!

Ёнимда бўл, сенингсиз менинг шавкат-шоним йўқ,
Сен йўқ эрсанг қавмим йўқ, турким йўқ, Туроним йўқ,
Бу дунё-ю, у дунё сенсиз бирор оним йўқ,
Ёдимда бўл, тупроқда ётар чоғим, азизим!

Меҳмондорчиликда

Ажаб меҳмондорчилик...
Рақс тушади меҳмонлар.
Бири чироқ,
Бири пилик,
Мос тушади меҳмонлар.
Кейин бироз қизишиб
Ойни талашадилар.
Бир-бирини сузишиб
Жойни талашадилар.
Талотўпда оху улар,
Қузи билан қуй талаш,
Дала ҳовли торт-торт бўлар,
Қуш айвонли уй талаш.
Кейин... кетган пирлар талаш,
Келганини кўрмаслар.
Сулувлар, сўқсурлар талаш,
Ёқавайрон, кўр, мастлар.
Ёпишарлар, бойлик тўнга,
Енгга кирадигандай.
Буллар сира ўлмайдиган
Мингга кирадигандай...

Ҳолбуки, дунё беш кунлик...

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига

Ўғлим Улуғбекка

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига,
Пойгагида сенам оёқ еч, болам!
Экин экин унинг қиру-ўрига,
Тўкин экин, экин қолмай кеч, болам!

Ўзга юртлар шамоллари чақирди,
Кўз олгучи жамоллари чақирди,
Баланду-баркамоллари чақирди,
Кетмадик биз. Кетолмадик ҳеч, болам!

Момонг шу ерда, чирқиллаб йўқлайди,
Бобонг оёғин узатиб ухлайди,
Кетсак улар... гўрларида йиғлайди,
Қолган гаплар бари ёлгон, пуч, болам!

Оллоҳ бизга ўзга Ватан ёзмаган,
Бобосини, момосини босмаган —

Юз тўфондан бир япроғи тўзмаган,
Метин болам, қудрат болам, куч болам!

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига...

Кечиб

Дема: «Келдинг бир чаман ошён кечиб»,
Келдим куюқ чангалзор, ўрмон кечиб,
Қандай даҳшат гирдобларда айландим,
Ёмғирларда йиқилдим гирён кечиб.

Менинг сахтим гулга ўхшаб кетарми,
Гул кечганлар шундай қақшаб кетарми,
Ортидан шунча фитна, гап кетарми,
Овғимга қара, келдим, қон кечиб?!

Тўғри, бош устимда юлдуз, кўк эди,
Аммо товонимда лаҳча чўғ эди,
Ерда юрмоқликка ҳаққим йўқ эди,
Келдим булут, қор кечиб, осмон кечиб.

Оралиқ йўл, гарчанд, қора қуюн, чин,
Утиб сенга келмоқлигим шарт учун,
Ё шу йўлда улмоқлигим шарт учун,
Келдим... Сен-ла кетмоқ учун шон кечиб.

Қозоқ дўстларга

Ўзбекистонда ўтган «Қозоғистон кунла-
ри»нинг ёпилиш кечасида ўқилган.

Бизлар асли бир онанинг
Эгиз болаларимиз.
Жоҳилликка, қонхўрликка
Бигиз болаларимиз

Ўлжас, Роза қозоқ даштин
Саратони, ёзидир.
Алибекнинг асли улкан,
Асли Қурмонғозидир.

Тарихимиз бирдир бизнинг
Кўз ёшларда чўмилган.
Турор Рискўл, Чўлпон билан
Бир ўрага кўмилган.

Турк тўзиши тўхтади денг,
Асли тоза қон енгди.
Абай, Навоийзодалар
Фақат юксалгай энди.

Не кунларга биз гувоҳмиз,
Бутландик чил-чил бўлсак.
Шоҳ бўлсак биз икки шоҳмиз,
Икки қўлмиз, қўл бўлсак.

Иншооллоҳ, шундай бўлгай,
Мудом ҳалол томон бўл!
Пешонангдан ўпдим, азиз
Қозоқ оғам, омон бўл!



Аҳмад Лутфий

Наргиза Раҳмат қизи таржимаси

ОЙДИНЛИКЛАР САРИ

Иймон йўлининг илк йўловчилари

(Собиқуни аввалин)¹

Эндиликда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам учун ҳаётларидаги энг муҳим, яъни, дунёга келишларидан кутилган мақсад ва гоёнинг амалга оширилиш даври бошланган эди.

Бошқа инсонлар Оллоҳ Таолони таниш ва унга бандаликни (қўлликни) бажо келтириш учун яратилган бўлсалар, Расулуллоҳ (с. а. в.) яна бир буюк гоё асосида яратилган эдилар. Бошқача қилиб айтганда, фақат Оллоҳни таниш ва Унга сизи-ниш учунгина эмас, балки Уни танитиш, Унга қай тариқа сиз-нишни ўргатиш учун яратилган эдилар. У зотга ҳидоят йўлини-нг энг буюк раҳбари бўлиш вазифаси юклатилган эди. Илк жўнатилган ваҳий орқалиёқ мазкур вазифага даъват этилди-лар:

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсон-ларни охират азобидан) огоҳлантинг! Ёлғиз Парвардигорин-гизни улугланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йи-роқ бўлинг!»²

Энди Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳаётидаги тожирлик даври ниҳоясига етган, у зотнинг «Муҳаммадун расулуллоҳ» бўлишдай буюк даврлари бошланган эди.

¹ Давоми. Бошланиши 1-2-сонларда «Интизор кутилган шафақ» номи остида эълон этилди. Асарнинг ушбу 2-жилди «Ойдинликлар сари» деб таржима қилин-ди.

² Муддассир сураси, 1-5-оятлар.

Кунлардан бир кун Расулуллоҳ Макканинг юқори қисмида айлаиб юрганларида рупараларидан Жаброил алайҳиссалом чиқиб қоладилар. Бу учрашув энди у зотни қўрқувга солмайди. Аксинча, қурган заҳотлариеқ Расули Акрам (с. а. в.) қувониб кетадилар.

Жаброил алайҳиссалом ерга бир урадилар ва ўша урилган жойдан сув отилиб чиқади. Бу сув билан таҳорат қиладилар. Пайгамбаримизга (с. а. в.) ҳам ўзлари кўрсатгандай равишда таҳорат олмоқни буюрадилар. Расулуллоҳ (с. а. в.) худди Жаброил алайҳиссалом кўрсатганларидай таҳорат олдилар: дастлаб қўлларини ювдилар, оғиз-бурунларини чайқадилар, сунгра юзларини, кейин эса, қўлларини тирсақларигача ювиб, бошларига масҳ тортдилар-да, ниҳоят оёқларини туپиқларига қадар ювиб, покладилар. Шундан сўнг Жаброил алайҳиссалом имомлик қилдилар ва икковлон биргаликда намоз ўқидилар.

Муҳаммад (с. а. в.) уйларига қайтгач, ваҳий фариштаси кўрсатган тарзда яна таҳорат қилдилар. Бу таҳоратдан мақсад — У зотни биринчи бўлиб Пайгамбар сифатида таниш шарафига муяссар бўлган Хадича онамизга ургатиш эди¹. Ҳазрати Хадича онамиз Муҳаммад (с. а. в.) умматининг илк бор намоз ўқиган вакиласи бўлишдек улуғ бахтга ҳам шу йусинда ноил бўлган эдилар.

Уша пайтда келган ваҳий ва ўқилган намоздан Макка аҳли беҳабар эди.

...

Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) тарбиялари остида болалик чоғларини ниҳоясига етказётган Али бир куни уй ичида гаройиб хатти-ҳаракатлар бўлаётганини куриб қолди.

— Нима қиляпсизлар? — деб қизиқиб суради.

— Оллоҳга ибодат қиляпмиз, намоз ўқияпмиз, — деган жавобни эшитди.

Шундан сўнг Али (р. а.) улардан шу кунга қадар номаълум бўлган бир ҳақиқатни эшитди. Оллоҳ Таоло юборган бир пайгамбар ва пайгамбарига даъват юки юкланган дин ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлди. Айни чоқда, Али (р. а.) ҳам мазкур динга даъват этилди.

— Бир оз ўйлаб курсам, — деб изн суради.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, Али. Бу динни қабул қилмайдиган бўлсанг ҳам, бу ҳақда ҳозирча бировга гапирмай тур, — деган жавобни эшитиб:

— Фақатгина отам Абу Толиб билан маслаҳатлашсам, — деди.

Уша куни Али юрса ҳам, утирса ҳам, хаёли шу мавзу билан банд бўлди. Ҳатто тунда ҳам шу ҳақда бош қотириб, тонгга қадар мижжа қоқмади. Тонг отиши ҳаманоқ пайгамбаримиз (с. а. в.) ҳузурларига ошиқди ва:

¹ Ибни Ҳишом. «Ас-сийратун-Набавийя», 1/260.

— Менинг иймоним комилки, Сиз Оллоҳнинг пайгамбарисиз, даъват этаётган динингиз эса, ҳақ диндир! — деди.

— Абу Толиб билан маслаҳатлашдингми, эй Али?

— Йўқ. Оллоҳ мени яратар экан, Абу Толиб билан маслаҳатлашмади. Мен ҳам Оллоҳни таниш учун у билан маслаҳатлашишга эҳтиёж сезмадим.

Шу тариқа Али (р. а.) шаҳодат калималарини айтиб, Ислому динига кирган иккинчи мумин бўлди.

...

Кўп йиллар давомида бу уйнинг фарзанди улуроқ тарбия топиб, ўспирин ешига етган Зайд ҳам Оллоҳнинг расули (с. а. в.) Исломуни даъват этганларида, ҳеч иккиланмади:

— Мен шоҳидманки, Сиз Оллоҳнинг бандаси ва пайгамбарисиз, — деди.

Шундай қилиб, бир неча йиллар муқаддам дунёнинг саодат уйига фарзанд сифатида кириб келган Зайд онаси Хадича ва Али ибн Абу Толибдан сўнг учинчи мусулмон бўлиш шарафига етишди.

...

Абу Куҳофанинг угли Абу Бакр кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган соғлом фикрли, дуруст бир савдогар эди. Шу кунга қадар бутларга бирон марта ҳам буйин эгиб сизинмаган, фойдаси тегмайдиган, ҳатто ўзини ҳимоя эта олмайдиган бир тошдан одамга қандай наф бўлиши мумкин, деган фикрда юрарди. Маъбудлик билан тош ва дарахт уртасида бирон муносабат бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлар эди.

Ҳолбуки, ўша дамларда ақли расо, халқ орасида ҳурмат-эътиборга эга, жамоат орасида шарафли ҳисобланган кўпгина кишилар бу тош санамлар қаршисида бош эгардилар. Буни улар шунчаки кўнгилхушлик учун эмас, балки ибодат учун қилардилар. Тошларга астойдил сиғинар эдилар.

Ичкилик истеъмол қилувчиларнинг нақадар хароб ҳолга тўшаётганини кўрган Абу Бакр оғзига томчи шароб олмаган, айни чоқда, инсонлик шарафига номуносиб бўлган зино ҳам қилмаган эди.

Ваҳоланки, ўша пайтларда зино оддий бир ҳол эди, унинг ҳар хил турлари кенг тарқалган эди. Ҳатто баъзилар аслода ҳисобланувчи кишилардан фарзанд орттиришни орзу қилиб, шу мақсадда ўз жуфти ҳалолани ўшандай кишиларнинг ихтиёрига топширар, сунгра хотини ҳомилдор бўлган-булмагани ойдинлашгунга қадар унга яқинлашмас эди¹. Кейинроқ эса, ўзларига бундай иноят қилган кишиларга совға-саломлар ҳам жўнатар эдилар. Бунинг натижасида жамиятда насл-насаби но-

маълум болалар кўпайган эди. Ҳомиладор эмаслиги аниқ бир аёл бир вақтнинг узида саккиз-ун киши билан зинода була олар, бу чиркин иш аёл то ҳомила орттиргунга қадар давом этар эди. Бола тугилгач, ҳалиги кишиларнинг ҳаммаси аёлнинг ҳузурига тулланар, аёл уларнинг ичидан кимни танласа, уша одам болага оталик қилар ва бунга ҳеч ким эътироз билдирмас эди².

Судхўрлик ҳам жамиятда чуқур илдири отган эди. Пулдорлар томонидан қурилган бу «тегирмон» фақирларни, ожизларни чиғирқидан утказар, улар пешона тери билан қўлга киритган даромад тўппа-тўғри сармоя бериб турганларнинг чўнтакларига бориб тушар эди.

Замона зўрники эди. Ожизлар доимо азоб-уқубатга гирифтор, ҳеч ким ўзини хавфсиз сезмас, ўзаро ишонч туйғуси қолмаган эди. Бир қабиладан иккинчи қабилага мол олиб бориб сотиш ва бунда саломат қолиб даромад орттириш мушкул масалага айланган эди.

Қон тўкиш оғир гуноҳ бўлмай қолган эди. Ғазаб отига минган, қасос алангасида ёнаётган бирон киши душманининг бош чаноғида шароб ичишга қасамед этишдан ҳам тап тортмас ва бу онтини сўзсиз бажарар эди.

Халқ орасида обрў-эътибор қозонган шоирлар, шеърларида ўзларининг одобсизликларини ҳам ифода этаверардилар. Чунончи, Муаллақа шоирларидан Амр ибн Кулсум бундай деган эди: «Зинҳор бирон кимса бизга қарши жоҳиллик қилишга отланмасин. Акс ҳолда, биз ҳам жоҳилларнинг жоҳиллигидан фойдаланиб, жоҳиллик билан жавоб қиламиз».

Уларнинг орасида соғлом фикрли, фазилатли кишилар ҳам йўқ эмасди. Аммо борларининг ҳам ҳаётда ҳузур-ҳаловати, тинчи йўқ эди. Чунончи, соф виждонли, чин инсоний фазилатлар соҳиби бўлган Абу Бакр ҳам бу муҳитда бўтилган, жони ҳалқумига келган эди. Ўтириб чин дилдан суҳбатлашадиган, дардини ишониб оча оладиган кишиларнинг сони бармоқ билан санокли эди.

Абу Бакрнинг энг ишончли, ҳар жиҳати билан тақдирлашга лойиқ ягона биродари Бани Ҳошим уругидан Абдулмуттолибнинг невараси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ эди. Уни анчадан бери — Ҳадича билан турмуш қурган кезларидан танир, эл орасида ёшлигидан «ал-Амин» деб танилган бу инсоннинг том маънода ишончли эканлигига шубҳаси йўқ эди. У билан дўстлашганининг боиси ҳам шу. Орада утган йиллар бу дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлади, икки дўст бир-бирларига кўр-кўрона эмас, самимият ва фазилат узатган қўллар билан боғландилар.

Ўттиз саккиз ёшга кирган Абу Бакр ҳаётида анча-мунча нарсани кўриб қўйган, аммо ўзи яшаётган жамиятдан қаттиқ нафратланар эди.

Шундай фикрлар билан яшаётган Абу Бакр бир куни Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳузурига отланди. У билан дардла-

шаман, бу мазмунсиз ҳаётдан қутулиш чораларини биргалашиб ахтаришни таклиф этаман, деб уйлади.

...

— Йўл булсин, ё Муҳаммад?

— Сенинг ҳузурингга келаётирман, ё Абу Бакр...

— Мен ҳам сенинг олдинга кетаётган эдим, эй вафоли дўстим.

Икки дўст хилватроқ жойга чекиндилар. Бир неча ойдан бери давом этаётган гаройиб тушлар, шундан кейин ёлғизлик-ка булган интилиш ҳисси ва Ҳиро тоғидан келган фаришта... ҳақларида гапирилди. Ниҳоят, Абу Бакр яккаю ёлғиз Оллоҳдан бошқа илоҳ танилмайдиган ҳақ динга даъват этилди.

Абу Бакр заррача ҳам иккиланмади. Чин кўнгилдан чиқаётган самимий сўзлар билан:

— Гувоҳлик бераманки, эй Муҳаммад, Оллоҳ ёлғиздир, ундан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир. Яна гувоҳлик бераманки, сен унинг қўли ва расулисан, — деди.

Абу Бакрдан худди мана шу жавоб кутилган эди.

Шу йўсинда мусулмонлар — Муҳаммад алайҳиссалом умматлари турт нафар бўлди. Комил инсонлар ичида биринчи уринни Абу Куҳофанинг ўғли Абу Бакр (р. а.) эгаллаган эди.

...

Ҳазрати Абу Бакр уттиз саккиз йиллик ҳаёти давомида бу кеча булгани каби осойишта бир ҳиссиёт билан ётоғига кирганини эслай олмасди.

Ўзининг ва барча оламларнинг Яратувчисини таниш шарафига эришди. Унга ишониш билан юраклар ҳузур-ҳаловат топишини ўз танасида ҳис қилди.

Ётоғига кирар экан, ич-ичидан отилиб келаётган бир самимият билан:

— Ашҳаду алла илаҳа илаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ, — дея такрорлар эди.

...

Макканинг пастқам бир кучаси...

Ўттиз ёшлардаги тарбияли, уятчан бир йигит... Ҳазрати Абу Бакрнинг сўзларини жон қулоғи билан тингламоқда...

Яккама-якка қурилган бу суҳбат бирмунча давом этди. Суҳбат сунгида қўл сиқишдилар. Хайрлашар эканлар, Ҳазрати Абу Бакр:

¹⁻² Имоми Бухорий. 6/132.

— Бу бир сир булиб қолиши керак, эй Усмон! Худо ҳаққи, сени эзгуликка даъват этдим. Сўзларимни яхшилаб ўйлаб кўр, — деди.

Ажралишдилар.

Аффон угли Усмон, тафаккурини ларзага солган, дунёқарашини беқиёс кенгайтирган бир тақлифга юзма-юз келган эди. Абу Бакр:

— Бу бутлар жонсиз нарсалардир. Бирон кимсага на фойдаси бор уларнинг ва на зиёни... Яхшилаб ўйлаб кўр, сўзларимнинг тугри эканлигини англаяжаксан. Уйларимизнинг пойдеворига ишлатадиган тошлардан, тоғларда, қир-адир ва водийларда мавжуд тошлардан ҳеч фарқи йўқдир бу бутларнинг, — деган эди.

Ақли расо кишининг бошқача хулосага бориши имконсиз ҳам.

Эрта саҳарда Усмон Абу Бакрни қидириб топди.

— Мени Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳузурига олиб бор, — деди.

...

Ҳазрати Абу Бакр самимийлигига ишонса буладиган ёшлар билан бирма-бир учрашиб, уларга буюк ҳақиқатни тушунтира бошлади. Ҳар гал яккама-якка учрашар, бутлар ҳақида гап очар, ёлғиз Оллоҳдан узга ҳеч бир маъбуднинг йўқлигини уқтирар, суҳбатдошида яхши маънодаги бир ўзгаришни сезса, шундан кейингина Муҳаммад Расулуллоҳдан (с. а. в.) гап бошлар эди.

Зубайр ибн Аввом Абу Бакр билан учрашган иккинчи йигит эди. Унга ҳам Усмонга айтилган гаплар уқтирилади. Зубайр севимли, ҳурматли кишиси Абу Бакрнинг сўзлари сафсата бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Қолаверса, Абу Бакр унга пайгамбар деб танитган Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ўзи ҳам жуда яхши танир эди. Чунки Зубайрнинг онаси Сафийя Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг аммаси булгани учун уларнинг орасида яқин қариндошлик ришталари мавжуд эди.

Аммо Зубайрга бунинг ўзи етарли эмасди. Азал-азалдан анъанага айланган ва бободан отага, отадан болага асрлар давомида утиб келган ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечиши керак, бу иш эса осон эмас эди. Шу кунга қадар телба эмаслигига ишончи комил булган кўплаб инсонлар — биргина сўз билан юзларча кишилардан иборат қабиаларни ҳаракатга келтира олувчи бошлиқлар, шоирлару нотиклар... ҳамма-ҳаммаси бутларга сигиниб келадилар. Улар маъбуд деб эътиқод қўйган бутларни тошдан булак нарса эмас, дейиш гоят мушкул эди.

Шундай ўй-хаёллар билан орадан бир неча соат ўтди.

«Мен ақлли булсам, нега энди ақлимни ишлатмайин?!»

Яшиндай миясига келиб урилган бу фикр Зубайрни эски-

лик сарқитидан халос этиб, ақл билан иш юритишга ундади. Бутларни илоҳ деб билувчи эътиқод кишани ўз-ўзидан парчаланиб кетди.

Абу Бакр билан иккинчи марта учрашганда, бутлар энди унинг учун ҳам тошга айланган, жонсиз ва аҳамиятсиз бир нарса бўлиб қолган эди.

— Мени тоғамнинг угли билан учраштир, ё Абу Бакр, — деди ҳаяжон ила.

Бир муддат ўтгач, Ҳазрати Хадича онамизнинг иймон машғаласи ёнган уйида Зубайр ибн Аввом исми бир йигит ҳам қалбининг тубидан отилиб чиққан ва умр буйи унга содиқ қоладиган ҳақиқатни ҳар бир калимаси устида тўхтаб-тўхтаб такрорлади: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ...»

...

Набийлар сарвари тугилган кечани эсловчилар ўша кеча Аминага ёрдам бериш учун келган икки аёлдан бири Шифо хоним булганини жуда яхши биладилар.

Ушбу ҳодисадан роппа-роса ун йил ўтгач, Шифо хоним ҳам бир угил тўққан, унга Абди Амр деб исм қўйган эди. Абди Амрни айримлар Абдулкаъба деб ҳам аташарди.

Хуллас, яхши-ёмон хотираларга бой йиллар ўтиб, Абди Амр ҳам утгиз ёшга кирди. Аслида ҳаётининг энг лаззатли онлари ҳам уша йилларда ўтган бўлса ажаб эмас.

Бир куни Абди Амр ўзи улкан ҳурмат билан қарайдиган савдогар томонидан фикрлашга даъват этилганида, қуларини пешонасига қўйиб, чуқур ўйга толиш мажбуриятини ҳис этди.

— Жуда соз, ё Абу Бакр, мен бу мавзу тугрисиди яхшилаб бош қотирайин, — деди у.

Расулуллоҳ (с. а. в.) жондан азиз дўстлари Абу Бакр билан биргаликда ҳузурларига Абди Амр ҳам ташриф буюрганини кўриб, жуда мамнун бўлдилар. Чунки у ҳам иймон келтириш, ҳидоят ва саодат йўлига кириш учун келган эди.

Абди Амр шаҳодат калималарини сўйлади. Куфр ва инкор йулини бундан кейин бутунлай тарк этиш эвазига бу буюк йулни қозонди.

— Сенинг исминг Абдурраҳмон бўлсин...

Унга бу муборак исми пайгамбарларнинг энг буюги бердилар. Ўзларига севимли булган бу исми доимо — бу дунёда ҳам, охирада ҳам ҳамроҳлари бўлажак бир йигитга бердилар. Йиллар ўтиб ҳам, набийлар сарварининг тилларидан: «Исmlарнинг энг гузали Абдуллоҳ ва Абдурраҳмондир», деган сўзларни эшитган чоқларида ўзини «Абди Амр» бўлишдан халос этган ва «Абдурраҳмон» бўлиш шарафига сазовор қилган Расулуллоҳга (с. а. в.) меҳр тула нигоҳлари билан боқиши шубҳасиз эди бу йигитнинг.

Исми билан бирга жисми ҳам, руҳи ҳам ўзгарган эди

унинг. Бутун вужуди билан куҳна-эскидан мукамал янгига ўтган эди Абдуorraҳмон.

Абдуorraҳмон ибн Авф иймон йулида ҳамроҳ булажак илк мусулмон биродарлари билан танишди. Улар ҳануз бармоқ билан саноқли эдилар. Пайгамбаримиз (с. а. в.) хонадонлари аъзоларини ҳисобга олмаганда Абу Бакр, Усмон, Зубайр ва ўзи...

Бу ҳисобга Зайдни ва ҳали балоғат ёшига етмаган Алини ҳам қўшасан, жами олти киши булардилар. Бепоян дунёда, дунёнинг асл Соҳиби ва Яратувчисига эътиқод қилган, Уни инкор этмайдиган, қудратда Унга тенг келадиган бошқа бир мавжудотни билмайдиган олти киши...

Абдуorraҳмон таҳорат қилиш, намоз ўқишни ўрганди. Намоз ўқир экан, ўқилиши керак бўлган сўзларни такрорлай-такрорлай, ёдлаб олди. Бундан буён бутун ҳаёти давомида ҳар намознинг ҳар ракатида ўқиш лозимлиги ўқтирилган Фотиҳа сурасини шахсан Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг тилларидан эшитди:

«Алҳамду лиллаҳи роббилъаламин...»

«Оламларнинг Робби, Раҳмон ва Раҳийм бўлган, қиёмат кунининг хожаси Оллоҳ Таолога ҳамду санолар бўлсин! Эй Парвардигоримиз, фақат сенга ибодат қиламиз, сендан ёрдам сўраймиз. Бизларга тўғри йўлни кўрсатгин — шу кишиларнинг йўлларини кўрсатгинки, уларга турли неъматлар берибсан; газабингга дучор бўлган, тўғри йўлдан озган кишиларнинг йўлидан бошқа, яхши йўлни кўрсатгин».

Келажакда Оллоҳ Таоло тайинлайдиган вақтга қадар, ҳеч кимсага бу ҳақда оғиз очмаслик, одамларнинг кузи тушадиган жойда намоз ўқимаслик ўқтирилди. Бир оздан кейин Саъд ибн Ваққос мусулмон бўлиш шарафига эришди.

...

Холид ибн Саид ибн Ос уйқудан уйғониб, юраги тез-тез ураётганини ҳис этди. Бир туш кўрган эди, шу ҳақда суҳбатлашиш учун уйдан чиқди.

— Йўл булсин, эй Холид?

— Ал-Аминнинг ҳузурига кетаётирман, эй Абу Бакр.

— Нечук?

— Бугун кечаси бир туш кўрдим. Унга сўзлаб бермоқчиман. Сен ҳам эшитсанг, фойдадан холи бўлмас...

Улар биргаликда Расулуллоҳнинг (с. а. в.) уйлари томон йўл олишди. Кўрган тушини йўлакай гапириб берди:

— Ваҳшатли бир жарликнинг шундоққина ёқасида эмишман. Бирдан нотаниш кимса пастга итариб юборди. Қутулишим амри маҳол эди. Шу орада бирдан ал-Амин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ пайдо бўлдию белимдан даст кўтариб, қўтқариб қолди. Унга шу тушни айтиб, қандай таъбир қилишини эшитмоқчиман.

— Яхши уйлабсан, эй Холид. Эҳтимол Оллоҳ Таолонинг ўзи сенга ҳидоят тилаган бўлса, ажаб эмас.

Холид ибн Саид янги бир диннинг тарқалаётганини ва кечаги кунга қадар ал-Амин Муҳаммад Абдуллоҳ сифатида таниган кишиси бугунга келиб пайгамбарлик вазифасига тайин этилганлигини йўлда Ҳазрати Абу Бакрдан эшитди.

Бу пайтда Набийи Акрам (с. а. в.) Ажйод деган бир жойда эдилар.

— Бизни нимага даъват қиласиз, ё Муҳаммад?

— Сизни Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳнинг йўқлигини ва Муҳаммад Оллоҳнинг пайгамбари эканлигини тасдиқлашга... шу дамгача сизнингимиз жонсиз, — фойда ҳам, зарар ҳам бермайдиган бутлардан воз кечишга даъват қиламан.

— Мен гувоҳлик бераманки, Сиз даъват қилаётган дин ҳақ диндир. Сиз эса, Оллоҳнинг расулсиз.

Шундан кейин Холид кўрган тушини гапириб берди.

...

Бир куни ўта ожиз, қашшоқ бир чўпон қўйларини утлатиб юраркан, икки кишига дуч келди.

— Сен кимнинг қўйбоқарисан? — деб сўрашди улар.

— Уқба ибн Абу Муайтнинг...

— Бизни сўт билан меҳмон қила оласанми?

— Сўт бор-ку-я, аммо мен оддий қўйбоқарман, сўт билан меҳмон қилишга ҳаққим йўқ. Менга топширилган ишончга хиёнат қилолмайман.

— Хўп. Унда бизга сути соғилмайдиган биронта қўйни кўрсатгин-чи.

Қўйбоқар сурувдан бир қўйни ажратди.

— Мана шу қўй соғилмайди, — деди.

Юзидан нур ёғилиб турган киши қўйнинг оёқларини керди, дуо қилди. Бирдан қўйнинг эмчакларидан сўт оқа бошлади. Иккинчи киши биронта идиш олиб келишни буюрди. Қўйбоқар ёнида олиб юрадиган сопол товоқни узатди.

Сўт соғилди, аввал сутни соғган киши ичди, сўнгра ўртоғига берди. Қолган сўт қўйбоқарга тақдим этилди. Ҳаммаси ичиб булингач, қўйнинг эмчаклари яна эски ҳолига қайтди. Бир оз олдин сўт соғилган эмчакларга сира ҳам ўхшамай қолди.

— Эй олийжаноб зот, бу қўйга қандай дуо ўқидинг? Уни менга ҳам ўргатасанми? — деди қўйбоқар.

— Отинг нима?

— Отим Абдуллоҳдир. Масъуднинг углиман.

— Сени яккаю ягона Оллоҳнинг борлигига ишонишга ва бутларга сизинишдан воз кечишга даъват этаман.

Расулуллоҳ (с. а. в.) шуларни сўзларканлар, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг бошини силар: «Оллоҳ сенга марҳамати билан муомала буюрсин, қўлигингда давом этишни насиб қилсин, сен ўрганишга қодирсан», дер эдилар.

Абдуллоҳ калимаи шаҳодатни айтди. Энди у иймон лашкарининг жисман заиф, аммо иймони кучли бир аскарига айланди.

Ушанда муминларнинг сони унга яқинлашиб қолган эди.

Сал кейинроқ Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Абу Салама, Арқам ибн Абу Арқам, Усмон ибн Мазъун, Убайда ибн Ҳорис ибн Абдулмуттолиб мусулмон бўдилар.

...

Бир пайтлар Яман томонлардан келиб Бани Мугийра хонадонидан паноҳ топган Ёсир у ерда Мугийра угиллари томонидан Сумайя исмли бир жорияга уйлантирилган, бу никоҳдан Аммор ва Абдуллоҳ исмли икки фарзанд дунёга келган эди.

Орадан йиллар ўтди ва бу болалар болағат ёшига етдилар.

Бир куни Аммор Макка кўчаларида айланиб юрганида бир икки кишининг Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с. а. в.) ҳақларида баҳслашишаётганини эшитиб қолди. Суҳбат диққатни тортадиган даражада қизгин эди. Шахсан узини куришни хоҳлади. У ҳақда суришгирди. Ниҳоят, Арқам ибн Абу Арқамнинг уйида эканликларини билди ва дарҳол шу томонга жўнади. Суҳайб ибн Санъон Румий ҳам уша ерда эди. Аммор ҳайрон бўлди:

— Бу ерда нима қилиб юрибсан, эй Суҳайб? — деб суради.

— Узинг-чи, ё Аммор?

— Мен ичкарига кирмоқчиман ва Муҳаммад Аминнинг сузларини тингламоқчиман.

— Менинг фикрим ҳам худди шундай.

Биргаликда ичкарига кирдилар. Маънавият оламидан таралиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг дудоқларидан тукилаётган сузларни тингладилар, бу калом ҳар жиҳатдан гўзал ва мукамал эканлигига ишонч ҳосил қилдилар, иккиси ҳам калимаи шаҳодат келтириб, иймонли бўдилар.

Оқшомга қадар Арқамнинг уйида қолдилар.

Куп ўтмай, Амморнинг отаси Ёсир, онаси Сумайя ва укаси Абдуллоҳ ҳам мусулмон бўдилар. Шу тариқа бутун оила аъзолари Исломи динига кирган, кунгиллари Расулуллоҳ кўрсатган мақсадга йўналган эди.

Қисқа вақт ўтиб, Усмон ибн Мазъун ҳам икки укасини етаклаб, Пайгамбар (с. а. в.) ҳузурларига келди. Кудума билан Абдуллоҳ акалари сингари иймон ва Исломи шарафига ноил бўдилар.

Буюк пайгамбар Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид динини тиклаш мақсадида ҳидоят йўлига чиққан, аммо орзуига етиша олмай ҳаётдан кўз юмган Зайд бу кунларда ҳаёт бўлса, ким билади дейсиз, қанчалар хурсанд бўларди. Аммо тақдирдан қочиб қутулиш ҳаққи ҳеч кимсага берилмаган. Аммо Зайднинг кичик ёшда етим қолдириб кетган ўгли Саид бор эди. Мана шу кунларда у вояга етган, камгап, ювош, тарбияли бир ўспирин булган эди. Уни амакиси Хат-

тоб боқиб олган, қизи Фотимага уйлантириб ҳам қўйган, Саиднинг сингиси Атикани эса, ўгли Умарга олиб берган эди. Шу йўсинда Саид билан Умар почча-қайинога булган эдилар. Аммо поччалардан бири ўта тажанг, сержаҳл ва довжорак, иккинчиси эса, ўта даражада ювош ва камгап...

Бир куни Саид ҳақиқат оламидан келаётган бир даъватга қулоқ тутди. Унга Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигига ишониш таклиф этилди. Ҳақли бир таклиф эди бу. Отаси Зайд мана шундай бир таклифга рубару бўлиш, Оллоҳга олиб борувчи энг тўғри йўлнинг муршидига қовушиш учун беҳисоб чилаларга бутун вужуди билан утирган эди.

Ҳаққа ва эзгуликка чорловчи бир даъватга қулоқ тутмаслик мумкин эмасди. Қисқа вақт ичида рафиқаси Фотиманинг қалбида ҳам иймон нури порлади. Шу тариқа ёш эр-хотин биргаликда шаҳодат келтирдилар ва мусулмон бўлиш завқини тотдилар.

Бу орада Ҳазрати Абу Бакр қизи Асмонинг ҳам мусулмон бўлгани ҳақида хушхабар келтирди.

Яна Ҳаббоб ибн Аратт, Умайр ибн Абу Ваққос, Масъуд ал-Корий, Салит ибн Амр, Аййош ибн Абу Робиа ва хотини Асмо, Хунайс ибн Ҳузофа, Амир ибн Робиа мусулмонларнинг сафига қўшилдилар.

Бир замонлар ҳақ динни топиш мақсадида узоқ сафарга отланган ва христианликни қабул қилиб Маккага қайтган Убайдуллоҳ ибн Жаҳш ҳам шаҳодат келтирди ва мусулмон бўлди.

Абу Толибнинг ўгли ва Ҳазрати Алининг акаси Жаъфар, унинг умр йўлдоши Асмо бинти Умайс, Хатиб ибн Ҳорис хотини Фотима бинти Мужалла, Хатибнинг укаси Хаттоб ибн Ҳорис ва хотини Фукайҳа бинти Йасор, Маъмар ибн Ҳорис, Усмон ибн Мазъуннинг ўгли Соиб, Муттолиб ибн Азҳар, хотини Рамла, Нуайм ибн Абдуллоҳ, Амир ибн Фуҳайра, Хотиб ибн Амр, Утба ибн Робининг ўгли Абу Ҳузайфа, Вақид ибн Абдуллоҳ... — булар яширин даъват кунларида мусулмон булганлар жумласидан эдилар.

...

Пайгамбар (с. а. в.) тушган оятларни унутилмаслик ва сақлаш қулай бўлишлиги учун ёздириб қўярдилар. Ёзилган оятлар қўлма-қўл ўтиб тарқалар, истаганлар уларни ёдлар эдилар.

Ваҳий келган пайтларда Жаноби пайгамбаримиз (с. а. в.) хотирадан чиқариб қўйишдан хавотирланиб, Жаброили Амин билан биргаликда қайта-қайта ўқишга ва ёд олишга ҳаракат қилардилар.

Юксак девондан келган амр у зотга фақат тинглашни буюрди: (Қуръонни) шоша-пиша ёд олиш учун тилингни қимирлатма. Уни қалбингга жо этиш ва ўқитиш, шубҳасиз, бизга оиддир. Шундай экан, биз уни ўқиган чоғларда сен ўқилишини

диққат қилиб тингла. Сунгра уни изоҳлаш ва баён этиш ҳам бизга оиддир»¹.

Набийи Акмал бундан кейин юз берган ҳолатларини шундай ифода этган эдилар:

«Ваҳий ҳолати тутагач, ўз-ўзидан қалбимга жо бўлиб қоларди»².

Яна бир сафар эса: «Худди қалбимга китоб ёзилаётганини ҳис этаман»³, деган эдилар.

Эндиги вазифа бу оятларни инсонларга баён этиш ва уларни Исломга даъват қилиш эди.

...

Набийлик вазифаси илк бор юклангандан бери орадан икки йил ўтди. Хаттоб угли Умарнинг уйида бирдан севинч қичқириви эшитилди.

Эртанги куннинг буюк инсони бўладиган, пайгамбарининг суннатларини шахсан ўз ҳаёти орқали намуна қиладиган ва саҳобаларнинг илк сафларидан урин оладиган бу гудакка Абдуллоҳ исми берилди.

Аммо Абдуллоҳ шу онда узига бу исмнинг берилганидан ҳам беҳабар эди.

...

Абу Толиб бир куни Маккадан ташқарида кезиб юраркан, кутилмаган манзарага дуч келди. Олдинда жияни Муҳаммад ал-Амин, ундан бир оз орқада угли Али биргаликда ибодат қилардилар.

— Нима қилаётирсизлар, эй Абул Қосим?! Бу тутган йулларингизни қандай тушунса бўлади?

— Амакижон, бу Оллоҳ юборган диндир. Фаришталарининг, пайгамбарларининг ва хусусан бобомиз Иброҳимнинг (с. а. в.) динидир. Оллоҳ Таоло менга ушбу динга даъват қилиш вазифасини топширди. Сиз эса, эй амакижон, мен учун энг самимий, яқин, қадрли ва ҳидоятга қовушишини орзу этадиган кишимсиз. Бу даъватни қабул этишга, қўллаб-қувватлашга энг лойиқ бўлган кишим ҳам сизсиз.

Абу Толиб жавоб берди:

— Эй жияним, мен ота-боболаримнинг динидан воз кечишга журъат қилолмайман. Аммо қасам ичиб айтаманки, токи мен ҳаёт эканман, бирон кимса сенга ёмонлик қилолмайди.

Шундан сўнг угли Али томонга ўтирилди:

¹ Қиёмат сураси 16-19; Имоми Бухорий, 6-жилд, 79-бет.

² Имоми Бухорий, 1/3.

³ Ибни Ҳишом. Уша асар, 1/253.

— Амакингнинг угли сени фақат хайрли ишга даъват этибди. Ундан айрилма, — деди¹.

Энди ваҳий узлуксиз равишда кела бошлади:

«Эй (кийимларига) уралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб, намозда) туринг! Фақат озгина — у (кеча)нинг ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камтиринг ёхуд унга (бир оз) зиёда қилинг ва Қуръонни тартиб билан тиловат қилинг! Зеро, Биз сизга огир Сузни — Қуръонни туширажамиз. Албатта, кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш жуда огир юқдир ва (лекин у пайтда кундузги безовталиклар бўлмагани учун) энг тўғри суздир. Албатта, сиз учун кундузи узун — тинимсиз машгулот бордир, (шу сабабли кечалари бедор бўлиб ибодат қилинг). Парвардигорингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб, (чин ихлос билан бандалик қилинг)! (У) машриқ ва магрибнинг Парвардигоридир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Узигина бордир. Бас, сиз (узингиз учун) Унигина вакил (ҳомий) қилиб олинг!»²

Набийи Ақрам жанобимиз ушбу оятлар орқали кечалари ҳам тоат-ибодат қилишга даъват этилдилар.

...

Ўша кунлари номи ҳали тарихларда битилмаган бир одам жоҳилия даврининг жирканч бир одатини амалга ошириш ҳаракатида эди.

Бу одамнинг ширингина, севимли бир қизчаси бор бўлиб, уни жуда ҳам яхши кўрарди. Чақирган заҳоти «Лаббай, отажон!» деб қошига югуриб келар, ота-онаси уни упишар, бағриларига босиб эркалатишар эди.

Шундай кунларнинг бирида у отини эшитиб, отасининг қошига чопқилаб келди. Ҳар доимгидай, қучоғига отилди.

Ота уни қўлларидан тутди, икковлон биргалашиб кўчага чиқдилар. Уйларидан ҳали унча узоқлашишмаган эди. Ота унга ажойиб ва хушгаъм озиқ-овқатлар ҳақида гапирар, яқинда қариндошларидан бирининг тўйида унга совга тариқасида бериладиган қуйлак ҳақида баҳс этар эди.

Шу аснода қизча бирдан итариб юборилганини ҳис этди. Ота-бола ҳозиргина ёнидан ўтган қудуқ қизчани қайта чиқмайдиган қилиб ўз домига ютди. Аммо йиртқичларгагина ярашадиган бу ишни қилган отанинг қулоқларига:

— Ё абатаҳ!.. Ё абатаҳ!.. — тарзидаги ингроқ овоз келди. Отанинг сунги марта эшитган сузлари шу будди. Пешонасида пайдо бўлган совуқ терларни артиб, яшин тезлигида бу ердан узоқлашди. Ким билади, бечора қизча яна қанча лойт у ерда «Отажон!» дея инграган экан¹.

Мадина даврида мусулмон бўлган бу одам мазкур воқеани

¹ Ибни Ҳишом. Уша асар, 1/263.

² Музааммил сураси, 1-9.

пайгамбаримизга сузлаб берганида, Расулуллоҳ (с. а. в.) соқоллари ҳул бўлиб кетгунча йиғлаган эдилар.

...

Бир куни Умар қаватига олти ёшлар чамасидаги қизини олиб, Маккадан ташқарига йул олди.

Хилват бир жойга келдилар. Умар елкасидан белкурагини олди ва чуқур қазий бошлади.

— Нима қиялпсиз, отажон? Нега қазияпсиз бу чуқурни?!— деди қизи атрофида гирдикапалак бўлиб.

— Бу ерга сени кумамаман, — деб жавоб қилди Умар.

Қизчанинг ранги оқариб кетди. Отасини яхши одам деб уйларди. Айни чоқда, отасининг бирон гапни зое гапирмайди-ан одам эканлигини ҳам жуда яхши биларди.

Кузёшларига тулган нигоҳлари отага қадалди:

— Отажон, мени ўлдирманг!..

— Сен ҳиқилламай тур!

Бу сузлардан кейин ҳам ёлвориш беҳуда эди. Ягона чора қочиш эди. Жон ширин, қизча ўлишни истамасди.

Пешонасидан оқайтган терларни арта-арта қум қазийтган Умар, бирдан: «Тухта, қочма!» деб бақирди ва қизининг орқасидан чопа кетди.

Жонҳолатда қочайтган қиз бечоранинг ортидан етиб келган ота дағал қўллари билан сочларидан тутиб, қатъий силтаб тухтади. Шундан кейин судраб-судраб, чуқурнинг ёнига олиб келди.

Қазийш давом этар, гўдакнинг кузёшлари ҳам бетухтов ерга юмаланар эди.

Шу аснода Умар қўлидаги белкуракни ерга қаттиқ урди ва натижада бир сиқим тупроқ сочилиб, Умарнинг юз-кузи чангга беланди. Ерга утириб қолди ва қўзларини ишқалай бошлади.

Отасини бу ҳолатда кўрган қизча сакраб уридан турди:

— Отажон, мени ўлдирсангиз, соқолингизни ким тарайди?

Юзларингизни ким тозалайди?! — дея бармоқлари билан Умарнинг соқолларини тарай бошлади.

Умар уни илкис итариб юборди. Сапчиб уридан туриб, яна қазий бошлади.

Бир оз ўтгач, Умар тухтаб қолди. Бошини эгди, бир муддат уйга толди. Йиғлаётган қизчасига кўзи тушди. Олти йилга яқин силаб-сийпалаб, эркалаб келган жигари эди у. Бундай яқин кишининг жонига қасд қилиш осон эмасди...

Орада кунглига бу ишдан воз кечиш фикри ҳам келди. Қизчасининг қўлидан тутиб, Маккага қайтишни ҳам уйлади. Шундай қилганида, қанчалар севинарди бу маъсума гўдак... яна ҳаётга қайтгандек бўларди. Ким билади, ҳозир уйда қандай

¹ Доримий. «Сунан», 1/3.

аламли дамлар кечайтган экан, қанчалар оҳлар чекилаётган, кўз ёшлар тўкилаётган экан?!

Аммо бу ишнинг бошқа жиҳати ҳам бор эди. Умар қизини олиб кетди, қўллари титраб орқага қайтариб олиб келди, деб устидан биродарлари қулишмайдими? Умр бўйи қизи олдидаги виждон азобига қандай чидай олади?

Бир неча сония вақт шундай фикрлар огушида ўтди. Соатлар, ҳатто кўналарга татирли бир-бирига зид фикрлар яшин тезлигида миясидан ўтди. Шундан сўнг яна белкуракка ёпишиб, чуқур қазий бошлади.

Етарли даражада қазиганига ишонч ҳосил қилганида, ерда фарёд уриб ётган қизча ҳам даҳшатли фожиа соати етиб келганини сезди, ялинчоқ нигоҳларини отасига қадади.

Аммо отанинг қўзларидан олов сачарди. Қиз яна тез уридан сакраб турди ва тақрор қоча бошлади.

Умар яна қизининг ортидан югурди, етиб олиб қаттиқ ушлади. Энди қутулиш чораси қолмаган эди. Қизча ҳадеб «Отажон, отажон!» дея чинқирар, силтанар эди.

Бир латта каби улоқтирилган маъсум вужуд чуқурнинг четларига тегиб пастга юмалаб кетди. Умарнинг бақувват қўллари тупроқ уюмини чуқурга ташлар экан, оёқларига сўнгги кучини йиғиб чуқурдан чиқиб кетишга уринаётган гўдакни босиб турарди. Бошига шувиллаб тупроқ тўкилиб, қўзлари ҳам тупроққа тулган қизча бир-икки чирпанишдан сўнг ҳаракатлари бўшади, кетма-кет устига тушаётган тупроқ уни тобора босиб, нафасини сиқа бошлади.

Оёқлари остидаги вужуднинг ниҳоят чиранишдан тухтаганини англаган Умар енгил нафас олди. Пешонасидаги терларни артиб ташлади ва қолган-қутган тупроқни ҳам чуқур устига ташлаб, ишини тугатди.

Уша кеча уйда ҳеч кимнинг овози чиқмади. Умар ҳар доимгидан ҳам асабий эди. Унинг бу кўрқинчли ҳолати уйда бирон кимсанинг чурқ этиб огиз очишига йул қўймади. Фақат, қўллар ора-сирра қўзлардан юмаланган ёшларни артарди.

Очиқ даъват сари илк одим

(Яқин қариндошлар)

Ҳиро тоғидаги горда илк бор фариштанинг келгани ва «Ўқи!» деган амр берилганидан буён уч йилга яқин вақт ўтди. Атрофдан тоза руҳли инсонлар пухта бир танлов асосида ушбу динга даъват этилди, анча-мунча муваффақият ҳам қозонилди. Даъват қилинганлар орасида қўллар ва озода кишилар, аёллар ва эркалар, бойлар ва камбағаллар бор эди.

Оллоҳ Таоло «Собиқуни аввалин» деб атаган бу шарафли инсонлар бутларнинг қошида бош эгиш ҳақоратидан қутулиб, Оллоҳнинг ҳузурини сажда қилиш саодатига эришган эдилар.

Бир куни Расулуллоҳга (с. а. в.) ушбу муҳим амр келди:

«Энг яқин қариндош-уруғларингизни (Оллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг! Узингизга эргашган мўмин кишилар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, уларга хушхулқ билан камтарона муомалада бўлинг)! Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда: «Албатта, мен сизнинг амалингиздан покдирман», деб айтинг. Голиб ва меҳрибон (Оллоҳ)га таваккул қилинг! У сизни узингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилгувчилар орасида ҳам, (имом булган ҳолингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига) кучаётган (вақтингизда ҳам) кўриб турур. Шак-шубҳасиз, у эшитгувчи, билгувчи зотдир».¹

Келгуси машаққатли кунларга қараб илк одим шу йўсинда қўйилди. Энди дин мусулмонликни қабул қилмаган тақдирда ҳам уни сир сақлайдиган, ишончли кишилар доирасидан ташқарига чиқаётган, илк одим яқин қариндошлардан бошланаётган эди.

Жаноби пайгамбаримиз меҳмон бўлиб келган аммаларига аҳволни баён этдилар. Зиёфат бериб, қариндошларини динга даъват қилиш фикрида эканликларини гапирдилар.

— Истасанг, шундай бир зиёфат уюштир. Аммо зинҳор Абдул Уззони (Абу Лаҳабни) тақлиф этма. Чунки у сенинг даъватингни барибир қабул этайди, — дейишди аммалар.

Улар укалари Абу Лаҳабнинг феълани яхши билишарди. Сувни орқага оқизишга ҳам қўрби етиши, ўта ўжарлиги яхшигина маълум эди. Аммо «яқин қариндошлар» ичида Абу Лаҳаб ҳам бор эди, амакилари эди. Буюк девондан келган амрни узгартириш ёки кечиктириш мумкин эмасди.

Бир кишигина тўядиган миқдорда гўшт пиширилди. Яна, бир кишига лойиқ сут тайёрланди. Амакилар, аммалар ва улардан ташқари бошқа яқин қариндошлар тақлиф этилди. Дастурхонга тортилган гўшдан аввал Ҳазрати пайгамбаримиз олдилар. Сунгра меҳмонларга: «Марҳамат!» дейилди. Ҳамма тўйгунича еди. Аммо гўшт ҳамон ҳеч тегилмагандай ҳолда қолган эди.

Навбат сутга келди. Набийи Акмал жанобимиз бошлаб озгина ичдилар. Кейин меҳмонлар ича бошладилар. Ҳамма ичгандан кейин ҳам сут сира камаймади.

Энди Пайгамбари Замон жаноблари мақсадни сўзламоқчи эдилар. Аммо шу пайт Абу Лаҳаб дик этиб ўрнидан турди. Афти-ангори узгариб:

— Худо ҳаққи, бу одам бизни сеҳрлади! — деб бақирди.

Азбаройи асабийлашганидан, портлагудай аҳволда эди, бақариб-чақирарди. Машваратнинг бу тарзда давом этишидан яхшилик кутиб бўлмасди. Меҳмонлар бирин-кетин тарқалдилар.

Эртаси кун яна зиёфат чақирилди. Абу Лаҳаб яна бир қилиқ чиқармасин, деб энди у тақлиф этилмади. Аммо Бани Ҳошимнинг такрор йигилганларини эшитиб, тақлифсиз келди. «Сен тақлиф этилмагандинг-ку, нега келдинг?» дейилмади.

Меҳмондорчилик сўнггида бир кун олдинги разиллигини такрорлади. Огзига келган гапларни қайтармади. Сузларини:

— Қариндошларига сен каби ёмонлик қилган кимса ҳали ҳаётда бўлган эмас, — деб тугатди.

Кайфият яна бузилди. Асл мақсад ойдинлашмасдан, меҳмонлар яна тарқалиб кетдилар.

Хуш, Абу Лаҳабнинг нияти нима эди? Нега жанжал чиқариш пайда бўлди? Қирқ йилдан бери ҳамманинг тақдиру тақсинига сазовор бўлиб келган жиянини ноқулай аҳволга солишдан нима учун бунчалик хушанарди?

Бунинг ягона сабаби қуйидаги воқеа эди:

Бир куни Абу Лаҳаб укаси Абу Толиб билан жанжаллашиб қолиб, уни ётқизиб олди-да, буга бошлади. Воқеа устига мазкур жияни етиб келди ва Абу Толибнинг тарафини олди. Абу Лаҳабни унинг устидан итариб, йиқитиб юборди. Шундан кейин калтаклаш навбати Абу Толибга ўтди.

Абу Лаҳаб мана шу воқеадан кейин жиянига душман бўлиб қолган, «Буни ҳеч қачон унутмайман!» деган эди.

Абу Лаҳаб кек сақловчи одам эди. Ҳасадгўйлик иллоти бор эди унда. Ичидан ёндираётган бу кек ва ҳасад унинг ҳаққа борадиган йўлини тақа-тақ беркитган, сўз эшитадиган, сўз тўшунадиган ҳолатда эмас эди.

Ҳолбуки, Набийи Акрам (с.а.в) орадаги бу совуқчиликни бартираф этиш учун икки нуридийдалари, севиқли қизлари Руқайя билан Умму Гулсумни Абу Лаҳабнинг икки углига унаштириб, яхши ниятда яқинлашишни истаган эдилар. Аммо бу тадбир ҳам Абу Лаҳабнинг ичини ёндираётган туйгуларини сундирмади.

...

Орадан анча-мунча гамгин кунлар ўтди. Жаброили Амин келиб юқорида келтирилган амрни яна такрорлади. Амр адо этилмаса, азоб келиши ҳақида хабар берди.

Жаноби пайгамбаримиз қариндошларини яна тақлиф этдилар. Овқат ейилди, сут ичилди, сал кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) дарҳол уринларидан туриб, шундай сўз бошладилар:

— Мард йигит оила аъзоларига ёлгон гапирмайди. Мен эса, ҳаммага ёлгон гапирган тақдиримда ҳам, сизларга сўйламайман. Жами инсонларни алдасам ҳам, сизларни алдай олмайман. Шундай экан, эй Абдулмуттолиб авлоди! Қасам ичиб айтаманки, мен келтирган нарсадан ҳам шарафли ва фойдали бир нарсани ҳали ҳеч бир инсон ўз қавмига келтирган эмас! Мен сизларга дунё ва охиратнинг саодат ва шарафини келтирдим. Оллоҳ Таоло менга сизларни ушбу динга даъват этишимни буюрди. Ўзидан бошқа ҳеч бир маъбуд бўлмаган Оллоҳ номидан қасам ичиб айтаманки, мен Унинг бутун инсониятга ва хусусан сизларга юборган пайгамбариман!.. Сизлар худди уйқуга кетгандай бир куни келиб ўлишингиз, уйқудан турган-

¹ Шуаро сураси, 214-220.

дай қайта тирилишингиз муқаррардир. Шундан кейин қилган амалларингизнинг ҳисобини берасизлар. Яхшиликларингизга жавобан яхшилик қурасизлар, ёмонликларингизнинг жазосини тортасизлар. Жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам абадийдир. Орангизда менга ака-укалик қилиб, қайси бирларингиз ёрдамчи бўласиз?

Расулulloҳ (с.а.в) сўзларини шу тарзда яқунладилар. Аммо бирон кишидан садо чиқмади. Ҳамма бир-бирига қаради, бошларини эгди. Орага огир сукунат чўқди. Ниҳоят, ҳали ҳам балогатга етмаган Али оёққа турди.

— Ораларингизда энг кичиги ва заифи менман. Аммо мен Сизга бажонидил ёрдамчи бўламан! — деди.

Алининг бу хатти-ҳаракати у ердагиларни кулдирди. Айримлар Абу Толибга қаради.

Абу Лаҳаб яна жанжал чиқаришга уринарди:

— Агар унинг бу сўзларини бошқа араблар ҳам эшитиб оёққа турсалар, ўзимизни қутқара олмаймиз, бизни лақил-латяпти бу, — дер, у ердагиларнинг кўнглига ваҳима солишга уринар эди.

Абу Толибнинг жаҳли чиқди:

— Ҳей қурқоқ! Нималар деяпсан ўзи? Токи биз тирик эканмиз, худо номи билан қасам ичаманки, Муҳаммадга ёрдамчи бўламиз, қўриқлаймиз! — деди.

Машваратда Абу Лаҳабнинг фикрини қувватлайдиган бирон киши ҳам чиқмади. Иймон йўлига кирилмаса-да, Абу Лаҳаб сингари очиқдан-очиқ Муҳаммадга қарши чиққан бирон кимса бўлмаганининг ўзи ҳам яхши бир натижа эди.

...

Даъват йулида яна бир одим қўйилди. Жанобимиз:

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни юзага чиқаринг ва мушриклардан юз утиринг!»¹ амрини олдилар.

Энди ишни яширинча юритиш даври тугаган эди. Яқин-узoқ, таниш-нотаниш ҳамма кишилар бу даъватдан бохабар бўлиши керак эди.

Набийи Акрам жанобимиз мақсадларини амалга ошириш учун маккаликлар энг муҳим ишларни бажаришда тутадиган йўлни тутдилар. Каъба яқинидаги Сафо тепалигига чиқдилар, қўлларини қулоқларига қўйдилар ва бор овозлари билан:

— Ё сабахах, ё сабахах! .. — деб бақирдилар.

Муҳим бир муаммо юзага чиққани ҳаммага маълум бўлди. Маккаликлар Каъба атрофига туплана бошладилар. Кела олмаганлар одам жунатишди.

Расулulloҳ (с.а.в) атрофларини ўраб олган оммага хитобан:

— Эй қурайшликлар, сизларга шу тоғнинг этакларида бир

суворий қўшини ҳужум қилишга тайёр турганини айтсам, менга ишонасизларми? — дедилар.

Тарадудланмай жавоб беришдики:

— Сенинг ёлгон гапирганингни ҳали шу пайтгача эшитмадик, ё Амин! Албатта, ишонамиз!

— У ҳолда, маълумингиз булсинким, мен сизларга буюк, огир ва машаққатли азобнинг келишидан олдин етишган бир хабарчиман. Сизларни Оллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуднинг йўқлигига ва мен Унинг Расули эканлигимни қабул этишга даъват қиламан. Агар қабул этсаларингиз, жаннатга киришингизга тула кафолат бераман. Қабул этмасангизлар, сизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам фойда беролмайман!¹

Шу он унинг сўзи булинди. Энг олдинги қаторлардан биринида турган соқоли одам ердан бир тош олиб, унга қарата олди:

— Лаънат сенга, қўлларинг акашак булгур, бизни шунинг учун бу ерга тупладингми?! — деб ҳайқирди.

Ким бўлди бу одам? Ким бўларди? Пайгамбаримизнинг амакилари, яна ўша Абу Лаҳаб-да. Амакиларики шудай муносабат билдираркан, бегона кишилардан нима ҳам кутиб бўларди? Келганлар, бошлари эгик ҳолда, тарқалдилар. Ҳолбуки, ораларидан мард бир йигит чиқиши керак эди, ва:

— Дарҳақиқат, сендан ҳеч маҳал ёлгон гап эшитмадик. Аммо бу дафъа абадий саодатга эришиш ёки ундан маҳрум бўлишдай бир муаммо қаршисида турибмиз. Оллоҳнинг пайгамбари эканлигини қандай исбот қиласан? — дейиши керак эди.

Қаерга бошласа, ўша томонга кетаверадиган оломон эмас, нима қилаётганини, нималар қилиши лозимлигини биладиган, билишни истайдиган инсонлар жамоаси эканликларини курсатишлари, жавоб ва исбот талаб этишлари керак эди. Қисқаси, Абу Лаҳабнинг бу хатти-ҳаракати бу йигиннинг тарқалиб кетишига сабаб бўлмаслиги даркор эди.

Буюк Пайгамбаримиз (с.а.в) у ерни ута гамгин равишда тарк этдилар.

...

Абу Лаҳаб Сафо тепалигидан қайтаркан, зиммасига тушган вазифани адо этганига амин эди. Бир неча кунгина аввал қариндошлари орасида курсатган сеҳр-жодулари етмагандай, устига-устак, бутун Қурайш қабиласини узига жалб этишга киришганига бефарқ қарай олмасди.

Акс ҳолда, бу ишнинг натижаси муваффақиятли тулар ва Муҳаммад Амин улкан шухрат соҳибга бўлар, Абу Лаҳабдай бир кишини сояда қолдиражак мавқеларга эришар эди...

Мукаммал уйланган бир совуқ уруш йўлини тутишдан бошқа чора йўқ, деган фикрга келди у. Муҳаммадни ёлғизла-

¹ Ҳижр сураси, 94.

¹ Имоми Муслим. 4/1877.

тиб қўйиш ҳамда муваффақиятсизликка учратиш учун қўлидан нима келса, орқага сурмасдан ушани қилишга аҳд этди. Хотини Умму Жамил ҳам унга ҳамфикр эди.

...

Шу кундан эътиборан ҳатто дарвозаси ҳам бир бўлган қўшининг, яъни, Муҳаммад Аминнинг уйларига девор ортидан тошлар келиб туша бошлади. Эрта саҳарда уйдан чиққанларида, эшик тагига ташланган ахлатга дуч келдилар. Оёғига ботсин, деган ниятда йулакка ёйиб ташланган тиканларни кўрдилар. Ахлоқсизларча бу хатти-ҳаракатлар жоҳил эр-хотин ўртасида худди мусобақалашаётгандай улкан гайрат билан давом эттирилди.

Абу Суфённинг синглиси ва Абу Лаҳабнинг умр йўлдоши бўлган Умму Жамил Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизга рубару келиб қолганда баъзан:

— Шайтонингдан қандай хабарлар бор? — деб киноя қилар, баъзан қовоғини солиб олар, яна гоҳида:

— Не хабар бор кўкларда?.. Қурайлик-чи, бугун қандай сафсатаалар билан миллатни аддар экансан? — дея мингирлаб, у зотни безовта қилар эди.

Натижада Жаброили Амин илоҳий девондан қатъийлашган, узгармас бир ҳукми Расулуллоҳга (с.а.в.) етказди:

«Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай (ҳалок бўлгай). (Аниқки) у қуриди (ҳалок бўлди)! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқони бўлган хотини (ловулаб турган) алангали дўзахга киражак!»¹

Олий бир ҳақиқат ва адолат бор эди бу сурада. Пайгамбарнинг амакилари бўлса ҳам, Ҳаққа бўйин элмаган, Мавлоий Зулжалолга итоат этмаган киши ўз бошини ейиши, жазосини тортиши муқаррар эди.

Бу сура айланиб, Абу Лаҳабнинг қулогига ҳам етиб борди. Қаттиқ газабланиб кетди:

— Мана кўрасан, эй Муҳаммад, ҳақиқий уруш энди бошланади. Кимнинг қули қуриши, ким мағлубият азобини тортиши аслида энди ойдин бўлади! — деб гўлдиради.

Шундан кейин девордан ахлат ташлашлар янада авж олди ва Расулуллоҳнинг ҳовлилари юриб бўлмас ҳолатга келтирилди. Жаноби пайгамбаримиз эса, бу разилликларга жавобан:

— Эй Абду Маноф уғиллари, бу қандай қариндошлик, ахир?! Бу қандай қўшничилик? — дедилар. Ҳар куни алоҳида бир сабр-тоқат, алоҳида бир сабот билан бу азиятларга нисбатан юракларини кенг қилдилар.

Пайгамбар жанобимизнинг эшикдан чиқиши билан дуч ке-

¹ Масад сураси, 1-5.

ладиган фожиавий манзарага ора-сира бир нодон хотиннинг қаҳқаҳаси ҳам қўшиладиган бўлди. Бу хотин ўзини тия олмай:

— Амр этгин-да, шайтонинг келиб ҳовлингни тозалаб кетсин, — деб бақирар эди.

Бир куни Абу Лаҳаб галати бир ҳолга дучор бўлди. Ҳар кунги одатини қилиб, ахлатларни бир ифлос челақка солиб, Муҳаммаднинг ҳовлисига тукиш учун кетаётган эди. Энди тукаман деб турганида, аллақандай бақувват қўллар орқасига чанг солганини ҳис этди. Ўгирилиб қаради. Қаршисида укаси Ҳамза турарди.

— Нима қиялсан?.. — деди Абу Лаҳаб довдираганча.

Ҳамза ортиқ кутиб турмади:

— Менга бер челақни! — дея шартга олди-да, бир ҳамла билан акасининг бошидан тукиб юборди. Соч-соқоли расво бўлган, юз-кўзидан ювиндилар оқаётган Абу Лаҳаб руҳи сингари жирканч бир овоз билан чинқирди:

— Аҳмоқ, динсиз!

Ҳамза гурур билан, расвоий жаҳон бўлган акасига тикилиб турар, енгил кулимсирар эди. Абу Лаҳаб гўлдиради:

— Уялмайсанми шундай қилишга?

Бу ҳали ҳолва эди. Чунончи, Ҳамза дедики:

— Йўқ, сира ҳам уялмайман. Қайтага, жуда мамнунман. Сен ўзинг ҳар куни укангнинг ўғлига шундай ифлосликни қилганда, нега уялмадинг? Бу ишни бошқалар қилса, олдини олиш урнига, сенинг бу қадар пасткашлик қилишинг айб эмасми?

Абу Лаҳаб Масад сурасини ўқиди:

— Хуш, бунга нима дейсан? Одам ўз амакисини ҳам дўзах қиладими?

— Сен шунга лойиқ бўлдинг, ё Абу Лаҳаб. Қани айт-чи, унга бу даражада телбаларча разиллик қилган ёки қилаётган яна ким бор? Олдин сен унга қарши душманларча ҳаракатга киришдингми ёки у сенга бекордан-бекорга шу сўзларни айтди-ми? Нега бошқа амакилари ҳақида бундай демади-ю, сен ҳақингда шундай гапирди? Мен қўрқаманки, эй Абу Лаҳаб, укангнинг ўгли томонидан берилган бу хабар, бежиз эмасдир...

Абу Лаҳаб асабийлашган тарзда тез-тез юриб, уйига кириб кетди.

...

Бир томондан амакилари Абу Лаҳабнинг битмас-туганмас одобсизликлари, иккинчи томондан эса, бошқа қўшни Уқба ибн Абу Муойтнинг худди Абу Лаҳаб билан рақобат қилаётгандай курсатаётган азиятлари натижасида Расулуллоҳ (с.а.в.) Каъбага яқин бир жойда истиқомат қилувчи Арқамнинг уйига кучдилар.

Бутун оила кўчдими ёки фақат пайгамбаримизнинг ўзлари тонг саҳарда кетиб, оқшомда қайтиб келардиларми?

Бизнингча, иккинчи тахмин ҳақиқатга яқинроқ бўлса ке-

рак. Эҳтимол пайгамбаримиз (с.а.в.) эрталабдан кечгача у ерда булгандирлар. Ҳатто баъзан кечалари ҳам уша ерда ётиб қолгандирлар ва шу йўсинда хотинларию қизларини қушнларининг безовта қилишларидан халос этган булсалар, ажаб эмас.

Зайфа аёлларга қарши уюштирилладиган бундай ҳаракатларни араблар ута чиркин иш деб баҳоладилар. Айниқса, бундай ҳаракатларни Ҳазрати Ҳадича шахсига йўналтиришни қушнларини ният қилмаганлар. Мана шу сабабларга кўра, уйдан вақтинча чиқиш билан пайгамбаримиз жаноблари оила аъзоларини тинчлик-хотиржамликка эришгирдилар. Шу воқелик иккинчи тахминнинг ҳақиқатга яқинроқ эканлигини тасдиқлайди.

...

Абу Лаҳаб ва унинг хотини Умму Жамил ўзларини дўзахи деб эълон қилган Расулуллоҳдан (с.а.в.) уч олиш учун яна бир ишга қўл урдилар. Угиллари Утба билан Муаттибга:

— Муҳаммаднинг қизларини рад этасизлар. Ё бизни, ё уларни танланглар, — дедилар.

Натижа бу бўлдики, бир хабар жўнатилиб, унаштириш ришталари узилгани билдирилди. Баъзи ривоятларга кўра, бу унаштириш эмас, никоҳ ришталари эди.

Уларнинг фикрича, бу ҳаракат Расули Амಿಂದан (с.а.в.) олинган ажойиб бир интиқом эди. Ич-ичларидан хурсанд бўлишди. Ифлос оташ билан ёнган ва ёнажак юраклари бир оз тинчиди гўе.

Ҳикмати чексиз Мавло шу васила билан Ҳабиби Адибини оғир бир юқдан халос этганини, унинг ҳали ун гулидан бири очилмаган қизларини бундай шарафсиз бир оиланинг келинлари бўлиш ҳақоратидан узоқ тутганини улар тушуна оладиган даражада фаросатли эмас эдилар.

Низо ва қийноқлар

Бир куни оқшомга яқин Абу Дубб водийсидан утаётганлар бир қанча ёшларнинг гаройиб хатти-ҳаракатлар билан машғул эканликларини кўриб қолдилар. Тухтаб, кузата бошладилар. Бу орада ёшлар намоз ўқиб бўлдилар. Ахнас ибн Шерик исмли йўловчи уларга мурожаат этди:

- Нималар билан шугулланганингизни сўрасам бўладими?
- Куриб турганингиздай, ибодат қилаётимиз.
- Гаройиб ҳодиса... санамингиз қани?
- Қанақа санам?
- Биродар, «қанақа санам»инг нимаси? Одатдаги санам-да.
- Биз оддий санамларга сизинмаймиз.

Абу Суфён суҳбатга аралашди:

— Яъни, буюк Хубал каби, Лот ва Уззо каби санам демоқчи.

— Улар ҳам бояги-бояги тош эмасми? Бошқа тошлардан нима фарқи бор уларнинг?

Баҳс шу йўсинда қизиб кетди. Келганлар ҳалиги мусулмон ёшларнинг устидан кула бошладилар. Вазият тобора кескинлашар эди. Саъд тезда асабийлашди.

— Ҳозироқ даф бўлинглар бу ердан! — дея ҳиддатланди.

— Вой-вой, кўрқиб кетдик. Нима, бизни қувиб юбормоқчимисан? — дея мазах қилишди улар.

— Албатта! Тез йўқолинглар бу ердан!

— Маълум бўлдики, сен калтак егинг келяпти экан, эй Саъд. Сени бир оз тарбиялаб қўймасак булмайдиганга ухшайди, токи тилингни ҳадеб узайтиравермагин.

Юқорида бир калла суяги турарди. Саъд уни олмоқчи бўлиб чўзилди. Одию энг олинда турган йигитнинг бошига тушириб юборди. Суяк қаттиқ тушиб, ҳалиги йигитнинг бошини ерди, юзи қора қонга беланди. Пичоқ суякка бориб қадалган, булар иш булган эди. Шу боис иккинчи кишининг ҳам адабини бермоқчи бўлди. Аммо энди ўзи таъзирини еб қолиши ҳам мумкин эди. Шуни сезиб, дарҳол орқага чекинди. Қоча бошладилар.

Илоҳий ваҳий келганидан бери мушриклар билан илк бор юз берган туқнашув мана шундай содир бўлди. Бу йўлда биринчи марта қон Саъд ибн Абу Ваққос томонидан оқизилди.

...

Саъд ибн Абу Ваққос юқорида баён қилинган жанжалдан сўнг ортиқ яширинишнинг фойдаси йўқлигини биларди. Маккада бу жанжал ҳақида эшитмаган кимса қолмади ҳисоб.

Шунчаки бир жанжал бўлса, балки бир-икки жойда гапирилиб, тезда унутилиб кетарди. Аммо бу фавқулодда ҳодиса бўлиб, ҳали кўпларга номаълум бўлган дин йўлидаги кураш эди. Шу боис узоқ-яқиндан жуда кўп кишиларнинг диққатини тортди.

Саъднинг онаси Ҳамна воқеани энг охирги бўлиб эшитганлардан бири эди. Зотан, Саъд ҳам эндиликда уйнинг бир бурчагига биқиниб олиб, намозини шу ерда ўқий бошлаган эди. Кун ботмасдан (яъни, аср вақти) икки ракат ва бомдоод вақти (кун чиқмасдан) икки ракат намозларининггина ўқиётган эди. Шундай бўлса ҳам, уйда ўқиётган бу намозларни узоқ вақт онасидан яшириб юриш имконсиз эди.

— Ўғлим, бу нима қилганинг? — деб суради бир куни онаси.

— Намоз ўқияпман, севимли онажоним.

— Яъни, ҳалиги жанжалнинг чиқишига сабаб булган намозми бу?

— Йуқ, онажон. Жанжалга бу намоз сабаб бўлмади. Уларнинг одобсизликлари, бизнинг устимиздан қулишлари, ёмон сўзларни айтишлари сабаб бўлди.

— Хўп, шундай дейлик, эшитишимча, сен Абдулмуттолибнинг неварасига қушилган эмишсан? Унинг динига кирибсан?

— Тўғри, онажон, унинг динига кирдим. Бутларга қуллик қилишдан қутулдим. Осмону фалак ва ерни яратган буюк Оллоҳнинг ҳузурига бошимни қуйиб сажда қилиш саодатига сазовор бўлдим.

— Муҳаммад сенга нималарни амр этади?

— Улар бизга бутлардан юз утиришни, яккаю ёлғиз Оллоҳга ишонишни, фақат Унгагина сажда қилиб, намоз ўқишни, қариндошларга, барча одамларга нисбатан яхши муомалада бўлишни буюрадилар.

— Хўш, ота-она қариндошлар ичида энг яқини эмасми?

— Албатта, шундай, онажон.

— У ҳолда мен сендан, дарҳол Муҳаммад билан алоқангни узишни талаб этаман.

— Бу иш қўлимдан келмайди, онажон.

Ҳамна ҳар нима эвазига бўлса ҳам, углини ўзининг эски динида қуришни истарди.

— Менга қара, углим, мени яхши кўрсанг, бу диндан қайтасан. Яхши кўрмасанг, у ҳолда билганингни қил.

— Онажон, сени нақадар яхши кўришимни ўзинг биласан. Аммо мен кирган бу йўл—йўлларнинг энг тўғриси, динларнинг энг гузалдир. Улсам ҳам, бу йўлдан тоймайман, ортиқ тортишиб утиришнинг ҳожати йўқ.

Она бу сафар сўнги чорани ишлатмоқчи бўлди.

— У ҳолда шуни яхши билгинки, эй Саъд, сен бу диндан воз кечгуннингга қадар, қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарса емайман ҳам, ичмайман ҳам. Ё эски динингга қайтасан, ёхуд онангнинг қотилига айланасан. Оқибатда номинг нафрату лаънатлар билан тилга олинадиган бўлади, утилгинам.

Шундай сўзларни айтиб, уйдан чиқди. Сафога, Марвага борди. Уша тепаликларга урнатилган Исоф ва Ноила бутларига қўлини сурди ва уйига қайтди. Шу йўсинда ўлим рўзасини тута бошлади.

Кеч бўлди. Кун ботиб тун чўқди. Тонг отди. Аёл ҳамон сўзида турар, емас ҳам, ичмас ҳам эди.

Саъднинг ора-сира бу бемаъни исёндан қайтариш учун қилган хатти-ҳаракатлари зое кетди. Аёл унга фақат «Қайтасанми?» дер, истаган жавобни ололмагач, гап-сўзни ҳам йигиштирар эди. Емай, ичмай, Саъд билан гаплашмай давом эттирилган ўлим рўзаси тўфайли учинчи куннинг оқшомига бориб онанинг дармони қолмади. Хўрозлар тонг отганидан хабар берганларида, аёл ҳам ҳушидан кетган эди.

Иккинчи угли Умора уни ҳушига келтириш учун юзига сув сепади. Узига келиши билан:

— Саъд нима қилди? — деб босинқиради.

— Шу ердан, онажон.

— Қайтдингми?.. Ота-боболарингнинг динига қайтдингми?..

— Йўқ, энди қайтолмайман, онажон.

Она яна ҳушидан кетди. Сув ичиришга уриндилар. Огзини чўп билан очиб, зўрлаб овқат қўйдилар. Аёл бир зумга яна узига келди ва қўлига илинган бир калтак билан Саъднинг бурнига урди. У ҳадеб лаънатлар ёғдирар, дуойибад қилар эди.

Саъднинг бурни яраланди... Улғунига қадар уша яранинг изи яхши-ёмон кунларидан бир хотира улуроқ қолди.

Саъд бурнидан оқаётган қонга қарамай, онасининг қарши-сида тиз чўқди.

— Севикли онажоним, — деди, — сени жуда яхши кўришимни биласан. Лекин шуни ҳам яхши билгинки, юзта жонинг бўлса, куз унгимда юз марта улсанг ҳам, мен бу диндан воз кечолмайман. Энди истасанг, бу бемаъни ўжарликка барҳам бер ва овқатингни е, истамасанг, ема...

Шундан кейин маҳзун бир аҳволда, кузларидан аччиқ-аччиқ ёшлар оқиб, ўридан турди. Дардини енгиллатишни истади.

Она дунёда энг севимли жигаргушасига қандай қилиб бу тарз муносабатда бўлади, уни кўфрга қайтариш учун қанақасига бу нодонликка боради? Бундан буён онасига қандай муносабатда бўлсин? Орада бир ип узилди, энди уни қандай қилиб қайтадан тугунсиз боғлаш мумкин, ахир?

Шулар ҳақида Пайгамбардан (с.а.в.) сўрамоқчи, У зотнинг муборак тилларидан эшитадиган сўзлари билан кўнглига таскин бермоқчи эди. Аммо булар ҳақида сўрашга фурсат бўлмади. Чунки малаклар оламидан келган янги бир илоҳий ҳукм ер юзига таралаётган, пайгамбаримиз у ваҳийни қабул қилиш билан овора эдилар.

Саъд қалби тўла ҳурмат туйғулари билан набийлар тожининг сўнги соҳиби бўмиш Буюклар Буюгининг ҳузурига кирганида, У зотнинг муборак юзларида ҳали ҳам ваҳийнинг таъсири сезилиб турар эди.

Саъд бир неча сония бу муборак чеҳрага тикилиб қолди. Диққат билан, ута синчковлик билан қаради. Қўрқиладиган, ташвишланадиган биронта ҳам нуқта, чизги йўқ эди бу чеҳрада. Гуёки вужудларидаги юрак ёритаётган эди бу юзларни. У юрак қанчалар соф бўлса, бу юз ҳам шунчалар пок, шунчалар пурзий эди. Юракда йўқ нарса, юзларида ҳам йўқ эди. Бу муборак юзга қараган зийрак киши: «Шубҳаланаман, бу юз менда ишонч тўғдирмади», дейиши асло мумкин эмас эди. Ҳеч кимсага нисбатан ёмонлик қилишни раво кўрмаган бу нуроний чеҳра ишончилиқнинг ҳамма белгиларини узига жо этган эди.

Бир дақиқадан сўнг ёзув тахтаси сифатида келтирилган курак суягига Набийи Акмалнинг (с.а.в.) огизларидан «тўкилган» ваҳий қалималари нақш этилди:

«Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилиқ қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни, қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг

ҳоли қуриб заифлаша борур) уни (қўкрақдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур). (Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онангга шуқр қилгин! Ёлғиз Ҳзимга қайтажаксан!» Агар улар сени узинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир булсалар-да) дунёда энг яхши муомалада бўлгин ва узинг Менга ижобат-тавба қилган кишиларнинг йулига эргашгин! Сўнгра Ҳзимга қайтурсизлар, бас, Мен сизларга қилиб утган амалларингизнинг хабарини берурман».¹

Саъд ортиқ саволга урин қолмаганини ҳис этди. Сўрамаса ҳам, миясини говлатаётган саволларга жавоб топган эди.

Ер юзида фақат икки инсон орасида бўлиб ўтган, аммо ҳақиқатан ҳам улкан аҳамиятга эга бу воқеа малаклар оламиндан хусусий бир фармон келишига сабаб бўлган, токи ер юзида она ва уғил бор экан, доимо ўтимли булажак бир ҳукм келган эди.

Аёл ҳам ўз навбатида ўлим рўзасига барҳам берди...²

...

Зубайр ибн Аввомнинг онаси Сафийя Жаноби пайгамбарнинг аммалари эди. Онаси Аввом эса, Фижор жангида ҳалок бўлган.

Зубайрнинг мусулмон бўлганини амакиси эшитиб, юзи буришиб кетди. Жиянининг бу ишидан асло хурсанд бўлмаган эди у.

— Эшитганларим ростми, эй Зубайр? — деб сўради жаҳлдан ўзини зўра тийиб.

— Қайсиниси, амаки?

— Яъни, сабий (юлдузларга сизинувчилардан) бўлганмишсан?

— Асло, амакижон. Ҳеч қачон сабий бўлолмайман, — деб жавоб қилди Зубайр. Унинг тўғри сўзли эканини амакиси биларди.

— Демак, тўхмат қилишибди-да... — деди ва суҳбат шу билан тугади.

Орадан ўтган бир неча кун давомида амаки бу ҳақда бошқа ўйламади. Аммо тасодифан уни намоз ўқиётганда қуриб қолиб, фигони кўкка кўтарилди.

— Сен тунов кун менга ёлгон сўзлабсан-да, Зубайр? — деди.

— Мен ёлгон гапирмадим. Ундай ниятим ҳам йўқ, амакижон!

— Яъни, Муҳаммаднинг даъватига юриб, унинг динига кирганингни инкор қиласанми?

— Йўқ, ҳеч қачон инкор қилмайман. Муҳаммад ибн Абдул-

¹ Луқмон сураси, 14-15.

² Ибну Касир. Тафсир, 3/445.

лоҳнинг динига кирганим рост, аммо у сабий эмас, мен ҳам. Ҳозир ҳам Яратганга сажда қилаётган эдим.

— Масала энди ойдинлашди, — деди амакиси. — У ҳолда, амакинг сифатида дарҳол эски динингга, отанг Аввомнинг ва менинг динимга қайтишингни талаб этаман.

— Бундай қилолмайман, амакижон.

— Жиддий гапиряпсанми, Зубайр?!

Амакисининг бундай дейиши ута табиий бир ҳол эди. Чунки тушида ҳам Зубайрнинг бунақа жавоб беришига ишонмасди. Ҳайрат ва газаб ичида берилган саволга Зубайр гоят хотиржамлик билан:

— Албатта, амакижон, жиддий гапиряпман, — деб жавоб қилди.

— Мен сени амакига қарши чиқадиган бола буласан деб сира кутмаган эдим. Шу кунгача бундай хатти-ҳаракатни кўрмадим. Демак, энди бутунлай ўзгарибсан-да?!

Зубайр анчагача панд-насиҳат тинглади. Аммо булар фойда бермади. Насиҳатлар кор қилмагач, қўл-оёғи богланди. Бир хонага қамаб қўйилди.

Орадан йигирма тўрт соат ўтди. Бу жазо етарли бўлиши керак эди. Тонг саҳарда амакиси Зубайрнинг қўл-оёғини бушатиш учун ёнига кирди.

«Кечиринг, амакижон, мендан хато ўтди, пушаймонман...»

Зубайрдан шу гапни эшитиш, уни бағрига босиш, кўзларидан ўпиб, ўзининг афсусларини ҳам айтишни истарди. Ҳали ўн олти-ўн етти ёшларда бўлган, яхши-ёмонни фарқламайдиган жиянига оталик қилиш унинг вазифаси эди, ахир.

— Қалайсан, ё Зубайр?!

— Қуриб турганингдай, амакижон.

— Яъни, пушаймон бўлмадингми?..

Шундай деркан, олиб кирган бутини Зубайрнинг олдига қўйди.

— Қани, бунга сажда қилгин-да, у ҳам ўз навбатида сени авф этсин.

Зубайр аччиқ-аччиқ кулди:

— Бир тошнинг қошида қандай қилиб эгилиб сажда қиламан, ахир?

Амакисининг кузи қонга тўлди:

— Ақлдан оздингми, Зубайр? Нималар деяётганингни биласанми? Неча йиллардан бери мен унга сизиниб келаман. Сенинг отанг, онанг, боболаринг ҳам ҳаммаси унинг қошида сажда қилганлар! — Шундан кейин бутта ўтирилди ва йиғламоқдан бери бўлиб: — Авф эт уни, нима қилаётганини билмайдиган бир бечора, алданибди, ҳали жуда ёш у... — дея ёлворди. Сўнг яна Зубайрга ўтирилди: — Тушундим, энди сени яхшилик билан йулга соломас эканман, — дея ҳурмат билан бутни олиб, ташқарига чиқиб кетди.

Бир оздан сўнг эшикнинг тагига утин қалаңди. Олов ёқилди. Хона тутунга тула бошлади. Зубайр димоқни бўғувчи бир

туман огушида қолган эди. Тинмай аксирар, нафас олиши огирлашар, кузлари, томоги ут каби ёнар эди.

Шу онда Набийи Акрамнинг (с.а.в.) ушбу муборак сузлари қулоқлари остида жаранглай бошлади:

«Уч нарса бордир, кимки мана шу уч нарсага эга бўлса, комил бир иймон соҳиби демақдир: 1) Оллоҳ Таоло ва Расулини бошқа ҳар қандай борлиқдан кўра ортиқ севиш; 2) бир инсонни фақат Оллоҳнинг розилиги учун яхши кўриш; 3) такрор кўфрона ҳаётга қайтишдан оловга ташлангандай кўрқиш ва нафратланиш».¹

Зубайр зурга-зурга нафас олар, кузлари ва бурнидан тинимсиз ёшу сув оқар, чаккалари лўқиллаб огир эди. Хонага тулган тутун орасида «Оллоҳим, сабр бер...» тарзида илтижо қилар, унинг сузлари бешак олий девонгача юксалаётган эди.

Ниҳоят, огир-огир нафас олишу бетўхтов аксиришлар сўнги бор «Оллоҳим!» деган суз билан тўхтади. Зубайрнинг ерга йиқилгани маълум бўлди. Олов ўчирилди, эшик очилди. Хонадаги тутун ташқарига чиқиб, ўрнига тоза ҳаво кирди. Зубайрни ташқарига олиб чиқдилар. Юзига совуқ сув сепиб, ҳушига келтирдилар. Кузларини очганда, тепасида амакиси турарди. Аммо ҳамон бошини кутаришга мажоли йўқ эди. Қайта-қайта сув сепилди. Амакиси ёнидаги бутга ишора қилди. Зубайр нигоҳлари билан жавоб беришга уринди: «Ўлсам ўламан, аммо унга қўл бўлмайман», дейишни истарди.

— Демак, фикрингда собитсан, шундайми, Зубайр?!

Зубайр пичирлаб жавоб берди:

— Ҳа, бу жонсиз тошга сажда қилишдан яхшироқдир.

— Сўнги сузингми шу?

— Йўқ, бугина эмас.

— У ҳолда сендан сўнги сузингни сузлашингни кутяпман.

— Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ. Мана, менинг сўнги сузим. Доимо шу булажак.

Зубайрнинг юзига шиддатли бир мушт келиб тушди. Кейин яна ут ёқилди, хона яна бугувчи тутунга тўла бошлади. Такрор узўқ-юлўқ, давомли аксиришлар бошланди. Кўп ўтмай Зубайр ҳушидан кетди.

Бу зулм бир неча бор такрорланди. Натижа ўзгармади. Ҳаммасида қайтиш таклиф этилди, ҳаммасида бу таклиф рад этилди. Ахийри, амакиси «Одам бўлмайди» деб ҳукм чиқарди ва қўйиб юборди.

Зубайр ибн Аввоннинг онаси Сафийя Жаноби пайгамбаримизнинг аммалари эди. Ўғлига берилган бу қийноқларга унинг муносабати қандай бўлди? Рози бўлдимми ёки рози бўлмасам ҳам, қаршилиқ кўрсатишга журъат эта олмадимми? Ёхуд унинг норозилиги ҳеч кимга билдирилмадимми? Бу саволларнинг жавоби тарих зулматларига кумилгандир.

¹ Имоми Бухорий. 1/9.

Усмон ибн Аффон мусулмон бўлган кунларда уттиз ёшлар чамаси бир қирчиллама йигит эди. Ўрта бўйли, бугдойранг танли, гузал юзли, серсоқол эди. Тозаликни яхши кўрар, доим озода кийиниб юрар эди.

Мусулмон бўлган кунгача ҳам огзига ичкилик олмаган. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аммалари бўлмиш Умму Ҳаким Байзонинг қиз томондан невараси эди.

Маълум бир пайтгача унинг мусулмон бўлганини ҳеч ким билмади.

Ҳаким ибн Абул Ос бир куни жияни Усмон ибн Аффонни намоз ўқиётганида, худди жиноят устида ушлаб олгандек, кўриб қолди.

— Нималар бўляпти, Усмон? Нималар қилаётирсан узи?

Усмон юмшоқ овоз билан жавоб берди:

— Намоз ўқияпман, амакижон.

— Яъни, ибодат қилаётирсан, шундайми?

— Ҳа.

— Ҳуш, санаминг қани? У қаерда?

— Мен санамга сизинмайман. У бир тош булаг, холос, — деди Усмон ва оламларни ёлғиз Оллоҳ яратганини, Ундан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигини сўзлади.

Ҳаким бу гапларни эшитган ҳамон тепа сочи тикка бўлди.

— Сен буларни қаердан ва кимдан ургандинг? — деди даргазаб бўлиб.

— Муҳаммад Амಿಂದан ургандим. Ҳақиқат эканлигига бутун қалбим билан ишонаман.

— Кузингни оч, Усмон, сенинг уятчан бир йигит эканлигиндан фойдаланиб, йулдан оздираётган бўлмасинлар, тагин.

— Йўқ, амаки, мен васвасага солинмадим, ишондим. Шу бутлар илоҳ эканлигини қабул этсам, ана унда йулдан озган бўламан.

— Бу жиддий гап эмас, Усмон!

Ора-сира дўқ-пўписали, баъзан насиҳатомуз давом этган узоқ баҳслашувдан кейин Усмон арқонлар билан богланди. Қамоқ муддати бир неча кун давом этди. Аммо Ҳаким жиянининг бу мавзуда ўта самимий эканлигига ишонч ҳосил қилди. Келиб, арқонни бўшатди ва хоҳлаган ишини қилишга изн берди.

Абу Ухайфа, Абдулмуттолибнинг невараси Муҳаммад Амಿಂದан бирон нуқсон топмасам, сўнги пайтларда у чиқарган дин муаммосидан хурсанд эмас эди.

Чор атрофда кўлаб ёшларнинг Муҳаммадга қўшилаётганини эшитиб, ҳушёр туриш ва тадбиркор бўлиш лозимлигини ҳис этди. Чунки утилларини ҳам васвасага солиб, йулдан оздириш эҳтимоли бор эди.

Биринчи чора сифатида утиллариға Ҳазрати Муҳаммад ва у зотга иймон келтирганлар билан учрашишни тақиқлаб қўйди. Анъанавий ҳаёт тарзларининг ўзгаришини, кечираётган ширин турмушларининг бузилишини сира ҳам истамас эди у.

Бир куни қулоғига етиб келган хабардан ларзага тушди. Одамлар угли Холиднинг Маккадан ташқаридаги бир водийда намоз ўқийтганини куришибди.

Дарҳол бошқа утиллари уша ерга жўнатди. Уни ушлаб олиб келишни буюрди. Бориб қарасалар, ҳақиқатдан ҳам намоз ўқийтган экан. Холид отаси Абу Ухайфа Саид ибн Оснийг ҳузурига келтирибди.

— Сен қавмингнинг бутларига тил теккизишганини била туриб ҳам Муҳаммаднинг динига кирдингми? — дея Абу Ухайфа углини бу девоналиқдан воз кечиршига уринди. Аммо Холиддан:

— Мен девона бўлганим йўқ. Ўз ақлим билан эътиқод этиб Муҳаммаднинг динига кирдим. У бизга тугри йўлни кўрсатди. Ўлсам ўламан, лекин бу йўлдан асло тоймайман! — деган жавобни олди.

Абу Ухайфа уридан сапчиб туриб, қулидаги хивчинни бор кучи билан Холиднинг бошига туширди. Шу тариқа икки-уч марта қаттиқ савалади. Тиним билмай, нафас олмай саваларди у. Ниҳоят, хивчин синди. Қолбуки, Абу Ухайфа ҳали хумордан чиқмаган эди.

— Йўқол кўзимдан, нодон! — дея ҳайқирди. — Бутундан бошлаб сенинг ризқингни қияман!

Холид бир аҳволда бўлишига қарамай, бошини зўрга кўтариб, деди:

— Ҳар кимнинг ризқини Оллоҳ беради. Сиз ризқимни кесангиз ҳам, мен очдан ўлмайман.

Холид уйнинг бир хилват бурчагига қамаб қўйилди. Қулоғи боғланган, сув ва овқатдан маҳрум этилган эди.

Ота:

— Агар биронтангиз Холид билан гаплашсангиз, Холидга берганимдан кўра ҳам оғирроқ жазо бераман! — деб таҳдид қилди оила аъзоларига.

Холиднинг қамалганига уч кундан ошганида, Абу Ухайфа эшиқдан бошини суқди:

— Эс-ҳушингни йигиб олдингми? — деб сўради.

— Ҳа.

— У ҳолда Муҳаммад ва унинг дини ҳақида менга нималарни гапирмоқчи бўлсанг, марҳамат.

Холид чуқур нафас олди ва гап бошлади:

— Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир. У даъват этаётган дин эса, Ҳақ диндир. Энг тугри йўл Унинг йулидир.

Абу Ухайфа узини йўқотиб қўйди:

— Эй ахлоқсиз, нодон, ҳозиргина эс-ҳушимни йигиб олдим, деган сен эмасдинг?!

Холид ожиз бир овоз билан жавоб берди:

— Эс-ҳушим жойида бўлгани учун ҳам тошларни маъбуд деб қабул қилмайман, ахир... — деди.

Абу Ухайфа бошқа утиллариға буюрди: Холидни кутардилар ва бошини муздай сувга тикдилар. Неча кундан бери очлиқдан ва сувсизликдан дармони қуриган Холид бирпасда ҳушидан кетди. Буни кўриб сувдан чиқардилар. Бир неча дақиқа шундай ётди. Ўзига келган заҳоти яна сувга туширибди. Қаршилиқ кўрсатишга кучи қолмаган Холид яна ҳушини йўқотди. Бу қийноқ уч марта такрорланди, кейин тўхтатдилар. Олиб бориб яна қамаб қўйдилар.

Кечаси секин эшик очилиб, умр йўлдоши Умайна кирди. У эрига овқат олиб келган эди.

— Сенга хушхабар келтирдим, эй Холид, — деди севинч ёшларини оқизиб, — бутундан бошлаб мен ҳам сенинг динингга кирдим. Мен ҳам бутлардан воз кечиб, ёлғиз Оллоҳ борлигига иймон келтирдим. Муҳаммад Амин Оллоҳнинг расули эканлигига шубҳам қолмади.

Холид бениҳоя хурсанд бўлиб кетди, аммо бу хурсандчиликни изҳор этишга ҳам дармони йўқ эди. Қўзларининг ичида гира-пира порлаган хушнудлик зиёсини куришга эса, қоронғилик халақит берарди.

Холид олиб келинган овқатни еди. Сал бўлса ҳам, дармонга кирди. Ечилган арқонни шу ерда қолдирди, сунгра ота хонадонини бутунлай тарк этиб, чиқиб кетди.

Эрталаб Холидни қамаб қўйилган хонадан топа олмаган Абу Ухайфа нима қилди? Холиднинг хотинига жабр қилинганми? Умайна хоним ҳам уша кечаси Холид билан бирга чиқиб кетдими ёки вақтинча яна уйда қолдими? — бизга қоронғи.

Фақат шу нарса аёнки, Холидга кўрсатилган жабру жафолар унинг яқинларига қаттиқ таъсир қилди. Чунончи, хотини Умайнанинг мусулмон бўлиши бунинг ёрқин далилидир. Куп утмай, Холиднинг укаси Амр бин Саид ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизнинг ҳузурларида шаҳодат келтирди ва мусулмон бўлди.

Шу воқеадан кейин Холид уйига қайтмади. Макка тоғларидаги горлардан паноҳ топди. Шу ерларда тоат-ибодат қилиб юрди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига борди, қаршиларига тиз чўқди, у зотдан таралаётган хушбўй ислардан баҳраманд бўлди, қалбларга ҳузур бағишловчи каломларини тинглади.

Иймон келтиргандан сўнг такрор кофирона ҳаётга қайтишдан олвдан кўрққандай кўрқиб чекинган Холид оғир синовдан утган, комил иймон соҳиби эканлигини ҳаётини хавф остига қўйиб исботлаган эди. Асл мукофот охиратда олинади. Аммо у ҳали-ҳозирданоқ, буюкларнинг буюги Пайгамбаримизнинг ҳузурларидаёқ мукофотини ола бошлади.

...

Амр ибн Абаса Сулайм қабиласидан бўлиб, қавмининг

яшаш тарзидан норизо бир киши эди. Уларнинг бутга сиги- нишдек жаҳолатга берилгани уни куюнтирарди.

Купинча, сафар чоғларида роҳиблар билан суҳбатлашиб қолса, улар яқин вақтларда Ҳижоз томонлардан бир пайгамбар чиқади, деб гапиришарди. Шу боис Амрнинг икки қулогнио икки кўзи Маккада бўлиб қолди. Ҳар сафар Ҳижоздан келади- ган кишиларнинг йулини пойлар, улардан «Маккада яна нима гаплар бор?» деб суриштирар эди. Ниҳоят, бир куни маккалик йўловчилар бир янгилик топиб келдилар.

— Гап куп, эй Амр, — деди улар. — Макка худди бир дошқозондек қайнамоқда. Абдулмуттолиб авлодидан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исмли бириси пайгамбарлик даъвоси билан урта- га чиқди. Ҳозир ҳамманинг оғзида шу гаплар бўлиб қолди...

Амр бир дақиқа ҳам вақтини бой бермай, дарҳол туясига минди ва Макка томонга йул олди.

Қидирган одамани топган онда бир зум ҳайратдан лом-мим деёлмай қолди. Қаршисида юзидан нур ёғилиб турувчи, бағоят келишган, ёқимли бир инсон турар эди. Кузлари бу одамнинг гоят самимий, ростгўй эканига бир далилдек порларди. Узоқ йиллик ҳаётий тажрибаларига суянган ҳассос юраги гўё: «Бу одамга ишонмасанг, дунёда бошқа ишонса буладиган инсонни қидиришинг беҳуда!» деяётгандек, тез-тез ура бошлади. Ёнига утирди, баъзи бир нарсаларни сўради. Сунгра:

— Жуда соз. Мен ҳам сенинг йўлингни танладим, сенга иймон келтирдим! — деди.

Шаҳодат калималарини келтирди, мусулмон бўлди.

Расулуллоҳнинг (с. а. в.) ёнларида қолишни, У зотга қули- дан келганича ёрдам беришни истарди. Пайгамбаримиз (с. а. в.) унинг бу фикрларига қушилмадилар.

— Сен бу ерда қолсанг бўлмайди. Куриб турибсанки, ҳо- зир вазият жуда оғир. Сен яхшиси ҳозир уйингга қайт ва менинг голиб чиққанимни эшитган заҳотинг келиб менга қу- шил, — дея маслаҳат бердилар.

Амр ибн Абаса Расули Кибриёнинг бу амрларига бажони- дил рози бўлди ва уша заҳотиёқ уйига қайтиб кетди.

Йиллар ўтар, бирон хушхабар эшитиб қоларман, деган умидда Амр келган-кетганлардан Маккадаги аҳвол ҳақида сў- раб-суриштирар эди.¹

. . .

Гифор қабиласида ўз ҳолича кун кечириб юрадиган ака-ука буларди. Аканинг исми Абу Зарр, укасининг исми Унайс эди. Бир куни, Маккада пайгамбар чиқибди, деган хабар қулоқлари- га чалинди. Абу Зарр:

— Туянгга мин-у, ҳозироқ Маккага йул ол, эй Унайс. Булар миш-миш гапларми ёки ҳақиқатми эканини билиб кел, — деди.

Унайс акасининг истагини бажо келтириш учун Маккага бориб келди.

— Қандай хабарлар келтирдинг, эй Унайс?!

— Бир одамни курдим. Эзгулик тарафдори, ёмонликнинг душмани экан. Бироқ халқ унга қарши.

Абу Зарр бу жавобдан қониқмади:

— Дардага даво, чанқоқликни босадиган жавоб булмади бу гапларинг, эй Унайс! — деди юраги типирчилаб.

Сунгра тўрвасини елкасига осиб, қулига ҳассасини олиб, узи йулга тушди. Маккага келди. Ҳеч кимдан ҳеч нарса ҳақида сўрамади. Замзам сувидан ичиб, бир чеккада хаёл суриб ўти- раверди. Оқшом тушган, кун қорая бошлаган эди. Ҳамма би- рин-кетин тарқала бошлади. Бир оздан сунг Ҳарамда деярли ҳеч ким қолмади. Кечани шу ерда ўтказишдан ўзга чора йўқ эди.

Шу пайт ҳали балогат ёшига етмаган бир ўсмир унга яқин- лашди.

— Адашмасам, мусофирга ўхшайсан, шундайми? — деб сўради.

— Ҳа, мусофирман.

— Марҳамат қил, бизникига борамиз.

Абу Зарр ўрнидан турди. Боланинг кетидан уйларига бор- ди. Овқатландилар. Арабларнинг одатига кўра, ундан ким экан- лиги, қаердан келганлиги сўралмади. Мусофир ҳам бу тўғрида ҳеч нарса демади.

Тонг-саҳарда Абу Зарр «зора излаганимни топсам», деган умидда уйдан чиқиб кетди. Кеч булди ҳамки, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида ҳеч бир хабар эшитмади. Қоронги тушар маҳали у яна кечаги жойига бориб ўтирди. Бир пайт:

— Ҳой мусофир, кеча меҳмон булган уйингни йўқотиб қуйдингми? — деган овозни эшитиб, Абу Зарр ўтирилди ва кечаги ўсмирни кўрди. Ўрнидан туриб, яна у билан кетди.

Учинчи кун ҳам яна ортиқча гап-сузсиз уша уйнинг меҳмо- ни бўлди. Тонг отди. Келганидан бери роппа-роса уч кун ўтган, у ҳамон излаган кишисини тополмай сарсон эди.

— Ҳой мусофир, нега ҳеч индамайсан? Бу ерларга нима мақсадда келдинг? Қани, гапир-чи, балки ёрдамим тегиб қо- лар? — деди ҳалиги ўсмир.

— Агар сўзларимни сир тутишга ваъда берсанг, айтаман.

— Менга ишонавер.

— У ҳолда гап бундай. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исмли бир кишини қидираётирман. Пайгамбарман деб даъво қилаётган эмиш. Топа олсам, у билан суҳбатлашмоқчи эдим. Менга ёрдам бера оласанми?

— Сен қидираётган одам амакимнинг угли буладилар. Ме- нинг исмим Али, ҳозироқ у кишининг ҳузурларига боришимиз мумкин. Орқамдан изма-из борасан. Агар хавфли бир нарсани сезсам, деворнинг тагига қайтиб келаман-да, сенга ишора қила-

¹Имоми Муслим 1/569.

ман. Сен мени кутмай, тез орқага қайтишинг керак бўлади. Агар деворнинг ёнига қайтиб келмасам, сен ҳам мен кирган уйга кирасан, хўпми?

— Мени хурсанд қилиб юбординг, эй Али, — деди Абу Зарр омади чопганидан боши кукка етиб. Ва турли-туман ҳаяжону ҳислар огушида Алининг кетидан юриб кетди. Тугри Расулуллоҳнинг уйларига борди.

Кирдилар... Абу Зарр Расулуллоҳни кўрар-кўрмас бутун вужудини титроқ босди. Бир оз вақт шу тахлитда кечди. Сунгра ўзини тутиб олиб:

— Келтирган дининг ҳақида менга гапириб берсанг, — деди.

Ислол динининг моҳияти, мазмун, мақсадини шахсан пайгамбаримизнинг тилларидан эшитишга мушарраф бўлди. Тинглаб утирар экан, қалби тобора ҳузур-ҳаловатга тулаётганини ҳис этарди. Пайгамбаримиз гапларини тутатгач, зўр ҳаяжон ва самимий ишонч билан:

— Мен шоҳидлик бераманки, Оллоҳдан бошқа ҳеч бир маъбуд йўқдир. Яккаю ягонадир, тенги ҳам, ўхшаши ҳам, шериги ҳам йўқдир. Яна шоҳидлик бериб айтаманки, сен Унинг бизларга йўллаган расулисан! — деди.

Набийи Ақрам (с. а. в.) гоят мамнун бўлдилар.

— Эй Абу Зарр, сен ҳозирча бу ишни сир сақла. Юртингга қайт. Ишимиз бароридан келиб, голиб чиққанимизни эшитганингда, келиб бизларга қўшил, — дея тайинладилар.

— Эй Оллоҳнинг расули, сизни ҳақ пайгамбар қилиб жунатган Парвардигоримизга қасамлар бўлсинки, овозим борича Макка халқига бу ҳақиқатни етказмагунча ҳеч қаерга кетмайман!

Шундан кейин Абу Зарр Каъба ёнига келди ва ваъдасига биноан қичқира бошлади:

— Эй маккаликлар! Эшитмадим деманглар!..

Шовқин-сурон тиниб, ҳамма мусофирнинг юзига тикилиб қолди. Одамларнинг диққатини жалб этишга муваффақ булган мусофир бор овозда даъвосини эълон этди:

— Ашҳаду ан ла илоҳа иллоллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ.

Бу муборак сас Масжиди Ҳарамда илк янграган шаҳодат калималари эди. Томоги йиртилгудай булиб, бор кучи билан бақираверди. Овози Каъбанинг деворларидан Масжиднинг бурчак-бурчакларигача тарқалди. Қурилгандан бери бу сўзларга муштоқ булган Каъба, ушбу муборак жумлани соғинган Масжиди Ҳарам худди жонлангандай бўлди. Бутун коинотнинг муаззам тузуми мана шу сўзлар асосига қурилган, десак сира янглишмаймиз. Шу пайтгача ҳали ҳеч бир инсон бу ерда бундай хайрли сўзларни сўзламаган, бу сўзлар азалдан абадиятга қадар саодат ва фазилатнинг ягона ва мутлақ калитига айланган эди.

Шу кунгача ҳеч ким қилолмаган ишни қилган мусофирга нисбатан миннатдорлик ва шафқат ҳисси-ла тулган бир неча

нигоҳ Муборак байтнинг эгасига йўналди: «Оллоҳим, Узинг уни паноҳингга асра», дея илтижо қилди.

Бошқа кўп кишиларнинг эса, юзлари буришди. Илк иккиланиш ҳисси узоқ давом этмади. Мусофир учинчи марта калимаи шаҳодатни келтира бошлаган эди ҳамки, ўрнидан сапчиб турганлар булди:

— Овозини учиринг бу тирранчанинг!..

— Уринг, аяманг бу аблаҳни! — деган овозлар бир-бирига қоришиб кетди.

Абу Заррнинг устига бостириб кела бошладилар. Ёмгирдек бирин-кетин ёгилган тошлар, шапалогу калтаклар уни ерга йиқитди.

Устига ёпирилдилар. Суқиниш, қаргиш ва калтаклар ҳеч тўхтамас эди.

Бу орада Аббос уларнинг орасига кирди. Абу Заррнинг устига ётиб олди.

— Уят сизларга! Шунча киши биргаллашиб, бир мусофирни ўлдирмоқчисиз? Эртага тижорат йўлингиз Гифор қабиласидан ўтишини унутдингизми? Тортинг қўлингизни!

Абу Зарр роса дуппосланган, зўрга нафас олар эди. Вужуди қақшаб огриқ берар, бу огриқларга чидаёлмаб инграр эди. Тонггача шу аҳволда қийналиб ётди. Аммо кўнгли заррача яранмаган эди. Қалбан ута хотиржам, ута тинч эди. Шунинг учун бўлса керак, эртаси кунни яна Каъбага борди, яна бақириб-чақириб калимаи шаҳодатни такрорлай бошлади.

Яна устига ёпирилиб, калтаклай бошладилар. Бу дафъа ҳам уни Аббос ўлимдан қутқариб қолди.

Иймон ва Ислолнинг тимсоли булган калимаи шаҳодат маккаликларга илк бор Абу Зарр томонидан ушбу тарзда эълон этилган эди.

Абу Лаҳабнинг юзсизлиги энди айна шаклда Муҳаммаднинг иккинчи бир қўшниси Уқба ибн Абу Муайтга ўтган эди.

У ҳам уйида йигилиб қолган ахлатларни девордан ошириб Расулуллоҳнинг (с. а. в.) ҳовлиларига тукар, баъзан эшикларининг тагигача сочиб юборар эди.

Бир кунни яна ахлатларни энди тукай деб турганида бирдан кимдир чақириб қолди.

— Шошмай тур, эй Уқба! — дерди бу овоз.

Ўгирилди. Овоз эгаси Тулайб эди... У тез-тез юриб Уқбанинг олдига келди. Кулимсираб:

— Қани, буни менга берчи, — деди.

— Нима қилмоқчисан, ё Тулайб? — деб суради Уқба довидираб.

Тулайб ортиқ кутиб утирмай, шартта ахлат челақни олди-да, Уқбанинг бақириб-чақиритишига қарамай, бошидан сочиб юборди. Ахлат Уқбанинг соч-соқоли, уст-бошини расво қилди.

Тулайб икки одим орқага тисарилиб томоша қиларкан, қаҳқаҳа отиб кулди:

— Мана энди бир одамга ухшадинг, эй Уқба, — деди.

— Арво, ҳой Арво!..

Абдулмуттолибнинг қизи эшикни очганида, гаройиб бир манзарага дуч келди. Остонада Тулайбни маҳкам тутганча, устбоши ахлатга беланган Уқба ибн Муайт турарди. Уқба ёши анча катта, Тулайб эса, қирчиллама бир йигит. Манзара бениҳоя кулгили эди. Зотан, Арво ўзини тия олмай, қаҳқаҳа отиб юборди.

— Нима гап, эй Уқба?!

— Углиннинг ишини бир кўриб қуй! — деди Уқба даргазаб ҳолда.

Арво бирдан кулгидан тўхтаб, жаҳл ила ўглига ўтирилди:

— Нимага бундай қилдинг, Тулайб?..

Тулайб булган воқеани руйи-рост гапириб берди. Шундан сўнг Абдулмуттолибнинг қизи Арво яна Уқбага қаради:

— Углимнинг ишидан жуда хурсандман, Уқба! Ундан фахрлансам арзийди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ менга жондек қондош жиян, бунга эса, тоғавачча булади. Сени шу разил ишни қилаётганингни кўра-била туриб индамай ўтиб кетганида эди, ана унда хафа булардим. Сен қилмишингга яраша жазо тортибсан. Энди углимни қуйиб юборгин-да, тезроқ бу ердан даф бўл! — деди.

Билол Ҳабаший

Билол ибн Абу Рабоҳ ҳабаш — қоп-қора танли, узун бўйли, бир оз букри, сочларига оқ тушган, сийрак соқолли бир қул эди. Макка ас-содаларидан Умайя ибн Холафнинг қули эди.

Умайя Билолнинг мусулмон бўлганини эшитиб, қутуриб кетди. Ўзига қарам булган бир одамнинг рухсат сўрамай, ҳатто у билан маслаҳатлашишни ҳам лозим кўрмай, динини узгартирганига чидаёлмаб қолди.

— Чақиринг менга уша ахлоқсизни!

Бир оздан сўнг Билолни унинг қаршисига келтирдилар.

— Муҳаммаднинг динига кирган эмишсан?!

— Ҳа, унинг динига кирдим ва ҳақиқий ҳузур-ҳаловатни уша диндан топдим, — деб жавоб қилди Билол мағрур қиёфада.

— Жуда соз. Аммо энди у диндан қайтасан!

— Асло!

— Тушунмадим.

— Дунё остин-устун бўлиб кетса ҳам, бу диндан қайтиш ҳақида уйлаб ҳам кўрмайман!

Умайя бошқа қулларига ўтирилди.

— Олиб боринг буни! — деди.

Билолни қамчи билан савалай кетишди. Ҳар зарба урилган-

да қамчи ялангоч баданида узун-узун из қолдирар эди. Умайя шахсан ўзи бу манзарани назорат қилиб турди.

Билол ҳар саваланганда:

— Аҳад!.. Аҳад!.. Аҳад!.. — дер эди.

Умайя бир ишора билан савалашни тўхтатди. У қулининг сўзларига қизиқиб қолган эди.

— Қамчилар сонини санаяпсанми? — деб сўради киноя ила.

— Йўқ.

— Булмаса, нега ҳар қамчи еганингда «бир... бир... бир...» деяпсан?

— Оллоҳу аҳад (яъни, Оллоҳ бирдир) демоқчи эдим.

— Тушунарли. Бу сўзингдан қайтмагунингча ва илоҳларимизга сигинмагунингча калтакланаверасан.

Умайя яна ишора қилди. Қамчи ҳавога кутарилиб визиллар экан, Билолнинг:

— Ҳеч қачон... токи тирик эканман, мени бутларга сажда қилаётган ҳолда кўрмайсан! — дегани эшитилди.

Қамчиларнинг визиллаши давом этар, «Аҳад... Аҳад...» сўзлари ҳам уларнинг зарбасига ҳамоҳанг равишда такрорланар эди.

Умайя қулига дағдага қилди:

— Агар бирон марта секинроқ урганингни сезиб қолсам, сенинг ҳам абжагингни чиқараман, билиб қуй!!!

Дарҳақиқат, у ҳазиллашмаётган эди. Неча қамчи тушганини Билол ҳам, уни савалаётган дўсти ҳам билмас эдилар. Шунга қарамай Умайя:

— Ур, яна ҳам қаттиқроқ ур! Ё қайтсин, ё улиб кетсин, — дер эди. Юзида заррача раҳм-шафқат аломати кўринмасди.

— Билол ҳушидан кетди, эй Умайя.

— Ур! Атайлаб шундай қилмоқда.

Билол чиндан ҳам ҳушидан кетган эди. «Аҳад... Аҳад...» деган овоз ҳам эшитилмай қолди.

Беҳуш вужудга туширилаётган қамчи зарбалари энди из қолдирмай, Билолнинг елкасини қора қонга белар эди. Ниҳоят, хоин бир жуфт кўздан қилинган «етар» ишораси билан калтаклаш тўхтатилади. Умайя муродига етган кишидай енгил тортиб:

— Шаробимни олиб келинг, — деб бақирди.

Иккинчи кун...

Ҳолдан кетган Билолни Умайянинг қошига олиб келганларида, оёғида туролмас эди.

Умайя, хонанинг бир бурчагида турган бутни курсатди ва Билолга ишора қилди: «Қани, унга сажда қилгин-чи!» дегани эди бу.

Билол бутга яқинлашди. Умайёа енгил нафас одди. Ниҳоят одам бўлибди, деб уйлади. Унингча, демак қамчилар зарбаси зое кетмабди... Билол бутга яқинлашди-да, кучли бир нафрат билан унинг башарасига тупурди:

— Сизлар илоҳ дейдиган бу бут ўзининг борлигидан ҳам беҳабар бир тошдир! Сиз...

Ортиқ сўзга улгурмади. Умайёа сапчиб бориб, жонҳолатда Билолни тепиб юборди. Билол ерга йиқилди.

• Яна қамчилаш... Билол қачонгача калтакланганини ҳам фарқлай олмади. Аммо ҳушидан кетгунгача «Аҳад... Аҳад...» дейишдан тўхтамади.

Умайёа маҳалласидаги болаларни чақирди. Уларга пул бериб, бўйнига арқон солиниб, қўллари орқасига боғланган Билолни кўрсатди:

— Кўряписларми мана бу динсизни?.. Мана сизга ота-боболарининг динидан қайтган бир хоин. Вазифангиз — буни кучаларда судраб тошбурон қилиш. Қани, бир гайратингизни кўрсатинг-чи, агар тошширигимни кунгилдагидай бажарсаларингиз, яна пул бераман.

Қандай маза! Ҳам пул ишлашади, ҳам кунгилхушлик қилишиб, бир динсизга жазо беришади!..

— Юр, қани, курайлик-чи, ҳой динсиз!

— Юр тезроқ, аблаҳ!

Бирлари калтак билан Билолни калтаклаган, бошқалар бўйнидаги арқондан ушлаб тортқилаган ҳолда... бу гаройиб ва ачинарли «томоша» Макка кучалари бўйлаб юракетди. Орқадан Умайёа:

— Дадил бўлинглар, болалар! Шундай қилингларки, динидан қайтганига пушаймонлар есин! — деб бақириб қолди.

— Юр, қани, тангриларга тил теккизган бадбахт!

— Юр, хоин!

Бир томондан ҳақорату калтақлар, иккинчи томондан Билолнинг тўхтовсиз такрорлаётган «Аҳад... Аҳад...» деган сўзлари бир-бирига қоришиб кетди.

Чекилаётган бу азиятлар Оллоҳ йўлида эканлиги, ҳар бир калтак маънавият оламида юксақларга отилган бир одим эканлиги ҳақидаги ишонч Билолнинг борлигини қамраб олган эди. Охири ўлим билан тугаса ҳам, абадий саодатга бошловчи йўлга кирилгани ва илгарилаётганига бўлган самимий ишонч...

Кучама-куча аёвсиз судралиб етказилган бу озору ситамлар кечқурун ниҳоясига етди. Болаларга ваъда қилинган мукофот тарқатилди.

Эртаси куни кучалар яна Билолни судраётган болаларнинг кунгилхушлик масканига айланди. Улар Билолни аямай урар, сўқар, тупурар эдилар. Билол сир бой бермасди. Уларнинг «юр-юр»лари унга: «Юр Оллоҳнинг розилиги учун», дея эшитиларди гуё.

Болалар кучаларни айланиб чиққач, Макканинг ташқариси-га йўл олдилар. Макка водийлари бўйнида арқон билан судра-лаётган қора танли бир одамни ва уни савалай-савалай, судрай-

судрай олдига солиб ҳайдаб кетаётган болаларни ҳазин ва гам-гинлик билан томоша қиларди.

Болалар бу одамнинг баъзан «Бир... бир... бир...» деяётганини эшитишса, баъзан Билол: «Яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг. У инсонни лахта қондан яратгандир. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз қаламни ургатган ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаганларини ўргатди», дея илк келган Алақ сурасининг бошларини тиловат қилиб борарди.

Бир куни Умайёа ибн Холаф бу «томоша»ни уз кўзлари билан куриш учун келди. Болалар бақириб-чақириб Билолни ҳамон судраб юрардилар.

— Болалар, тўхтанглар! — деди Умайёа.

Тўхтадилар. Каттагина бир тош келтиришни буюрди. Бу қоятош икки киши зурга кутарадиган даражада оғир эди. Оч ва чанқоқ, неча соатлардан бери тинимсиз судраб юрилган Билолни чалқанчасига ётқиздилар. Қўл-оёқларини арқонлаб, икки томонига қоқилган қозикларга боғладилар. Шундан кейин ҳалиги оғир тошни кутариб, Билолнинг кўкрагига қўйдилар.

Бу оғир юк остидаги Билолнинг тили озгидан осилиб қолган, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб олайган, бўйин томир-лари ёрилиб кетгудек бўртган эди.

Тагидан олов каби қайноқ тошлар баданини куйдирса, устидан қоятош босар, нафас олишига тўсқинлик қилар эди. Бутун бу жабру ситамларга қарамай, Билол ҳамон «Оллоҳ бирдир» дейишга уринарди.

— Хуш, қалай, ҳали ҳам Муҳаммаднинг динида қоласанми? — Бу Умайёанинг овози эди. Билол эса, бир гапни такрорларди:

— Оллоҳ бирдир, Оллоҳ бирдир...

Умайёа жаҳл билан тепиб юборди. Билолнинг бўйраги ёрилиб кетай деди.

— Қасам ичиб айтаманки, Муҳаммаднинг динидан воз кечиб, токи Лот ва Уззога сажда қилмагунингча, шу аҳволда ётаверасан! — деб бақирди жазавода.

Аммо Билол ҳушидан кетган эди, бу гапларни эшитдими ёки йўқми — номаълум қолди.

Чўгдай қизиқ шагал тошлар устига яна бир неча кун ётқизиди, ҳар куни, одатдагидек, устига оғир тошлар бостирилиб қўйилди.

Бир куни мана шундай қийин-қистов ичида азобланиб, инграб ётар экан, ёнгинасида шундай суҳбат бўлиб утди:

— Оллоҳдан қўрқмайсанми, эй Умайёа? Бу бечорага қачонгача азоб берасан?

— Уни сен йўлдан урдинг. Энди хоҳласанг, ўзинг қутқариб ол. Бўлмаса, амин бўлки, токи улгунича қийнайман.

— Хуп, унда менинг таклифимни эшит: Қистос исмли бир қулим бор, хоҳлайсанми, Билолга алмашаман.

— Розиман, ё Абу Бакр. Аммо бир шарт билан...

— Нима экан шартинг?

— Қистоснинг хотини билан қизи ҳам меники бўлади.

— Келишдик.

— Устига яна икки юз дирҳам пул ҳам берасан.

— Иймонсиз экансан, Умайя. Инсоф, одамгарчилик, фазилат деган нарсалардан зигирча ҳам йуқ экан сенда. Уялмайсанми? Олди-сотди шу билан тамом.

— Бупти. Розиман. Бошқа шартим йуқ.

Уша заҳоти Билолнинг устидаги огир тошлар бир чеккага отилди. Арқон ечилди. Абу Бакр қуларини мададага чўзиб, Билолнинг туришига кумаклашди. Биргаликда у ердан узоқлашдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг Билолга айтган илк сўзлари шу бўлдики:

— Билол, Оллоҳ розилиги учун сени қуликдан озод қилдим. Шу дақиқадан бошлаб озод ва эркинсан, — деди.

— Оллоҳ сендан рози бўлсин, ё Абу Бакр.

Абу Бакр ўзида йуқ шод ҳолда узоқлашиб бораётган Билолни кўзда ёш ила кузатиб қолар экан, қалбининг тубидан отилиб чиқаётган ҳамду саноларини Буюк Мавлога арз этар эди:

— Оллоҳим, сенга минг шукрлар ва ҳамду санолар бўлсин. Шу онда Билолнинг ўрнида мен азобланаётган бўлишим, аммо унингчалик сабр қилолмаслигим мумкин эди... — дерди.

Шу дамда Билол кўпроқ қувондими ёки Абу Бакрми — буниси фақатгина уларни яратган Буюк Зотга аёндыр. Қуларининг мезони бу қувонч даражасини улчашга етарли эмас. «Оллоҳ розилиги учун бир қулни озод этган кишининг озод этилган қулнинг ҳар бир аъзосига муқобил унинг аъзолари жаҳаннамдан озод қилинади».

Бу илоҳий ҳукмга ноил бўлганларнинг энг устун, энг мукамал намунаси бу дунёда Абу Бакр бўлса, охиратда ҳам Абу Бакр бўлажақдыр. Оллоҳ ундан рози бўлсин.

• • •

Абу Бакрнинг инсониятга ибрат бўларли савоб ишлари бугина эмас. Тақдири илоҳий Лавҳи Маҳфузда «Пайгамбарлардан сунг келадиған илк қаторга» унинг исмини қайд этгандир.

Жаброили Аминни фаришталар ер юзига кузатиб қолишди. Набийлар султонига Роббул Оламиндан навбатдаги фармон келаётган эди.

Бир зумда Набийи Акрамни ваҳийнинг иси тутиб кетди. Нафаслари ёнларидагиларга ҳам эшитиларли даражада чуқур-чуқур чиқар эди. Илоҳий қудрат Саййидул Анбиё бўлиш вази-фасини юклаган ҳабибини ваҳий юборилган оламга олиб кирган эди.

Бир муддат утиб, нафас олишларининг секинлашувидан аён бўлдики, Набийи Акрам (с. а. в.) ваҳий ҳолатидан чиқиб, ўзларига кела бошладилар. Пайгамбаримиз яна ўзлари яшаб турган оламга қайтарилдилар. Муборак дудоқларидан навбатдаги илоҳий ҳукм бутун покизалиги ва самимийлиги билан муминларнинг қулоғига қуйила бошлади:

«Вал-лайли иза йағша...»

«(Борлиқни зулматга ураб) келаётган кечага қасам, ёришиб-қуринган кундузга қасам. Эркак ва аёлни яратган Зотга қасамки, шак-шубҳасиз, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз хилма-хилдыр. Ана энди ким (ўз мол-давлатидан камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) адо этса ва (Оллоҳдан) қурқса ҳамда гузал оқибатни (яъни, жаннатни) тасдиқ этса, бас, биз уни осон йулга муяссар қилурмиз. Энди ким бахиллик қилса ва (ўзини Оллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса ҳамда гузал оқибатни ёлгон деса, бас, Биз уни оғир йулга «муяссар» қилурмиз! Ва у (дўзахда) ҳалок бўлган вақтида молу дунёси унга фойда бермас! Шак-шубҳасиз, ҳидоят ёлғиз Бизнинг зиммамиздадыр. Шак-шубҳасиз, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Бизникидыр. Бас, Мен сизларни ловулаб ёниб турган оловдан — дўзахдан огоҳлантирдим. Унга фақат (Ҳақни) ёлгон деган ва (иймон-эътиқоддан) юз уғирган бадбахт кимсагина кирур! Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилиқ йулида) сарф қиладиган тақводор зот у (дўзах)дан йироқ қилинур. Унинг ҳузурида — зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йуқдыр. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини — ризолигини истаб (мол-давлатини сарф қилур). Ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот — жаннат неъматларидан) рози бўлур»¹.

Оллоҳ Таолонинг таҳсину тақдирига муносиб зот булишдек бир саодатга эришган Абу Бакр (р. а.) хурсандлигидан кўзёш тукарди.

• • •

Умар қулидаги қамчини бир чеккага улоқтириб, пешонасидаги терларни артар экан, узи анчадан бери калтаклаётган Лубайнага қараб:

— Ачинганимдан эмас, чарчаганим ва зерикканимдан тухтадим, шуни яхши билиб қуй, — деди.

Умар бежиз демаётган эди. Отаси Хаттобнинг меросхўри сифатида унга отадан куп нарса мерос қолган, жумладан, жасорат, куч-қувват, шафқатсизлик, сержаҳллик ва шу каби хислатлар ҳам отамерос эди.

Лубайнанинг онаси Наҳдийя ҳам айна тарзда калтакланаётган эди, ҳатто қамчи остида эзилиб адо бўлаётган қизи Лубайнага ачинишга ҳам имкони йуқ эди.

¹Вал-лайл сураси, 1—21.

Умар Лубайнани сунгги марта «инсоф»га чақирди, яна рад жавобини олди.

— Хуш, Лубайна, ҳозир яна савалашимни биласанми? — деди туюқиб.

— Албатта. Қолаверса, бу калтаклаш сен чарчагунингча давом этишини ҳам биламан. Аммо бу азоб-уқубатлар менинг иймонимни янада мустаҳкамлайди, холос.

Яна қамчилаш бошланди.

Лубайна билан унинг онаси Наҳдийя Умарнинг жориялари эмасдилар, қушни бир бева хотиннинг қурилари эдилар. Умар уша қушнисининг ҳурмати юзасидан бу ишга қул урган, гуё эри йуқ бир хотиннинг ҳожатини чиқараётгандек ҳис қилар эди ўзини. Урганда ҳам аямасдан, бор кучи билан урарди. Бир пайт жаҳли жазавага айланиб, қамчини бир четга улоқтирди-да, қиз бечоранинг томогига ёпишиб, дағал панжалари билан буга бошлади. Лубайна Умарнинг қулларини узидан итарар, бугзини бушатишга уринар эди. Аммо унинг қаршилиги узокқа қузилмади, сал утмай заиф қуллар бушақди, шалвираб тушди ва Лубайна ерга йиқилди.

Умар уни ўлиб қолган булса керак деган хаёл билан қуйиб юборди. Аммо ҳали ҳам жаҳлдан тушмаган эди. Қурқув ва даҳшат ичида қизининг аҳволини кузатаётган онасининг устига ёпирилади, уни ҳам бутиб ҳушидан кетказди...

Орадан кунлар ўтди. Она-бола бир куни қул тегирмонида бугдойни ун қилаётган эдилар. Хужайинлари бўлиш аёл тепаларида туриб олиб, бу шўрликларни ҳақорат этарди:

— Агар ота-боболаримизнинг динига қайтмайдиган булсаларингиз, сизларга кун бериш йуқ. Ё ўлиб қутуласизлар, ё узларингизга ухшаган битта динсиз келиб сотиб олса...

Шу пайт ён-атрофларидан шаҳдам бир овоз янгради:

— Жуда соз. Мен уларни сотиб оламан!

Гапираётган Ҳазрати Абу Бакр эди.

Савдо бир зумда тугади. Лубайна ва Наҳдийя узларида йуқ хурсанд эдилар.

— Ишингизни ташланг. Ҳар иккалангизни ҳам Оллоҳнинг розилиги йулида озод қилдим. Шу дақиқадан эътиборан эркин сизлар.

Чурилар бир онда янги ҳаётга қадам босган эдилар.

— Ижозат беринг, шу ишимизни тутатсак-да, сунгра бу ердан кетсак.

— Энди бу ёғи узларингизга ҳавола.

Ҳазрати Абу Бакр атрофини ураб олган фаришталарнинг дуоларию Оллоҳнинг розилигига эришган эди. Унинг ҳақиқа чин кўнгилдан уқилган дуою илтижолар Мавлонинг юксак даргоҳига етиб борган, энг мақбул дуолар қаторидан ўрин олган эди, инша Оллоҳ.

Она-бола бу уйда чурилик билан боғланган ва ҳурриятга эришиш билан натижаланган сунгги ишларини тутатар эканлар, ҳам у зolim аёлнинг, ҳам Умарнинг газабидан қутулган-

ликларига тинмай шукр қилав эдилар. Улуғ зот бўлмиш Абу Бакрнинг ортидан зур ҳавас ва миннатдорлик туйғулари ила узок вақт қараб қолдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни Каъбага яқин бир ерда намоз ўқиётган эдилар. Амр ибн Ҳишом (Абу Жаҳл) чидаб утиролмади, нимадир қилиб булса-да, жанжал чиқаргиси келди. Асабий ҳолатда пайгамбаримизнинг устларига бостириб келди.

— Бундан кейин яна шу ерда намоз ўқиётганингни кургудай бўлсам, ҳолингга вой! — деди ваҳшат билан. — Бордию қайсарлик қилсанг, қавмимни, қабиламини ёрдамга чақириб булса ҳам, бу ердан ҳайдаб чиқараман!

Ҳолбуки, Расулуллоҳ (с.а.в.) Амр ибн Ҳишомнинг дуқ-пуписаи туфайли вазифаларини тарк этолмас, намозни тухтата олмас эдилар. Чунки у кишига вазифа юклаган, пайгамбар қилиб жунатган зот Амр эмас. Бинобарин, Муҳаммад (а.с.) уйларига қайтиб келганларида, Жаброили Амин Жаноби Ҳақнинг саломини — навбатдаги ваҳийни келтирди. Бу ваҳий илк бор туширилган бешта оятнинг давоми эди:

«Дарҳақиқат, инсон узини бой-беҳожат кургач, албатта, туғенга тушар — ҳаддидан ошар. Албатта, ёлғиз Парвардигорингизга қайтишинг бордир! (Эй инсон), бир бақдани (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни) намоз ўқиган вақтида (намозидан) тўсадиган кимсани курдингми?! Хабар бергин-чи, агар у (намоз ўқигувчи) ўзи Тутри Йулда булса ёки (ўзгаларни) тақвога буюрса, (уни намоздан ва тақводан тўсган кимса ҳалок булмасми?) Хабар бергин-чи, агар у (намоздан тўсувчи кимса Оллоҳнинг китобини) ёлгон деса ва юз угирса, албатта, Оллоҳ (унинг барча қилимишларини) куриб туришини билмасми?! Йуқ! Қасамки, агар у (бундай гумроҳликдан) тухтамаса, албатта, Биз унинг пешона сочидан — уша ёлгончи, адашган пешона сочидан тутармиз-да (жаҳаннамга отармиз)! Бас, у узининг жамоасини (ёрдамга) чақираверсин. Биз эса, азоб фаришталарини чақиражакмиз! Йуқ! Сиз унга итоат этманг ва Оллоҳга сажда-ибодат қилиб, (У зотга) яқин бўлинг!»¹

Бир куни сон жиҳатидан ҳали унча кўп булмаган саҳобалар суҳбатлашиб утирар эдилар. Суҳбат орасида:

— Худо ҳаққи, қурайшликлар Қуръоннинг очиқ-ойдин уқилганини ҳали бирон марта ҳам эшитганлари йуқ. Бирон-бир мард йигит ўртага чиқиб, Қуръондан тиловат қилса, зур иш буларди-да, — дедилар.

¹Алақ сураси, 6—19.

Кичкина буйли, озгингина бир одам отилиб чиқди:

— Мана мен, мен тиловат қиламан! — деди.

Бу одам Уқба ибн Абу Муойтнинг собиқ қули Абдуллоҳ ибн Масъуд эди.

— Йўқ, у шундай бир одам булсинки, токи бошига бирон фаолокат тушса, орқасида мадад берадиган киши турсин, — дейишди.

— Мени Оллоҳ уз паноҳида асрайди! — дея жавоб қилди Абдуллоҳ ва уртага чиқди. Масжиди Ҳарамга кирди. Баланд овоз билан аввал: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...» деди ва Ҳар-Роҳману Ҳалламал Қуръон...» дея тиловат қила бошлади.

Одамлар орасидан:

— Нималар деяпти Ибн Умму Абд?

— Шошмай тур, эшитайлик-чи... — деган овозлар эшитилди.

Абдуллоҳ бор кучи билан бақриб Қуръонни тиловат қилар эди. «Меҳрибон (Оллоҳ) Қуръонни таълим берди. У зот инсонни яратиб, унга (дилидаги мақсадини аён эта олиш учун) баённи (нутқни) таълим берди. Қуёш ҳам, ой ҳам (аниқ) ҳисоб-улов билан (жорий булур). Ут-улан ҳам, дов-дарахт ҳам (ёлғиз Оллоҳга) сажда қилур — буйинсунур. У зот осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тош-тарозуда тугенга тушмасликларингиз, (яъни, ўзгаларга зулм қилмасликларингиз) учун мезон — тарозини ўрнатди. (Эй инсонлар, узаро олди-берди муомалаларингизда) тўғри, адолат билан тортиглар ва тарозидан уриб қолманглар!..»¹

Ибн Масъуд ортиқ давом эттира олмади.

— Бу одам Муҳаммаддан урганган нарсаларини ўқиётган бўлмасин тагин?... — дея хавотирлик билан берилган саволга:

— Ҳа, гапингиз тўғри. Мен ҳозиргина тиловат қилган Қуръон оятларини бизга Муҳаммад Расулуллоҳ ўргатдилар, — деб жавоб қилди.

Шу пайт бир тўда одам Абдуллоҳнинг устига бостириб кела бошлади. Уни ерга ётқизиб, аямай дуппослай кетди. Бирмунча калтаклаб хумордан чиқди шекилли, тўда уни ўз ҳолига қўйиб тарқалди.

Ибн Масъуднинг юз-кузи шишиб кетган эди. Биродарларининг хузурига келганда, улар нима бўлганини дарров сездилар.

— Биз мана шу аҳволга тушишдан қўрққан эдик, эй Абдуллоҳ!

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди ибн Масъуд. — Мен улардан анча устун эканлигимни аёвсиз калтаклаётганлариди ҳам ҳис этиб турдим. Истасангиз, эртага яна уларни Қуръонни тинглашга мажбур қилишим мумкин.

— Бас, етар энди. Сен зимманга тушганини зиёда қилиб бажардинг.

Қурайшликларнинг оқсоқолларию аслзодалари Маккада юзага келган вазиятдан гоят безовта эдилар. Уртага чиққан ва кундан-кунга мустаҳкамланаётган, тарафдорлари тобора кўпайиб бораётган бу диннинг бир кун келиб бошларига бир бало келтиришидан, қўлларидаги куч-қудратдан ҳам маҳрум этиб, оддий инсонларга айлантириб қўйишидан қаттиқ қўрқа бошладилар. Бу кетишда кечагина бир чақалик қадри булмаган қўллар, жориялар эртага бошларига чиқиб, обру-эътиборли кишиларга айланишлари, улар билан тенг ва ҳатто устун бўлиб кетишлари ҳеч гап эмас эди. Биров одам ўрнида кўрмаган Билол сингари, ибн Умму Абд каби қўлларнинг, чўпонларнинг охирада ҳавас қилса арзигудек мавқеларга эришиши ҳақидаги миш-мишлар жуда кенг тарқалди.

Шунинг учун темирни қизигида бос деганларидек, ўз вақтида бу офатнинг олдини олиш керак, деган ҳаёлда эди бу аслзодалар.

Валид ибн Мугийра бошчилигида ёши улутроқ бир неча киши Абу Толибнинг эшигини қоқиб келишди. Абу Толиб уларни илиқ кутиб олди. Иззат-икром кўрсатиб, ичкарига таклиф этди.

Бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Сунгра гап жияни уртага чиқарган янги динга бориб тақалди.

— Жиянинг бизнинг илоҳларимизга тил теккизди. Уларни ҳақорат қилди. Бизнинг ақли расо кишиларимизни аҳмоқликда айблади. Акани укадан ажратди. Фарзандни отага, қулни хўжайинига душман қилди. Биз орамиздаги қариндошлик алоқаларига футур етмасин дея бу муаммони ўзинг ҳал этишингни сўраб келдик. Кечаги кунгача яхшигина давом этиб келган дўстлигимиз бузилмаса, деймиз, — дейишди.

Абу Толиб бир кунмас-бир кун шундай бир йўқлов булишини, мана шундай бир таклиф ҳам айтилишини биларди. Суюкли жиянига сўзи утадиган сифатида амакилари орасидан уни танлашлари ҳам табиий эди. Абу Толиб улар кутгандек, «Сизларнинг динингиз менинг ҳам динимдир, сизларнинг маъбудларингиз менинг ҳам маъбудимдир. Бу муаммо сизни қанчалик безовта қилса, мени ҳам шунчалик ташвишлантиради. Шу боис бу масалани менга қўйиб бераверинг. Жиянимнинг попуғини пасайтириб қўйиш менинг вазифам», демади. Зотан, бундай дея олмасди ҳам. Ўрнига:

— Ҳақлисизлар, гапларингиз тўғри, — дейишдан нарига ўтмади. Булар шунчаки таскин берувчи сўзлар эди, холос.

— Бу муаммони қанчалик тез ҳал қилсанг, шунчалик яхши бўлади, эй Абу Толиб! — дейишди келганлар ва хайрлашиб чиқиб кетишди.

Йўлда боришаркан, ораларида бирлари:

— Нима дейсан, эй Амр? Хомуш қуринасан? — деб қолди.

Амр ибн Ҳишом қуруққина жавоб қилди:

— Нимага хурсанд бўлишим керак экан? Ахир, бу одам

¹Раҳмон сураси, 1—9.

изларнинг кузларингизга қараб туриб, Ёш болани аврагандек
эраб чиқариб юборди-ку?! — деди ва қўшимча қилди: — Абу
олиб шу кунгача бу ишлардан беҳабар эди деб уйлайсизлар-
ми? Унинг Муҳаммадни тухтатиш нияти булганида, бугунгача
қўл қовуштириб ўтирармиди? Мана, кўрасизлар, Абу Толиб
нинг йулига кирмаса ҳам, унга ёрдам бериб, ҳимоя қилишда
шумом этаверади. Бу сўзларимга яқин орада ишонасизлар.

Амрнинг бу сўзлари баъзиларни ажаблантирди, бошқалар-
ни уйлантириб қўйди. Умаййа ибн Холаф:

— Эй Ҳишом, илоҳим сўзларинг нотўғри булиб чиқсин, —
деди.

— Қани энди янглишган булсам...

Абу Толиб меҳмонларни кузатгач, пешонасини қашлади.
Унда буюк бир синов остонасига келиб қолганини ҳис этди.

Жияни бу ишга киришар экан, нияти бир можарони бош-
лаш бўлмагани кундек равшан эди. Илоҳий бир мақомдан фар-
он олганига Абу Толибнинг шубҳаси йўқ. Шу боис бу даъво-
дан воз кечмаслиги аниқ. Келган меҳмонларнинг эса, бу даъво-
га қўшилишларига умид ҳам қилиб булмасди. Абу Толиб икки
тараф орасига тушиб қолди. Ўзини панага олиб, мени бу ишларга
қараштирмаглар, нимаики муаммо бўлса, узаро ҳал қилиб
лаверинглар ҳам дея олмас эди.

Амр ибн Ҳишомнинг Набийлар Сарварига «Иккинчи марта
бу ерда намоз ўқиганингни кўрмай...» деб дўқ-пўписа қилгани-
дан кейин туширилган оятлар айланиб-айланиб унинг қулогига,
кам етиб борди. Ута жаҳддор ва жангари одам булган Амр
уларни эшитиб, газабдан кукариб кетди. Атрофда эса, уни
нада асабийлаштиришни, янада гиж-гижлашни истовчилар ту-
рар эди.

— Ҳар доим шу ерда намоз ўқийвераман деганмиш...

— Сен унга ҳеч нарса қила олмайсан. Чунки азоб фаришта-
лари келиб сочларингдан тортиб жаҳаннамга итариб юборар
миш...

Бу гапларни эшитган сари Амр ўзини ҳақоратлангандек ҳис
этарди.

— Ортиқ сўзга ҳожат йўқ! — деб бақирди бир куни. —
Ҳасам ичиб айтаманки, уни бу ерда намоз ўқийганини кўр-
сам, оёқларим билан буйинини эзгилаб, бурнини ерга ишқа-
лайман!

Ёсир оиласи ва Аммор

Аммор оиласи мусулмон булганликларини эшитиб қолган
Мугийра угиллари томонидан қийин-қистовга олинди.

Амр ибн Ҳишом қабиласининг қуллари булган Аммор оила-
сига қарши қилинаётган жабру жафоларга шахсан ўзи ҳам
қатнашар, ҳатто назорат этар эди. Барча тақлифлар, таҳдиду
дўқ-пўписалар ҳам зое кетди, қайтиб бутларга сажда қилмас-
ликлари аён бўлди. Дастлаб Амморнинг онаси Сумаййа икки
туянинг орасига келтирилади. Бир қули билан бир оёғи туялар-
дан бирига, иккинчи қули билан иккинчи оёғи бошқа туяга
боғланди. Туялар икки томонга ҳайдалганда, оёқ-қўллар мум-
кин даражада керилди, танаси йиртилиб кетгудай бўлди. Бу
азоб-уқубатни таърифлашга сўз ожиз эди. Сумаййа оғриқларга
чидаёлмай, дод-фарёд кутарди.

Туялар жойларига қайтарилдилар, қўллар бушақди. Амр
ибн Ҳишом Сумаййага яқинлашди:

— Ҳуш, қалай экан, маза қилдингми?

— ...

— Муҳаммадни инкор этсанг, бу азоб-уқубатлардан уша
заҳоти қутуласан.

— Ўлсам ҳам уни инкор этмайман, — дея жавоб қилди
Сумаййа бугиқ овозда.

Амр туякаш хизматкорларига ишора қилди. Шу чоқ бир
фарёд кукларга юксалди...

Бу пайтда Амморнинг отаси Ёсир ҳам шундоққина хотини-
нинг ёнбошида қамчи билан саваланаётган эди. Аммор ва
унинг укаси Абдуллоҳга ҳам зулм қилинаётган эди.

Рамда деб аталувчи даштда оилавий тарзда қийноққа
олинган бу инсонлар ёнидан бир куни Расулуллоҳ ўтиб қол-
дилар. Набийи Акрам (с.а.в.) бу аянчли аҳволни куриб, юрак-
лари эзилди.

— Сабр қилинлар, эй Ёсир оиласи! Сабр қилинлар, эй
Ёсир оиласи! Сизларнинг муқофотингиз жаннатдир. Сабр қи-
линлар, эй Ёсир оиласи... — дедилар.

Қум устида судралаётган Ёсир:

— Замон доим зўравонники бўлаверадики, ё Расулуллоҳ?! —
деди.

Бу савол жавобсиз қолдирилди, аммо Пайгамбари Замон:

— Оллоҳим, Ёсир оиласидан раҳматингни, мағфиратингни
дариг тутма, — деб ёлвордилар. Қалблари гам-аламга тулиқ
ҳолда у ерни тарк этдилар.

Ёсир оиласининг сунғи куни эди. Сумаййа ҳамон икки
туянинг орасида боғлоқлик. Туялар тез-тез икки томонга
ҳайдалар, дод-фарёд кутарилар, Сумаййанинг вужуди қоқ ик-
кига ажралиб кетаёзгандагина туялар яна жойларига қайта-
рилар эди. Энг ачинарлиси шунда эдики, Сумаййанинг бу қа-
дар азобланишини кўра-била туриб на Ёсир, на Аммор унга

ёрдам бера олмас эдилар. Чунки улар ҳам исканжа остида эдилар.

Амр қулидаги шароб тула косани бушатди-да:

— Сен аслида Муҳаммаднинг ўзига ошиғу беқарор булгансан. Шунинг учун унинг динига ҳавас қўйдинг, шундай эмасми? — деди ҳақоратлаб.

Шу дамда бадахлоқ Амрнинг юзига бир туфурса, Сумайянинг юрагида армони қолмас эди. Аммо бу аҳволда шунинг ҳам имконияти йўқ эди.

— Уятсиз, олчоқ! — дея олди, холос.

Амр қулидаги косани ерга улоқтирди, туялар устида утирган хизматкорларига кескин ишора қилди. Хизматкорлар туяларни шундай қаттиқ савалашдики, жонҳолатда икки томонга югуриб, Сумайянинг танасини иккига булиб юбордилар. Бу ҳам етмагандай, Сумайя сунгги нафасини чиқарар экан Амр қулига найза олиб, бор кучи билан унга санчди. Сунгги ва бугиқ бир фарёд кутарилдию ҳозиргина типирчилаб турган вужуд қимирламай қолди.

Ушбу онда хизматга доим шай фаришталар Оллоҳ йулида биринчи булиб шаҳидлик шарбатини ичиш бахтига муяссар булган Сумайянинг руҳини олдилар. Самовотга учган ва юксалган сари маънавий, абадий бир ҳаётга эришаётган азиз руҳ, орқасида минг бир азоб билан типирчилай-типирчилай ҳаракатсиз қолган танани осонгина тарк этди.

Ислом динида илк иймон келтирган Хадичатул Кубро ҳазратлари бўлса, бу йўлда илк шаҳидлик мартабасига эришган инсон Сумайядир. Ҳали унинг орқасидан қанча-қанча шаҳидлар келади, жонларини Оллоҳ йулида сева-сева берадиган юзларча, мингларча кишилар унинг қаторидан ўрин оладилар. Аммо Оллоҳга илк восил булган шаҳид улароқ, икки туя орасида жон олиб жон бераётган бир пайтда Оллоҳнинг энг ашадий душмани томонидан энг маҳрам жойига санчилган бир найза билан шаҳид этилган нозик вужудли Сумайя барибир уларнинг олдида туради.

Сумайядан кейин эри Ёсир ҳам шафқатсизларча қийноқларга ортиқ дош беролмади. У ҳам азиз руҳини жаннати олийага олиб кетиш учун келган фаришталарга топширди. Шу йусин, шаҳидлар дафтارينинг илк икки саҳифаси Ёсирлар оиласига багишланган эди.

Аммор аввал онаси, сунгра отасининг оғир азоб-уқубатлар ичида шаҳид этилганини ўз кўзлари билан кўрди.

Унга ҳамон зулм қилинарди. Куз унгида оғир қийноқлар остида ота-онасининг шаҳид бўлиши юрагини тилка-пора қилиб, дардига дард қўшиб юборди.

Ниҳоят, Амморнинг бошини сувга тикдилар. Нафаси қайтган Аммор ҳушидан кетгач, сувдан чиқариб олинди.

— Хўш, нима дейсан? Ҳали ҳам Муҳаммадни пайгамбар деб даъво қилаверасанми?

— Ҳа... у ҳақиқий пайгамбардир...

Яна боши сувга тикилди. Яна ҳушидан кетди. Бу сафар

сувдан чиқарилганда, ичига анча сув кетган, ранги рўйи оқарган эди. Аммор улим дақиқалари яқинлашётганини сезди. Ортиқ бардоши қолмади. Бу одамлардан эса, раҳм-шафқат кутиб булмади.

— Хўш, энди нима дейсан? Муҳаммад ҳали ҳам сен учун пайгамбарми?

Аммор синди:

— Йўқ, энди пайгамбар эмас... — деди.

— У ёлгончидир, де.

— У ёлгончидир.

— Лот ва Уззо-чи?

— Лот ва Уззо илоҳларимиздир...

Амрнинг кўзларида зафар учкунлари чақнади.

— Мана, энди ўзингга келдинг, бинойидай ақлинг бор эканку? Ота-онанг каби аҳмоқларча ўлиб кетмадинг, — деб бақирди.

Қийноқ тўхтатилди. Аммор қўйиб юборилди.

Бу хабар мусулмонлар орасида шиддатли бурон каби тез тарқалди. Сумайя билан Ёсирнинг бу йўлда жон берганини эшитиб, кўз ёши тўкканлар, бу дафъа Амморнинг ортидан йиғладилар. Унга ачиндилар. Аммо унинг учун тукилган ёшлар ва чекилган оҳларнинг маъноси бошқа эди.

— Ҳайф сенга, Аммор... эсиз, эсиз. Атиги бир қадам қолган эди-я, бардош беришинг керак эди, бардош.

Кейинги пайтларда мусулмонларнинг ҳам, мушрикларнинг ҳам биттагина баҳслашадиган мавзуи ушбу воқеа бўлиб қолган эди.

— Қандай бардошли одамлар экан-а, қойил!

— Худо ҳаққи, агар шундай зулм менга нисбатан қилинса, бутларни қаргашни талаб этсалар, ҳали қийноқ бошланмасданок Лотнинг ҳам, Уззонинг ҳам, Хубалнинг ҳам етти пуштини аямай қаргаб ташлардим.

Даврада қаҳқаҳа кутарилди.

Булар қул эмас эди. Ёки заиф, орқасида суянчиги йўқ кишилар ҳам эмас эди. Қулларга кўнгилхушлик учунгина азоб берадиган, азоб бераётганидан роҳатланадиган, исканжа остидаги қулнинг фарёдига ёки қийналишига эмас, балки елкасида қамчи қоладирётган изларга завқланиб боқадиган, уларни калтаклашга буюриб қўйиб, ўзлари шаробдан ича-ича: «Отам учун ур, бобом учун ур!..» деб қийқирадиган, баъзан қамчини ўз қулига олиб: «Мана бундай, мана бундай уриш керак!» дея таълим берадиган пасткаш одамлар эди булар.

Улар ўзлари калтак азобини тортиб кўрмаганлар. Кичик ёшдан, балки ҳали она қорнида эканлигиданоқ қулларни камситиб, сўкиб-уриб, туртиб катта булган кимсалар эди булар. Бир пайтлар: «Жигаргўшамни авф этинг, хўжайин...» дея ёл-

ворган ота-аналар энди узлари фарзандларининг куз унгида бу кичик хужайинлар томонидан қамчиланар, азоб берилар, уят-сиз қарғишларга дучор этилар эдилар.

Қулларни инсон қиефасида яратилган бир ҳайвон деб билувчи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи борми-йўқми дея бош қотирмайдиган, лекин дунёдаги барча юмушларни улар бажариши керак деган фикрда собит турувчи кишилар эди бу кимсалар!..

...

«Лот тангридир... Уззо ҳам тангридир...»

Ёлгонларнинг ёлғони бўлиш бу сўзларни Аммор чин кўнгилдан, самимий ишонч билан айтмаган эди. Аммо юраги ута безовта, ута нотинч эди. Кўпинча уни азоблаган душманларининг устига бостириб боришни, «Лот ҳам, Уззо ҳам бошингиздан қолсин!» деб ҳайқаришни истарди.

— Ажабо, чиндан ҳам динимдан юз ўтирдимми?.. Ажабо, Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг бу аҳволимга нима дер эканлар? Энди У зотнинг юзларига қандай қарайман? — деган уй-хаёллар гирдобида қийналар эди.

Аммо уша кеча тонггача мижжа қоқмади. Кечқурунга бориб, ранги рўйи сомондай саргайиб кетди. Ичида чироқ ёқса ёришмас, қалби минг хил уй-фикр, минг хил андиша ичида ўртанар, виждон азоби тухтовсиз қийнар эди.

Тун ярмида туриб: «Оллоҳим, мени авф эта оласанми?!» — дея ёлворар, илтижо қилар эди.

Ҳайлай-ҳайлай, ахийри бир қарорга келди: фурсат топилди дегунча Расулуллоҳнинг ҳузурларига бош уриб боради, бор гапни тўкиб солади. Агар у зот, иймонни қўлдан бой берибсан, дегудек бўлсалар, у ҳолда уни бу аҳволга солганларнинг устига бостириб боради-да, ўлдирганича мушрикларни ўлдириб, сўнгра узи ҳам бу йўлда жон беради.

Расулуллоҳ (с.а.в.) билан кўришадиган, У кишининг муборақ юзларига яна бир бор боқадиган, ширинсухан сўзларини яна бир бор эшитадиган кунни зўр интизорлик билан кутди. Шундай имконият тугилган куниеқ вақтни ганимат билиб, дарҳол Расулуллоҳнинг ҳузурларига бош уриб борди. Кузларида нам...

— Нима бўлди, ё Аммор? — дея сўрадилар У шарафли зот.

— Мени зўрлаб диндан қайтармоқчи бўдилар, куфр сўзларни айтишга мажбур қилдилар, ё Расулуллоҳ.

— Хуш, қалбинг нима дейди?

— Қалбим иймонга тулиқдир, ё Ҳазрат!

Шундан кейин Аммор онаси ва отасига қилинган шафқат-сизликларни, уларнинг қай тариқа ўлдирилганини йиғи аралаш гапириб берди.

— Агар яна зўрласалар, талаб қилган сўзларини айтавер, — дея ижозат бердилар Расулуллоҳ. Сўнгра атрофларини ўраб олган саҳобаларига уғирлдилар: — Аммор иймони мустаҳкам

бир инсондир. Иймон нури унинг суяк-суякларигача сингиб кетганига ишончим комил, — дедилар.

Ушбу дамда Аммордан бахтиёр одам дунёда бўлмаса керак. Шу кунгача оғушида бўлгани руҳий азоб бирдан уз исканжасини бушатган эди. Кузларига ёш қуйилди. Аммо бу ёшлар энди гам-алам ёшлари эмас, севинч ёшлари эди.

Аммор кейинроқ бундан ҳам кўпроқ хурсанд бўлишни ҳозир билмас эди. Аслида, ушбу машваратда ҳозир бўлган бошқа кишилар каби, у ҳам бу хушхабардан қониққан эди.

Айни онларда фаришталар олаמידан Расулуллоҳга етказиш учун навбатдаги илоҳий фармоннинг чопари йўлга чиққанини қайдан ҳам билар эди!

Дарвоқе, бу фармон Набийи Ақрамнинг (с.а.в.) муборақ чехраларига табассум югуртирди:

«Ким Оллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса, (Оллоҳнинг газабига дучор). Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилишса, (унинг иймониغا зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга Оллоҳ томонидан газаб, ва улуг газаб бордир. Бунга сабаб улар ҳаёти дунёни охиратдан афзал билганларидир. Оллоҳ эса, кофир қавми ҳидоят қилмас. Оллоҳ ундай кимсаларнинг дилларини, қулоқларини ва кузларини муҳрлаб қўйгандир. Улар гофил кимсалардир. Шак-шубҳа йўқки, улар охиратда зиён кўргувчилардир».

Бу оятлар Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) назоратлари остида Наҳл сурасининг 106—109-оятлари сифатида қайд этилди.

Энди ҳеч ким «Аммор диндан қайтибди», дея олмасди. Унинг иймонли, мўмин баъда эканлигига Оллоҳ таолонинг узи ҳам, Унинг шарафли Расули ҳам шохид бўлган эдилар.

...

Амр ибн Ҳишом — Абу Жаҳл

Бир куни Масжиди Ҳарамда утирганларнинг юзида шайтон кулги зоҳир бўлди. Ораларидан биттаси лом-мим демай қўллари билан Расулуллоҳни (с.а.в.) кўрсатди. Бу ишора баҳона бўлдию учқун аланга олди. Амр биродарларининг бирон нима дейишини кутиб ҳам ўтирмай ўрнидан турди ва коинот фахри бўлиш Пайгамбар томон қадам ташлади. Утирганлар ордан уни зўр ҳаяжон билан кузата бошладилар. Ҳаммани битта масала қизиқтираётган эди: Амрнинг бу ташаббуси қандай натижа келтирар экан?

— Уйлашимча, Амр Абу Толибнинг жиянини бу сафар аяб утирмаса керак, — деди бирови.

— Менимча эса, иш бу билан битмайди, — деди бошқаси.

Булар шу тариқа баҳслашар экан, Амр Каъба қаршисида

намоз ўқиб утирган Расулуллоҳга (с.а.в.) яқин бораверди. Сўнг...

Бу ёқдан кузатиб утирганлар Амрнинг бирданига ортга тисарилганини, қаттиқ қўрқув ичида чекина бошлаганини кўрдилар. Ҳеч ким бу ҳолатга бир маъно бера олмади.

Бир неча одим илгариламоқчи бўлган Амр яна туйқус ортга қайтди. Ниҳоят, юзлари саргайиб кетган бир алпозда биродарларининг ёнига келди.

— Ё Абул Ҳаким, сенга нима бўлди? — деб сўрашди хангоматалаб ошналари.

Ҳақиқатни яширишга ҳам Амрнинг ҳоли йўқ эди. Асабий ва титроқ бир овозда воқеани тушунтира кетди:

— Ёнига яқинлашганимни биламан, бирдан уртамизда ичи оловга тўла бир чуқур очилиб келаётганини кўриб қолдим. Умримда бунчалик ловулаб ёнаётган оловни кўрган эмасман. Уша чуқурга тушиб кетмаслик учун орқага чекинишга мажбур бўлдим, — деди.

— Бошингдан офтоб ўтиб кетибди, Абул Ҳаким. Хаёлга берилибсан...

— Мен хаёлга бериладиган одамманми?

— Тугрику-я, аммо бу ерда утирган шунча одамнинг кўзи кўр бўлмаса керак?!

Амр кулгига қолишни сира истамас эди.

— Ловулаб олов ёниб турган уша чуқурни ўз кўзларим билан кўрдим, ахир. Сал бўлмаса, юзларим куяр эди...

— Хуш, унда сен айтаётган уша чуқур энди қаяққа гойиб бўлди?

Амр нима дейишини билмай қолди. Бояги жойга қайтиб борди, диққат билан разм солди. Аммо уртада на чуқур бор эди, на олов.

— Ҳа-я, — дея пўнгиллади, — мени сеҳрлаган бўлса керак.

— Қўрққанингдан кўзингга кўринган бўлмасин тагин, эй Амр? — дейишди шериклари кинояомуз оҳангда.

— Мен ҳеч кимдан қўрқмайман!

— Аммо биз аввалига сенга борма дедик, огоҳлангирдик, ўзинг қулоқ солмадинг.

Амр урнидан турди. Уйда бир оз дам олмаса, бу ҳаяжонини ҳаливери тўхтата олмаслигига амин бўлган эди.

...

Қурайшларнинг оқсоқоллари йигилишиб Абу Толибнинг уйига борганларидан буён ҳам, мана, бир-икки ой ўтиб қолди, аммо Пайгамбарнинг (с.а.в.) даъватлари асло сусаймади.

Валид ибн Муғийра Амр ибн Ҳишомни кечки пайт уйда қабул қилди. Утириб, роса сўхбатлашдилар, кун сайин кескинлашаётган вазият тўғрисида фикр алмашдилар. Ҳошимийларнинг етакчиси билан яна бир учрашишга қарор қилдилар.

Эртаси куни яна Абу Толибнинг уйига келдилар. Келасолиб, дағдага қила бошладилар:

— Ё уни бу даъвосидан қайтарасан, ёхуд бизнинг қаҳр-ғазабимиздан муҳофаза этишдан воз кечасан! — деб масалани кўндаланг қўйдилар.

Абу Толиб жиянининг фазилатларини, устунликларини ўқтиришга уринса ҳамки, фойдаси бўлмади.

— Биламиз. Биз ҳам уни ёлгончи деяётганимиз йўқ. Ёмон ҳам демаймиз. Аммо бизнинг илоҳларимизга тил теккизишини асло истamayмиз. Бу таклифимизга рози бўлса, унга ҳар қанча ёрдам беришга тайёрмиз.

Абу Толиб икки ўт орасида қолган эди.

— Сўзларингизни унга ўқтиришга уриниб кўраман, бу масалани ҳал қилишга қўлимдан келганича гайрат қиламан, — дея олди, холос.

Улар чиқиб кетганларидан сўнг бошини қўларининг орасига олиб, узоқ вақт уйланиб қолди. Пастга тупурай деса, соқолига, баландга тупурай деса, мўйловига тегади...

Жияни «ҳеч қанақа фойдаси ҳам йўқ, зарари ҳам» деган бутларга улкан Макка халқи қатори Абу Толиб ҳам сигинар эди. Шу эътиқод билан қанча-қанча ақли расо кишилар яшаб ўтиб кетган эди Маккада.

Аммо ҳар жиҳатдан фазилат намунаси бўлган жиянига бирон нарса ҳам дея олмасди. Одамларни даъват этаётган динининг, уларга буюраётган ибодат ва ахлоқнинг ҳеч бир нуқсонини йўқ эди. Камчилик топиш учун виждонсиз одам бўлиш керак. Қолбуки, Абу Толиб инсофу тавфиқди, виждонли бир инсон эди.

Миясида чувалашаётган минг хил ўй-фикрлар ила курашаётган Абу Толиб бирмунча вақт ўтгандан кейин, болаларидан бирига буюрди:

— Менга Муҳаммадни чақириб кел.

...

— Мени чақирдингизми, амаки?

Абу Толиб ақли расо, вазмин бир киши эди:

— Кел, ўғлим, ёнимга утир, — деди меҳрибонлик ила. Сўнгра булган воқеани батафсил гапириб берди ва охирида: — Ўғлим, кўриб турганингдай, энди мен ҳам анча кексайиб қолдим. Мени кучим етмайдиган бир ишга аралаштирма, болам, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу сўзларни эшитиб, кўнгиллари гашланди. Ажабо, бу сўзлар «Энди мен сени ҳимоя қила олмайман», деганимикан? Ёшли кўзларини амакиларига қаратдилар:

— Амаки, мен бу ишга ўзбошимчалик билан қўл ураётганим йўқ. Қасам ичиб айтаманки, бу даъватдан воз кечиш учун

унг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйсалар ёки мени икки дунё подшоҳи қилсалар ҳам, бу вазифамни тарк эта олмайман. Ёки бу йулда улиб кетаман! — дедилар қатъий.

Кейин уринларидан турдилар. Гамгин алпозда чиқиб кетдилар.

Абу Толиб жиянининг ёшли кузларини куриб, дили вайрон бўлди. Умр буйи уни хафа қилмаслик учун неча марталаб фидокорлик қилган эди. Энди унинг бу аҳволига рози бўла олармиди?

— Суюкли жияним!.. — деб чақирди ортларидан.

Пайгамбаримиз қайтдилар. Абу Толиб дилидаги гапни айтди:

— Хуп, сен вазифангни бамайлихотир бажаравер. Қасамлар булсинки, токи мен тирик эканман, сенга ҳеч ким зарар етказа олмайди, — деди.

...

ЭСПИ-ҲУШПИ ҚАРНЯ

Утба ибн Робиа

Масжиди Ҳарамда суҳбатлашиб утирган кимсалардан бири биродарларига янги бир таклифни киритди:

— Менга қаранглар, дустлар. Куриб турибсизларки, шаҳримизда юзага келган вазият тобора кескинлашмоқда. Кечаги кунга қадар ҳаммамиз учун энг суюкли, ишончли бир одам бўлган ал-Амин бугун энди майдонга чиқиб, тангриларимизни рад этди, ақлли, обрўли кишиларни гофиллик ва гумроҳликда айблади.

— Ҳа, ҳа, худди шундай бўлди.

— Менимча, Муҳаммаднинг ҳузурига бориб, унинг асл мақсадини билишимиз керак. Шу энг маъқул тадбир, деб уйлайман. Шояд шунда муаммонинг ечими ҳам осон бўлса.

— Рост айтасан, эй Абул Валид, унинг ҳузурига бориб гап-лашгин.

Бу пайтда Расули Мукаррам (с.а.в.) жанобимиз Масжиди Ҳарамнинг бир бурчагида утирган эдилар. Абул Валид у зотнинг ёнларига келди, саломлашди, ҳола-аҳвол суради. Сунгра шундай деб гап бошлади:

— Эй жиян, сен орамизда насл-насаби улут, аслзода бир оиланинг фарзандисан. Ҳаммамиз сени ҳурмат қиламиз. Аммо... сен йўқ ердан бир масала чиқардинг-у, қавмингни нотинч қилдинг, жамоамизни тарқатдинг. Уй-фикрларини хато дединг, хатти-ҳаракатларини аҳмоқликка санадинг. Маъбудларини, динларини бемаъни дединг. Ота-боболаримиз, сенингча, куфрона ҳаёт кечирган булиб чиқдилар... Энди, менга яхшилаб

қулоқ сол, сенга бир қанча таклифларни арз этаман, бири булмаса бошқаси маъқул булар.

— Гапир, эй Абул Валид, қулогим сенда.

Утба бирин-кетин таклифларини баён эта бошлади:

— Эй қардошимнинг угли, агар сен мол-мулк орттириш учун ушбу даъво билан чиққан булсанг, давлатимиздан бир қисмини сенга берайлик, ичимизда энг бой-бадавлат одам сен буласан. Агар шон-шараф, обрў-эътибор, мартаба учун бу ишга қўл урган булсанг, сени ўзимизга бошлиқ қилиб қўяйлик. Шунда сендан сурамай бирон иш ҳам қилинмайди. Шоҳ булиш орзуида булсанг, сени ўзимизга подшоҳ қилайлик. Агар кузингга алламбало жину шайтонлар кўриниб васвасага солишайтган булса, бор-йўгимизни сарфлаб булса ҳам, сени зўр табибларга курсатиб даволатайлик. Чиндан ҳам баъзан одамларда шундай ҳолат булиб туради, даволанмагунча жинлардан халос булолмайдилар...

Утба, бир қараганда, ҳақли эди. Кечаги кунга қадар, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир ишни уртага қўйган ва уни юритиш учун зўр гайрат курсатаётган инсоннинг асл нияти, унингча, юқорида санаб утилган мақсадлардан бири бўлиши мумкин эди. Аммо чуқурроқ разм солинса, бу масалага Утба юзаки ёндошгани равшанлашади. Чунки бу вазифа Муҳаммад Аминнинг шахсий ташаббуси эмас, балки илоҳий бир вазифа эди. Даъват этилган дин ва яшаш тарзи ҳам ўзига хос, мукамал бир воқелиқдир.

Утба ва унинг каби уйлайдиганлар янги динга кирсалар, нималарини йўқотадилар, эски яшаш тарзларини сақлаб қолсалар, нимага эришадилар?

Бир қарашда тўғри гапираётгандек бўлган Утбанинг зиммасига тушган масъулият шу кунгача кечириб келган ҳаёт тарзларини атрофлича муҳокама этиши ва уни янги дин келтирган ҳукмлар билан солиштириши, орадаги фарқларни курсатиб, агар ўзиники яхшироқ янги дин ёмон булса, ушандагина: «Бизни зарарга етаклайдиган, ахлоқсизликни ташвиқ этадиган, инсонлардай яшаш ҳуқуқимиздан маҳрум қиладиган... йўлга чақиритишдан мақсадинг нима, эй Муҳаммад?!» дейиши керак эмасмиди?

«Сен бизнинг шоҳларимизни ерга урдинг, ақлли одамларимизни беақл дединг...» каби умумий гаплар қайси дарга даво, қайси ярага малҳам була оларди?! Уз навбатида, Расулуллоҳ ҳам уртага чиқиб бутларга мадҳиялар ёғдириб, арабларнинг жоҳилона ҳаётини мақтай олмас эдилар... «Зинонинг, фаҳшнинг ҳар турини мукамал тарзда ижро этасизлар, сизлар билан фахрлансак арзийди», ҳам дея олмасдилар. «Қулларингизни итларингизчалик ҳам қадрламайсиз, бу жуда ҳам тўғри. Уларга озодлик берсангиз, лаънатланасиз», дея олмасдилар, ахир.

Сарвари Анбиё (с.а.в.) Утба Валиднинг сўзларини диққат билан тингладилар. Ниҳоят:

— Гапинг тугадими, эй Абул Валид? — дедилар.

— Ҳа, тамом қилдим.

— У ҳолда энди сен ҳам менга қулоқ сол.

Расулуллоҳ (с.а.в.) аввал «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» дедилар. Сўнгра Сажда сурасини ўқий бошладилар:

«Алиф, Лам, Мим. Бу китобнинг (яъни Қуръоннинг) нозил қилиниши, ҳеч шак-шубҳасиз, барча оламларнинг Парвардигори томонидадир. Бойси: «Уни (Муҳаммаднинг ўзи) туқиб олган», дерлар?! Йўқ, у (яъни, Қуръон) сиздан илгари бирон огоҳлантирувчи келмаган қавми (охират азобидан) огоҳлантиришингиз учун Парвардигорингиз томонидан (нозил қилинган) Ҳақиқатдир. Шояд улар ҳидоят топсалар. Оллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра аршни эгаллаган зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бирон дўст ва оқловчи йўқдир. Ахир, эслатма-ибрат олмайсизларми?! У осмондан ергача бўлган барча ишни тадбир қилиб — бошқариб турур, сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизда минг йилга тенг бўладиган бир кунда (яъни, қиёматда) Унинг Ўзига қайтарилур. Мана шу (Оллоҳ) ғойиб ва ҳозирни билувчи, қудратли ва меҳрибондир. У барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир. У инсонни (яъни, Одам атони) даставвал лойдан яратди. Сўнгра унинг насли — авлодини ҳақир бир сувдан иборат бўлган нутфадан пайдо қилди. Сўнгра уни ростлаб, ичига Ўз (даргоҳидаги) жондан киритди. У зот сизлар учун қулоқ, кўз, дилларни пайдо қилди. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар»...

Расулуллоҳ (с.а.в.) шу ерда тўхтаб, уринларидан турдилар ва «Оллоҳу акбар» деб яна саждага эгилдилар, муборак пешоналарини Роббининг ҳузурида тупроққа қўйдилар. «Буюк Роббимни ҳар турли нуқсон ва қусурлардан пок деб биламан», дедилар. Буни уч марта такрорладилар, сўнгра яна «Оллоҳу акбар» дея уринларидан турдилар.

• Утба ибн Робиа қўлларини орқасига қилиб олган, хиёл энгашган ҳолда У зотнинг сўзларини тинглар ва хатти-ҳаракатларини кузатар эди.

Расулуллоҳнинг яна давом эттиришга оғиз жуфтлаётганларини куриб, қули билан «етар» ишораси курсатди ва:

— Бўлди қил, орамиздаги қариндошчилик ҳурмати, бўлди қил, ё Амин!.. — деди.

Ушбу дамда Набийи Акрам (с.а.в.):

— Сен ҳам айтганларимни эшитган бўлдинг, эй Абул Валид. Мана, эшитганинг калом, мана — сен, — дедилар.

Утба ўрнидан турди. Сандироқлаб-сандироқлаб, иши унмаган одамдек бир ҳолатда бу ердан узоқлашди.

...

Утбанинг аҳволи утирганлар ўртасида муҳокамага сабаб бўлди:

— Худо ҳаққи, Утбанинг келиши бошқача...

— Худди калтак еган одамга ўхшайди... Йиқилган паҳлавонга ўхшаб, чайқалиб-чайқалиб келмоқда... — деганлар бўлди.

Бу орада Утба ҳам дўстларининг ёнига етиб келди.

— Нима гаплар бўлди, эй Утба?! — дея суради Умаййа ибн Халаф.

— Бир сўз эшитдим... худо ҳаққи, бундай сўзларни ҳали умримда ҳеч эшитмаганман! Қасам ичиб айтаманки, бу сўзлар шеър ҳам эмас, қоҳинларнинг сузи ҳам эмас, аммо жуда гаройибдир! — Утба мажлисдагиларга кўз қири билан бир қараб қўйиб, яна давом этди: — Худо ҳаққи, қурайшликлар, ушбу сўзларни эшитсаларингиз, сизлар ҳам уйланиб қоласизлар. Бу одамни, яхшиси, ўз ҳолига қўяйлик. Қасамлар бўлсинки, у келтирган бу калом ҳадемай уфқлар оша бутун жаҳонга ёйилиб, катта шон-шўҳрат қозонади. Агар араблар уни мағлуб этсалар, сизлар ҳам мақсадларингизга эришасиз. Агар, аксинча, у арабларни тиз чўқтирсин, билингларки, унинг галабаси ва шарафига сизлар ҳам шерик бўласизлар ва ушаңда инсонларнинг энг масъуд, энг бахтиёр қавмига айланасизлар.

— Ё алҳазар! Эй Утба, у сени сеҳрлаб қўйибди-ку!

Утба гапни чўзишининг энди фойдаси бўлмаслигини сездди. Утба келган хулосага келишлари учун улар ҳам камида ушбу каломни тинглашлари керак эди. Хайрлашар экан:

— Мен ўз қарашимни билдирдим. Сизлар қандай уйлайсизлар, ихтиёрларингиз, — деди.

...

Утба бир неча кунгача уйдан ташқарига чиқмай ётди. Бир куни кимдир йўқлаб келди.

— Ҳой, Утба, бормисан?

Чақирган одам Амр ибн Ҳишом эди.

— Кел, киравер, Абул Ҳаким, — дея Утба уни уйига таклиф этди.

Утирдилар. Ҳол-аҳвол сўрашилгандан сўнг Амр:

— Келишимнинг сабаби шуки, гуё сен ҳам динингдан қайтган эмишсан. Эшитишимга қараганда, Муҳаммаднинг ва унинг динини жуда ҳам ёқтириб қолганмишсан. Унинг сафига қўшилмоқчи экансан. Халқ ҳозир сенга ёрдам уюштириш билан машгул.

— Куп валдирама, эй Амр.

— Валдираётганим йўқ. Агар Муҳаммад берадиган икки лўқма овқати учун динингни ўзгартираётган бўлсанг, биз сенга мол-дунё йигиб берайлик, бой-бадавлат қилайлик, деган ҳаракатдамыз.

Утба асабийлашди:

— Худо ҳаққи, шу бутундан бошлаб Муҳаммад билан бошқа гаплашмайман! Жуда яхши биласизларки, қурайшларнинг орасида мендан бойроқ киши йўқ. Аммо шуниси ҳам айна ҳақиқатки, мен ундан ҳали ҳеч ким эшитмаган гаройиб гапларни эшитдим. У сўзлар менга шундай қаттиқ таъсир қилдики, ахийри чидай олмай қолдим ва унга «жим бу!» дедим. Худди

у ўқиган каломда хабар берилган азоб-уқубатлар менинг бошимга ёғилаётгандай булиб туюлаверди.

— Биз ҳам, шу қурқув туфайли динини узгартирган бўлса керак, деб ўйладик, ё Утба...

...

Тун ярмидан оққан. Қандайдир бир ёлғиз шарпа Муҳаммад Амин (с.а.в.) уйлари томон пусиб яқинлашар эди. Кучада ундан бошқа ҳеч зог йўқ. Аслида у ҳам ҳеч кимга кўринмаслик учун шундай пайтга танлаганга ухшарди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларига келганлари ҳамон дўсту биродарлари — саҳобалар ўраб олишди. Ҳалиги шарпа ичкаридагиларнинг суҳбати бемалол эшитиладиган панароқ бир жой танлаб, ўша ерга яширинди.

Унинг орқасидан кетма-кет, аммо бир-биридан хабарсиз, яна икки шарпа келган эди.

Учинчи булиб келган киши олдинги иккитасининг келганидан беҳабар, иккинчи шарпа ҳам биринчисидан беҳабар.

Амр ибн Ҳишом бошқа пайт ва бошқа жой бўлганида, «Ҳой, кимсизлар? Қани, буёққа чиқинглар?!» деб дўқ қилар эди. Аммо ҳозир дўқ-пўписанинг мавриди эмасди. Улар ҳам ўзи сингари Муҳаммад Аминнинг каломини тинглашга келганликларини пайқади.

Учаласини ҳам бир савол қизиқтирар эди: «Хуш, қанақа калом экан у, Утбадай бир улут зотни хаёлга толишга мажбур қилган?» Аммо Муҳаммад ал-Аминнинг ёнларига кириб: «Қани, менга ҳам Утбага ўқиган нарсаларингни ўқи-чи?» дейишга гурури йўл қўймасди. Чунки агар У зотнинг ҳузурларига кирса ва Утбанинг гаплари рост бўлиб чиқса, бу даргоҳдан паришон чиқиши турган гап эди.

Шунинг учун ҳеч кимга билдирмай, яширинча келиб қулоқ солишни энг эҳтиёткорона чора деб топди. Тун ярмидан оққанда келишни афзал кўргани шундан. Аммо худди уни таъқиб қилаётгандай келиб бир бурчакка яширинган ва ичкарига куз тиккан бу икки одам ким бўлди экан?

Амрнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, ичкарида ўқилаётган Қуръонни тинглашга берилиб кетди. Утба каби, куппа-кундузи очикчасига келиб эшитмай тўғри қилганини англади. Чунки ҳақиқатан ҳам бу калом жуда гаройиб, илоҳий таъсирга эга эди.

Тонг отиб, хўрозлар қичқира бошлади. Амр ва унинг номаълум икки ҳамроҳи бу ерни дарҳол тарк этишлари лозимлигини билдилар. Амр ўрнидан туриб, олдинга юрди. Бир неча одимдан кейин бирдан тўхтаб қолди:

— Абу Суфён?.. Демак, сен ҳам келибсан-да?!

— Ҳа-ҳа, тўғри топдинг. Хуш, сен узинг нима қилиб юрибсан бу ерда, эй Амр?!

Бу орада учинчи шарпа ҳам уларга яқинлашди. Ахнас ибн Шарик экан.

— Дарҳол бу ердан кетишимиз керак, — деди Абу Суфён. — Бирон кимса ҳам бизни бу ерда кўрмасин.

Қолганлар ҳам айна шу фикрда эдилар, жунаб қолишди.

Орадан йигирма тўрт соат утиб, кейинги куннинг тонги энди ёриша бошлаганда, бу уч маслақдош яна шу ерда учрашиб қолдилар.

— Бу ерга бошқа келмайман демаганмидинг, эй Амр? — дея ҳайратланди Абу Суфён.

— Ўзинг-чи, сен ҳам шундай девдинг, шекилли?

Ахнас бу баҳсга чек қўйди:

— Учаламизнинг ҳам юзимиз бир-бирларимизнинг олдимизда шувут бўлди. Энди тезда бу ердан қорамизни учирайлик.

Учинчи тонгда ҳам худди уша воқеа такрорланди. Учаласи ҳам бир-бирларига бу ерга бошқа келмаслик тўғрисида яна ваъда бердилар.

— Энди бугунгиси айгоқчилигимизнинг сунгги куни бўлсин, биродарлар, — деди Абу Суфён. — Биз бошқаларни зўравонлик қилиб бўлса ҳам бу диндан қайтаришга уринсагу, узимиз бу ерда биқиниб олиб гап пойласак... Бу ҳолатимизни одамлар кўриб қолса, яхши иш бўлмайди.

Чиндан ҳам бу уларнинг сунгги айгоқчилиги бўлди.

Давоми келгуси сонда



УНУТИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Сунгги гурунг... сунгги шеър... Сиз ўқитган ушбу битиклар сунгги бўлди... Навруз арафаси эди. Анвар ака ҳар доимгидек яйраб келди. Утирди. Узига ярашадиган салмоқ билан гап бошлади:

— Хуш-ш, Икромиддин, битта янги шеър ёздим. Шунинг назарингиздан утказай деб келдим. Сиз маъқул топсангиз, кейин бошқаларга ўқитаман. Гап шундоқ.

Мен, уша пайтда, Анвар аканинг шеърларини навбатдаги сонга тайерлаётган эдим. Ҳадаҳа янги шеърни ҳам ўқидим.

*Тол барги сувга тушди, сен менга ширин тушсан,
Толлар бешик булгунча, чарх неча айланди-ей?!*

Шеър шундай мисралар билан бошланарди.

— Яхши шеър булибди, — дедим. Дарҳол, матн кучириш хонасидан аввалги шеърларни олиб чиқдим-да, буни ҳам улар қаторига қўшиб қўйдим.

— Бу узи нечанчи шеър бўлди? Қизиқамиз-да, энди?!

— Тартиб бўйича саккизинчи.

Анвар ака қоғоздаги шеърлар тартибига қараб чиқди-да:

— Ана энди кўнгул жойига тушди, — деб, гап зайилини гурунгга бурди.

Сунгра тулиб-тошиб гапирди. Анвар ака гапиришни яхши кўрарди. Бироқ, қанча гапирса ҳам одамни зериктирмасди. Уша кўни узоқ гаплашиб утирди. Гуеки, дилидаги бор гапларини айтиб қолгиси келгандек... Кейин кетмоқчи булиб қўзғалди. Шунда кимдир соат сўради.

— Соат неча булганини-ку, билмайман. Лекин, мен бир гапга тушганимдан кейин, икки-уч соатни бемалол мулжал олиб ҳисоблайверинг. Ун иккиларда келган бўлсам, ҳозир учни қоралаб қолгандир. Шундай, уртоқ раҳбар...

Анвар ака бировга муурожаат қилганда, ҳазил-мутойиба аралаш шу қабилдаги сўзларни кўп ишлатарди. Бу кўнгулда самимиятни кучайтирарди.

Хайрлашдик. Кейин... Совуқ хабар...

Анвар ака навруз айёмида қайтиш қилди. Хаёлимда Анвар аканинг сунгги гурунги, сунгги шеъри...

Анвар ака гўски, ҳар бир гурунгимиз сунгги, ҳар бир шеъримиз сунгги, деяргандай...

Шунинг учун бир-биримизнинг сўзимизга талпинайлик, бир-биримизга меҳрли-мурувватли бўлайлик.

Ётган жойлари нурга тулсин, Анвар аканинг...

Хаёлимда Анвар аканинг сунгги гурунги, сунгги шеъри...

*Қоралиги ишқимдан куя қолди қалдирғоч,
То мусофир хотирам ичра сарсон бу кўнгул.
Қайда, қайси буготга уя солди қалдирғоч,
Қадирғочим, лоақал энди ашқимга кўнгил?!*

*Мен — соғинч, сен — сизингга айланар ушбу кеча,
Суйсанг ҳам хотирангда суя қолгил, қалдирғоч.
Хаёлимдан ашқимга тушлар урган қўш кечар,
Муҳаббат ашқим узра қора толдир, қалдирғоч.*

*Қалдирғочнинг қайрилма, соғинчларнинг айрилмас,
Муҳаббатнинг меҳробий қанотини бер, тангрим!
Жуфт-жуфт учган қўшларнинг қанотлари қайрилмас,
Жуфт-жуфт учган қўшларнинг қанотида ишқ ранги.*

*Қоралиги ишқимдан куя қолди қалдирғоч,
То мусофир хотирам ичра сарсон бу кўнгул.
Қайда, қайси буготга уя солди қалдирғоч,
Қалдирғочим, лоақал энди ашқимга кўнгил.*

*Бол ари кипригида тозалаб гул гардини,
Тумшугида томчилаб, сув ташиган парасту —
Қалдирғочнинг ашқига ювामан гул баргини,
Ошиқларга Қайс дунё, донишларга Арасту.*

*Дунё муқаддасмикан Қайснинг хоки бор учун,
Кўзинг қорачиғида шабнамга айланди қор.
Тоғлар кўркли кўрингай, тоғлар бўрки қор учун,
Дунё қизғалдоқларга бойчечакни этмас ёр.*

*Андалиб ашки янглиг менга май тут, соқие,
Ашки покимга ўхшаш майсанинг яфроғида.
Кўксим узра ёнган ўт ичра ҳижрон чоки бор,
Гулга боқсанг Лайли ё Қайс анинг яфроғида.*

*Бол ари кипригида тозалаб гул гардини,
Тумшугида томчилар, сув ташигаң парасту —*

Икром ОТАМУРОД

Қалдирғочнинг ашкига юваман гул баргини,
Ошиқларга Қайс дунё, донишларга Арасту.

Ишқ-согинч даштларида бир гул узар онингдир,
Онки ҳаяжонингдир. Ҳисларинг дарёланар.
Ишқ аталмиш сорбонлиг умри гузаронингда,
Тунги капалаклар-да ёнмаса парвоналар.

Мен согинч даштларига борай десам, йўл йироқ,
Олма гули нопармон унда ҳижроним узра.
Согинчим йўл булди-ю, гулга айланди фироқ,
Излаб сени топганда олма гулида кузранг.

Излаб сени топганда олма гулида кузранг,
Дунё андалибларига субҳ аро гул жуссамиш.
Муҳаббат гоҳида Қайс, гоҳ Лайли хоки узра
Тоҳир оққан дарёдан кечган армон тусдамиш.

Ишқ-согинч даштларида бир гул узар онингдир,
Онки ҳаяжонингдир. Ҳисларинг дарёланар.
Ишқ аталмиш сорбонлиг умри гузаронингда,
Тунги капалаклар-да ёнмаса парвоналар.

Сочи дарё бандимас, сочи мажнунтолдир, ишқ,
Тоҳир оққан дарёнинг буйларида қолди, ишқ.
Согинчим гул баргига сингаётган ҳолдир, ишқ,
Бир гулнинг яфрогида қолган қатра болдир, ишқ.

Муҳаббат илк ояту дунё ишқ ҳикояти,
Гул узра андалибнинг ашки тун шикояти.
Гул узра андалибнинг ашкида кўргил мени,
Шаъм узра парвоналар келсалар ургилгани.

Шаъми гулруҳим узра парвонадек ёнди, ишқ,
Уртаниб парвонадек ёнаётган жондир, ишқ.
Ёнмасам ҳар лаҳзаси йилларга тенг ондир, ишқ,
Ёнсам зардуштийману ёнмасам ҳижрондир, ишқ.

Сочи дарё бандимас, сочи мажнунтолдир, ишқ,
Тоҳир оққан дарёнинг буйларида қолди, ишқ.
Согинчим гул баргига сингаётган ҳолдир, ишқ,
Бир гулнинг яфрогида қолган қатра болдир, ишқ.

Ишқ гулранг узоримга андалиб ашкидаю
Муҳаббат гул баргида титраган шабнамдамиш.
Ашқ гулисурх баргидан олинган қатра маю
Оқибат най булмагай сойда ўсган ҳар қамиш.

Сен сой чумчуғи булсанг, сойларга қараб учсанг,
Сой буйида ёр кутган мажнунтолга ўхшар, ишқ.
Очилиб кулиб турсанг, мушки оламни кучса,
Қизил гул баргларида томган болга ўхшар, ишқ.

Мен сени қувлаётган ўша кабутарингман,
Гул узра андалибнинг ашки бир унсури, ишқ.
Гулгун дудоқларингга қўнмаган бол арингман,
Сочинг сиртмоқларида қолган ул мансури, ишқ.

Ишқ гулранг узоримга андалиб ашкидаю
Муҳаббат гул баргида титраган шабнамдамиш.
Ашқ гулисурх баргидан олинган қатра маю
Оқибат най булмагай сойда ўсган ҳар қамиш.

Совогида очилган қизил гулдай гул қани,
Гул узра қатра-қатра ашқи қолган қуш қани?
Муҳаббат кўзларимга чукаётган гулҳаним,
Қани мажнунтолларнинг барги сувга тушгани?

Бешиклар балх, шом тути, оқ тол, қора толданми,
Оқ терак соясида ёр кутган сархуш қани?
Ўзбекистон, киприги гулмихларинг қолганми,
Ошиқи ринд қанию ошиқи зардушт қани?

Бешик тебрансагина тебраниб турғуси чарх,
Хоразм мақомларин тинглаётган чоллардай.
Ошиқ-маъшуқаларнинг чеҳрасига ўхшар Шарқ,
Шабнамлар гул баргига сингаётган ҳолларда.

Совогида очилган қизил гулдай гул қани,
Гул узра қатра-қатра ашқи қолган қуш қани?
Муҳаббат кўзларимга чукаётган гулҳаним,
Қани мажнунтолларнинг барги сувга тушгани?

Согинчдан сой буйида пуслогини ёрар тол,
Мен — толман, бешикларга айланмаган қоратол.
Согинч кечган онларим, ҳижрон кечар онларим,
Муҳаббат кўзёшига чайилган ҳижронларим.

Мен — ишқман. Соғинчларга севилиб сизмаган ишқ,
Куксидан бойчечаклар сепини йигмаган ишқ.
Ишқ нима? Ишқ маконнинг, замоннинг инъикоси.
Дунё сопол товоқ ё май тула чинни коса.

Субҳ аро бойчечакнинг баргида шабнам тула,
Гардун соғинч ё ҳижрон ичра кечган бир йулак.
Бекатлар қум тошлари. Йул икки қош ораси,
Жаҳон кимнинг қирқ гулдан чилчуплик нақораси.

Соғинчдан сой буйида пустилогини ёрар тол,
Мен — толман, бешикларга айланмаган қоратол.
Соғинч кечган онларим, ҳижрон кечар онларим,
Муҳаббат кузёшига чайилган ҳижронларим.

* * *

Тол барги сувга тушса, сен менга ширин тушсан,
Толлар бешик булгунча чарх неча айланди-ей?!
Сочинг тўлқинларидан учаётган оққушсан,
Соғинчим сой ёқалаб ҳар кеча айланди-ей!..

Сой буйида усганим—сочлари мажнунтолсан,
Чил-чилвир сочларингга чилвирлаб ташла мени.
Мен жайрон кўзларингни тубига ватан солсам,
Чирмовуқдай чирмаб ол унда оташ-ла мени.

Ҳар ишқнинг таваллуди бир чақин чаққанча бор,
Кузларинг чақиндир-ей, қарашларинг чақиндир.
Табассум Қайс куксига Лайли гул таққанча бор,
Бир чечак табассуми менинг соғинч ҳаққимдир.

Тол барги сувга тушса, сен менга ширин тушсан,
Толлар бешик булгунча чарх неча айланди-ей?!
Сочинг тўлқинларидан учаётган оққушсан,
Соғинчим сой ёқалаб ҳар кеча айланди-ей!..

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

Жуманиёз Жабборов

Амир Темур сўзи

Бермак улусга меҳр эди аҳду саховатим,
Етди жаҳонга, шукурким, адлу адолатим.

Нажот этиб тангрим, Соҳибқирон аталдим,
Олам элин тутиб буткул ҳифзу маҳобатим.

Илму ижод аро шараф қучди авлодим,
Очиб аларга куксини арзу самоватим.

Сарою кошона неча бунёд айладим,
Жило топиб ҳар нақшида кўрку салобатим.

Шиор этиб ҳақни, бурдим юз яхшиларга,
Асло бесабаб булмади ёвга адоватим.

Жаҳон ичра пойдор агар мулки Туроним,
Ушбу абад эътиқоду орзу, саодатим.

Эгам даргоҳидин маскан эрса, не ажаб,
Аъмолим халқимга булди сунмас садоқатим.

МИЛЛАТИМИЗ ИФТИХОРИ

Кухна Туркистон халқлари инсоният жамияти тараққиётига муносиб ҳисса қушган. Улар уларининг катта, шонли тарихларига эгадилар. Улка халқлари бугунги иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаларига уз-узидан эришган эмаслар. Бу ютуқлар авлодларнинг шижоатли меҳнати ва қураши, тукилган қонлар эвзига қулга киритилган. Шу билан бирга, бу ютуқларда уз халқининг асл фарзандлари булган, бутун ҳаёти мобайнида эл-юрт эрки ва бахт-саодати йулида қурашган буюк шахсларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ана шундай шахслардан бири соҳибқирон Амир Темурдир.

Дарҳақиқат, бобомиз Амир Темур жаҳон тарихида учмас из қолдирган буюк инсон. Унинг шахси машҳурлигининг боиси, негизи нимада? Куп тарихий далиллар гувоҳлик берадики, у ҳудожуй, одил ва ориф оилада дунёга келиб, болалигиданоқ яхши тарбия курган. Темур тиришқок, юқори зехнли, эътиқоди мустаҳкам булиб усган. У ҳаётнинг мураккаблигини барвақт англаган, воқеаларни чуқур таҳлил қила билган ва тегишли хулосалар чиқарган. Соҳибқирон давлат ишларида маслаҳату машварат олиб борган мустақил фикрли, мулоҳазакор сиймо ҳам эди. У салтанат ишлари хусусида фикр юритар экан, қудрат кучда эмас, адолатладир, деган хулосанинг теран маъносини англаган. Темур жамият тараққиёти мазмунини, унинг объектив қонуналирини ва бу қонунларнинг ҳаракатга келтириш механизмини яхши англаган. У уз фаолиятида иймон-этиқолда, аниқ қонун-қоидаларга таяниб, қаттиққўллик билан салтанатни идора қилишга интилган. Бунга ишончли асос унинг машҳур тузуқларидир. Темур одамлар кайфиятини, уларнинг кучли ва заиф тарафларини аниқроқ кура билган. Темур ҳақида олти аср давомида яратилган адабиётнинг айримларида уни шафқатсиз фотиҳ ва ҳукмрон деган фикрларни ҳам учратамиз. Бундай мулоҳазалар қай даражада ҳақиқатга яқин? Ҳозирги даврда бу улуг зотнинг ижобий тарафлари хусусида кўпроқ гап юритмоқдамиз. Бу ҳолатда ҳолисоналик бизни тарк этмаяптими? Бу нозик масалага тўғри жавоб бермоқ учун, аввало ҳокимият сузи мазмунини эслайлик. Ҳокимият — раҳбарнинг кишиларни уз хоҳишига ва талабига мойил қилиш ёки кундириш ва шу алфозда уз сиёсатини амалга ошириш жараёнидир. Ҳукмдор сузи эса ҳукм чиқарувчи, фармон ва қарор қабул қилувчи, унинг ижросини талаб этувчи амалдор, деган маънони беради. Амир Темур ҳам хоқон сифатида уз халқини, сипоҳийларни маълум бир тартибда, интизомда ушлаб туришни лозим деб билган.

Урта Осиёни бирлаштириб, бир бутун давлат ташкил қилиш билан банд булган Темур уз юртининг оёсийишта яшай олишига имкон берадиган шароит яратиш, яъни атрофида душман давлатлар бўлмаслигига эришиш масаласи устида уйлар эди. Бир қатор тарихчилар ва бошқа тадқиқотчиларнинг айтишича, Темур фаолиятининг иккинчи босқичида — яъни ҳарбий юришлари кучайган даврда айрим минтақаларда (Гуржистон, Дамашк, Шимолий Ҳиндистонда) олиб борган урушлар давомида қон тукишлар юз берган, қурбонлар булган. Темурнинг фо-

тиҳлиги жараёнида меъеридан ошиб кетиш, шафқатсизлик ҳоллари руй берганлиги ҳам тарихда бор гап.

Донишмандлар ҳақиқат — аниқликдадир, дейдилар. Темур шахсини қайтадан урганар эканмиз, унинг жаҳонгирлик жараёнидаги бу ҳоллар қайси шароитда, не боисдан вужудга келди, бу воқеалар атайин, онгли равишда юз бердимиз ёки қандайдир сабаблари бормиди; бу қаттиққўлликнинг оқибати нимага олиб келди; уларнинг олдини олиш имконияти бормиди каби саволлар жавобсиз қолмаслиги керак. Бу ҳолларни атрофлича таҳлил қилиб, одил тўхтамга келиш даркор. Айрим тадқиқотчилар фотиҳлик жараёнида тукилган инсон қонини «фожиали зарурият» эди, дейдилар. Бу мулоҳазани ҳам таҳлил қилиш лозим.

Маълумки, тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолиятини урганишда илму фаннинг асосий андозаларидан бири бўлиши тарихийлик тамойилини инобатга олмоқ зарур. У ёки бу шахснинг узидан аввал утган сиймоларга нисбатан қилган ишлари, халқ, жамият олдидаги хизматининг салмоғи билан улчанади, деган мулоҳаза бугун ҳам уз кучини йўқотгани йўқ, албатта. Яъни масалага илмий ёндошиш — ҳар бир давр тараққиёт мезонининг маҳсули. Бу мураккаб сиймо унинг тарихий хизматига одил баҳо беришда уша давр ижтимоий муҳитини англамоқ, урта асрларга оид таомил ва удумлар, шунингдек, ҳукмрон булган маслак ва мафкура хусусиятларини ҳисобга олмоқ тўғри булади.

Утмишга бир назар ташлайлик. «Бобурнома»да давлатни идора қилишнинг уша давр таомилларини ифода қилувчи шундай мулоҳазаларни учратамиз: «Мамлакат подшоҳсиз бўлмас; подшоҳлик жаҳонгирликсиз бўлмас; ун дарвеш бир гиламга сигади, аммо икки подшоҳ бир гиламга сигмайди». Ёки, Оврүпа мамлакатларини олайлик. Н. Макиавелли (XV аср) узининг машҳур «Хоқон» асарида урта аср Оврүпасидаги сиёсий жараёнларни таҳлил қилиб, фотиҳлик, қиргинбарот жанглр, босқинчиликларни уз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш йулидаги табиий ҳол ва замон тақозоси, деб асослайди. У, хусусан, Италия қироллари жангу-жадални, куч намоиш қилишни одоб ва одат деб билганлар, дейди. Ёки, XVII аср биринчи ярмида фаолият курсатган кардинал Ришелье узининг «Сиёсий васиятнома»сида чекланмаган яккахокимликни, яъни абсолютизмни тула ёқлаб чиқалди.

Шарқу Фарб донишмандлари орасида шундай ибора мавжуд: бу фоний дунёда ҳамма нарса нисбийдир. Бу ҳикматли гоё ҳам масалани чуқурроқ тушунишга кумақлашади, давр руҳини тасаввур этган ҳолда қиёслашга, таққослашга даъват этади.

Маълумки, Искандар Зулқарнайн, Петр I, Наполеон ҳам тарихда учмас из қолдирган арбоблардир. Лекин улар одамийлик нуқтаи назаридан қаҳру газаби кучли, шафқатсиз булганлар. Яъни бу сиймоларнинг ҳар бирида яхши фазилатлар билан бир қаторда, шахсий камчиликлари ҳам булган. Аслини олганда, қадим замонларда феъли бўшроқ, кунгли юмшқок, лоқайд кишилар сиёсат бобида жамиятга етарли таъсир курсатолмас эдилар. Хусусан, Наполеонни унинг «якка ҳукмдорлик» қилиқлари учун «ёқтирганлар». Ер юзининг талайгина қисмини қурол кучи билан босиб олган Искандар Зулқарнайини (Александр Македонский) жаҳонга маданият уругини (эллинизмни) тарқатган, деб ҳисоблайдилар. Унинг халқларга утказган зулми, жабр-ситамлари ҳақида эса тил училда гапирилади, холос. Дарҳақиқат, дунёда барча нарса нисбий экан. Демак, Амир Темурга нисбатан ҳам биз бу андозадан фойдаланишга ҳақлимиз. Хусусан, Соҳибқироннинг «сипоҳу райятни умид ва қўрқув орасида сақлаш» борасидаги мулоҳазаси теран маънога эгадир.

Тарихни давр яратади, деган мулоҳазани куп марта эшитганмиз.

Албатта, бу фикрда чуқур маъно бор. Шу билан бирга, маълумки, жамиятдаги катта бурилишлар, жиддий узгаришлар одатда йирик сиймолар фаолияти билан, уларнинг зур ташкилотчилик қобилияти билан боғлиқ. Бу ҳолда шахснинг халқ оммасини уз гоълари атрофида бирлаштириши, уларни буюк мақсадлар сари сафарбар қилабилиши катта урин эгаллайди. Амир Темур шундай раҳнамолик ҳислатларига эга булган доно ҳукмрон эди. Шу боисдан ҳам унга катта зафарлар ёр булган. Демак, тарих гилдирагини инсонлар буюк арбоблар ташаббуси ва йулбошчилигида айлантирадилар.

Масаланинг яна бир тарафини эслайлик. Хусусан, ислом динини қабул қилган мамлакатларда, асрлар давомида шоҳ — Оллоҳнинг ердаги сояси деб ҳисобланар эди. Амир Темур художўй инсон сифатида шариат қонунларига тула амал қиларди, у ҳоқонликни комиллик рамзи, ибрат, урнак тимсоли деб тушунарди ва шу йусинда иш тутарди.

Хуллас, тарихий сиймолар фаолиятига баҳо беришда инсон утмишда юзага келган расм ва анъаналар ҳамда дунё халқлари маънавиятида уз урнини топган мезонларни эътиборга олмақ даркор. Узоқ тарихдан аёнки, аждодларимиз фаолиятини урганишда воқеаларни ҳолис бўлиб, беғараз таҳлил қилмоқ бизни ҳақ йулга бошлайди. Бунинг учун аввало тарихий воқеаларнинг ижтимоий мағзини чақиш, замон ва макон тақозосини аниқлаш муҳимдир. Бинобарин, Амир Темурнинг тарихдаги урнини тўғри талқин этиш учун унинг шахсига оид барча маълум фактларни биргаликда олиб таҳлил этиш, уларнинг ҳақиқий мазмунига таяниш, ҳар бир воқеани атрофлича, ички зиддиятлари билан биргаликда урганиш лозим. Соҳибқирон даврида яшаган, уни озми-купми билган ватандошларимиз ва у билан мулоқотда булган хорижий шахслар қолдирган битиклар, хотиралар шундан далолат берадики, Амир Темур шахси купқиррали, мураккаб, буюк ҳоқон, итоаткор мусулмон, катта зафарлар қучган саркарда, илму фан ва маданият ҳомийси, тарихда учмас из қолдирган бунёдкор арбоб булган. Бундай улуг сиймолар аҳён-аҳёнда дунёга келади ва тарих тақозоси билан чинакам бурилишларга раҳнамолик қилади. Афсуски, бундай ерқин сиймоларни курол-майидиган ғаразғуйлар ҳам тарихда куп учрайди.

«Зафарнома» муаллифи Шарафиддин Али Яздий ёзганидек, Темур бир вақтнинг узида уз душманларига офат, уз аскарларига қаттиққўл раҳбар, уз халқига эса ота булган. Бундай баҳо қадимги юнон файласуфлари ибораси билан айтганда, диалектик ёндошиш тимсолидир.

Уша даврни яхши урганган И. Муминов, И. Султонов, Б. Аҳмедов, А. Муҳаммаджонов, А. Уринбоев каби олимларимиз фикрича ҳам Соҳибқирон бир томондан душманлар учун қаҳр-ғазоби кучли, уғрилар, қароқчиларга нисбатан ута шафқатсиз булса, иккинчи томондан, меҳнаткаш инсон учун мурувватли, хайри-эҳсон қилувчи, адолатли, маърифатпарвар ҳукмрон булган.

Ҳозирги даврда аждодларимиз тарихини, улар хусусидаги ҳақиқатни одиллик билан тиклаш, урганиш нафақат виждон талаби, балки бундай ёндошиш замондошларимиз тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади.

Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, бугунги кунда «Амир Темур каби дохий»нинг муборак номи инсоният тарихида тутган урни ва қилган буюк хизматиға яраша улуғланмоқда. У миллатимиз ғурури, ифтихори. Шу боисдан ҳам бизнинг унга булган эҳтиромимиз бениҳоядир.



Шабкат Ҳасан

ШАБНАМНИНГ БАҒРИГА СИНГИБ БОРАР ТОНГ

*Тўйгулар қарвони ўтиб кетмоқда,
Эҳтироларимнинг талютуилари.
Баъзиси халонга айланиб борар,
Халонга айланмай кетар кўллари.*

*Жонимда оғриқлар уйғона бошлар —
Бесамар ҳар лаҳза — бир улкан оғриқ.
Замонлар юз бўриб ўтиб кетмоқда.
Гўё араблаган ҳамсоя янгли.*

*Шафқатсизлик билан кетар тунларим,
Саҳарларим кетиб борар бешафқат.
Бу ёлғиз жонимга келган балодай
Дардларидан гардлар қолдириб фақат.*

*Севгим ҳам кетмоқда нолик бўйинга
Тавқи лавъатларини тўмордай осиб.
У мени ўзинга лойиқ кўрмади,
Мен ҳам бўлолмадим унга мўносиб.*

*Дустларининг қатори кетиб боради,
Йўқлик сарҳадиға шабнамдай иниб —
Дардининг сатҳида тебраниб тўлқин,
Яна қолганидай қайтадан тишиб.*

*Менинг кўнрагимни армон ёрадир,
Сўнг мунга айланиб балқар қароқда.
Тагин тунлар фарёд чекиб борадир,
Тагин кунлар уввос солиб кетмоқда...*

Шабнамнинг бағрига сингиб борар тонг,
Шафтоли шохлари борар қайрилиб,
Асрий музликлардай тўшиб ётар онг,
Мен қандай яшайман сендан айрилиб?

Ўмид гулларини сўлдирди шаҳар,
Мен нима қилиман қишлоққа бориб?!
Сенинг борлигингдан бутқул беҳабар
Мен қандай яшайман сендан айрилиб?

Барглр салтанати ожиз тасалли,
Ғалвир бўлди дилим бечора, ғариб.
Қулимни шамоллар совурар ҳали,
Мен қандай яшайман сендан айрилиб?

Ўзинг қўлга менн сочи камандим,
Овғим заминдан борар тайрилиб,
Қақшаб бораянги банд-банди-бандим,
Мен қандай яшайман сендан айрилиб?

Тушлардан бир юпанч топмадим, нетай,
Ҳушимдан ҳам жудо бўлдим-ку, қарийб.
Йўқотлик захрини ичмаман қандай,
Мен қандай яшайман сендан айрилиб?

Бир кунн умрга қўйилгай нуқта,
Ўлим мутлоқ, унга қор қилмас фириб.
Биру борим менинг шошмағил, тўхта,
Мен қандай яшайман сендан айрилиб?

Намхушликда ялтирар йўлак,
Ҳаво қуюқ, муаллақ туман.
Қўкрагимда эилди юрак,
Кетгим келар менинг сен билан.

Қўндўзларим бир зумлик гурбат,
Кечаларим қаро илондир.
Қўхларимни юмдим, йўл қўржат,
Манил қайди, манил қачқидир?

Бу ерда мен қолсам мабодо,
Айрилиб сен ширин рўздан —
Бир шордан айрилар дунё,
У шор ҳам кечар дунёдан.

Соғинмоқлик энг гўзал хатар,
Соғинмоқлик, биламан, ёмон.
Нетай? Дилда бир тилк мўзгар,
Ботинида ҳоким бир фиғон.

Қўнгулм яна чўкиб борадир,
Йўқотишлар гирдобн аро.
Қўзғашини тўкиб боралар,
Ғамгини-ей ё мотамсаро.

Қароғимда бир синиқ оху,
Қўз ўнгимда қуюқ бир туман.
Хотирамга уришган қайғу,
Кетгим келар менинг сен билан.

Пиритраган лавларинг ҳозир
Пичирлайди ноҳуш бир калюм
Ва шундан сўнг ҳаётим тахир,
Шунинг билан бу ҳаёт талом.

Сасларингдан вужудим кутор,
Бунча оғир ҳукм эшитмоқ.
Мен осийман, осинга буюр,
Эй қадди дор, сочларн сиртмоқ...

Мен сезмай қолибман, қўнгул мулкнин
Талон-тороғ этиб кетибди қузақ.
Қўхларим уңутиб қўйган қулғунинг
Урнида бир тўйғу унбди муздак.

Мен сезмай қолибман, қисмат дорига
Ҳисларим ўзини остваилгини.
Тўр тўқиб гоғиллик қалбим гориға
Онгу шууримни боғтаилгини.

Мен сезмай қолибман, қўзим ўнгиде
Содир бўлганини буюк айрилиқ.
Барглр нола чекиб ҳижрон рапгиде,
Бошим узра ғамлар сепганин сорғиқ.

Мен сезмай қолибман, руҳимни ожиз
Васваса чорлабди йўқликка томон.
Бир маҳзун оҳангин илғаб ғамангиз
Қўшчадай учмоққа шайланибди жон.

Мен сезмай қолибман, дийдалар эриб,
Ниқим тополмасдан инон-ихтиёр —
Аҳмад Насабийдай тўпроққа кириб,
Такбир айтганини уртаниб зор-зор.

Мен сезмай қолибман, гоғилман ҳануз,
Айтсам тилим қуяр, демасам дилим.
Дилимин ўксатган бу сенмисан, қуз,
Дилимда ўксиган бу сенми, гўлим?!

Ўн тўққизламисан, йипирма ешда,
Гуллаб бораянсан, гуллаб кун сайин.
Вужудим қоврилиб кетди оташда,
Тоторим, мен сенга нималар дейин?

Бу дунё бир эмас, асли мингта кам,
На дўстга ёлғидим, на бир ғанимга.
Мени англамасанг, гўзалым, сен ҳам,
Минутгун дилимни очаман қимга?

Васваса жисимига боғлайди каманд,
Рухимни андиша емирар тайин.
Баҳор осмонидай тунд, беқарорман,
Қарорим, мен сенга нималар дейин?

Қўзингни қўрдиму ғам айёмида
Мезонлар мисоли тўзғидим кейин.
Қўзакнинг дидўртар бу оқшомида,
Баҳорим, мен сенга нималар дейин?

Ҳаёллар руҳимда чарх урар турли,
Қўнгулмда соғинчининг азоби турфа.
Барчаси туш каби мубҳам ва сирли,
Қандоқ қилиб айтсам бўлмайсан хафта?

Бўдудлар юзмоқда ҳўмрайган, бедил,
Дарахтлар мунгайган йўқотиб эсин.
Танглайига бутқул қашинган бу тил,
Биллолмайман, ахир, нималар десин?

Қатду қиёматни тап олмаган бўл,
Бу ўксик дил билан сенга нима дей?
Эй қўнгул даштда унган тоза гул,
Заққум ҳаётимнинг хуш дамларн, эй!



Ашар Қосим

АВЛЮДНИНГ ИЗЛАНИШИ

(«Янги ўзбек шеърятининг поэтикаси» туркумидан)

Маълумки, олтинчиинчи йиллардан эътиборан ўзбек шеърятинида лирик қаҳрамоннинг воқеликка муносабати ва ижтимоий қарашларида туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Лекин шахсга сизгиниш йилларида бадий ижодда ҳаётни сохталаштириб аке этирини авж олган, коммунизм мафкураси ва умуман мустамакачиликнинг меваларидан бўлмиш конфликтсизлик «назарияси» томир отган эдики, бу ислатларнинг асоратидан қутулишни осонликча кечмасди. Ҳаётни тўғри инъикос этиш усулининг, янгича қарашларнинг шаклланиши қийин ҳамда машаққатли бир ижодий жараён эди. Зеро, ҳақиқатдан юз ўтириш қанчалек осон бўлса, уни тан олиш, эътироф этиш шунчалек оғир ва азоблидир. Бу жараён (гуноҳларга иқроф бўлиш ва тавба-таъарруф жараёни) адабиётда янада мураккаброқ кечади. Бизнингча, олтинчиинчи йилларини шахсга сизгиниш психологияси ва конфликтсизлик ислатларига қарши кескин курашлар даври, адабиётимизнинг ўз реалистик мавқенини тиклаш, янги ижодий уфқлар сари қизгин интилишлар босқичи каби баҳолаш—мазкур босқичдаги адабий-маданий об-ҳаво мураккаблигини ва зиддиятларга бойлигини тўғри тасаввур этиш ва ёритиш учун ҳаққоний ёндашув бўлади.

Бадий тафаккурда ушбу даврда рўй берган эстетик ўзгаришлар табиати ва мантигини аниқлаш жиҳатидан Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби устоз санъаткорларнинг охириги даврлар шеърятини ҳамда айни шу йилларда адабиётимизга дадил кириб келган ёш шоирлар авлудининг илк ижоди бетақроқ бадий намуналардир.

Буёқ Ойбекнинг умрининг сунги йилларида битган шеърлари мисолда ўзбек шеърятинида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёнини кузатиш, айниқса, эллигичи йилларнинг охири ва олтинчиинчи йилларнинг бошларидаги ахлоқий-эстетик изланишларнинг моҳиятини тушуниш мумкин. Интирманчи йилларнинг алғов-далғовларини, ўттизичи йилларнинг шифқатсиз қатлиом ва қирғинларини, қирқинчи йилларнинг қонли қирқонларини ва инҳоят, омонсиз мустабиднинг ўлимидан кейинги — эллигичи йилларнинг ўрталаридаги сурунларини, жамият ҳаётида рўй берган улкан портлашларини ўз қўшлари билан кўрган, бевосита бошидан кечирган дошманда санъаткор умрининг поёнида оғир ўйларга толади:

*О, кўнгли, чексиздир, туби йўқ жаҳон,
Сирлар ва тилемлар қондир осмон.*

*Шимдир оламнинг сир фалсафаси?
Эй кўнгли, сен ҳал эт. Мушкулдир ҳамон.¹*

Давр даҳшатларини обдан яшаган, замонанинг тиним билмаган тўс-тўпо-лонларини назик кўнглидан кечирган улғур шоир инсон ҳаётининг бирдан-бир таянчи бўлган маънавий қадриятлар, хусусан, ахлоқ ва ҳақиқат тўғрисида ўзининг бевотаҳол фикрларини олға сурди: «Ўзгал хулқ тавҳардир, асли бўлмас хор. Ҳаёт илдирида ундан бир нур бор. Ҳақиқат ва ахлоқ яқин туғинган, Ўғлим, ўйла, умр ўтмасин бекор». Бу мисраларда энг ахлоқсиз жамиятнинг қурбони бўлган ахлоқли бир инсоннинг афеус-надоматлари, аччиқ сабоқлари аке этган. Шоир хулқий жиҳатдан беқирс даражада тубанлашган, одамий ахлоқ ва одобнинг ибтидоий тартибларига риоя қилмайдиган ва ижтимоий ҳақиқат мезонларини бутунлай йўқотиб, ҳайратомуз миқёсларда ёвоиллашган муҳитда умр ва ҳаёт тушунчалари ҳам мутлақо ўз моҳиятидан, қадр-қимматида жудо бўлишни куюнчалек билан таъкидлайди.

Алғанавий ҳақиқат ва ахлоқ ўзгаришини мажбурий тарқ этган, жўрттага оломонга айланттирилган инсонни — инсон оқимини ўзининг азалий маънавий-руҳий масканларига қайтариш унчалек осонмас, албатта. Қайтишдан олдин жа, ўша унутилган маънавият ва ҳақиқат мезонини, авлуд-аждодлар яшаб ўтган ҳаёт ўзанини излаш, тоини керак. Ота-боболар қадрлаган, минг йиллар мобайнида амал қилиб келган инсоний-маънавий ҳақиқатларнинг сарҳадларини аниқлаш, маъини чақин зарур.

*Сирли йўллар босиб, кезамен осмон,
Ўйлайми, ўйлаймен, сира билмаймен...
Осмонга сенилган олтидан сомон,
Ҳақиқат шимдир, ўйлаймен ҳамон.*

Зеро, азал-абад ҳақиқатларини эсдан чиқарган ва ўз даврининг энг муҳим ҳақиқатини аниқлаб етмаган авлуд абадий адашинга маҳкумдир. Умуминсоний ҳақиқатлардан юз ўтириш — ҳақиқатсиз янаш бамисли қоронғуликда пайнаслашиб юриш, худди зулматлар ва наҳимали тушлар насвасасига асир бўлиш демакдир:

*Тарих ва фалсафа чуқур, мураккаб,
Ҳаёт мишғалидур ҳақиқат, чин гап.*

Айни «ҳаёт манғали» бўлганлиги учун ҳам кўнни кўрган, тузумнинг иблисона ва ёвуз қилмишларидан юраги зада шоир ижтимоий ҳақиқат борасида изтиробли ўйлар сурди. Ана шу ҳақиқатга эришмасдан жамият маънавиятининг эзгулик сари юз буришига, чин инсоний моҳият касб этишига ишонмайди.

Шоирнинг фалсафий талқинига кўра, инсоф ва иймон, яхшилик ва эзгулик, ростгўйлик ва дийнат, меҳр-оқибат ва муҳаббат бевосита ҳақиқат билан эгизак тушунчалардир. Чунки Ҳақдан қўрқмаган, ҳақиқатдан юз кечган муҳитда ёмонлик ва ёвузлик, сотқинлик ва хийнат, ўз қавмига газаб ва нафрат, тўхмат ва разолатлар авж олади. Инсон ҳеч қандай ёвузлик ва насткашликдан уялмай қўяди. Унда ҳайвоний «сен» бош қўтаради, уйғонади... Бу ўрнида буёқ ва бокира Ойбекка ишонмасликка, заррача шубҳаланишга ҳаққимиз йўқ. Ахир, жабрдийда Ойбек ака шу кўргуликларнинг барчасини ўзининг мунгли таржман ҳолида кунма-кун яшаган, ўз замонининг турли даҳшатларини ўз тақдирда қайта-қайта синаб кўрган: «Ёмонлардан зинҳор, дўстим, ҳазар қил. Фирибгар ошнолар зимдан тўсар йўл. Ҳақиқатни севмас виждонсиз, бахил, Қуйганман

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ун туққиз жилдик. II жилд. Т., «Фан», 1975, 289-бет.

улардан: Ёдирган тош-дўла». Ўзи ва кўнгилга яқин аксарият замондошлари даврининг сон-саноксиз ҳақиқатсизликлари ва адолатсизликларидан озура чек-канликлари учун ҳам зукко санъаткор ҳақиқатнинг хиралашган кўзларини очишга, ижтимоий муҳитда маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат туйғусини уйқотишга интилади. Жафокан ҳақиқатнинг азал-абад мезонини топиш учун чин дилдан қайғуради:

*Само қон-қоронғу, қародир осмон,
Сомон йўли чексиз... Юлдузлар — мезон.
Ҳақиқат нимадир? Топмайман сира,
Айландим, айландим минг дафъа жаҳон.¹*

Бир умр бир зум хотиржамлик, руҳий фароғат нималигини билмаган шоир ўз ҳаётининг сўнгги лаҳзаларигача айни ҳақиқат тўғрисида ўйлашлари, чуқур қалиб изтироблари ва ҳасталиқининг оғир асоратларига қарамай, асл маънавият ва ҳақиқат ҳусусида фикрлашдан тўхтамаганлиги келгуси насллар учун ҳам ҳайратомуз бир жасорат, фидойилик намунаси бўлиши шак-шубҳасиздир. До-нишманд санъаткорнинг кексалик чоғларида битилган фалсафий тўртликларини ўқиган сайин ушбу кўнгил парчалари худди хайрлашув, видо садоларидай, худди буюк ва безовта қалбнинг акюдларга васиятидай таассурот қолдиради. Эҳтимол, қуйидаги — дунёнинг энг қисқа ва сермаъно шеърларидан бирида дунёнинг энг узун ҳасрати акс этгандир. Балким мазкур мисралар айни чоғда серғалва ва серхатар дунёемизнинг сабр-тоқатли ва сокин Ойбекдан ҳайратлани-ши ҳамдир:

*Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,
Тошлар ҳам йиғлайди — сир тўла осмон.
Ҳақиқий олим на? Жавоб йўқ, ҳайҳот.
Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлгон.²*

Ойбек абадиятга сафари олдидан битган тўртликларига худди ҳозиргача айтолмаганларини, армонларини айтишга шошилади. Ингиланаётган миллий-ижтимоий муносабатлар негизида чин инсоний маънавият ва ҳақиқат метин-дай мустақкам туришини истайдди. Мукамал ҳақиқатга етишнинг иложсизли-гини, ҳатто оддий ҳақиқатларнинг ҳам жамиятда ноқб эканлигини, умуман, инсон ҳаётида ҳақиқат ахтаришларининг узлуксизлигини таъкидлайди. Барча хушёр ақл эгаларининг барча замонларда, муттасил мана шу зарур ва қутлуг тушунча ҳусусида бош қотириши бежиз эмас, албатта: «Ақлнинг хонаси тўла шўъла, нур, Фикрлар ва ҳислар тубсиз бир чуқур. Ҳақиқатни излаб асрлар аро Чарчамас дарбадар, ҳаёл чирмангур». Дарҳақиқат, инсон эсини танигани-дан буён адолат ва ҳақиқат мезони ҳақида ўйлаган. Унинг чинакам ўлчовла-рини топишга уринган. Мазкур беҳаловат исланишлар жараёни минг йиллар-дан бери давом этиб келаётган бўлса-да, бир лаҳзага тўхтамайди. Аксинча, кучайиб, тараққийлаб боради. Вақт ўтган сайин инсоннинг адолатга, ҳақиқат-га ташналиги ўсиб бораверади. Айниқса, ижтимоий даврларнинг ўзгариши пал-лаларида маънавий исланишлар жараёни кучаяди. Ҳақиқатга муносабат ки-шилик жамияти олдидан янгидан қўндаланг туради. Хуллас, тарих йўллари чалқашиб, чувалиб қолганда, одам боласи асрларнинг ҳақиқат сабоқларини ўйлашга тушади.

Омон Матжон илк тажрибаларидан «Мезон» (1967 й.) деган шеърда худди устоз Ойбекнинг юқоридаги безовтаҳол хайлларини тасдиқлагандай:

¹ Ойбек. Мукамал асарлар туплами. II жилд. 306-бет.

² Шу китоб, 308-бет.

*Асрлар ўтади. Вақт Ерға бефарқ,
Одда, юксаликка кетади одам.
Лекин йўл чалқашиб қолганда бир вақт,
Яна тарихларни титади одам.¹*

Табиийки, олтинчи йилларда шеърятимизда фаоллашган маънавий исланишлар ижтимоий ҳаётдаги мураккаб ўзгаришларнинг бевосита акс-садо-си эди. Ойбек, юқорида кўриб ўтганимиздай, ўзининг сўнгги, видо оҳангли шеърлари билан гўё лирикамизга йўналиш беринга интилгандай таассурот қолдиради. Миллий шеърни ота-боболарнинг шеърини йўлига, айниқса, навқир-рон поэтик кучларни олис манзилга — санъатнинг буюк йўлига чорлагандай туюлади. Ва халқимиз бадиний тафаккуридаги ана шу бурлиши олдидан ҳам-мани азал-абад ҳақиқатлар, Ватанимизнинг қадимий қадриятлари ҳусусида фикрлашга даъват этади. Улғу санъаткор бегубор қалбнинг аччиқ руҳий са-боқлари билан бирга ҳаёт ҳақидаги орзуларини, ҳақ-адолат борасидаги ички исланиш ва иккиланишларини ҳам акюдлар ҳукмига ҳавола қилади. Ана шу йўналишдаги поэтик мулоҳазалари билан инсоннинг, ҳусусан, ёш насллар-нинг ташвишларига шерик, қийналишларига эш бўлаётгандай кўринади. Азобкан шоир уни минг бор қийнаган, йўлини йўқотган замонга ўзининг одамай йўлини топишида, чин инсоний қиёфа касб этишида ёрдамлашини истайдди. Бекрифе Ойбек ўзининг ва бахтиқаро акюдошларининг кўрган-ке-чирганлари келажак наслларнинг ҳаёт йўлларини машғуллашда Ғритини орзу қилади. Бу ҳам Ойбек шахсининг, мусарффо қалбнинг бевосилигини, буюк-лигини тасдиқловчи-таъкидловчи маънавий фазилатлардан биридир.

Ойбек домланинг сўнгги лирикасидаги қатор гоивий-бадиний ҳусусиятлар-ни — замон билан ҳамнафаслиқни, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар зарби билан оҳангдонликни, қизил сўзликдан, сохта замонавийликдан йироқ (сох-та гоивийлик билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган) асл ҳаётийликни биз Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Шукрулло, Шухрат, Саида Зуннунова каби устоз шоирларимизнинг ҳам ўша йиллар ижодида ку-затишимиз мумкин.

Айни ана шу жиҳат ўша давр ёшлар шеъротида ҳам бўриб кўзга ташла-нади. Айтайлик, янги ўзбек лирикасининг илк қалдирғочларидан Эркин Воҳи-довнинг ўттиз йилча бурун ёзилган «Тасаввур» номли шеърда биз худди ўшан-дай ижтимоий-ижодий кайфиятга юзма-юз келамиз:

*Учқур замон билан қалқиб, чайқалиб,
Чарх уриб бораман гирдоблар аро.
Бешафқат тезликдан асабим толиб,
Бир нафас тин олсам дейман-у, аммо —
Мендаим, ихтиёр?
Югурар замон,
Шидлати ўтади ҳар бир толамдан,
Тўхтасам, тўқилдум бир томчисмон,
Томчидек йўқ бўлиб кетгум оламдан.²*

Биз 60-йиллар шоирларининг «ёшликка хоё пок бир самимият билан» (Иброҳим Рафур) йўғрилган илк лирикасини кўздан кечирар эканмиз, ҳақи-қатан ҳам «ҳар бир толасидан югурик замоннинг шидлати суронлари ўтган»

¹ Омон Матжон. Сени яхши кураман. Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1981, 11-12-бетлар.

² Эркин Воҳидов. Муҳаббатнома. Сайланма. 1 жилд. Ғ. Гулом номидаги Ада-биёт ва санъат нашриёти. Т., 1986, 186-бет.

авлоднинг эрк ва адолатга, миллий-маънавий мустақиллик ва ижтимоий теңликка, чинакам инсоний ҳақиқатга ташна қалбини кўрамиз. Инсон ва замон, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, даврнинг энг зарурий руҳий эҳтиёжи тўғрисидаги эҳтиросли кечинмаларини бефарқ ўқиб қийин, албатта. Масалан, Миразиз Аъзамнинг «Ҳақиқат» деб аталган шеърдаги поэтик таассуротни, умуман, янги лирик қаҳрамоннинг эстетик мавқеи инфо-дасидай баҳолаш мумкин. Янги ва навқирон шоирлар авлоднинг армон ва орзулари, умиду ҳасратлари, изтиробли илтижолари, янги замондан шифқат-талаб қалбларининг мураккаб ҳалқонлари — инсон ва инкилабилари аке этган ушбу сатрлар эдиликда миллий маънавият тарихининг унутилмас саҳифаларини ташкил этади, десак янглишмаймиз: «Э, ҳақиқат, сен кўйсан, нур қони, Шуъланг билан Ғритасан дунёни. Сен бўлмасанг, зулатм ичра маъно йўқ, Фақат сенсан яшамоннинг имкони. Э, ҳақиқат сен ҳавосан, соф ҳаво. Сен борсанки, ҳаёт ширин, бебаҳо. Сен бўлмасанг, тин ололмай бўғилиб, Ерда инсон тоғиб кетгайдир фано. Э, ҳақиқат, сувсан — мусоф-фодирсан, Ташна жисмин яйратмоққа қодирсан. Қақроқ лаблар ялар сани ўртаиб, Ҳар қатранг-ла ноёбсану подирсан».¹ Янги лирик қаҳрамон маънавий оламнинг ҳис қилиб, тушуниш нуқтаи назаридан мажур шеър эътиборга лойиқдир. Муаллифнинг чуқур ижтимоий мазмун билан йўғрилган поэтик ўхшатишларига назар соғайлик: «Ҳақиқат, сен кўйсан», «сен мусоффо ҳавосан», «сен ҳаётсан», «ташна жисмлар» ва «қақроқ лаблар» сенсиз яшаш амри маҳол... Мана шу ёниқ эпитетларда чорак аср бурунги ўзарини ва янгилашиш чоғларининг умумий оҳанги, асосий қирралари ёрқин аке этган. Эҳтимол, неча минг йиллик туркий шеърятда «мен» ҳеч қачон, «Ҳақиқат» шеърдагидай, эрк ва озодликка, рост ва тўғри саналган барча нарзаларга шунчалар ташналик сезмагандир:

*Э, ҳақиқат, кўз ўнгимда порлаб тур,
Э, ҳақиқат, кўзим аро ўйнаб юр,
Э, ҳақиқат, қонимда оқ мавжланиб,
Э, ҳақиқат, жисмин аро маскан кўр.*

Табийки, лирик «мен»нинг эҳтиросли орзулари биргина поэзия факти сифатида муҳим эмас. Ушбу ўзига хос эстетик ҳодисанинг теран ҳаётий илдилари борлигини унутмаслигимиз даркор. Зеро, «Ҳақиқат» шеърда «мен»нинг миллий-ижтимоий вазиятлари, интилишлари ҳам ҳақиқатий аке этган. Шеърдаги поэтик ҳақиқат — реал, ижтимоий ҳақиқатнинг ўзгичасидир. Лирик «мен»нинг кечинмалари — тўтқун Ватанда озодликка зор бўлиб яшайдиган, инсоний ҳуқуқлари чекланган, миллий ҳақ-ҳуқуқи топталган одамнинг, куюн-чак эиёлининг изтиробларидир. Бу жиҳатдан Миразиз Аъзамнинг лирик «мен»и ўз авлодошлари, айниқса, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Нарфи, Чўлпон Эргаш, Муҳаммад Али сингари шоирларнинг лирик қаҳрамонлари билан руҳан яқин. Улар кўп нуқталарда бир-бирини тўлдирди, ривожлантириб боради.

«Ҳақиқат» шеърининг сўнгги қисми янги поэтик босқичнинг маънавий аҳдиномасидай янграйди: «Кетар бўлсам агар сени унутиб, борар бўлсам но-ҳақ йўлга юз тутиб, Э, ҳақиқат, мени яшин билан ур, Аямай ур ярим йўлда тўхтаиб. Мен розиман қийналаса ҳам жаҳоним, Уганишга сизда бўлсин бу жоним. Э, ҳақиқат, сен қалбимни этма тарк, Олга бошла, энг илоҳий раҳбоним». Ҳа, мажур шеърини нарча худди эн бўғинининг қасамсидай таассурот қолдиради. Ва ана шу қасамда инкита муҳим жиҳат диққатни жалб қилади: биринчидан, янги шеърини йўлнинг ҳақиқатга садоқат сақлаши қатъий тавсияланса, иккинчидан, ҳазрати ҳақиқатдан мажбуран юз ўтган олдинги

авлоднинг фожевий қисматидан сабоқ олиш муайян даражада ўз аксини топган.

Зотан, олтинчи йиллар шоирлар авлодининг кейинги тақдир улар, асосан, ўзларининг беғубор ёшлик қасамларига ҳибат қилмаганларини кўрсатди. Навқирон наср намояндлари энг яхши тажрибаларида унутилаган миллий шеър аънавларини давом эттиришди. Улар ўз ижодларида XX аср ўзбек шеърятининг кўпроқ қатагон қилинган қанотига суяндилар.

Янги лирик қаҳрамоннинг безовта маънавий изланишлари Чўлпон Эргашнинг 60—70 йиллар ижоди учун ҳам алча хосдир. Хусусан, мавжуд ижтимоий воқеликка шубҳа билан қараш, усти ялтироқ ичи қалтироқ тузум иллатларини англашга интилиш унинг шеърларида ёрқин кўзга ташланади. Айтайлик, «Шубҳа» (1967 йил) шеърда муаллифнинг ижтимоий адолат, ҳақиқат борасидаги азобли ўйлари образли шаклда инфодаланган. Батзи ўринларда эса, бу образлик раэмий инъикос даражасигача кўтарилди: «Қўй, қўнглинга олма, менинг олма юзингиз. Қўйиб бўлдим шубҳаларнинг хоки пойида. Шарму ҳаё осмонда сўнар юлдузим. Юлдузимиз энди бирга оқмағай сойда. О, қандайши порлоқ сенинг толенг, эркам, Бахтли замон бастасида маҳнинг ҳам улуг. Чўлпон каби кечроқ кўзим очибман билсам, Бироқ менга кечиккан бахт керакмас, қулдук». Агар ушбу нарчадаги мураккаб истиоралар, раэмалар силсиласини ҳамда шоирнинг киновий сўзлаш оҳангини инобатга олсак, мажур шеърини тушуниш қийинлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Хўш, муаллиф тағдир образлари билан нималарни аналтмоқчи бизга? Умуман, бу шеър кимга хитобан ёзилган? Шоир кимни юпатини, кимга тасалли берини? Фақат шеърдаги раэмий образларнинг маъно кўламинини аниқ белгилаш орқали уларнинг маъзини чақиш, тағига етиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Ерда тутин керакки, «Шубҳа» севги шеъри шаклида қурилган бўлса-да, аслида чуқур ижтимоий-сиёсий мазмун ташийдиган шеърдир. Эътибор берсангиз, юқоридаги нарчада асосан интим мурожаат пайтидагина қўлланадиган қатор поэтик хитоблар, айтайлик, «олма юзингиз», «эркам» ёки «Юлдузимиз энди бирга оқмағай сойда» ибораси ҳеч ҳам севгилига қаратилмаган.

Дарҳақиқат, янги ўзбек лирикасида, худди классик шеърятимиздагидай, «эр», «сен», «мен», «у» сингари аънаваный поэтик образлар ҳар доим ҳам маъшуқани — севгилини билдириб келмайди. Агар классик лирикамизда ўша тушунча ва атамалар айни пайтда «Тангри», «Худо», «Илоҳий қудрат» каби маъноларини инфодалаган бўлса, 60-йиллар ёшлар шеърятда эса «Ватан», «эрк», «халқ», «ал-юрт», «бахт» сингари миллий армонларини, орзуларини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

«Шубҳа»да ҳам биз айни шундай фикрий-услубий ҳолатни учратамиз. Масалан, «О, қандайши порлоқ сенинг толенг, эркам» мисрасида аънаваный интим муносабат аке этмаганини сезиш унчалик қийинмас. Ёки «Бахтли замон бастасида маҳнинг ҳам улуг» сатри ҳам шундай фикр юритишга ундайди. Хусусан, қўвидаги байт шеърхонни жиддий ўйларга толдиради. Муаллифнинг мақсадини тушуниш учун росмана бош қотиришга даъват этади:

*Чўлпон каби кечроқ кўзим очибман, билсам,
Бироқ менга кечиккан бахт керакмас, қулдук!*

Бу ўринда муаллифнинг имо-ишоралари янада тушунарлироқдир. Илк қарашда шеърининг умумий руҳига унчалик ёширмайдиган мажур байтни қандай шарҳлаш керак? «Чўлпон каби» ўхшатиши нимага, кимга инора аслида? Шоир ушбу образ билан поэтик сўз ўйини қилади: Ўз ҳолатини, фожевий руҳий аҳволини тонг юлдузи — чўлпон билан ҳамда Ватанимиз эрки йўлида ўз

¹ Чўлпон Эргаш. Энг балад қаср. Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, Т., 1986, 123-бет.

¹ Миразиз Аъзам. Сабот. Т., 1983, 3-4-бетлар.

жонини қурбон қилган буюк санъаткор Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўпон билан қиёслайди. Шу йўсиндаги қатор гоёвий-эстетик омиллар ўз-ўзидан мазкур шеърини ижтимоий мавзудаги асар сифатида баҳолашни тақозо этади. Ва шоир қуюниб айтаётган дил сўзлари кимгадир эмас, айнан жафоқаш ва тутқун халқимизга қаратилганига ишона бошлаймиз. Шеърини ўқиган савин бу ишонч янада кучайиб бораверади: «Бу борада, айбламайман мен сени, зиҳдор, Зинҳор-зинҳор ўзимни ҳам оқлай олмаймай. Билманки, бошимизда қора бир куч бор. Эртами-кеч ундан ўчим олмай қолмайман. Қадамимга қадам қўйиб йиқитмоқ бўлур, Билмам, унга нечук керак беномўслигим. Шубҳадир у, шубҳадир у қутқу солган сур, Тур кўнглингга олма, менинг олма кўнглим».

Агар шеърдаги рамзий маънолар тўғри илганса, поэтик мақсадини кўзга чиқарувчи бадиий детал ва белгилар ўз моҳиятига уйғун равишда маънолангитири-лиса, шеърнинг таъсир кучи икки қарра ошади... Демак, лирик қаҳрамон «сен» деркан, азобқаш юртимизни кўзда тутган. У ўзи тушган ва халқи янаётган оғир ижтимоий аҳволдан рози эмас. Бундай чор-ночорликда у биринчи навбатда ўзини айбдор деб билади. Лирик қаҳрамон шу хор-зорликнинг сабабларини, қўлларча ҳаёт тарзидан қутулиш йўлларини излайди. У, «бошимизда қора бир куч бор», ўша «қора куч» ҳар қадамда менга хатар етказмоқчи, дейди. Лирик «мен» ўз номўслига, шаънига ва эркига чанг солган ўша «қора куч»дан ўч олишни ягона чора деб билади. Ва шу йўлда ҳар қандай иккиланишлар, ўйланишлар, шубҳалар бекор эканлигини таъкидлайди. Шоир барча шубҳаларни ташлаб, иккиланишга чек қўйиб, ошқора кураш йўлига киришга, ҳаёт-мамот жангларига қўнғил беришликка чорлайди: «Тургин сен ҳам яшн бўлиб яшнагил энди, Ўт қўяйлик бу дунёнинг сур бандасига. Шубҳаларга эрк бермоқчи ташлагил энди, Басдир шунча ўйнадик биз чирмандасига. Дунё сенга базми жамшид саҳнаси эмас, Алаккимнинг бастасига йўғалаш учун. У — ботирлар қароргоҳи, жангтоҳдир у, бас, Ҳаёт-мамот кураш борар унда туну кун».

Илги лирик қаҳрамон қиёфаси ана шундай қарама-қаршиликлар, гоёвий-бадиий курашлар оқимида шаклланди. Лирик «мен» ўзининг тинимсиз ҳақиқат изланишларида, ҳаётни ҳаққоний баҳолаш мавқеига қўтарилишида турли қийинчиликларни бошдан кечирди. Ёш шоирлар шу мақсад йўлида хусусий ҳамда ташқи монеликларни бартараф этишлари керак эди. Бу курашнинг илк босқичи — биринчи навбатда лирик қаҳрамоннинг ўз ички дунёсидаги келиш-мончиликни, иккиланиш ва ишончсизликни енгилга уриниш ҳолатлари билан характерланади. Зотан, дунёни англаш ўзини англашдан бошланади.

Абдулла Ориповнинг илк ижоди бу жиҳатдан эътиборни ўзига жалб қилди. Илги лирик қаҳрамоннинг дунё ва ижтимоий ҳақиқат борасидаги шаклланиб бораётган қарашларини кузатиш нуқтаи назардан унинг олтиминчи йилларнинг биринчи ярмида битилган шеърлари қимматли бадиий намуналардир. Хусусан, шоирнинг «Кўз хаёллари» (1962 йил) шеъри лирик «мен»нинг маънос ва безовта хаёлотининг дастлабки босқичи сифатида кини қалбида ўчмас таассирот қолдиради.

*Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,
Боғларга чўкканда оқшомги туман,
Совуқ кўз елидан жулжукиб нари —
Очиқ айвон остини этганда маскан
Дустганим, хаёлни қучман сени,
Ҳазон даврасида қутман сени.¹*

Шеърнинг, илк бандидан айи бўладикки, муаллиф кузининг—ҳазон фаслининг шунчаки поэтик манзарасини чизмоқчи эмас. Шеърдаги сирли кайфият

¹ Абдулла Орипов. Йиллар армони. Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти. Т., 1984, 37-бет.

беихтиёр хаёлингизда кетма-кет саволлар туғдиради. Хўш, ўсимр ёшидаги қаҳрамон нега ўз қўнғил сирдошини ҳазон даврасида учрашувга чорлайди? Боғларга чўккан оқшомги туман, совуқ ва дардчил кўз еллари ёш ва ёлғиз қўнғилда қандайин сирли кечинмаларни кўзгайди?

*Бунда бари гўзал: тим қора оқшом,
Юлдузлар боқди тунд ва ёввойи.
Қаминшор, шовуллаб турғувчи сой ҳам
Совуқ ва ёқимли: шудок айвони.
Уларга боқман, тўнман баъзан,
Ширин бир хаёлга қўман баъзан.*

Сокин кўз оқшоми шоир қалбида зиддиятли туйғулар уйғонишига туртки беради: тим қора оқшом, тунд ва ёввойи юлдузлар, қаминшор, бир маромда шовуллаб турган сой... теварақдаги барча наржалар бари гўзал, ёқимли, бироқ совуқ. Негадир қўнғилда қувонч, ҳайрат эмас кўпроқ маҳзунлик уйғотади. Ҳазон даврасининг совуқ ва ёқимли гўзаллиги гоҳ шоир қалбини музлатиб тўндирса, гоҳида уни ширин хаёллар сари етаклайди. Навқирон ва мутаассир қалб бу сирли ҳаяжонларнинг асл маъносини, сабабларини тушунолмай қийналади...

*Нимани хоҳлайман? Истагим нима?
Чангалзор шовқинини тинглаб тураман.
Янроқлар бандида кезган жимгина
Маънос ва безовта кўзини қўраман.
Унинг қўшиғида, унинг оҳида
Сезман одамзод қалбин гоҳида.¹*

Табиатнинг сўниб бораётган, ўз гўрбуга яқинлашаётган умр палласи — қўнғил маҳзун манзаралари ёш қўнғилни нега мувоzanатдан чиқаради? Навқирон қалбини табиатнинг гўруб чоғи нега бунчалар сирли энтиктиради? Бизнинг ушбу саволларимизнинг табиийлигини шоирнинг юқоридаги дунда поэтик сўроқлари ҳам таъкидлайди: «Нимани хоҳлайман? Истагим нима?» Тўғри, нафақат алоҳида бандларда, балки умуман шеърда ҳам мазкур саволларга узи-кеси ва батафсил жавоб йўқ. Зотан, бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки ёш шоир ҳаётнинг ва табиатнинг чинал саволларига ўзи жавоб изламоқда. Бироқ унинг айрим поэтик имо-ишораларидан кечинмаларининг моҳиятини сезгандай бўла-миз.

...Ёш шоир инсон умрининг ибтидосино иштиҳоси, паст-баландлари, ҳаётнинг маъноси хусусида ўйга толади, бевожит кўз хаёллари оҳангиде ўзининг ўсимрона, содда ва самимий мушоҳадатларини ўртага ташлайди. Кўз манзараларидан таъсирланган шоир табиат умри билан инсон умрини муқояса қилади. Улар ўртасидаги илоҳий уйғунлик муаллифни янада мутаассир этади: «Янроқлар бандида кезган жимгина Маънос ва безовта кўзини қўраман. Унинг қўшиғида, унинг оҳида Сезман одамзод қалбин гоҳида». Қачонлардир ям-яшил бўлган янроқларнинг маҳзун ҳазон қўшиғи билан инсон қалбининг видо садолари ҳамоҳанг эмасми? Тасодифий эмаски, шоир ҳам бу ўринда муқоясени ривожлантира бориб, умумий «инсон» ва «табиат» қиёсидан инебатан аннроқ «кўз» ва «чол» муқоясасига ўтади.

*Унга бари бирдай ҳаёт ва ўлим,
Гўрки кекса чол сўшини ўйлар.*

¹ Абдулла Орипов. Йиллар армони, 37-бет.

*Ва сенинг елжитиб қаҳрабо қўли
Қўрағини билганин бирма-бир сўйлар.
Бир ҳикмат ўқийман ҳазонларда мен:
«Ишагин-у, бироқ янроқ бўлма сен».*

Шоир инсон умрини табиат билан таққослар экан, ҳаётнинг беихоё тезкорлиги, абадий эмаслиги унинг навқирон қалбини ҳўрситиради. Ҳар бир бошланғичнинг, албатта, сўнгги муқарраблиги, ҳар ибтидоининг эва бир нитиҳоси борлиги эиндигина яшаш завқини туй бошлаган инсон учун нафқатсиз ҳақиқатлардир. Ёш лирик қаҳрамон ҳаётнинг азал-абад қонун билан келишти-си келмайди. Бу дунёда ана шу қонундан бўлак Абадий нарса йўқлиги — шу ҳақиқатнинг мутлақлиги уни ғамгин ўйларга толдиради. Қўйидаги мисралар ҳам аслида «мен»нинг илжозлик ҳолатида беихтиёр айтылган, зотан ҳали ҳеч ким жавоб тополмаган дардли саволларидир:

*Мангу яшилликнинг маскани қайда,
Қайдадир ҳазонин билмаган баҳор?
Нечун у ҳовлиқиб оққувчи сойда
Чавандоз умрининг қайтмас сехри бор?
Нечун ўйғонади қайтадан баҳор,
Нечун инсон умри бўлмағай тақрор...*

Ҳаётнинг ўткинчилигини англаш — инсон ўз умрида англаб етган энг дастлабки ҳамда энг улдувор аламдир. Умр деганлари «ҳовлиқиб оққувчи сойда» тезкор, ўткинчи. Унда шоир айтмоқчи, «Чавандоз умрининг қайтмас сехри бор; Бироқ, инсон яралибдики, ҳаминша абадиётдан умидвор. Абадиёт — унинг энг илкин, энг қадимий орузи. Узининг қўқлам яшиллигини чексиз алам билан соғинаётган, қўмсаётган ҳазонларнинг «Ишагин-у, бироқ янроқ бўлма сен» нидоси ҳамда бани одамнинг армони ифодаси эмасми? Шуниси ҳам борки, инсон умри янроқ умридан фарқ қилади. Тўғрироғи, инсоннинг қисмати ҳазонлардан ҳам анча фожевийроқдир: «Нечун ўйғонади қайтадан баҳор, Нечун инсон умри бўлмағай тақрор».

Ўстод адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов семимли шoirимиз Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» номли китобига ёзган сўзбошида «Куз ҳаётлари» шеъринга махсус тўхталиб ўтади. Мунаққиднинг ўша мулоҳазаларини бу ўринда тилга олиш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир: «Ҳаёт ҳақидаги жиддий ўйлар Абдулла Ориповнинг «Куз ҳаётлари» номли шеърдан бошланади. Шоир куз пайтида вақти етиб янроқларнинг бандидан узлишини кузатади. Шу муносабат билан у ҳаёт суръати, тез ўтиб кетадиган ёшлик, чавандоз отидек чоғиб манзилга нитилаётган умр ва унинг бетақрорлиги ҳусусида ўйларини шеърга солади:

*Мени саволларга қўмар дафъатан
Ҳазонинг тақдир, сўнгги шовқини,
Қўзимга кўришар умрим қайтади,
Гарчанд сурмоқдаман баҳор шавқини.
Гарчанд йилги ёшим яшнаб турса ҳам,
Кексавлик қисматин ўйлайман шу дам.*

Ҳа, азим дарахтдаги сарғайган битта барг банди шоирни не ҳаётларга олиб бормайди дейсиз. Зотан, шунинг учун ҳам у шоир. У ҳаётга энди қадам қўйишти, энди йилгиллик шавқини суринга киришишти, бироқ у кексаларга ўхшаб катта умр сабоқларини, катта ҳаёт қисматини ўйлашга мажбур. Абдулла

Орипов шеърдан-шеърга ўта борар экан, ҳаётдан маъно иклайди. Ёш дилни безовта қилган саволларга жавоб сўрайди».¹

Бироқ, лирик «мен» бу кечинмалар моҳиятини, қалбида дунё билан илк танишувдан туғилган ғаройиб, тушунарсиз ҳалжонлар сабабини аввалига етар-лича англамайди. Фақат қўнғида қандайдир бир «исемсиз ҳасрат» (Рауф Нарфи), қўмсан ва соғиниш, аллақандай «исемсиз дардлар» борлигини бокира бир ҳалик билан маълум қилади. Дарҳақиқат, ёш лирик «мен»нинг дармадиллиги ва ҳасратлигининг унинг маънавий оламни англашдаги муҳим аҳамият касб этадиган қирралардан биридир. Янги лирик қаҳрамон шахсининг ўзига хошлиги, бир поэтик образ сифатида бетақрорлиги кўпроқ ана шу нуқтада намоён бўлади. Олтинчи йиллар ёш шоирларнинг ниҳоятда самимий ва ҳароратли илк лирикаси орқали умуман, янги авлодинг маънавий таржиман ҳолини, ижтимоий-индивидуал ҳамда адабий шахс сифатида келиб чиқишини, оруз ва армонларини, энг муҳими, уларнинг яқин ўтмишимизга ва бу кунга, турли ахлоқий-ижтимоий иллатларга муносабатини илғаймиз.

Хуллас, 60-йиллар шоирлар авлодининг дастлабки тажрибаларига умумий бир нигоҳ ташлаш шуни кўрсатадики, уларнинг ижтимоий ҳақиқатини ва ҳаётини муаммоларни англаб етиш йўналишидаги изланишлари қийин бир тарзда кечган. Авлодининг миллий бадиий тафаккуримизда жиддий бурлиш ясаган маълум поэтик кашфлари танқи ва ички монеликларни енгиш жараёнида туғил-ганлигини ёдга тутишимиз керак. Янги лирик қаҳрамон иштиробларининг зами-рида қўнғича ана шулар ётади. Шеърятимизнинг ёш авлоди даврининг мурак-каб ахлоқий-ижтимоий зиддиятларини, хилма-хил миллий фожива ва муаммолар-ни таҳлил этиш асосида маънавий тажриба орттириб улғайди. Ёш лирик қаҳрамоннинг эстетик мавқеи шу тариқа шаклланиб боради, муайян бир тугал-лик касб этади.

Янги ўзбек лирикасининг илк намуналари адабий-бадиий фикримизда теран илдиш отган қарийб ўттиз йиллик карахтликдан кейинги жопланишлар эди. Олтинчинчи йиллар ёш шоирлари ижодидаги драматизмни, лирик «мен» қарашларидagi зиддиятликни, айрим ҳоллардаги икки хилликни бу билан изоҳланга тўғри келади. Лирик қаҳрамоннинг бивъан иккиланшлар-и, ҳатто ўзига ва ўзгаларга, умуман, ҳаётга ишонқирамай қарашлари ҳам шундан.

Ёшдан чиқармаслик лозимки, ўша вақтда шеърятимизда рўй берган го-вий-бадиий янгилашни жараёнининг мураккаб ва зиддиятли бўлишида стали-низм даври адабий мероси, салбий ва сохта асарларининг сезиларли таъсири бор. Янги лирик «мен» гайри миллий ва гайри эстетик «адабиёт» оқовасини азобланиб, қўйилиб енгади. Конфликтсизлик назарияси ва вулгар социологик адабиёт иллатлари ҳам анча вақт ёш лирик қаҳрамонни чағиртади, унинг мурак маънавий оламда у ёки бу даражада акс-садо беради.

Адабий жараёнда етарли даражада қарши кучлар бўлишига қарамасдан, шахста сизиниш даврининг ноҳаётини ва чинакам сапатта унчалик алоқаси бўлмаган бадиий тажрибалари адабиётимизга барибир ўз таъсирини ўтказиб келди. Ушбу зарарли асратлар бадиий жараёнда жумҳуриятимиз мустақил-ликка эришгунча 90-йилларгача у ёки бу шаклда яшашда давом этди. Бир-роқ мана шу ноҳаётини ва нобадиий ишъикос принципларидан биринчи бў-либ воз кечган, уни дадил инкор қилган 60-йилларнинг ёш ва иқтидорли ижодкорлари эди.

Янги ўзбек лирикасининг илк қалдирғочлари дастлабки машқларида эҳтиёт бўлиб, ийманиб бўлса-да ижтимоий воқелик тўғрисида ўз таассуротларини айтишдан чўчимадилар. Адабий жамоатчилик уларнинг ҳали узил-кесил қаюат-га айлланиб улгурмаган мулоҳазаларини илқ кўтиб олди. Авлодининг самимий ва

¹ Матёқуб Қўшжонов. Камалакдек сержило. Қаранг: Абдулла Орипов. «Йил-лар армони», 6-7-бетлар.

жасоратли эътирофлари юзага келишида, шубҳа ва иккиланишлар исёнкор ҳайқиринчларга айланишида ана шу муносабатнинг ижобий хизматини унутмаслик лозим.

Фикр ва маънавиятнинг мапа шундай тадрижий ўсиш жараёнида ёшлар лирикасида Назиробнинг муҳташам образи қад қўтара бошлайди. Агар синчиклаб эътибор берилса, шу нарқа аён бўладики, ёш шоирларнинг ўсиришида бир шиддат билан ёзилган илк маниқларидан, яъни, бепояи дунё билан илк танишлик пайтида яратилган романтик шеърларидан сўнг улар ижодида, асосан, хотирот ва маънавий қийноқлар билан боғлиқ поэтик намуналар кўрина бошлайди. Шу руҳдаги — хотирот азоблари, яқин ўтмишларнинг мунгли садоларини, фожевий манзарадарини аке эътирасанган шеърлари эва янгича поэтик тафаккурнинг олга ҳаракатида муҳим босқичдир. Зеро, 60-йиллар шоирлар авлодининг маънавий олами, гоивий-эстетик қарашлари ушбу тоифадаги шеърӣ намуналарда батафсилроқ, янада тeранроқ ифодаланади...



Жуманазар Бекназар

ҚАМАЙ ДОСТОНИ

БУЛАКЛАР

Давронбек куйларни унта-унталаб, дилда қайта-қайта санаб, саркага таегини сермаб-сермаб, ниҳоят, сурувни курага қамаб, отини бойлаб, яхши ниятларни кунгута жойлаб, ҳовлига хиргойи қилиб қираверди:

*Гул очилса тупганда,
Ари гулни топганда,
Ёноғидан улганда,
Болдан туйдим деярму?*

*Севдим деган ботирлар,
Лофни уриб ётирлар,
Оҳ урган минг Тоҳирлар,
Сени мендек суярму?*

*Булбул ишқдан ёнса-чи,
Гул шохига кунса-чи,
Сайраб-сайраб тинса-чи,
Ишқдан куйдим деярму?*

*Кокилларинг қирқтадур,
Шундан ишқим ортадур,
Меҳринг дилни тортадур,
Рашким қалбинг аярму?*

*Йигит яйлов кезганда,
Ёрин доғи эзганда,
Майли ҳисдан ўзганда,
Мунча суйдим деярму?*

*Сен ўзинг дилда дармон,
Кунгумда йуқдир армон,
Қамайда аллғур Даврон,
Ҳуснингга ҳеч туярму?*

Давронбек куйлаб, жушиб-жушиб, қувончига минг шодликни қушиб-қушиб, шодликдан қалбида бахт тошиб-тошиб, уйга кирди. Эрининг булбулдай овозини эшитиб, дилдаги бор губорини эритиб, тимқора зулфини андак буриб, Гулбека урнидан туриб, Давронбекнинг беқасам чопонини елкасидан олиб, девордаги гулмихага илиб, узини саккиз қават курпачага утқазиб, кул меҳр-муҳаббат кургазиб, бир пиела иссиқ чой тутқазиб, чиройга тулиб, жилмайиб кулиб, гапни олаверди илиб-илиб:

Жуманазар Бекназар — шифокор олим. Тиббиёт фанлари доктори. Шунини бағабарида, яъини шоир. Адабиёт унинг кўнгул истаги. Илҳомга, меҳрига айланган истак. Халқ бағтига кўнгулган илҳом битиклар битиди. Дунёда мақомини элди. «Қамай достони» бунини бир даъван. Азиз журналист, мажмур достондан булакларни ҳужуминида ҳабага талтирғини.

Гулогой ичибсиз, ёнар кузингиз,
Қағоноқ харбидан олов юзингиз,
Кунглунгиз эркин куш, хушвақт узингиз,
Шу тобда ёқдингиз, ҳорманг, бегижон!
Мард йигитнинг ўзи, сўзи таъсирли,
Обруйи тоғ булур, булур қасрли,
Киприк қоқиб, имлаб, кўксимга сирли,
Гуллардан тақдингиз, ҳорманг, бегижон!
Шири сўзларингиз баҳор болидай,
Сочларинг толаси мажнунтолидай,
Ҳар мўйингиз бупти шернинг ёлидай,
Маъноли боқдингиз, ҳорманг, бегижон!

Давронбек Гулбеканинг гапларидан ийиб, сочларининг муаттар хидларидан туйиб-туйиб, унғ кули билан ёри қулогининг солинчагида ялтираётган сирғасининг кузини силаб, яхши тилаклар тилаб, унинг сузига жавоб бермасам бўлмас, деб, думбирани қулига олиб, бошлади шўх ашулани:

Киприкларинг уқ, ҳислар, ҳей, дирдирар,
Қарашларинг чўғ-чўғ, қалбим куйдирар,
Навозишинг тўқ-тўқ меҳрим ийдирар,
Тилагим узинг, ҳей, юрагим узинг!
Ёногинг ял-ял, таърифлар қайдадур,
Билмам ойжамол, тимсолинг ойдадур,
Ёнимда қол-қол, юрагим шайдоодур,
Тилагим узинг, ҳей, юрагим узинг!
Шаҳло кўзларинг чаросдан-чарос,
Майин сўзларинг хурлардан мерос,
Ишваю нозларинг тенгсиз, беқиёс,
Тилагим узинг, ҳей, юрагим узинг!

Давронбекнинг жушиб куйлаши шу ерга етганда, хаёл каптарлари ҳаволаб учганда, хув, олисдаги чақнаган юлдузни кучганда, беканинг юрак торларин чунон чертганда, Гулбека думбирани ушлаб деди: «Агар индамасам эрталабгача мени мақтар чоғингиз бор-а?! Авазбек дустингиз айтиб кетгандилар...»

...Давронбек Авазбекнинг уйига қирган ҳам эдики, уйдаги меҳмонлар унинг саломини ҳам кутмасдан, уринларидан дув туришди, куллари унга пешвоз юришди. Уридан турмаган фақат Маймон Гов қолди. Буни қуриб Давронбекнинг келди газаби, эй сен, инсон каззоби, бор экан-да ҳали ҳам снгилганингни азоби, гапиришнинг келди-ку тоби, бироқ, бу одобдан бўлмас деб, у билан ҳам мулоим қуришди, ҳол-аҳвол сурашди. Меҳмонлар билан очилиб-сочилиб бир-иккита ҳазил гап айтди. Шунда Авазбек: «Азиз меҳмонлар, утирингилар яйраб-ййраб, сузлангилар гапларингизни қайраб-қайраб, Давронбек келди, энди суҳбатимиз яшнайдди, гап тополмасдан Худойберди бахши бошини қашлайди, унинг нуноқлигидан меҳмонлар кулиб кўзни ёшлайди, сузим елгон десанг, Худойберди, қани, думбирани қулга ол, даврамызинг булбули бўлиб қол», деди овозини гулдиратиб.

Худойберди бахши ҳам куп куттириб утирмасдан, ҳеч бир гап гапирмасдан, аввал созлади думбиранинг қулогини, сунгра очиб сузларининг булогини, бошлади кунгул боғини:

Гапни ҳар тараф суриб,
Оқибатдан юз буриб,
Меҳрдан лофлар уриб,
Буни бир эрмак деманг.

Дидга қилмай эътибор,
Буни бир эрмак деманг.

Дўстлик учун ёнасиз,
Қачонки, сиз доносиз,
Бироқ, сўзлаб маъносиз,
Буни бир эрмак деманг.

Кунгул боғи хазонмас,
Яшнатмоқ куп осонмас,
Бири хас, бири ёнмас,
Буни бир эрмак деманг.

Ҳаёт борки, умид бор,
Ҳар кимда ҳам бир дид бор,

Кун утсин дўстлар билан,
Дўстларки — ростлар билан,
Силқишиб пастлар билан,
Буни бир эрмак деманг.

— Офарин! — деди Давронбек. — Ашулага роса меҳрингизни бериб-сиз, яшанг, Худойберди!

Шунда Худойберди бахши даврани андак кузатиб, чопонининг ёқасини тузатиб, сунгра, думбирани Давронбекка узатиб:

— Давронбек ака! Сиз нима десангиз кунганмиз, бугун эса қуши-гингизни соғиниб Авазбекни келганмиз. Келинг, энди сиздан эшитайлик. Сизлар нима дейсизлар? — деди.

— Тўғри айтасан, Худойберди! Эшитайлик! Эшитайлик!

Думбирани қулига олиб, илҳом булбули дилига гулгула солиб, кукрагини кериб, товушига зеб бериб, Давронбек ашулани бошлади:

Сўз дурларин сочайин,
Ёлгон сўздан қочайин,
Ибрат булар ҳаётда,
Дилни бир-бир очайин.

Ёмғир томчи эмасдур —
Ёрнинг алам ёшлари.

Ҳисор тоғи виқорли,
Чўққилари мўл қорли,
Ёрга вафоли бўлсанг,
Бўларсан эътиборли.

Булманг мудом гумонли,
Гулнинг банди тиконли,
Ёрни эъзозланг, ёрни,
Булмасин ҳеч армонли.

Қизгалдоқнинг ҳазили,
Юзидаги қизили,
Қизгалдоғинг хур бўлса,
Булурсан қуй-қўзили.

Ёр кулгани баҳор, ҳай,
Қучоқда гул бир талай,
Орзуларинг ушалиб,
Бахтинг кулар пайдар-пай.

Тоғнинг харсанг тошлари,
Унинг қалам қошлари,

Ёлгон сўздан қочдим, ман,
Кунгул сирин сочдим, ман,
Меҳримни ёрга бериб,
Дўстга қалбим очдим, ман.

Бахши овозининг тиниқлиги, ашуланинг жушқинлиги, ҳай, шунда билиниб қолди-ку, инсон юрагининг тилим-тилимлиги. Эшитувчиларнинг бири «Оҳ!» деди, бири «Вой-дод-ей!» деди. Яна бир шунақасидан айтмасанг бўлмас, бошқачасидан кунглумиз тулмас, дейишдилар меҳмонлар.

Давронбек бу сузлардан қолди уйланиб, думбирасини яна қулга олди шайланиб, жаранглатди торларини, тортиди меҳмонлар эътиборини:

— Худойберди, думбирани қулга ол, мен билан бирга чал, куйга бериб сайқал, инграшиб думбиранинг торини, барча англасин юрагимиз зорини, айттайлик кунгулдаги борини, эритсин музлаган юраклар қорини, чал, укам, бер эмранган маънони, бошла гули раънони:

Утдай товланиб, кундай булиб,
Толим сочлари тундай булиб,
Жоним олди-ку, шундай кулиб,
Келадур хусни ойдаккина.

Сочларин бошга олган тугиб,
Кокили кетса юзга тегиб,
Кукдаги юлдуз бошин эгиб,
Қиларди мингни тентаккина.

Беллар ингичка, устида нимча,
Гузал санамча, кош қаламча,
Мафтуни булай мен улгунча,
Дилга ут еқди дундиккина.

Гуе товланиб қизгалдоқ тус,
Мастона юриб мисли товус,
Ошиқ юрагим тортди маъюс,
Киё боқмади шундоқкина.

Бузанинг таъсиридан кузлари гир-гир, қушиқнинг сеҳридан баландлари дир-дир, кувончларини яшира олмасдан ҳайқиринишди меҳмонлар:

— Ҳей, Давронбек! Кувончимиз шунчалик зурки, хайронмиз бу недири, ҳа, элинг ичра шунинг учун толибсан қадри!

— Зап ажойиб, Давронбек! Зап ажойиб! Илгари эшитмаганмиз бу нақасини, яна битта айтгин шунақасини...

Бу гаплардан баттар жўшган Давронбекнинг қулоғига Маймон Говнининг аввал тунгиллаган, кейин гунгиллаган довуши эшитилди:

— Қушиқни қиёмига келтириб айтишни урганибсану зуйрод қолдириш ҳикматини урганмабсанда-а?!

Давронбек қотиб қолди. Бир хаелида, Маймон Говнининг бошига думбири билан бошлаб урсам, аҳмоқ бошини иккита ерсам деб, забт билан урнидан қўзғалди. Думбиранинг пулагини қулига ураб-ураб ушлади, кейин, яна беҳосдан уйлади: «Узингни бос, узингни бос, жаҳлинг жиловини қулдан чиқарма...»

Давронбек инграб ичди аламнинг азобини, ирода билан босди қулиб келган ғазабини.

Маймон Говни уриш фикридан қайтиб, Авазбекнинг уйдан салобат билан чиқиб кетди. «Давронбек, Давронбек!» дея орқасидан айтилган чақирқиқларга ҳам эътибор бермади. Аччиқ устида, изтироб зарбидан, ганим айтган гапнинг ҳарбидан Қорасув буйига бориб, сувга қалбини ериб гапира кетди:

— Эй, е раб! Бахт бераркансан-да саралаб, бандаси билмаскан, кимларни оларсан танлаб, мана мен, қирқ ешни қолдим қоралаб, оқ ҳам тушди сочимга оралаб, аммо, зор булдим бир тирноққа, тайерман бир тирноқ учун жонимни ҳам бермоққа, мунча солмасанг мени оғир қийноққа, илинтиравериб ҳар хил қармоққа, шунчалик ҳавасдамсан мени изтироб, алам, гамга солмоққа. Уримда қилмадим ҳеч кимга ёмонлик, наҳотки зуйроди йўқ деб, қилмоқчисан рағим сомонлик?!

...Давронбек яхши-ёмон хаёллар билан қувалашиб, фикрлари баъзан кетарди чувалашиб, балбин уйлар келаётганда қалашиб, уйига келди яқинлашиб. Шунда, қулоғига Маймон Говнининг товуши эшитилгандай, Гулбека билан ул гаплашаётгандай, ҳатто, бекаси кулаётгандай бўлиб, бундан қалби ғазабга, кузи қонга тулиб, қинидан олди пичоқни, қалласини сапчадай олай олчоқни, деб, шитоб билан ташқари эшикни очди.

Не ажаб, қалбда кечди не сир,
Қайси сифатлар қилди таъсир,
Мен васлингга булдим асир,
Энди кутулай қандоқкина?!

Висолга ташна маст булбуллар,
Ойларга интиқ мафтун диллар,
Зулайхоларга зор кунгуллар,
Ошиқ булурму мендаккина?!

Ол ёноқларинг уйлайвериб,
Ақиқ лабларинг куйлайвериб,
Думбирамни бурайвериб,
Қўлларим булди қадоқкина.

Қалбимда олов, ишқдан куйдим,
Сени қайданам шунча суйдим,
Ушбу қушиққа нуқта куйдим,
Чанқоғим қондир андаккина.

Бирдан йиғи товушини эшитди. Ғазабга зур бермай бетайин, бу ерда бир сир булмоғи тайин деб, яна бирпас қулоқ солди. Йиғи довуши ҳазин ашулага айланди:

Юрагим йиғлайди, залворли дард бор,
Кунглум тим қоронгу, беқийёс гард бор,
Ҳолимни сўрашга қандайин мард бор,
Кузлар намсиз, э воҳ, унсиз йиғларман!

Билмам не савдолар бордир бошимда,
Угил уйнатурман нуқул тушимда,
Буй қизи борлар бор менинг ёшимда,
Қуёшим қорадур, кунсиз йиғларман!

Уйнаб-қуллолмадим ёшлик чоғимда,
Тириклай қоврилдим алам ёғинда,
Қалбим пора-пора фарзанд доғинда,
Наҳотки, бир умр сўнгсиз йиғларман?!

Тушагим тагида Филон уроғи,
Буйнимда силкинар бури тирноғи,
Қонлар йиғлашимнинг борми адоғи,
Изтироб зарбидан сонсиз йиғларман!

Бури кўрмаганман чилла вақтида,
Бури гўшти едим — кимнинг бахтида,
Аммо, сиртмоқдаман ғам дарахтида,
Тунлар ҳеч ёришмай, тонгсиз йиғларман!

Давронбек бу сузларни эшитиб: «Э воҳ, бир баҳя қолибди-я, бир умр гуноҳга ботишимга, не гидир аралашди ишимга, турмушимга, не савдолар тушмиш бошимга? Гулбека турғисида ёмон хаёлга бордим, эссиз, яхшилик уйларимни нодонлик сувига қордим? Наҳотки? Наҳотки?..» Ичкари эшикни очиб, секин юриб-бориб, шам ерутида йиғлаётган Гулбеканинг елкасидан кучди. Оҳиста юзларидан силади.

— Сиз кетганда озгина мизғибман, — деди Гулбека. — Шунда туш кўриб, боғлар, тоғлар, даштлар аро изғибман. Кейин уйғониб кетдим. Кейин... кейин кетгандай кунглум доғлиги, қайтгандай вақтим чоғлиги, турмушимиз соғлиги, бари-бари, барисига ҳам бир умид ят этиб енганига, шунга... шунга хурсандлигимдан йиғладим:

Тақдир қушилди сизга, бахтни хуш кўрдим,
Юрак тоза мард, аммо, кунглу буш кўрдим,
Энди айтай бир сирни, ҳозир туш кўрдим,
Бахтли бўлибман, жоним, бахтли бўлибман.

Буткул йўқолди, отдим дил шикастини,
Сурар эканман, мен ҳам, фарзанд гаштини,
Икки кун гар есам йўлбарс гўштини,
Чунон кулибман, жоним, чунон кулибман.

Гулбекадан бу сузларни эшитиб, Давронбекнинг кетди кунглу эриб, урнидан даст туриб, Гулбекани олди кутариб:

— Ҳей, бекам! Ҳали тилагингиз бир йўлбарс экан, ун йўлбарс булса ҳам олиб келурман! Бу ишни пайсалга солмай, ҳозир жунаб кетайин,

ниятимга етайин, йулбарс гуштин олиб келишим тайин деб, Гулбеканинг хай-хайлашига ҳам карамай, Қорабайирни эгарлаб, Хисор тоғи томонга қараб кетди...

...Анча йул юриб, отини қичаб хайлаб, Мангит, Қуштамғали қишлоғларидан утиб, Лангар қишлоғига кириб келди. Қараса, бир жойда катта олов ёқилган, атрофида қиз-жувоғлар, йигитлар, чоллар, момолар. «Туй булаяпти, шекилли?» деб, шу томонга отини буриб, катта толга уни бойлаб, секин даврага қушилди. Давронбекнинг келганини ҳеч ким билмади.

Даврада унтача қиз, унтаси ҳам шахло куз, гуекни осмондаги юлдуз, қуйиб берсангиз тунни чекинтириб, кечани айтарлар кундуз, шох ташлаб уйнаётган йигитга айтардилар лапар, тўртлик тутаганда қийқирик авжга чиқарди ҳар сафар:

Унгга ташланг, оғажон,
Чапга ташланг, оғажон.
Гап отишга нуноқсиз,
Дилни ғашланг, оғажон.

Унгга ташланг, оғажон.
Чапга ташланг, оғажон.
Нозланиб кулса қизлар,
Дилни хушланг, оғажон.

Унгга ташланг, оғажон,
Чапга ташланг, оғажон,
Сирли-сирли гаплар бор,
Бошни қашланг, оғажон.

Унгга ташланг, оғажон,
Чапга ташланг, оғажон.
Нигора қошин қоқди,
Бахтни ушланг, оғажон.

Унгга ташланг, оғажон,
Чапга ташланг, оғажон.
Сулуварни анқайтиб,
Нағма бошланг, оғажон.

Унгга ташланг, оғажон,
Чапга ташланг, оғажон.
Вафосиз ташлаб кетса,
Кузни ёшланг, оғажон.

Уртада шох ташлаб уйнаётган йигит, қизларнинг бирини ушлаб, олиб келди давранинг уртасига, кулини тираб турди патисқали шойи белқарсига. Шунда унта йигит уртага чиқиб, қизларни уртага олиб, чапак чалишиб, беш қарсагига олишиб, лапар бошладилар. Қизлар уйинга тушдилар.

Омон-а, омон, омонлик,
Ҳеч ким кўрмасин ёмонлик.
Қолибсиз ойдай тулишиб,
Булаверинг биз томонлик.

Омон-а, омон, омонлик,
Узингиз қайси томонлик?
Ишвалар қилиб керилманг,
Ёрингиз булар қосонлик.

Омон-а, омон, омонлик,
Сингиллар бўлманг камонлик.
Бизга тегмасин ўқингиз,
Сизга тегмасин ёмонлик.

Омон-а, омон, омонлик,
Томингиз экан сомонлик.
Уйнанг-а, уйнанг товланиб,
Бўлманг дунёда армонлик.

Буларни куриб, завқланган Давронбек узини тутта олмай: «Балли, қизалоқлар, яшанглар! Умрларингга барака!» деб хайқирди. Энди уни таниб қолишди, икки киши қўлтигидан олишди, давранинг уртасига олиб чиқишиб, доғлардан анча туқишиб, оловни яна балаил ёқишиб: «Эй, яхши кебсан, Давронбек! Бир қушиқ айт, туйга туенанг булгай, илоҳим армонинг ушалгай!» дейишди. Менинг ҳам шундай қақажонларим бўлармикан, дея уйланиб турган Давронбек, толга олмай бошқа чорасини, айтмоқ будди қушигининг сарасини, аммо, ҳарчанд уринмасин сузлари келмади едига, бошқалари тўғри келмай дидига, бирпас қолди уйланиб. Шунда, туйда турганлиги келиб эсига, хай, не бўлса

будди, яна жим тураверсам булмас деб, хаёлига ёғилиб келган сузларни ашула қилиб айтаверди:

Мен бор эдим дoston ичра,
Маст юардим райхон ичра,
Наҳот, энди хазон ичра,
Ғам зарбидан зор, йиғларман.

Наҳот, кўпдир кулфатларим,
Қайга кетди улфатларим,
Арслон юрак сифатларим,
Хира тортиб ор, йиғларман.

Юракка кўп дардни солдим,
Чигаллар ичида қолдим,
Уйлар тушовида толдим,
Мадад бер, дилдор, йиғларман.

Қаддим дол, меҳрибон қани,
Дардлашмоққа забон қани,
Йулим берқдур, сарбон қани,
Меҳрга интизор, йиғларман.

Куйганга қани малҳамлар,
Жизганак қилди ситамлар,
Босган юракни аламлар,
Кетсин деб, зинҳор, йиғларман.

Толмасин кўзи бургутнинг,
Фарзанди бўлсин йигитнинг,
Фойдаси йуқдур уғитнинг,
Тугади мадор, йиғларман.

Ашула тинди. Давра аҳли жим. Кимларнингдир кузларида еш, кимлардир буларди дарду аламга йулдош. Йуқ! Давронбек бу даврада ортиқ қола билмайин, аламдан тагин йиғламайин деб, даврадан чиқди сирғалиб, отининг ёнига келди иргалиб, узангига оёғини қуймоқчи бўлаётган ҳам эдики, биров тирсагидан ушлади:

— Давронбек! Дардингизни олай, бизникига юринг. Бир суҳбатнингизга зор эдик.

Давронбек бу кишининг Абду Ражаб полвон эканини билди, билдию қувониб кетди. Уз хаёли билан ўзи банд, лекин Абду Ражаб билан куришганидан хурсанд бораётган Давронбекка полвон суз қотди:

— Давронбек! Мен ашулангизнинг маъносини тушунмадим. Яқин кунлар ичида уйингизга бормоқчи эдик. Эшитишимизча, худо сизга кучқорлек уғил ато этганмиш!

Бу сузни эшитиб, Давронбек, бошига болта билан ургандек «оҳ!» тортиб, ғам-алами янада ортиб, хунграб юборишдан узини тийиб, баттар бағри куйиб, аранг суради:

— Ким айтди?

— Бундан уч кун аввал қишлоғимизга Маймон Гов келганди...

— Ҳимм... Полвон, узингиз яхши биласизки, халқимизда бир гап бор: «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ». Маймон Говнинг минг қилиғи бўлса, мингга ҳам ортиқ. Полвон, худди шундай ярамастар одамзод умрининг қисқаришига сабаб бўлади. Ҳаётга кин ва ҳасад уруғларини сочиб одамлар орасидаги меҳру оқибатларга путур етказди...

Анча гапларни айтишга шайланиб турган Абду Ражаб полвон афсус чекиб уйланиб қолди...

Иккаласи турунг қилиб утказишди кечани, эслашди дусларни, яхши-ёмон барчани. Полвон Давронбекнинг дардини сўраб-суриштириб айтди:

— Эй Давронбек, бу анча мушкул иш. Бу ерларда йулбарс тугул бурни ҳам қолмаган. Тўғри, Оққишлоқ, Тошқўрғон тарафларда бор эмиш. Бирок, кўнглумдагини айлайин изҳор, у ерларда ҳозир қалин қор, агар салгина бермасанг эътибор, хароб бўлади ишинг, кўп савдо-ларга қолар бошинг. Майли десанг мен ҳам бирга оборайин деб бир суз айтаверди:

Мардининг ғами юрт булар,
Фикрида ҳам зикрида.

Юраккинам йиғлатар,
Дилгинангинг яраси.

Имони йўқ мўрт булар,
Ҳалол йўқ тақдирида.

Йигит гапи гур булар,
Донолиги булмаса.
Дустнинг кўзи кўр булар,
Дустга қувват булмаса.

Қилиғидан билинар,
Одамзоднинг оласи.

Дустим, уксима зинҳор,
Йўқса йиғлар тошлар ҳам.
Худо сенга булсин ёр,
Кетсин дилдан гашлар ҳам.

Эмассан зинҳор ёлғиз,
Унутма бунни ҳардам.
Нечун аламлар, ҳарғиз,
Сен билан ўзим ҳамдам.

Шунда Давронбек айтди: «Эй Полвон, йўлбарсни ўзим овлайман. Бунинг учун юрагимни тоблаيمان. Бошқа биров бу ишга аралашмасин, девдим. Ҳатто, энг яқин дустим ҳам!» Абду Ражаб полвон бу гапларни эшитиб, ҳа, тўғри қилди, йўқса дилининг бир чети буларди кам деб, уйлаб, кунгилудан губори кутарилиб, тўлқинланиб гапирди: «Шундай дейишингни билардим. Ҳа, майли, бор. Тилагим — овинг бароридан келсин, бахтинг Ҳисор тоғининг қоридек оқ бўлсин. Олгин, олдирмагил. Илоё, Оллоҳ сен томонда бўлсин, уйинг фарзанд овозига тулсин!»

Бу сузлардан Давронбекнинг кунгилу эриди: «Эй ошнам, ҳозир мен дунёда кенг эмас, торман, икки оғиз ширин сузга зорман, далдага қарздорман. Эй ошнам, яна дуога қўлинг оч, яхши тилагингнинг барчасини бошимдан соч, зора ишим унгидан келса», деб турган жойи:

Шундай тақдир менга бўлибди йўлдош,
Сендайин жасурни айлабди қўлдош,
Йулимни ёритиб боради бардош,
Йулларим унглансин, фотиҳа бергил!

Йиллар утди, дустим, битта фарзанд йўқ,
Ҳар бир ишора, суз, ботар мисли ўқ,
Мен ҳам йигитман-ку, қалбда ёнар чўғ,
Ишларим унглансин, фотиҳа бергил!

Танилган эрдирман, мол-дунём мингта,
Лекин фарзандим йўқ, қалб нимта-нимта,
Бағрим куйиб ётар, юрак яримта,
Кечам ҳам тонглансин, фотиҳа бергил!

Абду Ражаб полвон қўп дуолар қилиб, Давронбекнинг кунгилуни кутариб, оқ фотиҳа бериб жўнатди. Давронбек неча даралар ошиб, гоҳида секин, гоҳида шошиб, баъзан тўғри, баъзан адашиб, Оққишлоқ яқинидаги Айиқ чуққига етди... Қир-алирлардан утаверди, йўлбарсни излаб отини қичаб кетаверди. Орадан уч кун утди. Биронтаям йўлбарс кўринмади. Давронбекнинг силласи қўриб, аччигидан қони миёсига уриб, бораётган эди. Тусатдан от хуркиб, сунгра мункиб, Давронбек ошиб кетди эгар бошидан. Яхшиямки узангидан олди оёғини, эслай олмайди уёғини...

Бир вақт, узига келиб қараса, бир арчанинг катта баланд шохига қолибди илиниб, юзлари, буйни, тирсаги тош қиррасига тегиб, кетган тилиниб, пастда бир йўлбарс сакрашга тайёр, турибди ириллаб. Давронбек узини йўқотмай, вақтни қўлдан бой бермай, пилта милтигини ўқлади, ана энди йўлбарс меники деб, кунгилуни тўқлади. Милтиқ милини йўлбарс кўзига тўғрилаб, пилтасига ут қўйди, милтиқ кетди гўмбирлаб.

Арча шохи қарсиллаб синиб, Давронбекнинг кўзи тиниб, пастга кетди юмалаб. Бир маҳал кўзини очса, катта тошнинг панасида қолибди жон сақлаб. Тирик қолганига минг шукроналар айтиб, шу ерда олов ёқди, оловнинг тафти мойдай ёқди.

Энди нима қиларини билмай, қолган отининг тақдири хаёлидан жилмай, йўлбарсни қўлдан чиқарганига кўниб, руҳини босиб уйлар кўюни, маъёс тортиб қолди.

Яна анчалар хаёлга толиб, яхши кўнлар келишини дилга солиб, ухлаб қолганини ўзи ҳам билмади. Уйғониб қараса, кўёш чарақлаб, чарақлаганидан чуққилардаги музлар ярақлаб, ҳаво анча исиб қолибди. Давронбек пилта милтигини олиб, пичоғини қинига солиб, ҳай, бутун ярадор йўлбарсни кўрарман, курсам яна бир ўқ билан урарман, насиб этса, гуштини олиб, Гулбекамга берарман деб, бораётиб, узоқ-узоқларга қараётиб, қирнинг нариги бошида, катта арчанинг шундоққина ёнбошида уч йигитни кўрди.

Бориб қараса, уч йигит бир йўлбарсни ўлдиришиб, терисини шилишиб ётишибди. Давронбек улар билан саломлашиб, омонлашиб, яна бир бор «Хорманг»лашиб: «Эй йигитлар, бу йўлбарсни қандай ўлдиридингизлар?» деб суради. Улардан бири қўйиб, бири айтишди: «Эрталаб келаётиб қарасак, йўлбарс энди бир қорабайир отни еб бўлиб, инқиллаб ётган экан. Бир кўзидан қон оққан, балки, шу кўзи кўрмас, шунинг учун ҳам бизни кеч пайқаган экан. Уччаламиз уч найза отиб, найзанинг бириси унинг юрагига ботиб, сакрашга ҳам улгурмай жойида етди, сунгра тарашадай қотди. Бир умр эсдалик бўлсин деб, шундай баҳайбатни ўлдиришимиз ёлда қолсин деб, терисини шилаётимиз».

Давронбек, йўлбарс қорабайирни ебди-ю ажали етибди, бу йўлбарс, аслида, меники бўлиши керак эди, аммо не илож, фаришталар мендан кўзини угирибди-да, йўлбарс уларга насиб қилибди-да, деб кетаверди. Йигитларнинг чақиригига жавоб бермай, қоянинг нариги ёғига утаверди. Кейин қолди уйлашиб, ахир, қорабайир улмаганда, паймонаси тулмаганда, йўлбарс унинг гуштини емаганда, қорни қаппайиб ҳаракати камаймаганда, кўзи менинг ўқимдан кўр булмаганда, уч йигитга дуч келмасмиди, уларнинг найзасидан улмасмиди, демак, менинг ҳам ҳаққим бор, бунни йигитларга айттайин, ҳа, шуйтайин деб, изига қайтди. Бориб қараса, йўлбарснинг териси шилинган, танаси ҳали совушга улгурмаган, бироқ, йигитлар йўқ. Қони найзадан оққан, гушти ҳалол деб, пичоғини қинидан сугуриб, йўлбарснинг гуштини нимталайверди:

Қамайнинг донги кетган,
Жойилмадай даштидан,
Ғайрати мингта етган,
Тушмасин ҳеч шаштидан,
Болам этли бўлсин деб,
Кесиби олди гуштидан.

Таянч бўлди неча бор,
Ҳисор тоғнинг қояси,
Тушмасин элим аро,
Душманнынг ҳеч сояси,
Дея оҳиста очиб,
Олинди мўл мияси.

Билинади урушда,
Мард йигитнинг кераги,
Ишда, ҳарбда, курашда,
Булсин элнинг зийраги,
Деб авайлаб олинди,
Йўлбарснинг зил юраги.

Яхши ниёт тиласин,
Элига бўлиб ҳамдам,
Соғлиқ танин чулғасин,
Доимо бўлсин бардам,
Нигоҳи ўткир бўлсин,
Деб олди кўзини ҳам.

Мардлиги-ўқтамлиги,
Билинсин ҳар суздан,
Уфурсин жасурлиги,
Юзидан ҳам куздан,
Дедию кесиб олди,
Буйрак усти безидан.

Мардлик учун ишланар,
Мард йигитнинг яроғи,
Савашидан билинар,
Номардларга сабоғи,
Ғайрати турсин жушиб,
Деб олинди талоғи.

Майлини ҳеч бузмасин,
Булмагур бир жинқарча,
Меҳр-вафоси кўп бўлсин,

Жаҳли бўлсин зигирча,
Ақлга тўлсин деб олди,
Жигаридан бир парча.

Имонли халқ эъозлар,
Сайраган булбулини,
Тил билан булбул топар,
Ошиқ жони-гулини,
Ўғлим бахши бўлсин деб,
Кесиб олди тилини.

Йулбарсдайин англасин,
Мардликнинг сабоғини,
Мағрурланиб кетмасин, —
Кўтариб димоғини,
Тақиб юрсин деб олди,
Унг оёқ тирноғини...

Ана энди, кунглум тулди деб, кемтик бахтим кулди деб, Гулбекам гамдан, ёмон уйдан қутулди деб, йулбарснинг танидан кесиб олганларини бир халтага жойлаб, оғзини маҳкам бойлаб, йулнинг яқинини олиб, тийганмас жойларни сайлаб, кунглуни хушлаб, арчаларнинг шохларини ушлаб-ушлаб, чуққилардан пастга энавёрди-энавёрди. Унинг ғайратига, шижоатига, матонат тўлган келбатига, атрофга боққан ҳайбатига ҳайратланган харсанг тошлар ортда қолаверди-қолаверди.

Давронбек икки кун йул юриб, йул юрса ҳам мул юриб, адашганини сезиб қолди. Ҳаво етишмаганидан бурун катаклари керилиб, тошларга урилганидан баданлари суйрилиб, тош қиррасидан озорланган тирноқлари қайрилиб, чуққима-чуққи ошганидан дармонидан айрилиб, товонлари ёрилиб, кечга томон бир катта арчанинг панасига келиб утирди. Анча кундан бери туз тотмаганидан, ором уйқусида ётмаганидан, оппоқ қорнинг ялтираб қақнаганидан кузлари тиниб, боши айлланиб, мадори кетиб кунглу беҳузур була бошлади...

Бекорга қўкрагимни керибман-да, бор кучимни музликда сирпанишга берибман-да, эҳ, алданган эканман-да, энди дармон қолмади танда. Наҳотки, чораси йўқ деб, малул тортди, бундан эса дарди баттар ортди:

Ғубор босган хор кунглумни,
Йўқотдим сўлу-ўнгимни,
Топарманми узангимни,
Таянч кетди, аянч қолди,
Юпанч кетди, ўкинч қолди.

Қоялар сочилган ҳар ёқ,
Йул топмоққа фикр тарқоқ,
Қолмади мандан бир тирноқ,

Малҳам кетди, алам қолди,
Ҳамдам кетди, ситам қолди.

Атрофдаги тошлар қулар,
Сунги умидлар ҳам сулар,
Шу ерда паймонам тулар,
Дармон кетди, армон қолди,
Омон кетди, ёмон қолди.

Давронбек шу куйи чарчаб ухлаб қолди. Айни тонг маҳали туш кўрди. Тушида оппоқ кийинган, сутранг соқоли куксига тушган, салласи узига ҳўп ярашган пири — Султонхон тепасида турганмиш. Султонхон аввал Давронбекнинг сиеғига, сунгра шишган оёғига, тилинган баданига теккизганди кафтини, Давронбек буриштирди афтини. Султонхон ярадаги йирингни чиқариб, сунгра авайлаб артиб, себарга шира-

сини¹ суртиб, кейин итузум² баргини майдалаб селиб, ярасини боғлаб, аниқ ва тиниқ овоз билан гаширибди:

— Эҳ, нодон муридим! Мушкул ва қийин юмуш олдида биз билан бир оғиз маслаҳатлашмабсиз-да?! Пир дуосини олмабсиз-да?! Майли, булган иш бўлибди, қалбингиздаги мардлик анча сулибди. Аммо тикласа булар, умидсиз булманг, тингланг деб, бир суз айтибди:

Кунгумда фарзанд армон,
Сендан кетибди дармон,
Умидсизлик улимдур,
Дармонни берур эрмон.

Совимагин, қайнагин,
Ёмон уйни тайлагин,
Мадорим бўлсин десанг,
Қизилтасма чайнагин.

Гуллари сариқ майда,
Бундан зўр даво қайда,
Меваси дармон бўлур,
Номидур чилонжийда.

Яра дафи қуштарон,
Ором олгай ҳар бир жон,
Эт узилган баданга
Даво буйимадорон.

Оёғинг шишдан таранг,
Қонталашдан ранг-баранг,
Оғриқ-шишлар кетар тез,
Давосидир, бозулбанг.

Бошингнинг қақшашига,
Асабинг чарчашига,
Арслонқуйруқ, сачратқи,
Даводур барчасига.

Уйқусизнинг ланж иши,
Қорнингнинг сал санчиши,

Давронбек илкисда уйғониб, қурган тушидан ҳайратланиб, эшитганларини яна бирма-бир едига солиб, гойибдан ердамга келган пирига ташаққурлар айтиб, бомдод намозининг ҳам суннати, ҳам фарзини ўқиб, озгина дармонга энгандай, қалбига ғайрат қунгандай бўлиб, сал пастга тушди. Шунда, бирдан кузи эрмонга тушди. Хурсанд бўлиб, хурсандлигидан кузлари ёшга тулиб, эрмонни пояси билан майда-майда чайнаб еди. Сал нарида қизилтасмани қуриб, баргини териб чайнади. Бирпасдан кейин танасига қувват кирди, яна қизилтасмадан терди. Мадор ва кучга кириб, яна юриб-юриб, қирқбўғим поясини чайнаб, бурнидан оқаетган қонни тухтатиб, сачратқи гулидан, арслонқуйруқ мевасидан қорнини туйғазди. Бозулбангни еди — оёқларидан оғриқ кетди,

¹ Себарга шираси ва итузум барги — яллиғлинишга қарши яхши даво.

қушқунмасдан еди — кунгул айниши тухтади. Яраларига куштарон бо-
сиб, занжабилнинг баргини эзиб ширасини суриб, кун чошгоҳга келгу-
нича етди. Нима дейсизки, узига келиб суврати, юз чандон ошиб ғайра-
ти, тандан кетиб иллати, бошида айланган кулфати — барчаси даф
булиб, шитоб билан тоғдан қайтаверди, овозини баралла қуйиб ашула-
ни айтаверди:

Тимқора тундек малакнинг қоши,
Мафтуни жондур раъно йулдоши,
Сеҳридан эрир тоғларнинг тоши,
Чиройига ҳайрон интиқ қуёшим.

Лабларин болига юрагим таслим,
Қалбидан жой олган сеҳрли тилсим,
Ноз-ишвасига қойил минг гулсум,
Дардимга дармон зумдек қарошим.

Кузлари жоду, ажаб, қаддим дол,
Киприклари ук, қошлар ёй мисол,
Титрайди вужудим — яқиндир висол,
Энтикар қувонч — марварид ёшим.

Қалбим шодланур жилмайдани он,
Хиром айласа ҳайратда жаҳон,
Латиф иболари қилур имтиҳон,
Фикр-уйларимга тенгсиз сирдошим.

Давронбек ғайрат билан яна икки кун йул юриб, йулда кўп га-
ройиб воқеаларни куриб, Лангар отадан пастга эниб келаверди. Қа-
майнинг Оқгузарини узоқдан илғаб, бундан ҳасли шошиб, бир оз ақ-
ли адашиб, ҳай, Қамайим, чиройинг кўрган жангари бўлиб қолар
мулойим, фарзандинг эрурман доим деб, айтаверди бир қушиқ:

Қалбга йулсан, Қамайим,
Гулга мулсан, Қамайим,
Узинг гулсан, Қамайим,
Бир гулистон Қамайим.

Сарой қишлоқ икки ён,
Кунботаринг беповён,
Мардларинг юртга аён,
Марду майдон Қамайим.

Кунчиқар Ҳисор тоғи,
Лангар ота чорбоғи,
Манғит қишлоқ бир ёғи,
Куркам бўстон Қамайим.

Жойилмадай даштинг бор,
Шу даштда бир гаштинг бор,
Қайтмаган ҳеч шаштинг бор,
Гузал чандон Қамайим.

Ҳисор тоғнинг белидан,
Оқиб келган селидан,
Тўлган мовий кўлидан,
Олган дармон Қамайим.

Кўлда сузган ўрдақлар,
Галалари бирдақлар,
Пиёзли қовурдақлар,
Тўлган қозон Қамайим.

Сурув қуйлар хўп чирой,
Какликларга тўлган сой,
Унда уйнар қулунтой,
Бўп гиргиттон Қамайим.

Тошошада ёш-қари,
Авжга чиқар кўпқари,
Зот айирган човқари,
Олар чопон Қамайим.

Давронбек узини-узи қувонтириб, кунгилудан ёмон ҳаслларни суриб,
Оқгузар қишлоғига келди кириб...

Ойлар ўтди... Гулбеканинг кўзи ериб, қучқордек бир уғилга улар
етди. Унга Жавлонбек деб исм қўйдилар...

Қушпойчага¹ чалишар,
Қайирмага² солишар,
Елка силтаб олишар,
Чайир полвон Қамайим.

Қилмай ҳеч бир андиша,
Достон айтай ҳамиша,
Таърифи тоғлар оша,
Булган достон Қамайим.

¹2 Қушпойча, қайирма — кураш усуллари.



Аллиназар Дамназаров

ОҚЛОВДАН СЎНГ

(Тухтасин Жалолов ҳаётидан лавҳалар)

Ортиқойнинг қутлуғ қадами

Ортиқойни 1952 йилнинг баҳорида қамоқдан озод қилишганида ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Шунда йулқира топиш илинжида Магадандаги ётоқхоналардан бирига вахтёр бўлиб ишга кирди.

Орадан бир ярим-икки ойча утгач, ҳамлагеръ дугонаси Галина қамоқдан озод бўлди. Шунда Галинани Магаданнинг Забережний деган жойида яшайдиган дугоналарининг квартирасида кутиб оладиган бўлишди. Ортиқой латиш Вера деган дугонаси билан Забережнийга бораётиб, ул-бул олиш учун йулдаги озиқ-овқат дуконига кирди. Шунда дуконда баланд буйли, қадди-қомати келишган, фарғоналик эканлиги шундоққина билиниб турган кишини учратди. Унинг салобатидан бироз саросимага тушиб салом берди:

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! — нотаниш кишининг юзига табассум югурди. — Ҳамюргимни курганимдан мамнунман. Мумкин бўлса танишайлик... Мени Тухтасин Жалолов дейдилар. Марғилонда туғилганман, Шахрихонда усганман. Адабиётшунос олимман. Озодликдаги охириги фаолиятим «Қизил Ўзбекистон» таҳририятида булган. Ҳозир ун йиллик қамоқ муддатини туталлаб, бир ярим чақирим наридаги утин омборида қоровул бўлиб ишляпман.

Ортиқой ҳам ҳамюрти билан учрашганлагидан хурсанд эканлигини таъкидлаб, узининг Бустонлик тумани Хужакент қишлоғида туғилиб усганини, олти йиллик қамоқ муддатини туталлаб, Магадандаги ётоқхоналардан бирида вахтёр бўлиб ишляётганлигини айтди.

— Ҳозир қаёққа боряпсизлар? — деди Тухтасин ака.

— Бугун бир уртоғимиз қамоқдан озод булади. Ушани кутиб олиш учун Забережнийдаги дугонамикнига боряпмиз.

— Яхши.

Ортиқой Тухтасин ака билан илиқ хайрлашиб, Вера билан кетди. Забережнийдаги дугоналариникида оқшомгача утиришди. Бир маҳал

қайтмоқчи бўлиб ташқарига чиқишса, дарвоза олдида Тухтасин ака турибди. У Ортиқойни қулбасига таклиф этди.

— Сиз учун атайлаб дастурхон тайёрладим, ҳамюрт эканмиз, озгина суҳбатлашгим бор.

Илтимосни рад қилишнинг ҳеч иложи булмади. Ортиқой Тухтасин аканинг уйига боришга рози булди.

Кейин маълум бўлишича, Ортиқой дугонаси билан магазиндан чиққанида Тухтасин ака уларнинг ортларидан кузатган ва қайси эшикка киришганини билган эканлар. Шундан кейин Магадан портидаги катта ошхонада ишлайдиган дусту Мирмажид Зокировнинг олдида бориб, булган гапни айтиб, меҳмон кутиш учун тайёргарлик куришибди.

Утин омборининг қоровулхонаси Тухтасин аканинг қулбаси экан. Шу қулбага кичик дастурхон ёзилиб, нозу неъматлар қўйилган эди. Дастурхон устида суҳбат бошланиб кетди. Тухтасин ака Ортиқойдан қамалмасдан илгари нима иш билан шугулланганлигини, нима сабабдан қамалганлигини суради.

— Уруш бошланганда еттинчи синфни битириб, қишлоғимиздаги Сталин номидаги колхоз даласида ишляётган эдим. Қишлоқдаги барча йигитлар фронтга кетди, ҳатто чоллар ҳам қолмади. Уларнинг соч-соқолларини қиртишлаб олдириб, ишчи батальонларига жўнатишди, — деди Ортиқой. — Колхоздаги меҳнатнинг барча оғирлиги хотин-қизлар ва усмир болалар елкасига тушди. Вақти келса, омон қушиб ер ҳайдаган, мола босган, ғалла янчган, тайёрлов пунктига арава-арава дон ташиб, 60—65 килограмми қолларни кутарган пайтларим бор. Меҳнатим раҳбарларга маъқул булди шекилли, мени партияга утказишиб, юқори-роқ вазифага — қишлоқ Советининг котиблигига кутаришди. Кейин колхоз партия ташкилоти котибаси, омбор мудири булдим.

1945 йилда уруш тугагач, омон қолган эркаклар фронтдан қайтиб кела бошладилар. Шунда менинг урнимга куз тиккан одамлар пайдо булди. Омборни иғвогарона тафтиш қилиб, 450 сум камомад ёзишди. Узингиздан қолар гап йўқ, уруш бошлангач, кун куриш қийин бўлиб қолди. Шунда икки-уч одам қайтариб бериш шарти билан омбордан дон олган, мен эса уларнинг лафзига ишониб, бу ишни ҳужжатлаштириб қўймагандим. Тафтиш бошланганда улар омбордан маҳсулот олганларини тан олишмади. Кейин билишимча, бу атайин уюштирилган иш экан.

— 450 сум катта камомад эмас-ку. Адашмасам, уша пайтда бу пулга тўрт-беш килограмм ғалла берарди.

— Уруш босилгач, Сталиннинг махсус буйруги чиқиб, унда камомад қилганларнинг айбини уч баравар ошириб ёзиш ва шунга яраша жазолаш куратилган экан.

— Сиз коммунист булгансиз-ку, бу масалага райкомдагилар қандай қарашди?

— Райкомнинг биринчи котиби яхши одам экан. У бюро мажлисидан аввал мени хузурига чақиртириб: «Ортиқой, сенинг меҳнаткаш, ҳалол аёллигингни биламиз. Аммо ҳар бир ишда камчилик ҳам булади. Сен айбингни буйнингга олиб, узр сураб тилхат ёзгин, биз сени қамоқдан олиб қолишга ҳаракат қиламиз», деди.

— Сиз нима дедингиз?

— Уша кезде узимга нисбатан қилинган душманчиликдан жуда даргазаб эдим. Шу боис ужарлик қилиб, йўқ, мен тилхат ёзмайман, партиядан узр сурайдиган иш қилганим йўқ, дедим. Шундан кейин мени райком бюросида партиядан учириб, эртаси қамоққа олишди.

— Турмуш қурганмидингиз?

— Турмуш қурганман. Аммо қамалганимдан кейин бир йилча утгач,

турмуш уртоғим хат ёзиб, маҳбусликда булган аёл билан яшолмаслигини, шу боис уйланишга қарор қилганлигини, ундан умидимни узишимни маълум қилган.

— Номард!.. Ота-онангиз борми?

— Отам 1933 йилдаги қаҳатчиликда вафот этган, онам бор...

— Оилада неча фарзандсизлар?

— Турт фарзанд эдик. Ҳозир бир узимман. Икки акам урушда ҳалок бўлишди. Укам Анорбой уруш йиллари фабрика- завод билим юртини битириб, Қозогистоннинг Қорақанди шаҳридаги корхонага ишга юборилган эди. У ушга жойда касалга чалиниб вафот этди.

— Ҳозир онангиз ким билан яшайди?

— Бустонликдаги уйимизда ёлғиз узлари яшайдилар.

Ортиқойнинг ҳикоясидан Тухтасин ака қаттиқ таъсирланди, унга ич-ичидан ачиниби:

— Аёл бошингиз билан ҳаётнинг шунча зарбасига чидаган сизга ҳам, онангизга ҳам раҳмат, синглим! — деди ниҳоят Тухтасин ака.

— Сизни нима учун қамашган?

— Менга сиёсий айб қўйишган. Боя айтганимдек, қамалмасимдан аввал «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабиёт ва санъат бўлимининг мудирини эдим. Олим ва ёзувчи сифатида ижодий жамоатчилик уртасида яхшигина обрўини бор эди. Кутилмаганда ҳаммасидан айрилдим. Бир куни ишдан кейин Шайхонтоҳурдаги чойхонада ошна-оғайнилар билан дам олдик. Шунда ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида гап бўлди. Мен: «Абдулла Қодирий улуг ёзувчи, уни нотўғри қамашди», дедим. Шу гапимни узим билан бирга ишлайдиган ҳамкасбим тегишли идорага етказган. Эртаси куни кечаси уйимга келишиб, тинтув утказишиб, мени олиб кетишди. «Миллий иттиҳод» партиясининг аъзосисан, деган айб қўйишди. Ватан, халқ олдида тариқдай ҳам айбим бўлмади туриб, ун йил қамоқда утирдим, ҳозир сургундаман.

— Қаерлардаги қамоқ лагерларида бўлдингиз?

— Бу мамлакатда қамалганлар ҳам, қамоқ лагерлари ҳам куп экан. Ўзбекистоннинг жанубидаги, Қозогистондаги, Удмуртиядаги, Тайшетдаги қамоқ лагерларида бўлдим. Магаданга келмасдан аввал Тайшетдаги бўлганман. У ерда бир кунгилсизлик бўлиб, бу ерга келиб қолдим.

— Нима бўлди?

— Мен лагердаги ошхонада ошпаз эдим. Бир куни лагердаги угрилардан уч нафари ҳузуримга келиб, пичоқ уқталишиб, узингизга маълум, лагер шароитида анқонинг уругидай камеб булган гушт консервасидан бизга мунтазам бериб турасан, акс ҳолда ҳаётдан умидингни узавер, дейишди. Мен уларга даблурустдан қаршилиқ қилмай, майли, юринлар, гушт консерваси олиб бераман, деб ошхона омборига бошладим. Угрилар ортимдан эрашди. Йулакка бораётиб, ерда ётган узун сопли болтани курдим-у, фикрим бузилди. Уни шарт олдим-да, орқамга утирилиб, биринчи угрининг елкасидан чопдим, кейин иккинчисини қувиб етиб ағдардим. Ҳовлида учинчисини қувиб бораётганимда, минорада турган соқчи осмонга оғоҳлантирувчи уқ узди. Ноилож тухташга мажбур бўлдим.

Бир зумда лагерь туполон бўлиб кетди. Соқчилар етиб келиб, қулимга кишан солишиб, қамаб қўйишди. Алоҳида бўлим ходимлари мени уч кун суроқ қилиб, қаҳиқатни аниқлаб, «Угриларни давлат мулкани ҳимоя қилиб жазолабсиз, сизнинг айбингиз йўқ экан», дейишди. Кейин: «Энди бу ерда туришингиз бўлмайди. Угриларнинг шериклари эндиликда сиздан уч олишлари мумкин, шу боис бошқа лагерьга жунатамиз», дейишди. Шундай қилиб, Магаданга келиб қолдим. Асли мени бу ердан яна минг километр олисдаги Уст-Неру деган жойга жунатиш-

моқчи эди. Маҳбусларни туплаб, тарқатиладиган лагерда ут учирувчилар командаси бошлиғи бўлиб ишлаган Мирмажид Зокиров деган йигит шу ерда қолишимга ёрдам берди. Ҳозир у ҳам қамоқ мудлатини тугалаб, Магадан портидаги катта ошхонада ошпазлик қиляпти. У менин шу ерда орттирган яхши дустларимдан.

Улар анча вақтгача гурунглашдилар. Сўхбат сунгида Тухтасин ака Ортиқойга бирга турмуш қуришни таклиф қилдилар.

— Тошкентда оилангиз бордир, улар нима булади? — деди Ортиқой.

— Бу борада ҳам сиз сингариман. Мен қамалгач, хотиним кутмай, турмуш қуриб кетди. Хотиржам бўлинг, Сиз билан бир умрга турмуш қураман.

...Куп утмай утин омборида кичкина туй бўлди. Кув ва келин туйга Магаданда орттирган дустларини таклиф этишди. Тухтасин аканинг Магаданда қозогистонлик олим дустри бор эди. Уша киши уларни никоҳлади.

Улар турмуш қуришганига ҳали бир ой ҳам бўлмаган эди. Бир куни Ортиқой ишдан қайтганида эри уни хурсанд бўлиб кутиб олди. «Ортиқой, — деди у киши юзига табассум билан, — сенинг пойқадаминг ёқди, мен кутарилдим, қоровуликдан утин омбори мудирлигига утказишди!» Ортиқой хурсанд бўлиб, эрини табриклади.

Тор қоровулхона оилавий шароит учун нобоп эди. Уй сотиб олайлик дейишса, маблағлари йўқ. Эр-хотиннинг арзимас маоши қориндан ортмайди. Нима қилиш керак? Иложи топилди. Якшанба кунлари эр-хотин урмонга бориб, брусники териб, Магадан бозорида сота бошлашди. Ҳосили майда, кип-қизил, ширин буладиган бу еввойи мевадан яхши мураббо тайёрласа булар, шу боис харидорлар уни суйиб харид қилишар эди.

Шу тариқа эр-хотин етти юз сум пул туплашди ва шаҳар яқинидан саккиз сотихча ҳовлиси булган икки хонали уй сотиб олишди. Кейинроқ бу уй ёнига яна бир хона қуришди. Турмушлари анча яхши бўлиб қолди.

ОЗОДЛИК

Магадан аҳолиси асосан маҳбусликдан озод бўлиб, шу ерга турли сабаблар билан урнашиб қолган кишилардан иборат эди. Шимолдаги бу олис порт шаҳарга йилида турт-беш ой кема қатнаб, денгиз суви музлагач, кема ҳаракати тухтар эди. Шаҳарда инсондай яшаш, маданий ҳордиқ чиқариш учун деярли ҳеч қандай шароит йўқ эди. Иқлими гоят совуқ бўлиб, ёзда ерининг бир қаричи эриб, ости музлигича қолаверарди. Қишнинг чирсиллама пайтларида қор қарийиб икки метрга, совуқ эса 55-60 градуста етарди. Сургунда юрган кишиларни туғилиб усган юрт, ёру дустлар соғинчи қийнар эди. «Фарғонанинг мевазор боғларини, шарқираб оққан сойларини яна бир бор қураммиканман? Сулим чойхоналарида қалдрон дустларим билан улфатчилик қилармиканман?.. Еки шу совуқ улжада қийналиб яшаб, ном-нишонсиз улиб кетармиканман? — дерди Тухтасин ака баъзан умр йўлдошига. — Ким эдим-у, ким бўлдим? Қайси гуноҳларимга Оллоҳ мени шу қадар қаттиқ жазолади?»

Ортиқой опа эса эрига сабр қилишни, ноумид бўлмасликни уқтириб, тасалли берарди, руҳини кутаришга ҳаракат қиларди. Айниқса, у киши кайф булган пайтларда ниҳоятда ширин гапириб, ранжитиб қўймасликка ҳаракат қиларди.

Шу орада Сталин вафот этди. Берияни ҳибсга олишиб, бегуноҳ совет кишиларининг жаллоди сифатида отиб ташлашди. Шунда Ортиқой эрига шундай деди:

— Олимман, узбек адабиетига анча хизмат қилганман, мени айбсиз қамашган деяпсиз, нега тегишли жойларга шикоят ёзмайсиз?

— Ёзиб-ёзиб чарчаганман, ҳеч нафи бўлмаган.

— Сталин вафот этди. Берияни отиб ташлашди. Ҳуқуматга янги одамлар келди. Яна бир ёзиб қуринг-чи, зораки бу гал нафи бўлса.

Шундан кейин Тухтасин ака яна Москвага шикоят ёздилар. Бир маҳал хатта жавоб келди. Унда «Шикоятингиз қуриб чиқилипти, бизга иш жойингиздан таърифнома юборинг», дейилган эди. Бу яхшилик аломати эди.

Утин омбори маъмурияти яхши таърифнома ёзиб берди. Тухтасин ака уни дарров Москвага жунатдилар.

Орадан яна бироз муддат ўтди. Кейин Тухтасин акани Москвага чақирдилар. У ерда у кишини яхши қабул қилишиб, шундай дейишибди:

— Сизнинг делонгизни қуриб чиқдик, ҳеч бир гуноҳингиз йўқ экан. Ун беш йил беҳуда қамок ва сургун азобини тортисиз.

— Эндиликда бунинг учун мен кимни айбдор ҳисоблашим керак? Азоб билан ўтган бу йилларнинг товонини менга ким тулайди?

— Ҳарҳолда биз эмас... Ўзбекистонда сизга ким тўхмат қилган, кимлар суд қилиб қамаган бўлса, даъвою-жанжалингизни ушаларга айтишингиз мумкин.

— Жавобингиз учун раҳмат!

Тухтасин ака Москвадан хотинига телеграмма юборди. Бу пайтда Ортиқой Бустонликда эди. Меҳнат таътилига чиқиб, елгиз яшаётган онасини Магаданга олиб кетиш учун кишлогига келган эди. Тухтасин ака ўз телеграммасида сургундан озод бўлганлигини маълум қилган, Ортиқойга Магаданга қайтмай, Бустонликда тура туришни, яқинда ўзи ҳам Ўзбекистонга бориб қолишини маълум қилган эди.

Шундай қилиб, Тухтасин ака 1955 йил январь ойида батамом оқлашиб, Тошкентга қайтиб келдилар. Ушанда дастлаб кириб борган жойлари қамаласларидан аввал ижарада турган Шайхонтоҳурдаги Парнихужа аканинг уйи бўлди. Бу хонадон эгалари у кишини ўз қадрдонларидек кутиб олишди. Лекин бу пайтда улар купайишиб, анча тикилиб қолишган экан. Шу боис у ерда бир-бир ярим ой тургач, бошқа жой топиб чиқиб кетишга тўғри келди. Лекин Тухтасин ака бу оила билан дўстлик алоқаларини бир умр узмади.

Сарсонликда

Тухтасин ака сургундан қайтгач, дастлаб Тошкентда ишлари юришмади. Тўрт ой мобайнида у киши иш сураб кирмаган идора қолмади ҳисоб. Ҳамма жойда у кишининг истеъдодини тан олишса ҳам, собиқ «сиёсий махбус»ни ишга қабул қилишга ўзларидан хавфсираршар, юқоридан бир ишорат бўлса, бажонидил ишга қабул қилар эдик, мазмунида жавоб берар эдилар.

Бирор ишорат умидида Ўзбекистон ССР Олий Советига мурожаат қилдилар. Олий Советнинг уша вақтдаги раиси уч ойгача у кишини қабул қилишга ботинмади. Охирида қабулхона котиби орқали Марказқумга мурожаат қилсин, деб тайинлади.

Тухтасин ака 1955 йил 30 апрелда Марказқумнинг биринчи котиби

Амин Ниёзов қабулида бўлдилар. У киши ҳол-аҳвол суради. Тухтасин ака булган воқеани қисқача шарҳлаб, муддаога кучиб, шундай дедилар:

— Бошимга бу мусибат тушгунча «Қизил Ўзбекистон» газетасининг адабиёт ва санъат бўлими мудирини эдим. Қонунга мувофиқ, мен яна ўз урнимда ишланам лозим. Бироқ газета муҳаррири уртоқ Иброҳим Раҳим бу қонуний ишга ботинқирамай турибдилар. Агар сиз бир оғиз далолат қилсангиз, Иброҳимжон сузингизни қайтармас, адолат тантана қилар, мен шурликнинг ун беш йилга қузилган изтиробларимга чек қўйган булардингиз.

— Талабингиз шугинами? — суради Амин Ниёзов.

— Шугина, уртоқ Ниёзов.

Ниёзов шу заҳоти Иброҳим Раҳимга кунгироқ қилиб: «Ҳозир уртоқ Жалолов олдингизга боради, бу кишини ўз лавозимига тайинланг», деб буюрди.

Тухтасин ака Ниёзовга қайта-қайта ташаккур айтиб, Марказқумдан тўғри «Қизил Ўзбекистон» таҳририятига бордилар. Бироқ Иброҳим Раҳим у кишини одатдагидан совуқроқ қабул қилди. Ҳолбуки, Тухтасин ака аксини кутган эди. Бу етмаганидек, тўрт ойдан бери столи тортмасида ётган аризаларига: «Урин йўқ, қабул қилолмайман», деб ёзди-да, қулларига қайтариб берди. Тухтасин ака ҳайрон бўлиб хонадан чиқиб кетдилар.

1955 йил 7 май куни яна Марказқумга бориб, Ниёзовнинг ерданчиси Востриковга йулиқдилар. У киши билан ораларида шундай суҳбат бўлди:

— Сиз ақлли одамсиз. Узингиз уйлаб қуриг, ун беш йил турмада етиб чиққан сиёсий махбусни мафкура соҳасига ишга олиб буладими?!

— Уртоқ Ниёзов шундай ишга рози эдилар-ку!

— Бўлмаган гап! Ниёзов Иброҳим Раҳимга сизнинг олдингизда бир хил, сиз кетгач, иккинчи хил фармон берди.

— Яъни, мен юбордим, сен ишга олма, деб кунгироқ қилдимми?

— Худди шундай.

— Демак, мени мафкура соҳасига йулатмайсиз?

Востриков яна бир нарса демоқчи бўлибди, лекин Тухтасин аканинг тоқати тоқ бўлиб, ундан юз ўгириб, орқага қайтибди.

Тухтасин ака Тошкентда мурод ҳосил бўлмагач, нажот истаб Москвага мурожаат қилдилар. КПСС Марказий Қумитасининг биринчи котиби Хрушчев номига ариза ёздилар; ҳеч кимдан шикоят қилмай, ўз аҳволларини баён қилишга уринадилар. Мана, уша мактуб:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Қумитаси котиби уртоқ Н. С. Хрушчевга

Тошкент шаҳар Октябрь тумани Вилоят кучаси, Гулбозор тор кучаси, 1-боши берк куча 12-уйда яшовчи Тухтасин Жалоловдан

Ариза

Мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Қумитаси котиби Сулаймон Азимов билан бирга қамалганман. Яқинда биз оқландик ва Тошкентга қайтиб келдик.

Мен мутахассислигим буйича адабиётшуносман, илгари Тошкент шаҳар олий ўқув юртларида лекция ўқиганман. Кейинроқ «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририяти адабиёт ва санъат бўлимининг мудирини этиб тайинландим. Адабиётшунос сифатида ўзбек совет адабиётининг ривожига салмоқли ҳиссам бор.

Менинг «Адабиёт тарихи» дарслигим (педагогика институтлари

учун), ҳатто ҳибсга олинганимдан кейин ҳам менинг фамилиямсиз на- шр қилинган ва ҳозир ҳам асосий дарслик ҳисобланади.

Буни қаранг, менинг жисмим қамоқда булганида, миям аудитория- ларда қолган. Бу мени хароб қилмоқчи булганлар учун шармандалиқ- ку! Мен шундан жуда мамнунманки, фаол ижтимоий ҳаётдан сурбетлар- ча сурби ташлаганларига қарамай, мен барибир социалистик қурилиш- да иштирок этяпман, коммунизм қурувчилари сафини тарк этганим йўқ. Буни англаш менинг уз муҳитимдан бир калла юқори бўлишимга ердан берди.

Ҳозир мен фаолиятга интиляпман, меҳнат қилишни истайман, иложи борича тезроқ диссертация еқлаб, уз дусларимга етиб олишни истайман, лекин узларига қандайдир гап тегиб қолишидан қўрқиб, ҳеч бир жойда мени ишга олишмаяпти.

Қаерга мурожаат қилмай, ҳамма жойда мени мақташади, қобилият- ли ходим ҳисоблашади, лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Қу- митаси еки Ўзбекистон ССР Олий Советининг розилигини талаб қили- шади.

Афсуски, турт ой мобайнида мен Ўзбекистон Компартияси Марка- зий Қумитасидан ҳам, Ўзбекистон ССР Олий Советидан ҳам бундай розиликни ололмадим.

Шундай қилиб, Никита Сергеевич, узим буни истамаган ҳолда Сиз- га мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Мен шахсан Сиздан қуйидаги- ларни билишни истайман:

1. Узим танлаган соҳа сифатида мафкура жабҳасида ишлай оламан- ми?

2. Мени газеталар, журналлар таҳририятлари еки нашриётларга иш- га қабул қилиш мумкинми?

3. Мен олий укув юртларида адабиётдан дарс бера оламанми?

Агар шу мумкин бўлса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қуми- таси котиби уртоқ Ниёзовга курсатма беришингизни илтимос қиламан, у менинг кун қуришимга имкон берсин, мен қаерда купроқ фойдам тегса, уртоқ Ниёзов менга уша соҳадан иш берсин. Газета ва журналлар- нинг таҳририятларида, тил ва адабиёт институтларида, Ўзбекистон Фан- лар Академиясининг шарқшунослик институтида ишласам жамиятга купроқ нафим тегади.

Мен ҳозир Тошкент шахрида моддий жиҳатдан қийналиб, маъна- вий эзилиб юрибман.

Никита Сергеевич, илтимос қиламан, менга ҳаётга йулланма бери- нг, хароб бўлиб улиб кетишдан асранг.

Илтимос билан,

(Т. Жалолов)

17 май 1955 йил
Тошкент шахри.

Тухтасин ака аризани Москвага юбориб, болалиги утган шаҳар Шахрихонга жунадилар. У ерда қариндош-уруғлар, ердустлар ва шоги- рдлари тулганиди. Шогирдларининг аксарияти туманнинг масъул хо- димлари экан. Улар туман партия қумитасининг биринчи котиби Да- даш Иброҳимов ҳузурига кириб, Тухтасин акани гойибона у кишига таништирдилар ва Шахрихонда олиб қолишни илтимос қилдилар.

Дадаш ака валломот киши экан. Қабулга кирган кишиларнинг Тух- тасин ака ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиб, бундай дедилар:

«Айтишларингга қараганда, у домла бирингизга дуст, бирингизга устоз экан. Гуноҳи бўлса, қамоқхонадан чиқаришмасди, модомики, чиқари- ши билди, демак, гуноҳи йўқ. Мен розиман, хоҳлаган ишига тайинла- шингиз мумкин.»

Тухтасин ака Шахрихонга борган биринчи кунданоқ етиб келган бу хушхабар у кишининг руҳини кутарди. Қариндошлар, ешлик қадрдон- лари ҳам севинишди.

Бироқ Тухтасин ака Шахрихонга борганларининг ун учинчи куни республика Марказқумидан ва Маданият вазирлигидан кетма-кет те- лegramмалар олдилар. Унда Тошкентда у кишини сабрсизлик билан кутаётганлари айтилган эди. Тухтасин ака Тошкентга қайтиб, аэропорт- дан Марказқумнинг мафкура бўлимига — Раҳмонқуловга кунгироқ қил- дилар. Раҳмонқулов зудлик билан маданият вазир Кучқоровга учра- шинг, деди.

Кучқоров Тухтасин акани очиқ чеҳра билан кутиб олиб, куз олдила- рида Ўзбекистон Давлат нашриетининг директори Файзулла Юнусовга кунгироқ қилди: «Файзулла ака, — деди вазир, — ҳозир Тухтасин Жало- лов домла ҳузурингизга борадилар. У кишини муҳаррирлик лавозимига қабул қилиб буйруқ чиқарасиз ва натижасини менга айтасиз, мен эса Марказқумга етказишим лозим. Масала равшанми?»

Шундан кейин Тухтасин ака Кучқоровга ташаккур айтиб, нашриет- га қараб кетдилар. У киши боргунларича, муҳаррирлик лавозимига қа- бул қилинганликлари ҳақидаги буйруқ деворга осиб қуйилган экан. Бу воқеа 1955 йилнинг июнь ойида бўлди.

Тухтасин ака Ўзбекистон Давлат нашриетида 1961 йилгача меҳнат қилдилар. Кейин Давлат бадий нашриетида катта муҳаррир, Ўзбекис- тон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида илмий ходим, «Шарқ юлдузи» журналида адабий ходим лавозимларида ишладилар.

1955—67 йиллар Тухтасин аканинг илмий-адабий ҳаётида энг сер- маҳсул йиллар бўлди. Бу йилларда «Ўзбек шоирлари» (1959 й.), «Ҳамса талқинлари» (1960 й.), «Паҳлавон Маҳмуд» (1961 й.), «Олтин қафас» (1962 й.), «Яшасин табассум» (1966 й.) асарларини нашр эттирдилар.

Худди шу даврда бадий таржима соҳасида ҳам анчагина иш қилди- лар. Шулардан қуйидагиларни курсатиш мумкин: Рабиндранат Тагор тан- ланган асарларининг биринчи жилди («Ҳалоқат» романи), 2-жилди (ҳи- коялар), «Ҳинд эртақлари», Сотим Улуғзоданинг «Ешлигимиз тонги» романи, «Гавҳари шабқироқ» комедияси, Садриддин Айнининг «Есда- ликлари» (III қисми), В. Смирнов-Ракитинанинг «Абу Али ибн Сино» қиссаси. Булардан ташқари, бу давр мобайнида 30 га яқин китобларни таҳрир қилдилар.

Тухтасин ака узбек ва тожик тилларини пухта биладиган адиб эди- лар. Демак, икки маданият, икки адабиётнинг комил ҳуқуқли вориси эдилар ва шу билан фахрланардилар.

Адиб 1955 йилда, Сталин вафот этиб, унинг хатолари туғрилана бошлангандан кейин сиёсий маҳбус сифатида оқланди. Аммо ҳаётда Сталин жисман йўқ, унинг сиёсати қораланган бўлса ҳам, сталинизм мавжуд эди. У ҳар қадамда «собиқ маҳбус»нинг эркин фаолият курсати- шига, қулочини кенг ейиб ижод қилишига ҳалақит берарди.

Адибнинг оқлангандан кейинги биринчи катта асари «Ўзбек шоира- лари» эса узбек адабиётида муҳим янгилик бўлди. У нашр этилиши билан китоб дуқонлари жавонларида куп турмай, қисқа вақтда сотилиб кетди. Адабиёт шинавандалари уни қўлма-қўл қилиб уқидилар. Муал- лиф китобхонлардан унлаб миннатдорчилик мактублари олди. Айнан шу китобдан сунг ижодий жамоанинг адибга булган муносабати узга- риб, унга илгаригидек «ола» қарашларга чек қуйилди, барча таҳририят

ва нашриётларнинг эшиклари муаллиф учун кенг очилди. У ижодкор дустлари сафидан муносиб ўрнини эгаллади.

Мана, «Ўзбек шоиралари» ҳақида китобхонлар ёзган фикрлардан айрим намуналар:

«Қадрли оғамиз Тухтасин Жалолов!

«Ўзбек шоиралари»ни зур севинч ва ҳаяжон билан ўқидим. Сиз узоқ утмишда зулмат ичида офтобга интилган, асоратдан сарв қадлари ҳам, жушқин қалбларида ҳасрат-алам, гул юзлари ва кирикларидан нам, кишанли қўлларидан қалам билан ижод этган ўзбек шоиралари яратган дуру-тавҳаларни бир галереяга тўплаб улуг иш қилибсиз.

Аёллар оламига қўрсатган бу ҳурматингиз, ўзбек адабиёти хазинаси камчилигини тўлдирганингиз учун бир оддий ўзбек аёли, совет хотини сифатида Сизга ташаккур билдирмасдан утолмайман. Минг раҳмат Сизга, Тухтасин ака!

Саодат Шамсиева,
Тошкент, 18 январь, 1960 йил»

Тухтасин ака «Ўзбек шоиралари»ни ёзишни қамалмасларидан илгари режалаштирган эдилар. Қамокдан қайтгач, дарҳол бу ишга киришдилар. Аммо бу ишда қудратли бир ҳомийга муҳтож бўдилар. Ана шу ташвишли, ҳаяжонли пайтда у кишининг куз унгида «адабиёт осмонининг тўлини ойи, муҳтарам Ойбек сиймоси намоян бўлди». Тухтасин ака бу алп адибни кундан бери — «Қутлуғ қон» романи қўлёзма ҳолида муҳокама қилинган кундан бери билар, шу роман ҳақида илк мақола муаллифи ҳам эдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда Ойбекдан қудратлироқ ҳомий йўқ эди. Тухтасин ака шу кишидан ҳимоя сурашга аҳд қилдилар.

Тухтасин ака «Ўзбек шоиралари»нинг қўлёзмасини қўлтиқлаб Ойбек ҳузурига борганида ёзувчи хонадонидагилар уни яхши кутиб олишди. Бир ҳафтадан кейин хабар олишни илтимос қилишди. Тухтасин ака раҳмат айтиб қайтди.

Тухтасин ака иккинчи марта борганида эса, Ойбек у кишини меҳмонхонасида мамнуният билан кутиб олди. Ноз-неъматлар билан тула дастурхон атрофида дустона суҳбат бошланди.

— Яхши!.. Жуда яхши китоб! Соз!.. — деди Ойбек.

Бу китобнинг умумий баҳоси эди. Кейин бобма-боб таҳлилга киришиб, асарнинг фазилатлари ва камчиликларини курсатиб берди.

Тухтасин ака Ойбекка қайта-қайта раҳмат айтиб, китобнинг буш ёзилган бобларини тўлдиришга ваъда берди.

— Сиз энди роман ёзинг, Тухтасин, — илтифот қилди Ойбек.

— Роман? — таажжуб билан суради Тухтасин ака.

— Ҳа, роман ёзинг! Албатта, ёзинг!

— Нимани ёзай, Ойбек ака?

— Узингизни ёзинг, узингиз ёзилмаган романсиз...

— Менга булган ишончингиз учун ташаккур, Ойбек ака! Агар бу ишончингизни оқлолсам узинми бахтиёр деб билардим.

Ниҳоят, Тухтасин ака кетишга рухсат суради.

— Китоб ҳақидаги фикримиз тайёр эмас-ку.

— Мен Маҳзуна бобини тўлдиргунча тайёр бўлиб қолар.

— Албатта, бўлади.

Орадан бир ҳафта-ун кун утгач, Тухтасин ака уйда утириб, китоби-

ни қайта ишлаётганида, Ойбекнинг узи нашриётга келиб, «Ўзбек шоиралари» ҳақида ёзган фикрларини директорга қолдириб кетади. Унда шундай дейилган эди:

«Ўзбек шоиралар»и ҳақида

Тухтасин Жалолов улуг Октябрь инқилобидан илгари утган ўзбек шоиралари ҳақида гоят муҳим асар ёзди. Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида ўзбек шоиралари, уларнинг асарлари, ҳаётлари урганилмагандир деярли. Улар ҳақида яқунланган асарлар йўқдир. Айрим шоираларимиз туғрисида энди-энди адабиётчиларимиз ишлаб бошладилар. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо қўрган мазлума шоираларнинг асарлари, уларнинг бахтсиз тақдирлари буронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган. Тухтасин Жалолов тарих зарварақларини ахтара-ахтара ўзбек шоиралари ҳақида қимматли хйла маълумотлар тўплади. Узининг катта, синчков текширишлари натижасида уттизга яқин ўзбек шоираларини топди. Бу гоят ажайиб воқеадир.

Халқимиз ўзбек адабиёти тарихининг ерқин саҳифаларини кўришга муштоқ ва бундай асарларга ташнадир.

Ойбек.
17/ХI 1958 йил».



Дилдора Абдуллаева

СЕН ЯШАЙСАН ОРЗУ ҚҰЙНИДА

Бу ерларга келмоқ кўп оғир,
Бударгоҳдан кетмоқ ҳам
душвор.
Манзаралар аянч ва дилгир,
Фақатгина хотира зангор.

Яна юрак, безовта юрак,
Соғинчлардан қилади хуруж.
Мумкинмикан барин унутмак,
Йуқ умиддан излайми илинж?

Бу ерларда бариси ўтмиш,
Тугаб битган эзгу суҳбатлар.
Ҳали ҳамон кўп туради қиш,
Унутилмас оғриқ ҳасратлар.

Бирдан кўнгул қолади бўшаб,
Кетмоқ учун топаман журъат.
Мен барибир кетаман ташлаб,
Сенинг каби мен ҳам
бешафқат...

Мен сени излайман эрта-кеч,
шому тун,
ҳар лаҳза,
ҳар кун.
Сени излайман тинмай мен:
ҳар соат,
ҳар вақт,
ҳар сафар
бесамар —
излайман изларинг бошқа томондан.
Кулади устимдан беаёв:
эрта-кеч,
шому тун,
ҳар лаҳза...

Қалбингдаги армонларингни
Баҳайбат бир қояга жойлайсан.
Ундан қолган пушмонларингни
Орқасидан йўлга бойлайсан.

Сўнгра тўйиб ҳаво симириб,
Сен яшайсан орзу қўйнида.
Ошиқ бўлар минг битта йигит,
Лекин содиқ қолиб ўйинга —

Сен усиз ҳам бўлиб бахтиёр,
Истакларинг бўлар ижобат.
Бир кун, аста, тонг чоғи — наҳор,
Пешонангдан ўпиб қўяр бахт.

Яна кеч...
Биз яна нени кутамиз,
Вақтними дилларни даволайдиган?
Ишончинг комилми тез унутамиз,
Аммо кеч. Кечага қайтмайди бугун.

Яна кеч...
Кеч қолдим мен эмас, вақтлар,
Бевақт сўзларим келтирди қайғу.
О, сени қайғурган қалби қарахтлар,
Ҳар куни юрагимга қалайди оғу.

Яна кеч...
Мен сенга бўлмадим паноҳ,
Таскин эмас, озор бўлди сўзларим.
Тилим бору дилим уртайди фироқ —
Гарчи сўқир эмас ҳали кўзларим...
Яна кеч...

«Анна Каренина»ни ўқигач...

Қайдан ҳам мен сени танидим, Анна,
Тунлари уйқумга берасан халал.
Менинг-да излаган ишончим қани,
Ютиб юбормоқчи мени ҳам вокзал.

Поезд қичқиради, чўчиб кетаман,
Мен сенга айланиб қолгандай буткул.
Оҳ, менинг ўрнимга бор экан қурбон —
Ташлаб юборилган қизил атиргул!..

Дилдора Абдуллаева — Андижон шаҳрида туғилган.
Ҳозирги пайтда, Андижон давлат дорилфунунинг филология факультетининг тўртинчи босқичида ўқияпти.
Ўқувчилар ва талабалар орасида ташкил этилган танловлар совриндори. Матбуотда анчадан буюн қатнашади. «Шарқ юлдузи»да илк бор чиқиши.



Ҳабиба Сурттон

МАДИНА

Кисса

Соҳилдаги сулув

Маҳаллада шунча йигитлар туриб,
Бегонага тушгонимга йиғлайман.
(Халқ кўшиғи)

Оҳу баданидай жимирлаётган дарё соҳиллари кум-кук. Қизғал-доқлар гуё қизил румолини ҳилпиратиб тоғ чўққисига чиқаётган қизчалардай лобар. Даштга ёйилган сурувнинг саси ажиб, узига хос оҳанг яратгандай. Кавш қайтараётган малла сигир шохига қарға кунган. Рассом атай: «Ана шундай турасизлар, мен расмларингни чизапман», дегандай қимир этишмайди.

Соҳилдаги харсангтошда ҳаёлий суратдаги қиз утирибди, атрофида тоғ қизлари — хушбуй гуллар. Улар гуё маликага парвона канизаклардай ул моҳрухсор кунглини овлаш пайида. Паршон ҳайдар кокилларини баҳор насими тортқилайди. Тиниқ, оқ юзнинг ёноқлари лоларанг. Ул юзга мутаносиб бурун, усмасиз ҳам тутаб ётган туташ қошлар, сурмасиз жон олғувчи чарос кўзлар. Оҳ, бу кўзлар таърифини анов шарқироқ тўлқинлар айтсин. Йўқ-йўқ... уларга йул булсин-а! Бу қошу кўзлар таърифини унинг куйида қаландар булган йигит айтсин.

Хайр, шу кўзлар ҳаёл селида гарқ. Ҳайрат қорачикда қотгандай. Бу кўзлар дарёдин недир излайди. Тўлқинлар айланиб-ургилиб нима ёзмоқда экан?

«Ҳотам, Мадина, Севги»ми? Сувнинг шовуллашидан қизгина шу сўзларни тинглайди, ҳолос.

Вужудига қизнинг суврати туриб, алангаланган дарё қалқиб тушади, оҳ уради. Қирғоқдаги сулув сочидай майин, хушбуй майсаларни ўпиб ювади.

«...Дарё! Сен онамсан... Жону дилимсан. Хайрият, сен борсан. Кунглимни сенга бушатаман. Онам тиззаларига бош қўйиб эркаланиб сўзлагандай, сенинг қиргогингда утириб, дардимни сенга тукаман! Аммо сендан баъзан-баъзан ўкинаман, дарё! Наҳот, сен анов ҳайкалнинг уйи олдидан ҳам шундай жозиба билан оқиб утсанг?! Унинг совуқ, жирканч кунглига ҳам ором берсанг, ҳузур бахшида этсанг?!

Дарвоқе, у ором не, ҳузур не билмас. У метин... Завқдан бебаҳра кесак. Нега ҳайрон бўлиб боқасан, дарё? Ким у, демоқчимисан?! Наҳот, билмадинг! У дилозор ҳисоб муаллими Қораева-да! Ана, айтмадимми?! Унинг номини эшитиб, бир тўлғаниб тушдинг. Яна ушанинг эшиги ёнгинасидан оқиб утасан-а. «Хафа қилдими», дейсан-а! «Мени бўлса, гурга эди! Ҳотамни хафа қилди... Келиб-келиб бир ичи қора нокас шундай йигитни ўкситди...»

Математика дарси эди. Орқа партадан бир кабутар учиб, Мадинанинг ёнига кўнди. Қанотида «Севаман сени» деган ёзув. Портадош дугонаси қизга маъноли кўз қисиб, жилмайди. Мадинанинг кўзларида лов этиб ут чақнади. Лолага, қип-қизил лолага айланиб қолди. «Ҳотам... Ҳотам... Ҳотам...» Чап кукраги остидаги юраги соат зангидай шу сўзни такрорлар, гуё бу сўзни синф эмас, бутун жаҳон тинглаётгандай эди. Қиз титроқ қафтлари билан кабутарни яширди. Шу пайт... Шу пайт уша кабутарга кузгун чанг солди. Уни йиртиб-йиртиб, майдалаб Мадинанинг бетига иргитди. «Уятсиз», — деди у илондай вишиллаб.

Мадијанинг боши айланди, қўлоқлари чиппа битди. Рупарсида жағларини шақиллатиб, қўлларини пахса қилиб, нималарнидир вайсарди. Кўзи тиниб бошини партага қўйиб олди. Сунг... синф эшигининг қарс этиб ёпилганидан сесканиб, бошини кўтарди.

«Қораевани Ҳотам боқлади», — деди Инобат гуё пичирлаб. Мадинанинг ҳаёллари дарё оқимига қўшилиб оқаркан, тўлқинлар оғушида дугонаси Инобатни кўргандай бўлиб кетди. У оплоқ кийимда, узун кокиллари шабадада тўлғаниб, хипча белига ўралган эди. Ана, ана... сочлари хул. Ўзи дир-дир титрапти... йиғляптими?

- Инобат, Инобат!..
- Мен Иноб эмас, сув париси, сув парисиман.
- Иноо!..
- Мадина!
- Қаёққа, ҳай, шошма!

Соҳил томон югуриб кетаётган Мадина тўхтаб, орқасига ўгирилди-ю, ҳуши йўқ одамдай тим қора, шаҳло кўзларини пирпиратиб, гарангисиб қолди:

- Бу — сен?.. Тавба! — деди.
- Ҳа, мен. Нима гап, нима бўлди! Гапирсанг-чи?!
- Бу сен?! Инобат?!
- Э, худо! Соғмисан узи?! Нега алаҳсираяпсан?
- Дарёдан қачон чиқдинг?! Сув париси эдинг-ку?!
- Мадинажон! Жон уртоқжон! Сенга нима бўлди?! Мени кўрқитма! Дарёда нима қиламан. Ут қилиб юрибман-ку!
- Тўлқинга қўшилиб оқиб кетдинг... Оқиб кетдинг-ку?.. — Мадина Инобатни кучиб йиғлай бошлади. — Мени ташлаб кетма, мен ўлиб қоламан сенсиз, Иножон!
- Хуп, фақат йиғлама! Енингдаман, ахир! Юр, кета қолайлик. Сен китоб жинниси, ҳаёлпараст бўп қопсан! Қопинг қани? Вой, шу-

гина холосми, — Инобат ярим ҳам бўлмаган қопни кўтариб, бошини чайқаб кўйди. — Нима, кетаверасанми?!

— Угай улдиради, — деди Мадина оҳиста.

— Ҳаёл суриш ўрнига ўт қилгин эди, — деди-ю, яна у ранжиб қолмасин деб қистади: — Ҳай, майли, юр, бирпасда қопни тўлдир-миз, — деганча у ўртоғини олиб, ўт қила бошлади.

Бу орада ботиб бораётган қуёш лип этиб, тоғ ортига ўтиб кетди. Бошида гир-гир айланаётган қушлар галасига қўшилиб ҳаёллари ҳам чарх уради. Гоҳ қизғиш, гоҳ мовий, гоҳ сафсар товланаётган кўк узра оппоқ булутлар қарвони сузарди.

— Мадина!

Мадина дугонасига жилмайиб қаради-ю, хижолат бўлиб:

— Вой, сени ишлатиб кўйиб турйшимни, — деди-ю, кўлига уроғини ушлади, истар-истамас барра ўтларни тутамлаб ўра бошлади.

Инобат зумда шитоб билан дунёнинг ўтини ўриб қўйган эди, уни Мадинанинг қопига сола бошладилар:

— Кета қолайлик энди. Қош қорайиб қолди.

— Уйга боргим йўқ. Ҳечам! Кўнглимки, хув анов булутларга ўтириб кетавурсам. Ҳеч ким тополмас... Ҳеч ким.

— Ҳеч ким тополмасинми?! Ростдан-а! — кувлик билан қош чимирди Инобат.

— Ҳа, ҳеч ким!

— Ҳотамжонам тополмасинми?!

Мадина дувва қизариб кетди.

— Ҳазил бу, юр, кетамиз энди!

Икки дугона қопни орқалаб сўқмоқдан қайта бошлашди. Бутазор ёнига келган Инобат қопини гуп этказиб ерга қўйди-ю, Мадинага:

— Баққа юр. — деди.

Ҳайрон бўлган Мадина қопни елкасидан қўйиб, эргашди. Бута панасига ўтган Инобат:

— Жон ўртоқ! Кўйлагингни кўтариб қорнингни курсат, — деди.

— Вой, — ҳайратланиб тисарилди Мадина, — нима бўлди сенга? Шуям гапми?

— Хафа бўлма, ўртоқжон! Мен... мен...

Мадина довдираб гапирётган ўртоғига қаради. Унинг бети кўп-чигандай, лаблари қалинлашган, киприклари жуфтлашгандай эди. Бу нимадан экан? Юраги нохуш ҳолни сезгандай орқага тортиб қўйди.

— Майли, кўра қол, — деди.

— Йўғ-ей, ҳазиллашдим, — Инобат кулмоқчи бўлди-ю, бу кулги кўпроқ йиғига ўхшаб кетди.

— Ке, кела қол! — негалигини ўзи ҳам билмай Мадина қистади. Гуё дўсти шу билан хурсанд бўлиб, аввалги хушчақчақ Инобатга айланадигандай.

Инобат ийманиб, минг хижолатда ўртоғининг кўйлаги устидан қорнини сийпалаб кўрди. Сўнг орқасига ўгирилди-да, уз кўйлагининг тагидан қорнини ушлаб кўрди ва «шўрим қўрибди» деб пи-чирлаб, ерга ўтириб олди. Унинг ранги кув учиб, бузга айланди.

Ҳеч кимнинг онажони ўлмасин

Етимликнинг шўридан оғриди
Бошим мани,
Ёстиқни баланд қўйинглар,
тўкилсин кўз ёшим мани.

(Халқ кўшиғи)

Мадина ҳовлига юраги бетламай, кўрқа-писа кириб келди.

— Кундошинг бўлса бўлсин, кундош боланг бўлмасин! Қаёқда юрибсан, гурсўхта! Ут баҳона бу китоб ўқийди, жувонмарг! Мана! Мана!.. — у қопнинг ичидан китоб олиб, отанинг олдига иргитди. — Э, қанақа отасиз!? Уринг, бу ер юткурни! Эрта-индин эл ичи-да шармандайи шармисор қилади бу мегажин! Ҳаҳ, худо кутар-син-а!

— Бўлди... Бас қил! — ўшқирди ота.

— Сизни қизингиз арзанда, мени жоним савил! Деворнинг кова-гидан чиққанман-да, а? Ҳаҳ, тўймаган қорним қурсин-а! — Угай хунг-раб йиғлади. — Иш қайнайди бу зорманда уйда. Таппи урайми, кув тортайми?!.. Молга қарайми, терт қилайми, сигир соғайми?! Войдо-од!..

Нураб ётган паҳса девордан қўшнилар мўралайдилар.

— Бақирма!.. — Ота урмоқчи бўлиб ўгайга яқинлашди-ю, яна кул силтаб, сулага ўтирди. Улимига рози бўлган Мадина ер ости-дан отасига қаради. Унинг ияги қалтираб, мўилови учарди. Икки чаккаси оппоқ. Озиб, юзларига чуқур излар бино бўлибди. Азиз дадажониси... Икки йилда шунча ўзгариш. Унда кўра мени сўк-сангиз, урсангиз бўлмасми? Мени деб ўгай сизга заҳар сочади! Хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди. Яна ўзини тутиб, томоғига тикилган йиғини қайтарди.

— Сўлпаймай бўйинг лаҳадда чиригур! Жуварининг қўриқчиси-дай қаққаймай, молнинг тагини тозала! — ўшқиради ўгай.

Мадина илоннинг вишиллашидай эшитилган бу овоздан юраклари ситилиб, молхонага қараб юрди. Деворга суяб қўйил-ган куракни оларкан: «Сигиржон — дея силаб эркалатди, — сен ҳам аяжонимни соғиндингми?! Аяжонимнинг қўллари оппоқ эди, юмшоқ эди. Овозларичи?! Эҳх!.. Сени нима деб эркалатишди, а?!.. Маллахон, маллахон.» Шўхлик қилардик, ёмонлик қилардик. Лекин аяжоним етти маҳалла эшитадиган қилиб бақирди у ёқда турсин, лоақал сенсирамасдилар! «Болажоним, айтгинг-чи, шу қилган ишингиз яхшими?!» — дердилар. Шу бир оғиз гап етарди бизга, қайта у кишини хафа қилмасликка ҳаракат қилардик. Ано-ви-чи?! Шуям аёл, шуям хотин зотидан-да?! Эркак сабзи. Қизиқ, нега дадам шунга уйландилар, тавба!

— Бўлдингми?!

— Ҳа-ҳа... — сапчиб тушган Мадина ўгайнинг совуқ нигоҳидан кўзини олиб қочди.

— Бор, ўшшаймай овқатга қара!

Кечки овқатдан кейин синглисини олиб, Мадина уйга кириб кетди. Уни ухлатмоқчи бўлди. Қани энди ухлай қолса. Укасини бағрига босиб, эркалатса-да, у гингшиб, пиқиллаб йиғлай бошла-ди. «Вой, худо-ей!» — Мадина унга қаттиқ тегмоқчи бўлди-ю, онасининг: «Синглингни зўрга тилаб топдик, болам. Сендан кей-ин саккиз йил кутдик уни. Инжиқлигини кўтарамиз-да энди. Ўзи-

Енгинангда, ёрим,
қараб утирай,
Орқа тула сочинг,
тараб утирай...
(Халқ қўшиғи)

миз эрка қилиб кўйдик» — деган гапи эсига тушди-ю, синглисина упиб: «Асалим, кўзичогим, нимага йиғлаяпсиз, бирон жойингиз оғрияптимиз?» — деди. «Кулогим» — йиғлади қизча. Мадина ҳар нима қилди: эртақ айтди, орқасига олиб опичлаб ухлатмоқчи бўлди, қани энди тинчиса... «туз қиздириб келаймикин» — деб уйдан чиқмоқчи бўлди. Сурида дадаси билан ўгай ётишибди. Қандай бўларкин? Дераза олдига борди. Ой пашшахона устида тиржайиб, уни ёритиб турарди. Мадина сўрига кўзи тушиб, дарров дераза пардасини тортиб кўйди. Гуноҳ иш қилган одамдай юзлари ловуллаб кетди. Дадасининг қўли тўнкадай думалаб ётган хотин устида эди... «Аяжоним, меҳрибоним... Бирон марта ўрнингизга кўзим тушмади-я. Қачон ётиб, қачон турар эдингиз билмабман-а! Фариштагинам, беозоргинам...»

Қизча қаттиқ йиғлай бошлади. Уни овутаман деб, Мадина қора терга ботиб кетди. Сўри ғийқиллади. Дунғиллаган овоз эшитилди. Эшикни очиб, дадаси кириб келди. У сескангандай узини дадасидан олиб қочди.

— Бу ёққа опке-чи! Нимага йиғлаяпти?!

— Билмасам...

Дадаси болани кўлига олди. Пешонасига қулини кўйди.

— Иситмаси йўқ-ку!

— Кулоғи оғрияпти.

— Ҳа... Бор, ялпиз қайнатиб ке. Томизсак, тинчиб қолади.

Мадина ошхонага кириб, примусни ёндирди. Тоғорачага сув кўйиб, ялпиздан солиб, ўтга кўйди. Пашшахонадан бошини чиқарган ўгай пишқирди:

— Ярим кечада нима бало пиширяпсан! Бу мечкайлар еб тўймайди!

— Ялпиз! Ялпиз қайнатаяпман. Нозиманинг қулоғи...

— Қушни тинчи бор-у, мен улгурда йўқ-а! Орқа-олдига қарамай итдай туғаверганакан-де...

Мадина қотиб қолди. Бир нарса оёғининг учидан «виж» этиб югуриб, миясига урилди. Кўзидан ўт чакнаб кетди. «Хайриятки, иккитагина холосмиз-а! Аблах! Онамни ҳақоратлаяптимиз?»

— Нима?! Нима дединг, ялмоғиз?! — Мадина ошхонадан югуриб чиқди. Узи қалтирар эди. — Ким ит? Ки-им?! Узинг итдан баттар чўққасан, билдингми?!

Пашшахона шап кўтарилиб, сўридан узини ташлаган ўгай қизга курк товукдай ташланди. Ҳар бири пақирдай келадиган кўкраги лопиллаб, қора балчикдай танаси ойдинда йилтиллари.

— Мана сенга! Мана сенга, етимча!

У Мадинанинг сочидан ушлаб, ура бошлади.

— Аяжоон! — қизнинг ноласини эшитган қўшнилари тўпланишди. Ота бошини кўйи солганча жим турди-ю, кейин шиддат билан:

— Йўқол! Талоқсан! — деб бақирди.

— Сен сув парисига ишонасанми?! Сув остида ушаларнинг мамлақати бор. Парилар маликаси ер юзига элчилар жунатиб туради. Улар тонгга яқин қайси уйнинг эшиги очиқ бўлса, у ерга кириб ўзларига ёққан қизнинг пешонасига: «Сув ости маликасининг канизаги» деб ёзиб қўйишаркан. Кейин эса...

— Ино, нима, сен менга эртақ айтяпсанми?!

— Эртақ эмас бу...

— Кўй ҳазилингни! Мени ҳаялпараст дер эдинг, узинг ҳам қолишмайсан.

— Сени яхши кўраман, Мадинажон! Билсанг, хатто Ҳотамданам қизганиман. Бошқаларга ухшайман. Агар мен ўлсам йиғлайсанми?!

Мадина тўхтаб, дугонасини кучди:

— Жон, ўртоқжон?! Улимдан гапирма! Аям ўлгандан бери гуё ҳеч кимга керакмас одамдай ҳувиллаб қолганман. Жон, ўртоқ, айланай сендан, сен мандан ниманидир яширяпсан... Нима бўлган, айта қол?!

— Ҳечам-да! Сенга шунақа туюляпти. Қара, Ҳотам келяпти!

— Биламан!

— Биламан!? Қарамасдан-а?!

— Сезаман!

Инобат Мадинага ҳавас билан қаради. Унинг юзлари ҳаяжондан лоладай ловулларди. Кўнгли ийиб, дугонажонининг қулини тутди.

— Қулингам титраяпти, мен кета қолай, — деб жадаллай юра бошлади.

— Ино, шошма! Жон ўртоқжон.

Мадина ўртоғига етиб олиш учун қадамни тезлатмоқчи бўлди-ю, аммо оёқлари мажолсиз эди.

— Ҳа, қочоқ! — рўпарасида барно йигит жилмайиб турар эди.

— Қочибманми?! — нозлангандай табассум қилди қиз.

— Бирга кетамиз дегандим-ку!

— Одамлар...

— Баҳона қилма.

— Кўй, йўлимни тўсма, Хотам.

— Богингга учирган «каптарларим» қайтиб келмади?!

— Кабоб қилай десам қозгудан экан! Шунинг учун...

— Нима қилдинг, йиртдингми?!

— Йўқ-ей, ўлибманми?!

Мадинанинг ақиқ лабларига кўнайми-кўнмайми деб турган табассум қўшлари Ҳотамнинг юрагини така-пука қилиб юборди. Қиз жийдазор томон юрди. Йигит эргашди. Улар китоб халталарини майсазорлар устига ташлашди. Оламни муаттар ҳид тутган. Тоғ ён бағрига туташган бог чўққи сари йўл олган йўловчилар каби. Ундаги дарахтлар ҳам гуё одамлар каби турли қиёфа, турли ёшда... Заррин қўёш зангори барглари орасидан икки ёш пойига олтин тангалар сочиб ётибди. Мадина жийда шохини эгиб, гулларни кўксига босгур-

дай бўлиб ҳидлади ва кўзларини юмди. Ооооҳ!.. Хуш бўйдан боши айланди. Ҳотам унга сеҳрлангандай қараб турди-ю, ички титроқ ва ҳаяжон билан

- Шеър эшитасанми? — деди.
- Янгисими? Жон деб эшитаман!
- Мана, ҳозир...

Ҳотам ютинди. Бир тебраниб, бир бошини қашиб, лабларини қимтиб турди-ю, эшит бўлмаса, — деди.

*Бу на куз, на оташ жодудир,
Бу на гул, на пари охудир,
Ошиқлар қалбида ёхувдир,
Мадина исмли гул жонимдир.*

*Унинг қалби дарёдир, дарёдир,
Излари кўзимга тутидир,
Фикри унинг нурли зийдир,
Мадина исмли гул жонимдир.*

Сунг «ёқдимикин» дегандай ҳадиксираб қизга қаради. Ибо билан ерга боқиб турган қайрилма киприклар кўтарилиб, кўзлари чақнади.

— Мақтоворибсан жуда. Мен унчаликмасман!

Ҳотам унга шеър маъкул бўлганини ҳис қилиб, жилмайди.

— Мақтов эмас, рости... Зўр бўп кетсанг менам кўрқаман, — деди.

— Қизиқ, нимадан кўрқасан?!

— Харидоринг куп. Яна... — қовогини уйиб олди йигит.

— Тавба, шуям гапми?! Ахир мен сенсиз...

— Нима, ростми?! — деди ҳаяжондан титраб йигит.

— Нима ростми?! — қиз бир парча қуёшга айланган юзларини беркитиб олди.

— Хўп, майли... лекин биз гаплашиб олишимиз керак, Мадина.

— Нимани? — деди қиз титроқ овозда.

Ҳали ловуллаб турган яноқлар энди оқаринқиради.

Ҳотам дилдорининг кўлларини маҳкам тутди.

— Бирга ўқишга кетамиз.

— Қаерга?!

— Тошкентга!

— Иложим йўқ.

— Журналист буламан дегандинг-ку!

— Хом хаёл эди.

— Мадина, мен сени ташлаб кетолмайман, ахир...

— Тошкент эмиш, Кўқонга бориб ўқий оласанми дегин?!

— Мен ёрдам бераман.

— Дадам қўймайдилар, барибир.

— Қочиб кетамиз!

— Йўқ-йўқ! Кўнглим бормайди. Ўзимни уйлаб, у кишини хафа қилиб қўя олмайман. Мен кетсам, ўгай кун бермайди.

Ҳотам ер чизиб жим қолди. У ҳозир нима дейишини, қизга қандай далда беришини билмасди.

— Кета қолай, — деди қиз астагина.

— Яна бирпас... турайлик, — ялинди Ҳотам.

— Борай...

Мадина оҳиста одимлаб, соҳил бўйлаб кета бошлади. Унинг майда қилиб урилган қора сочлари тулқиндай силкиниб йигит юрагини така-пука қилиб уйнатиб юборар эди.

— Мадина!..

У ортига угирилди. Хотам югуриб келди-ю, кўзларини жовдира-тиб текилиб қолди.

— Мадина, жоним! Сен меникисан! Сени бахтли этиш учун, сени озорлардан қутқариш учун ҳам ўқийман. Эшитяпсанми?!

Қиз индамади. У бахтдан лол эди, чамаси.

— Нега индамайсан?! Бир оғиз бир нарса де, — ялинди у.

Лекин қиз жавоб ўрнига беихтиёр йигитнинг кўксига бош қўйди, ҳислар алангасига тоб беролмай, йиглаб юборди.

Очилмайин сўлган гунча...

Сарвигул буй сочолмай,
сояда сўлдимикин,
Эссизгина Инобат,
армон-ла улдимикин?
(Халқ қўшиғи)

Мадина одати бўйича барвақт туриб, кўча эшикни очди. Сув селиб, ҳовлини супурди. Сўрига кўрпача солди. Саҳарги сабода солланиб турган райҳонларни қули билан тебратиб ҳидлади. Ифор ҳиди уфуриб кетди. Лекин бу ҳам унинг кўнглидаги гашликни кўтариб юборолмади. У гуё бир боғ тикан устида думалагандай кечаси билан беҳаловат бўлиб чиқди. Бедормиди ё кузи илиндими, аниқ билмайди... Рупарасида Инобат тураверди. Кокиллари ёзаберди. Кейин ҳиринг-ҳиринг кулаверди. Сўнг эса лойқани юзларига, баданларига чаплайверди. Мадина яқин борган сари унга тилини кўрса-тиб, масхаралаб қочаверди... Мадина бўлса, ялина-ялина уни ёнига чорларди: «Кела қол, Иножон, сув қуйиб берай, тозаланиб ол», — деса, Инобат: «Мени дарёда парилар чўмилтиради. Парилар...», — дея кулади.

Шу пайт гийқ этиб, кўча эшик очилди. Мадина чўчиб тушди.

— Ассалому алайкум, дада.

— Укангни уйғотдингми?

— Ҳозир.

Мадина ерга боққанча уйга кириб кетди. Қизиқ, ўгай кетгандан бери отаси унинг бетига қарамайди. Уйларни чиннидай ярақлатади, мол-ҳолга қарайди. Ширин-ширин овқатлар қилиб беради. Лекин барибир отанинг қовогидан қор ёғиб ётибди. Аммасининг: «Дадангга осон тутма, яхшими, ёмонми ҳар эркакка бир аёл лозим», дегани ростмикин-а?! У молнинг бўйнидаги арқонни ечиб, подага ҳайдаш учун кўчага олиб чиқаётган дадасига ер остидан қараб қўйди. Кейин:

— Аямни уйга олиб келинг. Қийналиб қолдик, — деди.

Қулидаги арқонни молхонанинг устунидидаги миҳга илаётган дадаси зарда билан ушқирди:

— Керакмас!

— Дадажон, мени кечиринг, — Мадина йиглаб юборди.

— Күзөш нимаси? Тоқатим борми күзөшга... Хайр, келса-келар. Мен фотиҳага утишим керак!.. — деди-да, нари кета бошлади.
— Фотиҳа!? Қанақа фотиҳага!.. — деди Мадинанинг юраги ёмон орзиқиб.

— Ие! Ҳа! Нимага қурқиб кетдинг?!
— Қурққанам йуқ! Ким бўлса деб...
— Кимсанбой буваникига!
— Ҳа-а-а... Кеча билувдим! Мен бўлсам...
Дадаси унга синчков қаради.
— Бугун мактабга борма! Уйдан чиқмай утир!..
— Имтиҳон бор-ку!
— Худойбердининг қизи йуқмиш!..
— «Иноба-ат?!.. Ино, уртоқжон?!..» — ўкириб йиглаб юборди у.
Шу тоб кўчадан жарчининг овози келди.
— «Эшитмадим, демангларов, соат бирга жаноза».
Мадина деворга ёпишиб, карахт бўлиб қолди. Пастак пахса девор ортидан қўшнилариинг гала-говури юрагини қиймалар эди.
— Топилибдими?!
— Нимага ёш жонига жабр қилди экан-а?!
— Дарёга ташлабдими-а?! Вой, нодон-ей!..
— Гур-да, гур!.. Йугасам ота-онани уйламайдими?!
Маҳалла қий-чув ичида экан, Мадина Инобатларнинг уйи томон томоғи қуриб, ичи ёниб югурди. «Нега?! Нега Инобат ўлади?! Нега ўзини дарёга ташлайди?! Уртоқжон! Иножоним!» деб бузларди у. Аслида бу сўзлар унинг ичидаги олов билан қўшилиб ёнаётганини, гезарган лаблари титраб, ўзи гандираклаб кетаётганини сезмас эди...

Эй, боди сахар, сув лабида йуқмидинг?
Инобатни нега этагидан тутмадинг?
Эй, залварли тоғ, сен ҳам ахир қурмидинг,
фарёд ила нега оламни уйғотмадинг?..

Мактуб

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен,
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадир.
Фурқат.

Қиёмат нима ўзи?! Энг азиз кишингдан жудо бўлиш, уни соғиниб-соғиниб бўзлаш эмасми? Дўзах эса, уни соғинганда кўролмай ут ичида қоврилишдир.

Ё дариг, гулдай Инобат ўлиб кетаверадими?! Ёруғ дунёга келиб нима курди? Қизиқ! Жуда қизиқ! Осмон ўша! Ағдарилиб тушгани ҳам йуқ! Ер ўша! Ёниб битгани ҳам йуқ! Нега у ўзини дарёга ташлашга мажбур бўлди? Шошма! Бир куни, у қорнини ушлаб... Ё тавбангдан кета-ей! Ҳа, ҳаёлим қурсин-а!

— Мадина она!

Мадина қўлидаги супургини қўйиб, қизалоқ томон ошиқди.

— Кел, кела қол! Хўп кепсан-да, айнанай сендан, — Мадина Инобатнинг синглисини бағрига босди. Юз-кўзларидан чўлп-чўлп упди.

— Манавини опам сизга бер, дегандилар, — қизча гижимланиб кетган конвертни узатди.

— Қачон? — юлқиниб конвертни очди Мадина. — Нимага вақтли бермадинг?!

— Сумкамни йуқотиб қуйувдим. Кейин зурга топдим...
Қизчанинг овози қўлогига кирмас, бутун вужуди билан хатни ўқир эди.

«...Мадинажон! Мени нима десанг де! Бошқа йўл тополмадим. Мени биласан-ку! Биров уқрайса ҳам уч кун йиглайман.

Э, худо! Аямнинг тутқаноқлари тутиб қолди. Дадам даштда эдилар. Нима қилишни билмадим. Қурқиб кетдим. Духтирга олиб бориш керак эди. Югуриб кўчага чиқдим. Қўшниларга кирдим. На машина бор, на от-улов. Қарасам, Норин совуқ кажавали мотоциклида келяпти. Қўл кўтариб тухтатдим. Аямнинг ахволини айтиб ялиндим. У рози бўлди. Лекин 50 сўм берасизлар, деди. Мен дадам келсалар албатта, олиб бераман, деб ваъда қилдим. У бизни касалхонага олиб борди. Аямни ётқизишди. У киши ўзларига келгунча ёнларида турдим. Қолай десам, укаларим ёлғиз қолишган. Пиёда келишга узоқ, бунинг устига кеч кириб қолган. Норин совуқнинг кўзлари менга қараб ғалати йилтиларди. Қўнглим ниманидир сезиб сескандим. Аям шўрлик: «Қолавер, болам. Бир кечага укаларингни бури эмас! Эл мусулмон, юрт мусулмон. Қўшнилари қараб утиришмас», дедилар. Норин совуқ эса: «Э, опа! Сиз мени кўтариб катта қилган қадрдонимсиз. Нима, менга ишонмайсизми?!» — деди. Онажоним: «Жон, Норинбой! Худо хайрингизни берсин! Инобат қизингиздай гап! Сизга ишондим. Анови кичкинамикимиз бундан бошқага кўнмайди. Эрталабгача ичи узилмасин», — деб ялиндилар. Менам, онажоним ҳам бир эмас, уч марта камалган қаззобдан яхшилиқ кутибмиз! Мадинажон! Айтиш даҳшат! Йўлда у мени жийдазор ичига олиб кириб зўрлади. Тамом бўлдим! Расво бўлдим! Менга ит тегди. Энди одам эмасман, аяч махлуқман. Ўзимдан ўзим жирканяпман!.. «Лом» — десанг чавақлаб ташлайман — деди. Мени биласан, жоним! У аблаҳдан қурқмайман! Аммо сингилларимга бу қисматим доғ бўлмасин, дедим. Яшашни шундай истардим. Шундай истардим... Мадинажон! Жон, Мадина! Сириш ўзим билан кетмасин. Сен ўқиб, катта одам бўл! Ҳотам билан бахтли яшаётганингда мен шурликни ҳам эсла! Ҳотам мард йигит, Норин совуқдан ўчимни олинглар! Лекин ҳозир индама!

Бу хатни ўқийганингда мен йуқ буламан! Менинг беғуноҳ эканлигимни сен билсанг бас.

Сувда гул оқиб келар,
оқиб келар,
Бағри дилим ёқиб келар,
ёқиб келар.
Очилмаган гўнча эдим,
вой-вой,
Оҳ, бу ўлим эшигим топиб келар,
топиб келар...

Хайр, дугонажоним».

Мадина ўзига қараб, мўлтираб утирган қизчани кўчоғига тортиб, бағрига босди. Сўнғ хўнграб йиглаб юборди. Кейин кўзини юмганча, урик танасига суяниб қолди. Ва анча ўтиб бирдан ўрнидан турдию телба одамдай оёғига калишни олиб, ўқдай кўчага отилди.

Юрагидаги аланганинг тутуни гув кузларига тикилгандай кузлари жаз-жаз куярди, у бир ҳамдард топиб, дардини тукмаса, юраги ёриладигандай эди.

«Ино! Инобат! Чиначок уртогим! Беозоргинам! Очилмай сўлдингни? Тунгизга ем булдингни? Хотамга айтаман, у учингни олади, дугонажон!»

Бирдан ён томондаги чойхонадан кутарилган қаҳқаҳа овозидан Мадинанинг хуши учиб, таққа тўхтаб қолди. У кескин ўгирилиб овоз келган томонга қарадию кузи кинидан чиқиб кетай деди. Бу ўша тунгиз Норин эди! Чинор тагидаги салқин чойхона сўрасида улфатлари билан ҳангамалашиб утирарди. Мадина ўзи сезмаган ҳолда, ўша томонга қараб юрди. Нима қияпти, нимага кетяпти, ўзи ҳам англамас эди. Сўрида утирганлар унга анграйиб қолишди. Дўрдоқ лаблари беўхшов қийшайган Норин унга яқинроқ келиб: «Ҳа дундиқча! — деди. Ундан анқиган бадбуйдан қизнинг кунгли ағдарилиб, узини нари тортди-ю, аммо юрагидан тошиб келаётган нафратни босолмади.

— Сен ифлоссан! Инобатнинг бошини сен единг! Сен!!! — деди қиз.

Чойхонадагилар гоҳ қизиксиниб, гоҳ бепарво қизга кулоқ солдилар. Бундан хушёр тортган Норин унга ҳезланди.

— Тўхмат қияпти! Улдираман! — кутурди Норин совуқ. — Ҳозир сочи билан бўғиб... — Аммо унинг йулини икки азамат тўсди.

— Ишонинглар! Мана шу ярамас уни бадном этган. Мана шу ярамас, — дедию Мадина хунграб йиғлаб юборди.

Бирпасда ҳангоматалаб оломон тўпланди.

— Исботинг борми, айт! — дейишди улар.

— Мана! Мана! Уртоғимнинг хати...

Мадина мушт қилиб олган қўлини очди. Унинг кафтида гижимланиб кетган хат ётарди.

— У ҳаммасини ёзган! Ҳаммасини!

Йигитларнинг қўлидан бало-қазодай отилиб чиққан Норин совуқ хатни энди ўқийман деб турган самоварчининг қўлидан юлқиб олдию, самоварнинг утхонасига ташлади-юборди.

— Оббо!

— Аттанг!

— Нега ёқдинг; ярамас!

Аммо шу пайт кимдир Мадинани тортди:

— Юр бу ёққа, сенга ким кўйибди бунақа ишларга аралашини!

У орқасига ўгирилиб ранг-қути учган, кузларининг ичи қон қуйилгандай қип-қизил дадасини кўрди.

— Ҳов ака! Қизингизни йиғиштириб олинг... Йўғасам... — дея Норин совуқ хунук сўкинди.

— Нима дединг! Нима демоқчисан? — отаси қайрилиб унга қараб юрди.

— Ҳай, шунга тенг бўлманг, қўйинг, Зухриддин! — оломон дадасини тинчлантира бошлади.

Шу тоб кучани титратиб келаётган раиснинг «Вилис» машинаси гийқиллаб тўхтади.

— Тинчликми?! Нимага тўпланиб турибсизлар? Далада шунча иш туриб, — раис машинадан тушмай, дағдағасини бошлади.

— Раис бува, раис бува! — Мадина машина олдига югурди.

— Ҳой, эси паст! Қайт! — бўғилиб бақирди Зухриддин ака.

— Анови Норин совуқ дугонамни ўлдирди! Ана ўша ит ўртоғимни...

— Бассс!

Мадина дадасига ҳайрон боқди, дадаси қалт-қалт титрар, лабла-ри кукариб кетган эди.

— Айбга буюрмайсиз-да раис, қизимиз сал бебошроқ... Билиб билмай... — деди у эланиб.

Шу пайт машинанинг орқа эшигидан бегона киши тушиб келди.

— Сингил, нима гап ўзи? — У Мадинага яқинроқ келиб синчиклаб тикилди.

— Э, ука! Бу овсар буп қолган, нима деяпти ўзи билмайди,— деди дадаси.

— Зухриддин ака, катта одам гап сўраганда қизингизнинг ўзи жавоб берсин-да, — деди раис машинадан тушаркан.

— Уртоқ раис, бу қизча билан холи гаплашсак. Бу ерда жиддий гап борга ўхшайди, — деди бегона киши.

— Қани, ака, қизингиз билан машинага чиқинглар-чи?!

Улар бирин-кетин машинага ўтиришди. Олдинда раис, орқа уриндиқда бегона киши, дадаси ва Мадина борар эдилар.

Тулиб-тошиб, ҳаяжонланиб гапираётган қизга термулган кишининг хаёлида Инобат эмас, балки узга фикр чарх уради: «Кузлари нақадар жозиб, кишини сеҳрлайди. Йўқ! Йўқ! Улай агар ҳаётимда бундай дилбар чехрани, мафтункор кузни курмаганман. Ё ҳушим жойида эмасми?!»

Мадина кузларини катта-катта очиб, рўпарасидаги стулда утирган уттиз беш ёшлар чамасидаги ўрта буй, қотмадан келган, қошлари сийрак, филтиллаб турган кўкиш кўзли кишига ажабсиниб қаради. Бегона киши Мадинага зимдан разм соларкан...

— Дугонангизга, унинг тоза руҳига содиқлигингиз яхши! Довюррақлигингиз яхши! Ростгўйлигингиз яхши! — деб мақтади.

Ҳўш, энди масалага келсак, модомики, хат йўқолган экан, исбот йўқ, ёмон бўпти. У хат ҳақиқатан Инобатникими, ё бошқа бирон ишқий мактубми, ким билади.

— Демак, Норин совуққа ҳеч нарса дея олмайсизлар?!

— Модомики, исбот йўқ экан...

— Иложи йўқ бўлса, мени нимага олиб ўтирибсизлар? — Мадина шарт ўрнидан туриб кетди.

— Андак сабр қиласиз.

Бегона киши чиқиб кетди.

Мадина бошини кутариб атрофга қаради. У қаерга келиб қолганини ҳовури пасаёгандан кейин англади. Бу раиснинг идораси, юмшоқ уриндиқлар, жонон жовонлар, рангли телевизор, яна алламбалолар хонада бор эди.

Ҳаял утмай эшиқдан раис, бегона киши ва дадаси кириб келишди. Мадина ялт этиб дадасига қаради. Хаёлида дадаси чўкиб, кичкина бўлиб қолгандай эди. У курсининг бир чеккасига омонатгина ўтирди. Ер остидан қизига ўқрайиб қарадию чуқур ҳўрсиниб қўйди.

Гурс-гурс қадам босиб, турга, уз жойига утирган раис бир тебраниб, пишқиргандай томоқ кириб олди.

— Зап ажойиб қизингиз боракан-а, Зухриддин ака! — деди ва Мадинага аллақандай истеҳзоли қаради. — Энди гап бундай, — давом этди у: — Сизларга озор етказмаслик учун Норинни қамаб қўямиз.

— Йўғ-ей, — чўчиб тушди Зухриддин ака. — Бир мўминни...

— Норин мўмин эмас, уч бор қамалган. Мана, бир норасиданинг бошига етибди...

— Бу нодон бола балким адашгандир, — чайналди Зухриддин ака.
— Сиз ака, ҳеч нарсадан тап тортманг, — деди раис. — Норинни қўлидан ҳеч вақо келмайди, қўрқманг.

— Нега айби булмасин! Омма олдида, мана бу маъсума қизга дағдага қилганининг ўзи кечирилмас гуноҳ, — деди бегона киши.

Мадина ялт этиб унга қаради. Унинг кўзлари умид ва ишонч ёғдуси ила пориллаб кетди. Хаёлида бегона киши ўзи азалдан билган яқин одамидай туюлди.

— Шунақа, — деди раис ҳам. — Бизни укамиз Нодирхон мунақанги Норинга ўхшаганларнинг нечтасининг думини туккан. Э-ҳа, нима деб уйлаяспизлар?

Нодир Мадинага кўз қисиб қўйди.

— Шундай-шундай, сизлар осойишта дам олаверинглар. Биз бор эканмиз, сизларга пашша ҳам озор бермайди...

Шу куни раиснинг «Вилис»и Зухриддин ака билан қизини олиб келиб қўйгани ва яна бир қоп ун ҳам ташлаб кетганлиги, Норин совуқ эса қамалганлиги қишлоқда дув-дув гап бўлиб кетди.

Интизорлик

Эшигингни занжири,
Тутмасимдан шалдирар.
Отагинангни қаҳридан
Тамоми жоним
Қалтирар.

(Халқ кўшиғи)

Қуёш олов пуркайди. Бўтана сув лиммо-лим оқиб ётибди. Мажнунтол кокиллари сувга чайиб-чайиб оляпти. Қип яланғоч болакайлар тахта кўприк устидан сувга калла ташлайдилар. Сўнгра чопиб чиқиб, қизиб ётган қумлоқ устига ағанайдилар... Шу тоб бир йигит қорабайирини етаклаб сув бўйига келди. Отни анҳорнинг ўртасига олиб тушиб, ҳавас билан ёллари тарай бошлади. От пишқириб думини силкитган эди, болалар отнинг атрофини ўраб олишди.

— Қани-қани, ким ботир? Отни чўмилтирамиз! — деди йигит қувноқ.

Тирмизакларнинг тўполонига кўниккан от тўғини кўтариб, сувни шалоплатиб қўяди-ю, баданини ишқалаётган қўлчалар хуш ёқиб, бошини сарак-сарак қилади, шунда ёллари тўлқин-тўлқин силкинади. Шу сонияда паст девордан биров мўралаб, Қорабайирнинг эгаси чақмоқдай йигитга ўгринча қараб қўйди. Йигит бу нигоҳни қандай сезди, ялт этиб ўша томонга қаради. Нигоҳлар тўқнашиб, ҳар иккисининг вужудидаги энг сирли торлар титраб кетди. Йигит қизга кўзини хиёл қисиб, бошини қимирлатиб қўяркан, отнинг бўйнидан қучоқлади. Қиз ўзини панага тортди. Йигит шимининг чўнтагидан катта қизил олма олиб, пичоқ билан бир нарсаларни ўйиб ёза бошлади-да, кейин уни оқизиб юборди. Сувда айланиб, доира ҳосил қилган олма шитоб билан оқа кетди.

— Вой, олма! — деди болалардан бири.

— Тегма! — деди тетикроғи ва Ҳотамга маъноли қараб, кўзини қисиб қўйди.

— Вой, зумраша-ей, нимани тушундинг, — деди Ҳотам унинг елкасига қоқиб.

Мадина юраги ҳаприқиб олмани тутгани чўнкайди. Олди ва ўқиди. «Гулбоғ»га к..» «Демак, Гулбоққа боришим керак!.. Аммо қачон?..» У жонхалак бўлиб, девор томон ошиқди. Гувалакка оёғини қўйиб, сойга қаради. Ҳотам жовдираб турган эди, жилмайиб қизга беш панжасини кўрсатди. Мадина кулиб бош силкидию уялиб ўзини четга олди. «Демак, соат бешга!» Кейин толга бойлаб қўйилган қувни ечиб, торта бошлади. Гув-гув этган қувнинг овози қулоғига хуш ёқиб, аста хиргойи қилди:

*Қизил гулим сўлгонига ййглайман,
Юрак-бағрим куйгонига ййглайман,
Маҳаллада шунча ййгитлар туриб...*

«Вой ўла қолай!.. Нега шу қўшиқ ёдимга кела қолди! Жинни бўлибман ўзи. Кечир, Иножон! Одам шу экан-да! Мана, сен йўқ бўлсанг-да, мени тилимга қўшиқ келмоқда?! Бу дунё нима ўзи, а?! Тушунмадим! Англамадим!»

Эшикдан бало-қазодай кириб келган ўғай, қизнинг хаёл капалакларини учуриб юборди. У бошидаги тугунни ерга тап этиб ташлаб, чойнакдаги совуқ чойни қулт-қулт ича бошлади. Сўнг уни дўқ эткизиб жойига қўйиб, отдай пишқирди:

— Обло! — деди.

«Сомонхонангга ут кетмай улсин! Пиёлага қўйиб ичса ўлармикин!» — деди Мадина ичида ижирганиб. Ўғай, сўрига утирган қуйи қизга ўшқирди.

— Ҳай, отанг қани!

— Келишгани йўқ.

— Ақалаш отангни уйламадинг-а, учма кетгур! Бино булмай, адо бўлгур!

Мадинанинг ичига титроқ кирди. Лабини тишлаб, аламини ютди.

— Нима қипман? — деди базур.

— Нима қипман эмиш-а!? Дард қилдинг, бало қилдинг, жинқирча. Сен жинқирчага ким қўйибди даъво қилишни! Норин билан тенглашиб буларканми?! Қамоқдан қочиб, отангни сўйиб кетса, биз нима қиламиз?! Ҳаҳ, шум етим-а?!

Тиззаси қалт-қалт титраб, Мадина ўтириб қолди. Сўнгра ўзига келиб, оқшоқ солиб, сутли ош пиширди. сингисининг олдига қуроқ дастурхон ёзди. Сутли ошни сузиб олдига олиб келди. Дадаси ишдан қайтмагани учун одат бўйича, сўрига дастурхон ёзилмади. Супа устида қосадаги овқатни истар-истамас ковлаб утирган сингисининг пешонасидан упди.

Мадина унинг заъфарон юзига, маъюс кўзларига боқиб эзилиб кетди. «Аяжонимнинг эркатойи! Ширингинам! Мен аямни ўрнини босолмаяпман! У киши йўқни йўндириб, мазали овқатлар қилардилар. Қўллари ширин эди. Э, худо! Нима гуноҳ қилган эдик-а».

— Эртага гўштли ош қиламиз, бугун буни еб туринг, — Мадина ичидан келаётган хўрсиниқни базур босиб, сингисини ўпиб қўйди.

Сўрида мудраб ўтирган ўғай:

— Нима деб гиншияпти? — деди.

— Гўшт деяпти...

— Маҳаллада тўй кўп, гўштни кейин оламиз.

— Маҳаллада тўй кўп бўлса, дадам гўштга пул берувдилар-ку!

— Вой, учма кегур-ей... Дадангинг пулини еб кетибманми?!
 Куча эшик очилиб, гийкиллаб ёпилди.
 — Келдийизми? Тинчликми? — угай ўрнидан бир қимирлаб олди-ю, ер тагидан хумрайиб Мадинага қараб кўйди.
 Зухриддин ака ҳорғин, хаста овоз билан жавоб қилди:
 — Ҳа, тинчлик.
 — Ҳорманг, дада, — Мадина дадасининг қўлига сув тутди.
 Дастурхон устида жимгина ўтиришди. Ҳамма уз ҳолича: угай утирган жойида мудрар, отаси дўпписини қўлига олиб, бошини қашлаб-қашлаб қуяр, Мадинанинг хаёли кучада эди; қандай чиқса экан?.. У ўрнидан турди-ю, ошхонадаги буш пақирни олиб, равона бўлмоқчи эди, дадасининг таҳдидли овозидан чучиб тушди.
 — Қаёққа?
 — Ҳовузга. Сув обкелай.
 — Бемаҳалда нима бор ҳовуз бўйида... Эрта-метан обкеласан,
 — пишқирди угай.
 Қиз буш пақирни ерга қўйган эди, даранглаб кетди.
 — Ҳаҳ, зарда қилмай, балога йулиққур!..
 — У нима деганинг! — бирдан отасининг жаҳли чиқиб кетди.
 — Зумрашангиз бир қарич бўлиб дағдага қилса, майли... Дадамнинг пулини еб кетяпсан деса майли...
 — Оббо! Тугатасанми, йўқми дийдиёингни?! Е ҳозир иккалангни ҳам... — дадаси важоҳат билан ўрнидан туриб, чойнакни бир тепган эди, суридан учиб тушиб, чилпарчин бўлди. Сочикни қурчоқ қилиб, рўмолга ўраётган укаси чинқираб Мадинага ёпишди. Угай суридан лип этиб тушди-ю, куркадай лапанглаб уйга кириб кетди. Зухриддин ака шундай чуқур уф тортдики, Мадинанинг хаёлида, унинг оғзидан тутун бурқсиб чиққандай бўлди.
 — Дадажон, мени кечиринг...
 Ота индамади, чуккалаб ёстиқни бағрига тортганича жим қотди... Чойнакнинг синиқларини тоғорага тўпалаб солаётган қизнинг қулоқлари динг эди... Кучадан от туёқларининг дупури келарди. Қани энди «сим-сим» деса-ю, девор ёрилса, Ҳотамни кўра қолса. Қорабайир Гиротга айлансаю икковларини хувва олис тоғлар ортига, хуру малаклар маконига олиб кетса... Оҳ, қани эди... Энди от уй атрофида аниқ-таниқ айлана бошлади. У кутган. Бешда бориши керак эди, боролмади. Мадина чойнак синиқлари солинган тоғорани кўтариб, эшик томон юра бошлади.
 — Қаёққа?!
 Остонада қора девдай бўлиб угай турарди.
 — Ташлаб келай.
 — Керакмас! Эртагаям худонинг куни бор.
 Тамоми жони қақшаган қиз мадори қуриб, тоғорани ерга қўйди. Нима қилишини билмай, каловланиб турди-ю, сурининг четига омонат утирди.
 — Бу нима ўтириш? Дастурхонни йиғиштир.
 Дадаси донг қотиб ухлаб ётар, уст-боши чанг-гард, ранги олинган эди.
 Бечора дадагинаси, қочиб кетса не аҳволга тушади! Сингисичи?! Э худо! Нима қилса экан? Ҳотам кетса, бу қишлоқ унга зиндонку. Мадина қўлидаги дастурхонни девор панасига қоқа бошлади. Шу пайт от дупури шундоққина ёнгинасида, девор ортидан эшитилди ва қоғоз кабутар гўзапоя ғарами устига келиб кўндию от шитоб йироқлаб кетди. Мадина кабутарни ички титроқ, тасвири йўқ безов-

талиқ билан олди-ю, шоша-пиша дастурхон қатига ўради. Уқдай учиб, ошхонага кирди. Қоғоз кабутарни ёйиб, уқий бошлади:
 «Мадинажон! Биламан! Ҳаммасига тушунаман. Иложини қилолмаган бўлсанг керак! Жуда куп кутдим. Гаплашиб олишимиз керак эди. Бориб жойланиб олай, кейин келиб сени олиб кетаман. Бирга ўқиймиз. Сен меникисан!.. Бошқа гап йўқ! Сенга кўз олайтирганнинг жони менинг қўлимда! Хеч кимдан кўрқма! Мен бор эканман, кўрқма. Гап шу! Мени кут!
 Ҳотам...»

Қисмат

Ғариблик жонимни дилгир айлади,
 Фалак бўйинима занжир бойлади.
 Оллоҳ! Қисматимни осон эт!
 Қанотсиз қуш каби кўнглим йиғлади.

Бобо Тоҳир Ҳамадоний

Саратон қўйи кўтарилиб, мазористонда ҳали тамом сарғайиб улгурмаган ут-ўланларнинг жонига қасд қилгандай, эрталабдан уларни оташ тафтига олган. Ғир-ғир эсган шабода гиёҳларни силаб-силаб ўтади. Атрофига гувалак терилиб, нишона қилиб қўйилган қабр олдида ўтирган қиз йиғлай-йиғлай тинган, унинг дардлари тупроққа ўтган. Атрофида нур каби товланиб айланаётган нимадир уни анча овутган. Хуллас, мунис юрак сокин бўлиб қолган эди: Она, бир бора бошингни кўтариб, қизинг аҳволини сўрасанг бўлмасми?.. Унинг кўнглидан нималар кечяпти, билсанг бўлмасми?.. Маслаҳат бер, Она! Нима қилсин қизгина? Кеча оқшом жигарбандинг тақдирига тушов солгани эшикларингга одам келган. Кимсан, казо-казолар! Нимага бўларди?! Уша тепакал, қаримсиқ шаҳарликка, чиннигулдай тоза гулни никоҳлаш мақсадида!.. Дадаси лом дёвмай қолди. Угай бўлса тилидан ширин ёгилиб аврайдди. Мадина ўша-ўша ужарлигида турибди. Шунақа гаплар, Она! Мадина на ерга, на кўкка сиягпти ҳозир! Уни шайтон васвасасидан қутқар! Ёмонларни инсофга қақир, мушфиқ Она!

Мозордан чиқиб, дала йўлига тушиб олган Мадина ерга боққанча оҳиста қадам ташлаб бораркан, бирдан қулоқлари динг бўлиб, танига жон югургандай, оёқларига мадор киргандай бўлди. Рўпарадан уйноқлаб, бошини бир томонга эгиб, ёлларини тўлқин-тўлқин силкитиб Қорабайир келмоқда эди...

«Ооооҳ!.. Бу туёқ овозларига бир эмас, минг жоним фидо! Ҳотам! Билардим келишингни. Хавотирланиб чопишингни. Тушингда кўрдингми? Ахир менинг тушимда ҳам, ўнгимда ҳам сенсан. Сен... Сен...»

Мадина ҳаллослаб югурди. Қирқ кокили ўндан олдин учгиси келгандай, белидан буралиб олдинга интилди... Аммо от устида Ҳотам эмас, унинг дадаси Акбар чавандоз келарди... Мадина бир қалқиб тўхтади-ю, от туёқлари остига тушиб кетишига сал қолди. Кучани чангитиб Қорабайир ўтиб кетди. Минг бир жони сув бўлиб оққан қизнинг кўз олди қоронғиланиб кетди.

— Мадина? Нима қилиб турибсан?!
 У индай олмади.

— Вой, учма кегур—ей... Дадангинг пулини еб кетибманми?!
 Куча эшик очилиб, гийкиллаб ёпилди.
 — Келдийизми? Тинчликми? — угай ўрнидан бир қимирлаб олди-ю, ер тагидан хумрайиб Мадинага қараб қўйди.
 Зухриддин ака ҳорғин, хаста овоз билан жавоб қилди:
 — Ҳа, тинчлик.
 — Ҳорманг, дада, — Мадина дадасининг қўлига сув тутди.
 Дастурхон устида жимгина ўтиришди. Ҳамма уз ҳолича: угай утирган жойида мудрар, отаси дўпписини қўлига олиб, бошини қашлаб-қашлаб қуяр, Мадинанинг хаёли кучада эди; қандай чиқса экан?... У ўрнидан турди-ю, ошхонадаги бўш пақирни олиб, равона бўлмоқчи эди, дадасининг таҳдидли овозидан чучиб тушди.
 — Қаёққа?
 — Ҳовузга. Сув обкелай.
 — Бемаҳалда нима бор ҳовуз бўйида... Эрта-метан обкеласан,
 — пишқирди угай.
 Қиз бўш пақирни ерга қўйган эди, даранглаб кетди.
 — Ҳаҳ, зарда қилмай, балога йулиққур!..
 — У нима деганинг! — бирдан отасининг жаҳли чиқиб кетди.
 — Зумрашангиз бир қарич бўлиб дағдага қилса, майли... Даданинг пулини еб кетяпсан деса майли...
 — Оббо! Тугатасанми, йўқми дийдиёингни?! Е ҳозир иккалангни ҳам... — дадаси важоҳат билан ўрнидан туриб, чойнакни бир тепган эди, суридан учиб тушиб, чилпарчин бўлди. Сочикни курчоқ қилиб, рўмолга ўраётган укаси чинқираб Мадинага ёпишди. Угай суридан лип этиб тушди-ю, куркадай лапанглаб уйга кириб кетди. Зухриддин ака шундай чуқур уф тортдики, Мадинанинг хаёлида, унинг оғзидан тутун бурқсиб чиққандай бўлди.
 — Дадажон, мени кечиринг...
 Ота индамади, чуккалаб ёстиқни бағрига тортганича жим қотди... Чойнакнинг синиқларини тоғорага тўпалаб солаётган қизнинг қулоқлари динг эди... Кучадан от туёқларининг дупури келарди. Қани энди «сим-сим» деса-ю, девор ёрилса, Ҳотамни кўра қолса. Қорабайир Гиротга айлансаю икковларини хувва олис тоғлар ортига, хуру малаклар маконига олиб кетса... Оҳ, қани эди... Энди от уй атрофида аниқ-таниқ айлана бошлади. У кутган. Бешда бориши керак эди, боролмади. Мадина чойнак синиқлари солинган тоғорани кўтариб, эшик томон юра бошлади.
 — Қаёққа?!
 Остонада қора девдай бўлиб угай турарди.
 — Ташлаб келай.
 — Керакмас! Эртагаям худонинг куни бор.
 Тамоми жони қақшаган қиз мадори қуриб, тоғорани ерга қўйди. Нима қилишини билмай, каловланиб турди-ю, сурининг четига омонат утирди.
 — Бу нима утириш? Дастурхонни йиғиштир.
 Дадаси донг қотиб ухлаб ётар, уст-боши чанг-гард, ранги олинган эди.
 Бечора дадагинаси, қочиб кетса не аҳволга тушади! Сингисичи?! Э худо! Нима қилса экан? Ҳотам кетса, бу қишлоқ унга зиндонку. Мадина қўлидаги дастурхонни девор панасига қоқа бошлади. Шу пайт от дупури шундоққина ёнгинасида, девор ортидан эшитилди ва қоғоз кабутар гўзапоя ғарами устига келиб кўндию от шитоб йироқлаб кетди. Мадина кабутарни ички титроқ, тасвири йўқ безов-

талиқ билан олди-ю, шоша-пиша дастурхон қатига ўради. Уқдай учиб, ошхонага кирди. Қоғоз кабутарни ёйиб, уқий бошлади:
 «Мадинажон! Биламан! Ҳаммасига тушунаман. Иложини қилолмаган бўлсанг керак! Жуда кўп кутдим. Гаплашиб олишимиз керак эди. Бориб жойланиб олай, кейин келиб сени олиб кетаман. Бирга ўқиймиз. Сен меникисан!.. Бошқа гап йўқ! Сенга кўз олайтирганнинг жони менинг қўлимада! Хеч кимдан кўрқма! Мен бор эканман, кўрқма. Гап шу! Мени кут!
 Ҳотам...»

Қисмат

Ғариблик жонимни дилгир айлади,
 Фалак буйинима занжир бойлади.
 Оллоҳ! Қисматимни осон эт!
 Қанотсиз қуш каби кўнглим йиғлади.

Бобо Тоҳир Ҳамадоний

Саратон қуёши кўтарилиб, мазористонда ҳали тамоми сарғайиб улгурмаган ўт-ўланларнинг жонига қасд қилгандай, эрталабдан уларни оташ тафтига олган. Гир-гир эсган шабода гиёҳларни силаб-силаб ўтади. Атрофига гувалак терилиб, нишона қилиб қўйилган қабр олдида утирган қиз йиғлай-йиғлай тинган, унинг дардлари тупроққа ўтган. Атрофида нур каби товланиб айланаётган нимадир уни анча овутган. Хуллас, мунис юрак сокин бўлиб қолган эди: Она, бир бора бошингни кўтариб, қизинг аҳволини сўрасанг бўлмасми?... Унинг кўнглидан нималар кечяпти, билсанг бўлмасми?... Маслаҳат бер, Она! Нима қилсин қизгина? Кеча оқшом жигарбандинг тақдирига тушов солгани эшикларингга одам келган. Кимсан, казо-казолар! Нимага бўларди?! Уша тепакал, қаримсиқ шаҳарликка, чиннигулдай тоза гулни никоҳлаш мақсадида!.. Дадаси лом девлмай қолди. Угай бўлса тилидан ширин ёғилиб аврайди. Мадина ўша-ўша ушарлигида турибди. Шунақа гаплар, Она! Мадина на ерга, на кўкка сиёяпти ҳозир! Уни шайтон васвасасидан қутқар! Ёмонларни инсофга қақир, мушфиқ Она!

Мазордан чиқиб, дала йўлига тушиб олган Мадина ерга боққанча оҳиста қадам ташлаб бораркан, бирдан қулоқлари динг бўлиб, танига жон югургандай, оёқларига мадор киргандай бўлди. Рўпарадан уйноқлаб, бошини бир томонга эгиб, ёлларини тўлқин-тўлқин силкитиб Қорабайир келмоқда эди...

«Оооо!.. Бу туёқ овозларига бир эмас, минг жоним фидо! Ҳотам! Билардим келишингни. Хавотирланиб чопишингни. Тушингда кўрдингми? Ахир менинг тушимда ҳам, унгимда ҳам сенсан. Сен... Сен...»

Мадина ҳаллослаб югурди. Қирқ кокили ундан олдин учгиси келгандай, белидан буралиб олдинга интилди... Аммо от устида Ҳотам эмас, унинг дадаси Акбар чавандоз келарди... Мадина бир қалқиб тўхтади-ю, от туёқлари остига тушиб кетишга сал қолди. Кучани чангитиб Қорабайир ўтиб кетди. Минг бир жони сув бўлиб оққан қизнинг кўз олди қоронғиланиб кетди.

— Мадина? Нима қилиб турибсан?!
 У индай олмади.

— Мазанг йўқми?! Вой, қизим-ей! Мунақа бебош бўлма-да, қизим. Аҳволингга қара! Рангинг бир аҳвол! Ётиб қолсанг нима бўлади?

Ўзларидан нур ёғилиб турган бу муътабар кишини кўриб, Мадина узини тутиб туролмади.

— Домла! Домлажон, — дедию ёш боладай хўнграб йиғлаб юборди.

— Она қизим! Ширмой қизим! Ақлли қизим! Худонинг ночор бандаси бўлсак, кўнмай иложимиз қанча?! Ўзинг уйла, улганларни қайси бири ёмон-а?! Бўлди-бўлди! — Домла меҳрибонлик билан Мадинанинг пешонасини силади. Мадина хўрсина-хўрсина йиғидан тўхтади. Кўнгли бўшаб, чеҳраси очилди.

— Ким хафа қилди, ойдин қизим?!

Кўзларини қўли билан сийпалаган қиз қилган ишидан хижолат тортиб:

— Узим, — деди.

Кейин сеvimли муаллими Абдулҳамид домлага ер остидан миннатдор қаради.

— Ана... Ана бу бошқа гап! — домла жилмайди, — Майли уйларингга бор. Ўгай-ўгай-да, мурсою мадора қиласан-да. Лекин кечки пайт синглингга олиб, бизни кел! Опангам уйда бўлади. Сен билан гаплашадиган гапим бор. Иншооллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади. Кўрмагандай бўлиб кетасан. Хўпми, ой қизим.

Мадина бош силкиди.

Шовуллаб ётган сув Мадинани хушига келтирди. У ўша таниш жийдазорга, сеvimли гўшага келиб қолган эди. Ана, хув ўша тош... Унга Ҳотамнинг номи, узининг номи ёзилиқ. Қиз бориб, тошни авайлаб сийпалади. Ёзувларга чанг кўниб, хира тортиб қолибди. Артиб кўйди. Шу пайт орқадан чирт этиб, тупурган овоз келди. Мадина ўғирилди-ю, аграйиб қолди. Хуши учиб, тили танглайига ёпишди.

— Паризод, нима қилиб юрибдилар бемаҳалда?!

Тепасида Норин совуқ тиржайиб турарди. Унинг яғри чиқиб кетган куйлагининг олди очик. Шимини тиззасигача шимариб олган. Қайишига осиглиқ катта пичоғнинг қини ўйнаб турибди. Дўрдоқ лабларининг чети оқарган. Мадина бурнини жийириб, четга қараб олди.

— Сани аҳмоқ десам, ақлинг борақан! Балосан, бало! Бодринг билан ичи тушган қовуннинг фарқига бораркансан! Хи-хи-хи! Анови хотинчалиш, эзмага тегмайман деб бошлабсан! Ушайам эркакми-я! Хунаса-ку.

Мадина жони ҳалқумига текилиб, нима дейишни, нима қиларини билмай қолди. Анов шаҳарлик совчи куйганини бу ит қаердан билибди?! Нега бу ярамас очикда юрибди?! Мадина шоша-пиша жўнамоқчи бўлди.

— Тўхта! — Норин унинг йўлини тўсди. У яқин келган сари қиз орқага тисариларди. — Қочма! Уйнашинг менинг калламни олмоқчи бўпти... Мени каллам жа қиммат туради. Ҳотамга ўхшаш жўжаларнинг патини юлиб, терисига сомон тикаман, билдингми? Мана, қамқондан қутулдим! Анови Абдулҳамид домланг ҳам, Ҳотамнинг ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Раиснинг ўзи айтди: — Бор, яллонгни қилавер, Зухриддиннинг қизи гапимизга кўнмади!.. Сен озодсан, деди. Шунақа! Яримтани ўша ҳезимкаш билан ичдик. Хи-хи-хи. Унинг гапириши хотинча десам, кулиши, арақ ичишим хотинча. Нимага ҳезимкаш ким деб сўрамаяпсан?! Нимага?! — Норин муштини Мадинанинг иягига яқин олиб келиб, нуқиди.

— Лекин муҳимроқ ишим бор. Тошкентга кетишим керак. Шошиляпман. У ерга бориб анови шумтакани топишим керак. Ҳисоб-китоб қилишим керак.

Мадинанинг вужудига титроқ кирди. «Бу ҳайвон нима деяпти?! Тошкентда нима қилади?! Ҳезимкаш деб-ку, анови совчи куйган кишини айтаётгандир. Шумтака ким? Наҳот Ҳотамни айтаётган бўлса?! Э, худо! Яна қандай кўргилик кутяпти мани?!»

— Нимага жимиб қолдинг?!

— Тошкандан нима қиласиз? — юмшаб сўради Мадина.

— Боракансан-у, жонидан. Тошкандан нима қилардим, ўша Ҳотамни топиб, жодуга кўйиб қиймалайман!.. — Норин заҳарханда кўлди.

— Жон, Норин ака! Мана мени жодуда қиймаланг! Қопга солиб дарёга ташланг! Тоғ устидан итариб юборинг! Айб менда! Мен гуноҳкор!..! Мени кечиринг! Жон, Норин ака, Ҳотамга тегманг!

— Во-вуй! Булбўл бўлиб кетдинг-ку?! Уша тирмизакни шунча яхши кўрасанми? Мард қиз экансан! Юзта эркак сани олдингдан утаверсин... Лекин... бўлмайди, мен ҳисоб-китоб қилишим керак?! Ўгил бола гапим шу?!

— Бераҳм! Бағритош! Абдулҳамид домлага айтаман, сени яна турмада чиритади.

— Бор! Бора қол... Овғингни қўлингга олиб югур! Домланг қоғоздафтар олиб, устимдан шикоят ёзиб боргунча, Ҳотаминг у дунёда бўлади.

Мадинанинг қўлоғи шангиллаб кетди. Учдимми, ё фаришталар қанотида олиб келдимми, билмайди... Фақат, ўгай унга эси оғиб текилиб қолганини билади, холос.

— Розимисан?! Шаҳарлик каттаконга-я?! Вой, ақлли қизим-ей! Дадангга айттайми?! Ҳозир бориб раисга айтсинми?! Бўпти-да! Дадангга раҳм қилсан-да! Шурлик дадангам эл-юртга қўшилиб, иззат-икром кўради энди...

Мадина қаргандай қагиллаётган ўгайга қараб турди-ю, кўз олдини туман босди, туман ичида гўё тамоми жонидан тутун бурқ сиётгандай Норин совуқ тиржайиб, унга яқин кела бошлади, унинг қўллари узидан кура узун, панжалари йиртқич ҳайвоннинг панжалари сингари беўхшов, туқли, тирноқлари қайрилма эди. Шу қўллар уни бўға бошладию у чинқираб юборди ва гурсиллаб ерга йиқилди... Ҳушига келиб кўзини очганда, дадаси бошида ғамгин утирарди.

— Нима бўлди, қизим?!

— Раисга бориб айтдингизми?!

— Керакмас! У сенинг тенгинг эмас!

— Розиман! Қишлоқ жонимга тегди! Ҳозироқ бориб айтинг.

Ва ўзларини беркитиб, буркаб олди кўрпага.

Бандидан узилган олма

Фурқатингдин кечалар ўртар
мени бахти забун,
Гуйие мен бир ёнар ўтмен,
қоронгулиқ тутун...

Алишер Навоий

Нодир Собиров вилоят рўзномасида мухбир бўлиб ишлар эди. У муҳим шахс бўлиб, шамолнинг эсишига қараб, мувозанатини ўзгартирадиган «хўп-хўпчи» эди. Қўлини кўксига қўйиб, бошлиқларга қўллуқ қилаверганидан костюмининг олди ярқираб кетган, булар бўлмасга илжайверганидан чаккаларини ажин қоплаб кетганди. Қишин-ёзин катта гардишли шляпасини ечмасди. Чунки бошининг ўртаси яйдоқ бўлиб, тўпланган қат-қат тери кўнгили айнитар даражада эди. Бошлиқнинг имосини илғаш билан овора кўкиш кўзлари доим уйнаб тургандай. Тўти бурни кўп шамоллаганидан доим қизарган. Боринки, жуссаси кичкина бу одам катта-катта қадам ташлаб, бошини ликиллатиб, оёқларини гавдасига мослаб арава юриш қилганидан «Липпилахон» деган лақаб олган эди. «Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор, ёр-ёр», деганларидек, фарзандсизлик тўфайли хотинидан ажрашган бу кимсага бизнинг Мадина рупара бўлиб ўтирибди.

Ушанда Мадинани кўрдию Липпилахоннинг танасига ўт кетгандай бўлди. Тунлари бедор «оҳ» чекадиган, кўнгли тўлиб ёш боладай кўзига ёш оладиган бўлиб қолди. Шу кизни олиб бер деб, ошнаси бўлмиш раиснинг этакларига ёпишиб олди. Бу ҳаракатини у қишлоқ кизи бўлмиш Мадина учун мурувват деб билар, чунки косаси оқармаган кетмончининг кизи учун, келажаги дала машаққати билан боғланган мушфиқ учун шаҳарга, яна обрўли рўзномачига қаллиқ бўлиш қутилмаган бахт деб билар эди.

Нодир Мадинани қачонлардир олиб қўйган ҳар доим берк турадиган шаҳар четидаги икки хонали уйига тушириб олиб келди. У отасидан қолган ҳовлида иниси билан бирга турарди. Туллаган сигирдай бўлиб қолган келини олдига ҳилвадай, ёшгина зебо Мадинани олиб боришни ўзига эп кўрмади. Танишлари, ишхонадагилар унга ҳасад билан қарашаётганини фаҳмлар, ўзини эса ўн саккиз яшар йигитчадай ҳис қилар эди.

— Келин қалай? Жа бошлаб гўнчасидан ўздийиз-да, — деди курсисининг рўпарасида ўтирадиган ҳамкасби оғзининг суви қочиб. — Бизам юрибмиз-да, ҳануз битта хамакни ҳидлаб.

Бундай гаплар Нодирни эритиб юборар, оғзининг таноби қочиб, лабини йиғиштиролмаб қоларди. У тезроқ-тезроқ кун ўтишини худодан тилар, авваллари зип этиб ўтадиган вақтнинг имиллаб ўтиши энсасини қотирар эди. Тунда эса, у бу ёш келинчак олдида булбугўёга айланар эди:

— Кўзингни оч, гулгунчам! Одам боласи ҳам шунчалик кўхлик бўладими?! Дарё буйларидан олиб қочган оҳугинам! Излай-излай топган дуру-гавҳаргинам! Кўзингни очсанг-чи?! — дер эди Нодир Мадина пойида ёлвориб, — бўлди-да, энди... Кел, ноз қилма! Кел энди! Жоним, жонгузорим!..

Мадина эса оқ чойшабни юзига тортиб, антикиб-антикиб йиғлар, қирқ кокил эса ўрин узра тўлғонар эди.

Ёлғиз қолган Мадинани уй ютаман дер эди. Деворда Эрон

гиламлири, герман жавонлари, юмшоқ ўриндиқлар. Оппоқ ҳарйр пардалар. Биллур идишлар. Бундай буюмларни Мадина аввал тушида ҳам кўрмаган эди. Жавоннинг ойнасидан бир жувон унга маъюс, уйчан қараб турарди. Бу Моҳижохоннинг бошида япон рўмол, эгнида сув пари қўйлак, жиякли олмос лозим, оёғида юмшоқ, ноёб шиппак. Ранглари хиёл оқарган. Юпқа лаблари хиёл титраётгандай. «Ким булди бу?!» — деди Мадина, кейин истеҳзоли жилмайиб: «Ўзингни танимаяпсанми, Мадинабону?! Туппа-тузук бойвучча бўлиб қопсан-а?!» — деди ўзича ва киприклари тутатишиб, хаёл сели фарқ қилди уни... «Кўзларингни севаман сени... Одамни улдираман дейди. Олов борга ўхшайди. Шунақаям қора бўладими бу кўзлар. Қараганимда кўзим тиниб кетади, Мадина! Агар сени... сени биров оламан деса, соғ қўймайман. Қўлини тегишиш у ёқда турсин! Билдингми?!»

Мадина диванга ўтириб, юзини ёстиққа босди. «Оламан деса эмиш-а?! Расво бўлдим-ку, Ҳотам!.. Майли энди сен омон бўл! Айб менда! Мен рози бўлсам, то тўй бошлангунча сен келасан, ё мен поездга осилиб узоқ бўлса ҳам сени топиб бораман дебман... Бугун жавобини олиб, индинига тўй қилишларини билмабман. Ғафлатда қолдим. Адойи тамом бўлдим! Майли энди сен омон бўл. Одамлар шунчалик номард, шунчалик ноинсоф эканлар. Ҳали сен бир бахтли кизга уйланасан... Бахтиёр яшарсан! Эркаклар чидайверади... Мана, мени отам ўша алвасти билан ҳам бинойидек яшаяпти-ку! Шунақа! Сен ҳам кўникиб кетасан! Мен эса қўш бўлиб сен яшаётган уй осмонида парвона бўламан. Сенинг буйларингни кўриб, сенинг пайваста, туташ қошларингни кўриб, жонимга пайванд овозингни эшитиб, сўнг таскин олиб учиб кетаман...

Учиб кетаман.

Ғамгин манам, ғамгузорим қайдадир,

Дилгир манам, дилхирожим қайдадир.

Ҳотам, сен билан қайта учрашиш насиб булармикин?.. Шу илинжим холос! Тўйдим шекилли, бу дунёдан! Тўйдим...

Лаболаб дарё оқар,

қирғоқ узра мен ташна,

Кўзларимдан дард оқар,

қаерда қолдинг, ошна?!.

Қушлар ҳам жүраси-ла,

учмоқда эркин-ўқтам,

Мен ғарибга армондир,

буйингни кўриб ўлсам...

Изтироб

Ишқ сиррин неча кунглум,
ичра пинҳон асрасам,
Ҳам кунглум ути забона
чеккач, элга фош эрур...

Алишер Навоий

Ҳар тукидан ҳовур кутарилаётган от бурун катаklarини кериб қаттиқ кишнади, ер депсиниб йигитнинг йулини тусиб чиқди ва кундаланг туриб олди. Ҳотам ҳарчанд уринмасин, йул бермади. Ачиги чиқиб уриб юборди. От эса қайсарлик қилиб, икки оёғини баланд кутариб, қаттиқ кишнади. Ҳотам ўзига келиб, отнинг саргинини силади: «Хафа булма, қорабайирим... Жинни бўлиб қопман. Жинни. Ҳеч бўлмаса сен менга раҳм қилсанг-чи?! Азобдан қутулай. Жоним ўртаниб кетди. Нима қилай ахир ҳаммаси уша бевафони эслатса! Айт, нима қилай... Мана бу соқов тошлар ҳам... Дарахтлар ҳам... Қишлоқнинг ҳар бир гўшаси, йўлаги ҳам... уша бевафони эслатса? Қушлар унинг овозига ўхшатиб қуйласа?... Сойлар унинг кулгиси каби жилдираб оқса!.. Нима қилай?! Айт, Қорабайирим?... Ҳеч булмаса, сен раҳм қил... Сен қалбимни тун... Сен... Сен... Сен мени тушундингми, Қорабайирим? Ўзинг ақллисан, ақдлигим», деб унинг қаншарини силади. Силаб туриб, қўллари онаси тикиб берган туморга тегди. «Онажон! Сиз бу туморни боламни бало-қазодан асрасин» деб тақиб қўйгансиз, билламан, мени деб юрибсиз бу ёруғ дунёда. Келин тушурсан, ҳовлининг ўртасига ўт ёқиб, келинимнинг ўт атрофида айланишини кўрсам деб орзу қиласиз. Тун-кун менинг қош-қовоғимга қарайсиз. Болам-бутам деб парвона бўласиз!.. Мушфиқинам! Муштипарим!.. Сиз билан дадам бир уйда икки бегона! Бир-бирларингга қулиб қараганларингни билмайман. Шуюм ҳаётми, ахир?! Шуюм умид билан оила қуришми, ахир?! Мажбурий хизматга кесилган одамнинг хизматини ўташидай гап, ахир! Сизларнинг кун қуришларинг... Уртада мен тилмоч эдим. «Даданга айт, уни қилсин, аянга айт, буни қилсин»... Сиқилиб кетардим... Томоғимдан овқат ўтмай қоларди, сизларнинг дастурхон устида ўтиришларингни кўриб... Мен бошқача яшашни орзу қилардим... Севиб, севилиб турмуш қурмоқчи эдим. Ҳаммаси барбод бўлди, барбод... Онажон, кечиринг, бир бевафони деб шунча сизга қон юттирдим! Юзингизга, жовдираган кўзингизга қарамадим!.. Ҳозир ҳузурингизга етиб бораман! Оёғингизга йиқилиб, уэр сўрайман! Етар! Бас!»

Ҳотам соҳилга тушиб, юз-қўлини ювди. Ҳовучлаб сув ичди. Ҳовури босилиб, ичи ёришгандай бўлди, сувга тикилиб жим қолди.

— Бормисан, хўроз?!

Ҳотам чўчиб тушди. Ялт этиб орқасига қаради.

Не кўз билан курсинки, рўпарасида намланган дурдоқ лабларини осилтириб, Норин совуқ турарди.

— Қамокдан қочдингизми?!

— Қайси занғар мени қамокда деди?

Норин совуқ қўйнидан учи ялтираб турган ойболтани олиб, Ҳотамнинг тумшугига тегизди.

— Ол, қўлингни?!

— Нега сенсираяпсан, жүжахўроз?..

— Сен одам эмассан...

Норин чирт этиб бир четга тупурди-ю, хохолаб кулди.

— Сенлар одамсан, Сен гўсхурлар мени қамокда деганингда мен маза қилиб, Тюменда пул ишлаб юрувдим. Устига хўжайин яна уч минг берди.

— Қайси хўжайин?!

— Сани ойимчанг катталарга керак бўлиб қопти. Улар менга: «Мана шу оҳуни қул-оёғини боғлаб беру, кейин қандингни уравер», — дейишди.

— Кимни? Мадинаними?!

— Вой-воей!.. — тамшанди Норин. — Узиям нақ лаққа балиқ эди-да!

— Гапир! Кейин нима бўлди! Мадинага нима бўлди кейин?!

— Шу сени ўлдираман қизалоқ десам, «Ўлдиравер, кўркмайман», — дейди. Вой, хумпарнинг боласи-ей!..

— Зап хонаси келганди-ю...

— Аблах!..

— Қўлингни югуртирма, болакай! Ўзинг тилимни қичитдинг... айтаяпман.

— Урдингми уни, ярамас?

— Уни осонгина қўлга туширдим!.. Каллам баъзан ишлаб қолади... Майли дедим, сен бориб тапнингни уравер, ё молнингни соғавер, дедим. Бугун Тошканга кетаяпман. У ерга бориб, Ҳотамни топиб, калласини олиб, қопга солиб сенга совға қилиб олиб келаман дедим...

— Нима ҳақнинг бор эди шўрлик қизни аврашга?

— Ўпкангни бос, бир урсам энангни Бешарикдан кўрасан.

— Бечора Мадина! Мен учун узини қурбон қипти? Ўлдираман! Ўлдираман, сени, одамхўр!

Ҳотам жон-жаҳди-ла унга ёпиша кетди. Норин совуқ унинг қўллари бир силтаб, ёқасидан бўшатди-ю, ерга ағдариб, қўлини боғлай бошлади.

— Акажон деб ялинсанг қўйвораман! — хунук хиринглади у.

— Ҳайвон, нима қиляпсан?!

Шу лаҳза Қорабайир қаттиқ кишнади.

— Сени Тоҳир каби дарёга оқизаман. Мадинанг эса Зухро каби дарё бўйида соч ёйиб йиғлайди. Қорабайирингни эса сўйиб, қазни қиламиз.

— Ит экансан!

Норин унинг оёғини ҳам боғлаб бўлиб, ўзи томон ағдарди.

— Қалайсан? Пати юлуқ товуқ! — деди-ю, тепа кетди: — Мана бу эшак деганинг учун, мана бу ит деганинг учун... Мана бу...

Аммо сунгги гал гарданидан туни билан қўшиб тишлаган от уни кутариб отиб юборди. Нориннинг оёғи ҳавода муаллақ қолди...

Қафасдаги қушча...

Кўнглунг истар ёрлар бирла
ҳамиша шод бўл,
Мендину кимдинки кўнглунг
истамас, озод бўл.
Алишер Навоий

Қадам товушлари... Кимники бўлдикин? Наҳотки у?! Жони чиқиб

кетмаса эди... Кунгироқ жиринглади, етти қават ернинг тагидан гул-дираб келётгандай.

— Ким?!

— Менман, Мадина! Оч.

«Вой, у-ку!»..

— Нега жим қолдинг?! Танимаяпсанми? Мадина...

Вужуди қимирласа, жони товонидан чиқиб кетарди, деворга ёпишиб қолгандай эди, қимирлай олмасди.

— Мадина! Мен Ҳотамман. Бир оғиз гапим бор.

Яна индай олмади. Фақат пиқ-пиқ йиғлар, упкасини боса олмасди.

— Норин совуқ ҳамма гапни айтди!

— Куйинг керакмас. Мен тамом бўлганман энди. Адо бўлганман!

— Мадина, жоним! Бундай дема. Айб сенда эмас!..

«О, юзи шувут эшик... очила қолсанг бўлмасми?! Икки ташна дилни дийдорига туйдира қолсанг бўлмасми?» Узун оҳ саси Мадинанинг ичини куйдириб юборгудай эди. Аммо очмади, очолмади. Қай юз билан унга қуринади энди? Мадина эшикка беҳол бошини қуйди.

— Мадина, Норин совуқ ўлди! Инобатнинг ҳам, сенинг ҳам учингни Қорабайир олди!

— Наҳотки?

— Ҳа, жазосини топди. Оч, жоним.

— Йўқ. Ҳолим йўқ! Сенга рўпара бўлиш менга азоб! Азоб... — у яна йиглаб юборди.

— Йиғлама, жоним, йиғлама... Шуни билки, сенсиз менга ҳаёт йўқ!... Узингни ҳам, мени ҳам адо қилма!

— Йўқ-йўқ. Бу мумкин эмас. Мумкин эмас, — деб узини ичкари урди.

— Мадина, йиғлама, бупти! Мен кетаман! Мана кетдим.

У кетди, қадам товушлари ҳам эшитилмай қолди. Ва Мадина беихтиёр эшикни очиб қаради. У йўқ эди.

Томоғига бир ҳовуч мурч ёпишиб қолгандай жазиллаб кетди. Қўзларига тутун тулгандай ачишиб, ёш тирқираб кетди. Кунгли беҳузур бўлган Мадина бир ўқчиди-ю, деворга суюниб қолди. Куз шамол осмон узра паға-паға булут карвонини ҳайдаб ўтмоқда эди. Бандидан чирт-чирт узилиб тушаётган барглр Мадинанинг пойида жон бераётгандай... Аммо унинг на табиат билан, на дунё билан иши бор. Хаёлининг қалдирғочлари «Ҳотам, Ҳотам, Ҳотам» дея чарх урарди.

Паришонлик

Ақл ёр улсайди, тарки
ишқи ёр этмасмидим
Ихтиёр улсайди роҳат,
ихтиёр этмасмидим...

Фузүлий

Нодир эшикка калит солиб оҳиста очди. Оёқ учида юриб ош-хонага ўтди. «Овқат қилмабди. Ёмон эркаландилар-ку, хонзодамиз! Савил бемаъни йиғилишларам жонга тегди-да. Вақтли келсам, узим бирор нима пиширардим. Кунгли айниб, бирор нарса

тотмай ётган бўлса-я! Бошқоронгилик шунақа бўларкан-да! Илоҳи рост бўлсин. Паризодим ўғил туғиб беради ҳали. Мен ҳам тўйлар қиламан. Эл-юрт олдига дастурхон соламан. Бола туғилса уйга боғланиб қолади. Болага меҳр қўйса, менгаям...»

Нодир чойнакни кўтариб, совуқ чойни симирди. Ётоқхонага кирди. Тунги чирокнинг хира нури хонани гира-шира ёритар, хоб-сурида оппоқ чойшабга уралиб Мадина ётар, унинг ипақдай муллоим, кунғир қора, учлари жингала-жингала сочлари ёстиқ узра ёйилган эди. Деразадан тушиб турган ой шуъласи эса нақ нақшин олмадай рухсорида уйнардди.

Нодир хотинига узоқ суқланиб қаради. Унинг юзларига лабини қуйиб, кучмоқчи бўлди-ю, аммо эҳтиросини босди. Уйғотишга кунгли бўлмади. «Майли, дам олсин, қийналяпти бечора». Сунг ширин орзуларга чўмган ҳолда эҳтиётлик билан хобсурига қузилди.

Шу орада Мадина ингради, безовта бўлиб тулганди. Ёнбошига ағдарилган эди, устидаги чойшаби сирғалиб тушди. Устини ёпиб қуймоқчи бўлган Нодирнинг қўллари оловга теккандай келди. «Об-бо, ёнпоти-ку! Иситмаси баланд-ку!» У телефон олдига келди. Телефон дастасини кўтарди-ю, яна иккиланиб жойига қуйди... «Йўқ, духтир келиб укол қилса, кейин болага таъсир қилса-чи?! Йўқ».

Яна сурига келиб утирди. Мадинанинг лаблари қуруқшаган, юзлари анорга айланган эди. У бетоқат лабини тишлади ва инграб сузландими, Нодир англамади. Сергакланиб, ўрнидан турдию хотини устига келиб энгашди.

Мадина алаҳсирайи бошлади. «Кетма, жоним, кетма! Сени соғиндим!.. Кел, жонгинам! Мунча қўлларинг иссиқ?... Жоним, олиб кет мени. Олиб кет! Чидолмайман! Ўлиб қоламан! Ҳота-а-ам!»

— Нима?! — ўкириб юборди Нодир. — Қанжиқ! Ҳали сен менинг йўғимда... — Унинг қўз олди қоронғилашиб кетди. Ва бирдан қўз олдида ажрашиб кетган хотини гавдаланиб келди. Унинг хирқироқ товуши қўлоқлари остида шанғиллади: «Менинг димоғимни сассиқ дейсан, кўрпани ёқа қилиб ётаман дейсан! Бола туғмадинг дейсан?! Сен шумшук, товуқмижоздан фарзанд туғилармиди?! Мени урнимда бошқа хотин бўлса, уйнашидан орттириб туғиб берарди. Унда сен уша ҳаромини болам деб юз-кўздан ўлиб юраверардинг! Ҳе, эркак бўлмай кет!» Тамоми жони безгак тутган одамдай қалтираб кетган Нодир Мадинанинг устидаги чойшабни иргитиб ташлади. Елкасидан даст кўтариб утиргизиб қуйди.

— Касофат, бола кимдан? Айт?! Нимталаб ташлайман! — деб бақирди ва унинг томоғидан бўға бошлади.

Мадина уйғониб бўшанишга уринди.

— Вой, қуйиб юбор, кетаман! Сен ёмон кўрсанг менам ёмон кураман, қуйвор!

— Нима дединг, фоҳиша.

Нодир унинг қўлоқ-чеккасига мушт туширди. Хобсуридан учиб кетган хотинининг рўпара келган жойига тепаётган Нодир одамлик қиёфасидан чиқиб, нима деб сўкаётганини ўзи билмас, фақат «Мана сенга, мана сенга» деб ҳансираб эди. Гоҳ Мадина, гоҳ курсиларни, гоҳ жавон устидаги буюмларни олиб тепкилади. Ахийри уриб-уриб ўзи чарчади шекилли, бўшашиб курсига ўтириб қолди. Шу тоб эшик кунгироғи жиринглаб, кимдир дунга ҳам сабри етмай эшикни дукуллата кетди.

— Ҳой, оч, очинг.

Нодир урнидан туриб, Мадинанинг олдига бормоқчи, кўтариб

сўрига олмоқчи эди, оёғига чилп-чилп нимадир ёпишгандай бўлди. Қараб сесканиб кетди... Сочлари тўзғиб, бетлари моматалоқ бўлиб кетган Мадинанинг афтини таниб бўлмас эди. Нодир беихтиёр сочини чангаллаб қолди. «Нима қилиб қўйдим?» деди ўзига-ўзи. У Мадинанинг олдига чўккалади. «Нимага йиғламаяпти?! Нимага дод демаяпти?!»

У ёқдан қисташади:

— Оч эшикни! Оч!..

Эшик қаттиқ дуқирлаб, зинада гала-говур кўтарилди. Нодир йулакка чиқиб, чирокни ёқди.

— Оч эшикни, аблаҳ! Булмаса милицияга хабар берамиз!

Кимдир эшикни тепа бошлади.

Нодир каловланиб эшикни очди. Бир-икки хотин уни итариб юборгудай бўлиб ичкари отилди. Кейин ҳаммаси тушда кечгандек тез ўтди. Ким хобсурида ўтган Мадина устида парвона, ким телефон дастагини кўтариб, тез ёрдам чақирар эди. Улар нима деб шангиллаяпти, Нодир эшитмас, қулоғи том битиб, кўз олдини туман қоплаб борарди.

Юрак ноласи

Банд улголики, зулфи паришонадур кўнгул,
То шамъи рўҳи хуснига парвонадур кўнгул,
Ичти хавл жомиди васлингни бодасин,
Майхонайи фироқ аро мастонадур кўнгул.

Увайсий

«..Мадинажон! Моҳичехрам! Мен сен учун ўт бўлса ўтга, сув бўлса сувга киришга тайёрман. Сен ҳам Лайли эмассан, лекин ундан зиёдасан. Оҳ, қани сен ўтган хона деразасидан қуш бўлиб учиб киролсам, Мадинам! Мен сенинг умидинг-ла яшамоқдаман! Сени соғ кўрсам, сархуш кўрсам кифоя! Агар сени беркитиб қўйсалар-да, сен мени рад этсанг-да, сени кўрмоққа имкон топаман. Турна бўлиб осмонингда чарх ураман, сабо бўлиб деразангдан эсиб кираман. Ҳа, шундай, шундай. Тушларимда сен-ла сайр этаман. Жийдазорлар ичра кезамиз. Унинг жон олгувчи гулларини ҳидлаб, новдаларини бағримизга босамиз... Хув, уша харсангтош устида бирга-бирга утирамиз... Фақат, фақат, сен соғ бул!

Ҳотаминг. 199...»

«...Жоним, яна хат ёзаяпман. Овунчоғим шу хат бўлиб қолди. Шундан кейин анча енгил тортаман. «Кўкрагини захга бериб ётибди» — деган гаплар афсона эмас экан. Мен ҳам уша иккимиз ёлғиз учрашадиган жийдазорга бориб, майсалар устига бағримни бериб ётгим келаверади. Мадинам, ишонасанми, у ернинг ҳавосидан сенинг ҳидинг келади. Қийёқларнинг шовуллаши қирқ коклинингнинг шовуллашидай... Мадинам, жоним!.. Сендан ўтиниб илтимос қиламан, майли, кўришишга рози бўлмабсан, майли. Лекин бир энлик хатга ҳам олмайсанми мани?! Енгинангга борсам-у, сен икки қадам нарида бўлсанг-у, нафас олишингни сезиб турсам-у, чулпон кўзларингга тўйиб боқолмасам!.. Уша сен айтган, баҳона қилган одамларга ўт тушса бўлмасми?! Ёниб кул бўлса бўлмасми?! Биламан,

обрули одам, уни гап-сузлардан эҳтиёт қиласан! Лекин мен-чи, мен нима қилай? Наҳот, пешонамга ёзилмиш бу савдойи муҳаббат?

Ҳотаминг
199...»

Ҳар бир ҳарфи, ҳар бир сузи хотира катакларига жо бўлиб кетган мактубларни тутамлаб олган Мадина кўлини кўкси устига олиб борди. Сунг гуё мактубдан ҳарорат кўтарилиб, юрагини тақа-пуқа қилаётгандай безовталанди ва инграб юборди.

— Мадинажон! Қизим!

Онажонининг бу овози шамоллар бағридан элас-элас эшитилаётгандай эди.

У кўзини очиб, деразага қаради. Қизик, қорми? Қор ҳам қора ёғадими?! Қора қор!..

— Ой қизим, ширмой қизим... — дерди уша овоз, — нима бўляпти сизга?! Қаерингиз огрияпти?!.

Мадина оғир қабоқларини зўрға кўтарди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. «Аяжон! Аяжоним!..»

Аёл индамай унинг бошини силади.

— Майли, йиғланг. Енгил тортасиз!..

— Чидолмайман! Чидолмайман. Ўлгим келяпти. — Мадина увв тортди юборди...

Аёл унинг бошини кўксига олди:

— Қўйинг, ой қизим, ойдин қизим. Одамлар эшитмасин.

Мадина энтикиб-энтикиб нафас олар, кўз ёшлари жоладай ёғиларди.

— Мадинажон, жоним болам, бир пиёла иссиққина чой ичиб олинг.

Палатада Мадина билан бирга даволанаётган кампир унга чой тутди:

—Худо хоҳласа кўрмагандай бўлиб кетасиз!.. Шунда хубам хизматимни қилдираман. Хубам иш буюраман.

— Жоним билан холажон!.. Илоҳим, айтганингиз келсин...

— Бу дунёда одамдан нима қолади. Яхши гапу яхши иш. Бу дунё бамисоли каптархона. Бир қунамизу, бир қуни ҳувв деб учамиз, — деди у.

Кейин тинчиб ўтиришгач ҳикоя қила кетди:

— Қадим замонда феъли тор, қизганчиқ бир қатта савдогар ўтган экан. Савдо иши билан ўзга юртларга жўнар пайтида, қирқ кунга етадиган озиқ-овқатни гамлаб хотинининг устидан қулфлаб кетар экан. Қирқ кун деганда келиб эшикни очса, хотинининг узала тушиб, ўлиб ўтганини кўрар экан. Бундай ҳол икки-уч такрорланибди. Савдогар эса, ўз одатини тарк этмабди. У боз ўйланиб, вақтисоати етганда, яна қарвон билан сафарга отланибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз ўтиб, савдогар уйига қайтиб келибди. Эшик очса, остонадан ошиб ўтсаки, хотини етти бўқилиб салом бериб турганмиш. Савдогар ханг-манг бўлиб қолибди. Не тилсим рўй берибдики, хотини тирик қолибди? Аёл бошидан ўтганларини эрига айтиб берибди. Дардлашгани одам тополмай, ўйни гир айланибди, дардкаш тополмабди. Сиқилиб дод солибди. Томоғидан лўкма ўтмабди. Уйқуси қочибди. Ваҳм еб қўяй деркан, шунда бир чора ўйлаб топибди. Супра очиб ун элабди. Хамир қориб, ундан одам ясабди. Уни рупарасига қўйиб, гапираверибди, гапираверибди... Хамир одамнинг қорни эса қундан-қунга шишаверибди. Ўттиз тўққиз кун деганда, хамир одамнинг қорни ёрилиб кетибди.

Шундай қилиб савдогарнинг бу хотини оқилалик қилиб, узининг дардларини тукиб солиб, ўлмай қолган экан. Мана шунақа, ой қизим. Ғамни ичига ютиш одамни адо қилади. Очилиб-сочиблиб юринг, қизим. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳеч нимани кунглингизга олманг, — деб хола Мадинанинг сочларини силади.

У эса унинг кукрагига бош қўйди-ю, кузини юмди ва узини жаннат бағрига тушгандай ҳис қилди.

Шу тоб эшик очилиб, кифтига оқ халат ташлаган, кулида қоғоз халта тўла нарса билан биров кириб кела бошладию Мадина уни куриб, ўрнидан салчиб туриб кетди ва юзини четга бурди. Хола эса куёв болани таниб, мен ҳозир деганча ташқарига йўналди.

— Қалайсиз, хоним! Холажонингиз билан очилиб-сочиблиб утирасиз-ку, ҳамма истигноларингиз бизга экан-да, — деди у пишиллаб.

Мадина тутқунга тушган оху боласидай жонсарак, дудоклари титрар эди.

— Индамайсиз, хоним?! — деди у.

Мадина елка учирди.

— Нимаям дей?

Эри қоғоз халтадаги меваларни жавонга терди.

— Мадина! Илтимос, сиз шу ердан эсон-омон тузалиб чиқишни уйланг. Энг қиммат дориларни топиб келяпман. Узгариш жуда оз. Ахир ёш жонингизга ачинмайсизми?

— Қуяверинг.

— Қуяверинг нимаси?

У яна индамади.

— Мадина!.. — хўрсинди эри. — Бўлган иш бўлиб утди, энди жойига келмайди. Менга ҳам осон тутманг. Ун йиллаб кутган фарзандим йўққа чиқди. Сизни яхши кураман.

— Ҳа, ҳамма айб менда!.. — деб юборди Мадина.

— Йў-ўқ! Сизда айб йўқ. Унақа демоқчи эмасдим. Биласизми, ҳали шундай яшайликки, мен сизни бошимда кутариб юраман... Менга ҳали қўша-қўша ўғиллар туғиб берасиз...

— Бўлди! Мени тинч қўйинг. Вой бошим! — Мадина беҳол утириб қолди. Унинг ранги сомондай оқариб борарди.

— Вой, сизга нима бўлди? Ҳой ким бор? Ҳамшира?! — бақирди эри.

Кейин нима бўлганини билмайди.

Қиёмат

Бор умидимким, кўриб жовлонингни
улсам ҳалок,
Гарди наъли бодпойинг урса жисмим
узра хок.
Улдугум манзилда дафним қилмага
сонминг лаҳад,
Ер кўриб гурбатда аҳволим,
гирибон этди чок.

Фузулий

Олам атирларга, гулларга тўла эди. Фақат, фақат у йўқ эди. Мадина йўқ эди. У майсалар бағрига сингиб ялпизларни димоғига

тутди. Урикнинг оппоқ новдаларини куксига босди. Бари-баридан суйган малагининг бўйи келарди. Қушларнинг чуғурлаши унинг сўзларидай... Дарёнинг мавжланиши унинг сочлари жилвасидай... Ирмоқларнинг қиқирлаши унинг кулгусидай... Табиатдай латифсан лоларуйим! Табиатдай бокирасан моҳичеҳрам! Бу гўзаллик, бу малоҳат сенсиз менга даркор эмас! Даркор эмас!

Узини ўйлаганда аллақачон, ҳа, аллақачон дуруст буларди-я, у билан қочиб кетарди-я. Ҳамшира опа: «Савоб иш қиламан деб, гуноҳ иш қилдим шекилли, Ҳотамжон! Мен қурғур Мадинажонга яхши бўлади дебман. Сиз билан учраштириб, ярасини янгилаб қўйдим, шекилли. Келмасангиз қандай бўларкин-а?!» деди.

— Тузалиб кетадими, опажон?! — деб суради.

— Ноумид шайтон! Худо ёш жонига раҳм қилса ажабмас! — деди

у.

Мадинажон, сен эса тузал, жоним! Сен бўлмасанг, бу гуллар очилиб не қилади! Дарё ҳам оқишдан тўхтади! Эшитяпсанми, тўхтади.

«Менга узимизнинг дарё бўйларидаги гуллардан келтиринг. Унинг ҳидиям, тусиям бошқача. Уларни бағримга босай-да, туйиб-туйиб ҳидлай. Қайта у ерларга бориш менга насиб этармикин?» дебсан хатингда. Ундай дема, жоним! Албатта, тузалиб кетасан. Ҳали бирга-бирга дарё бўйларига борамиз! Гуллар терамиз! Ҳувв, уша харсангтош устида узоқ-узоқ утираамиз... Энди ҳеч кимдан қўрқмаймиз. Сени Қорабайирга мингаштириб, даштга олиб бораман. Бўғдой урамиз. Сен мен учун қўмгон қайнатасан... Эсингдами, қўмгонда чой қайнатганимиз? Пачоқ дугобида гура пиширганимиз? Уни тузга ботириб еганимиз? Эсингдами? Қандай яхши кунлар эди. «Тоҳир-Зухра» уйнаганимиз-чи?! Ёнбағирни саҳна қилиб... Мен Тоҳиржон ролини уйнагандим. Сен эса Зухра бўлгандинг! Инобат қандай суюнганди ушанда! У роса қотиб-қотиб кулганди. Нимага куляпсан десам, томошабинларни кўринглар, деган эди. Қарасак, қўйлар, моллар бошларини кутариб, кавш қайтариб, спектаклимизни томоша қиляпти экан! Бир маҳал Усуф тоғанинг эшаги ҳанграб берди-ку. Роса хаҳолаб кулгандикми? Қандай кунлар эди-я!.. Уша кунлар яна келади, сен ишон!»

Ҳотам бир қучоқ гул билан ҳовлига қайтганда, аяси мол соғар, синглиси сув сепилган ҳовлини супурар эди.

— Болам, биз ғарибларни ҳам ўйласанг буларди. — Она кўз ёши қилиб, саросимада қолди.

— Нима қилдим, аяжон! Нега йиғлайсиз?

Онаси энгининг учи билан кўз ёшларини артди:

— Сангинани газитда ишляпти десам, Мадинанинг ёнидан жилмас эмишсан...

— Ким айтди?!

— Мадинанинг угай онаси бир уй хотиннинг ичида ер билан битта қилди.

У индай олмай қолди. Нима десин?..

— Биладан, болам, биладан! Ёшлиқда ҳар иш утади. Аммо уй кўргандан кейин ҳаммаси бинойидек эсидан чиқиб кетади. О, болам-а! Сатта онаси урмаган қизлар йўлингда соч тараб турибди. Агар сен бирортасини...

— Аяжон! Нима кераги бор шу гапларни!.. Яқинда армияга чақиради. Кейин-кейин...

Бугилиб-қизариб кетган Ҳотамга мултираб қараб турган она энди увв тортиб йиғлаб юборди:

— Бу дунёга келиб нима кўрдим, ув-в...
Ҳотам бошини қўйи солганча аясининг зорланишини тинглар-
кан, чидаб туролмади.

— Хўп, аяжон! Хўп деяпман-ку!..

Уша куни хўп дейишга деди-ю, шаҳарга бориб жим туролмади,
касалхонага югурди. Унинг ҳовлисига кирганда Мадина ётган хона
деразаси тагида ҳамқишлоқларини кўриб, эсхонаси чиқиб кетди.
Бири Мадинанинг холаси, бири эса ўгай эди.

— Қишлоқдан келяпсанми, Ҳотамбой?! — деди хола, унинг ранги
докадай оқариб кетган, лаблари пирпирар эди. — Поччамни курма-
дингми?! Мадинанинг дадасини?! Чўлда эди. Хабар юборгандик.

— Йўқ! Тинчликми?!

Хола босиб келаятган йиғини кафти билан тўсмоқчи бўлди-ю,
уддалай олмади:

— Мади-и-на...

Ҳотам учиб хонага кўтарилди. Мадинанинг караватини оқ халат-
лилар куршаб олишган, ҳеч кимни йўлатишмас эди. Аммо Ҳотам ҳеч
кимга қарамай, уларнинг орасини ёриб кира бошлади-да, Мадина-
нинг устига келганда тош қотиб қолди. Уйкудаги соҳибжамолдай,
ўлмагандай ётар эди. Ҳатто бу дунё ташвишларидан қутулганидан
сал шоддай ҳам куринарди. У олиб келган гуллар эгасиз қолган
эдилар.



ЭНГ ЁРУҒ ХАЁЛДАЙ ҚИЛУРСАН ЖИЛВА

Ғайрат Маъиндов

Тошкент Давлат дорилфунуни толиби

*Ўн саккиз ёшимда, ўн саккиз мингта,
Аламлар эргашди менга Гулсанам.
Ўн саккиз ёшингда, ўн саккиз мингта,
Оламлар эргашди, сенга Гулсанам.*

*Ўн саккиз ёшимда, ўн саккиз мингта,
Аянчлар бағрида яшаяпман, гул.
Ўн саккиз ёшингда, ўн саккиз мингта,
Қувончлар бағрида яшаяпсан, гул.*

*Ўн саккиз ёшингда, ўн саккиз мингта,
Сўраса ҳам оҳлар сўради мени.
Ўн саккиз ёшимда, ўн саккиз мингта,
Парилар сочингни уради сени.*

*Ўн саккиз ёшингда, ўн саккиз мингта,
Фалакларда яшасанг керак.
Ўн саккиз ёшимда, ўн саккиз мингта,
Оққушларга айланар юрак.*

*Қайчилар қалбимни қийиблар кетди,
Уйлариинг уйимни уйиблар кетди,*

Кўйингда куйманиб куйиблар кетдим,
Шафқат айлайсанми, парвоналарга?!

Ҳилолим, ҳурдек хурлиқо бўлибтур,
Андалибман, айшим анқо бўлибтур,
Бошимда балолар бақо бўлибтур,
Шафқат айлайсанми, парвоналарга?

Шавқи шўришимдан шеърлар сочилмиш,
Қалбимдан қизгалдоқ қирлар сочилмиш,
Сайҳонлар саҳнида сирлар сочилмиш,
Шафқат айлайсанми, парвоналарга?

Рухимда ранжларим рангдор, дилижон,
Бадарга бўлганми баҳор, дилижон,
Дунёи дардимкан дийдор, дилижон,
Шафқат айлайсанми, парвоналарга?

Қуёш ётоғидан аста термулиб,
Мен кезган қирларга томон қарайди.
Дарахтлар шивирлаб, чулдираб қушлар,
Тупроқли йўллардан мени сўрайди.

Менингсиз, мунгайган қадим минорлар,
Толларнинг сочини сойлар тарайди.
Уғлим Тош шаҳардан келдимикан деб,
Онам, тиқ этганда эшик қарайди.

Менсиз, кўниқолмай майин саболар,
Гулларнинг бағрига сингиб кетибди.
Катта ўзгариш бор Ҳужа Илм Конда,
Уша қи-из эрга тегиб кетибди.

«Айролиқ — висолнинг қотили»,
Қаҳратон кўкламни қувади.
Эҳ, қачон майсалар етилиб
Шудринглар юзини ювади?!

Баҳорим нигорон йироқда,
Дилимга армонлар тушайман.
Битта ишқ қуқарар қароқда,
Мен уни соғиниб яшайман.

Моҳира Бўрибой қизи,

Қарши Давлат муаллимлар
дорилфунуни толибаси

Тонглар қаршисида сизни сўроқлаб,
Субҳи соғинчларга дилини боғлаб,
Топгани дунёдан изтиробу ғам,
Кулишлари мунгли, нигоҳлари ҳам,
Сизни интиқ кутар, интиқ гулим оҳ,
Сезмайсиз!..
Томчилаб, тўкилиб дилидан гуноҳ,
Минг йиллик армони кўзларида оҳ,
Бахтнинг кўчасида сирларин сочмай,
Алдамчи елларга юзларин очмай,
Сизни интиқ кутар, интиқ гулим, оҳ,
Севмайсиз!..
Ҳовучига сиғмай тўкилар осмон,
Юлдузлар пойига тўшалган армон,
Соғинчин дилига солиб ҳар оқшом,
Кўксига бош қўйиб ухлайди ҳижрон...
Сизни интиқ кутар, кутар гулим, оҳ,
Сезмайсиз!..
Севмайсиз!..
Гулим, оҳ!..

Юракни гилам қиб қоқдим,
Ундан тўкилган инжу дурларни
Сенинг кўзларингга тақдим, осмон!

Нодир Нонузов,

Самарқанд Давлат дорилфунуни толиби

Ота, уқ нигоҳинг синибди,
Она, юзингда нима маъни?
Ука, тинмас «от»инг тинибди,
Синглим, қўғирчоқларинг қани?!

Буйим эшигимизга етиб,
Очилган оч осмонга сингдим.
Ота, қўлингдан чиқиб кетиб,
Чақмоқ урган ҳассадай синдим.

Ҳали бола бўламан яна,
Этагингдан тутаман кейин.
Ҳазонларга ўт қўйгил, она,
Супуражақ сен кутган келин.

Сирлашиб из етмас чодирда,
Анҳорларга тўлиб оқамиз.
«Ҳасан-Ҳусан» топишган қирда,
Ука, бирга сигир боқамиз.

Тол шохига солиб ҳалинчак,
Тол баргидан попуқ қиламан.
Синглим, сенга ясаб «келинчак»,
Бўтакўзлар териб келаман...

Таъқиб этса-этар минг нигоҳ,
Ўгирилса майли юзлаб юз.
Асов отдек йиқилсам-да... оҳ...
Лек, қўғирчоқ бўлмайман... Сунг сўз:
Ҳазонларга ўт қўйинглар-ей!..

* * *

Сен бир куни келасан, қўлда —
Гилос тўла саватча билан,
Қаҳ-қаҳ уриб, бир анҳор каби...

Оғзимга бир гилос узатиб,
Юзларимдан чимчиб оласан —
Ҳазиллашган бўлиб айёрча...

Мен ҳам бирдан кутмаганингда,
Қип-қирмизи гилосга эмас,
Лабларингга босаман лабни...

Сассизгина қоламиз бир дам...

* * *

— Камалакнинг қайси рангига
Осилайин:

Оқ,
Қизил,
Яшил?..

— Камалакни нима қиласан,
Кел, менинг қошларимга осил!..
— Ҳисларим — муз, утда қайнаган
Қилич керак, умидим чақин...
— Нигоҳимни ҳилол қайраган,

Келавергин, оласан ҳаққинг...
— Осмон қўймас... кушга тўлади —
Киприкларим,
Қарогим — нурга...
— Кел, кўзларим осмон бўлади,
Қабогларим бўлади турна...
— О!..
Йиғлама..
Қўйгил... учайин..
Қийнамагил —
Мен ёш боламан.
Ахир, сени қандай қучайин,
Ахир, қандай қамрай оламан?!.

* * *

Бу чексиз коинот ичра бу Замин,
Бу Замин ичинда бир оғир Ватан,
Бу Ватан ичинда ҳорғин бир қишлоқ,
Бу қишлоқ ичинда сокин бир ҳовли,
Бу ҳовли ичинда хаёлчаг бир қиз,
Бу қизнинг куксида эса бир юрак,
Юракда нима бор, афсус, билмайман...

Ўзгал Нурматова,

Фаргона Давлат дорилфунуни толибаси

* * *

Мен сизни қайрилмас тонгга алмашдим,
Кечалари гурбат тунга алмашдим.
Тиканлар бағрида адолат бўлган,
Ноласи бефарёд гулга алмашдим.

Нетай, бу қўргулик — қисмат бор экан,
Бу тонгнинг ёзуғи нечоғ шўр экан,
Укинч, ҳижронларнинг дарди зўр экан,
Бағримни яроли тонгга алмашдим.

Майли, бир буюк тоғ тож-тахти бўлинг,
Ул ёрга содику бир аҳдли бўлинг,
Сиз менга ўхшаманг, сиз бахтли бўлинг,
Мен бахтимни эртақларга алмашдим.

* * *

Ҳар қадам йўлларим, сени сўроқлар,
Босган изларим ҳам сени дер гуё.

Измимда чечаклар, гуллар, япроқлар,
Шивирлар гўёки: «Келарми?» ...дея...
Мен алдаб яшадим, ҳар кунни сенсиз!

Ҳар қадам уйларим, ойлар сўроқлар,
Туюлар лаҳзалар паймони тўлган.
Қўлларимда йиғлар бегуноҳ гуллар,
Кўз тикиб йўлингга соғинчдан сўлган...
Мен алдаб яшадим, узимни сенсиз!



Муҳаммадҷон Соғлов

Нигора Қурбонова,

Жаҳон тиллари дорилфунуни толибаси

* * *

Сен сукут ҳукмига жавобгар —
Атадинг узингни суратга.
Қолсанг ҳамки жавобсиз агар,
Мен сени чорлайман журъатга.

Ишондинг сабрнинг синиқ хатига,
Авайлаб босасан қадамларингни,
Ёлгончи дунёнинг мурувватига
Бер, олиб кетайин аламларингни.

Ёмғир ёғар, ювилиб кетар,
Тупроқларга қўйилган муҳр.
Вақтлар шошиб, судралиб утар,
Қалбда қолар бир парча меҳр.

* * *

Бир муҳсин оҳ тортди юлдузлар бот-бот,
Рўҳсиз аллаларда қолиб кетди сўз.
Армонлар огринди, соғинчлар, ҳайҳот,
Мунис юрагингга ташлаб кетди из.

Ухла, сочларингга тун қаросин ол,
Сукутга бағишла аламларингни.
Муҳаббат дардини юлдузларга сол,
Севмагин ғарибу санамларингни.

Саодатга интилгин, ҳали
Олис-олис йўллар қаршингда.
Сен чўққига етган маҳалинг
Изтироблар ёнар қошингда.

ОХИРГИ ИМҚОН

Саргузашт қисса¹

Исобек ақлини танибдики, узоқни кузлаб иш қилган. Айниқса, қўлидан иш келади, сўзи қайтмайдиган одамлардан борини аямаган. Борида улар учун ҳовучлаб сочган, вақти келиб қоқилса, ушаларга бориб суянишини яхши билган.

Унинг дастурхони атрофида шаҳарнинг казо-казоларидан тортиб, милиция идорасининг катталаригача утиришган. Унга порлоқ тилаклар тилаб, яхшилигини қайтаришлигини бот-бот такрорлашган. Уша акалари ҳали тирик. Еган огиз уялади, деган гап бор. Бошига иш тушиб, эшикларини тақиллатиб борса, кўкрагидан итаришмас.

Рост, Роҳила милициядан сўз очганда, у бироз шошиб қолди. Сабаби узи ҳақида ортиқча гап-сўз чиқишидан, эл назарига тушишдан чўчиди. Ҳозирги қиморбозлар шунақа. Купчилик назаридан четроқда булишни хоҳлашади.

Исобек нақ уч кун уйдан чиқмади. Қўли узунлигида орттириб қўйган акахонларига сим қоқиб, Бегматни суриштирди. Ҳатто қаерда тугилиб милицияда қачондан иш бошлаганигача билиб олди. Маълумот берган каттанинг узи ваъдани қўюқ қилди.

— Шунини хизмат деб юрибсизми, укаҳон. Бир огиз гапингиз-да. Истасангиз шу кеча олдингизга етаклаб бораман. Хавотир олманг. Уша Паркентни тоғдан тушган қайсар боласи бизни қўлимизда ишлайди. Албатта боради. Шу кунгача бизни гапни икки қилган эмас. Тугри, улар кечаги бола-да. Одам билан дурустроқ гаплашишни билмайди. Кечроқ борамиз. Тушунгандирсиз? Уша фарангларниқидан булгани дуруст. Ютуми яхши.

Исобек дастурхон кўркини очиб турган Наполеон коньягига куз ташлаб, мийиғида кулиб қўйди.

Нафс ҳаммада бор. Ким қўлидаги нонини ёғ билан егиси келмайди? Бегмат ҳам ушалардан бири-да. Ҳеч булмас, узи билан ишлайдиган бошлиқларнинг мақомига йўргалайди-ку.

Ташқарида енгил машина овоз берди. Исобек ўрнидан даст ту-

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

риб, эшик томон юрди. Дарвоза томонга қараб ҳураётган итни сўкиб, куча эшикни очди. Остонада узун буйли, фуражкасини бостириб кийиб олган таниши турарди. Узаро салом-алиқдан сўнг у катта дарвозани очиш мақсадида одинга юрди. Йул-йулакай ҳамроҳига тушунтирган бўлди.

— Шопирга айтгинг. Машинани ичкарига олиб кирсин. Сизларнинг машиналаринг тануви. Ташқарида турса гап кулаяди. Бемалол утирамиз.

— Овора булманг. Биз кетамиз...

Зулфинга ҳузилган қўллар муаллақ қотди.

— Бу нима деганингиз? Тушунмадим?

— Бошқа иш чиқиб қолди.

— Ярим тунда-я? Ахир мен эрталабдан бери сизларни кутяпман.

Адашмасам, сиз билан келишган эдик-ку?

Таниши аранг жавоб қайтарди.

— Гапингиз тугри. Биз ҳам аслида шу ниятда эдик. Бироқ бахтга қарши бутунги утиришни бошқа кунга қолдирмасак бўлмайди.

Ишонган танишининг мужмал жавобидан унинг жаҳди чиқди.

— Гапингизга тушунмадим. Бошқа куни нимаси?

Танишининг овози янада пасайиб кетди.

— У биз билан келаётганди. Бироқ иши чиқиб қолди. Бошқа сафар албатта бошлаб келамади. Тош ёғсаям келади. Ишонаверинг.

Исобекнинг асаби қақшади:

— Келишдан бош торғидими ё эпломдингизми? — деди Исобек жаҳли чиқиб. — Уша тоғдан тушган ёввойига кучингиз етмадимми? Алтанг, мен сизни бошингизда дуппингиз бор деб юрибман.

У эшикни танишининг юзига қарс ёпиб, уйи томон юрди. Ваъдасининг устидан чиқмаган одам билан хайрлашишни ҳам ўзига эп кўрмай, кириб кетди.

Аблаҳ! Унинг лаганини кимлар яламади. Осмонга устун буладиган қанча амалдорлар фаранг коньягининг кучидан бу гиламга мукка тушмаган? Ёки улар шунчалик очмиди? Бу коньяклару лаган-лаган каклик гушглари топилмас матоҳ эканми? Ахир улар билан бу зумрашанинг орасида ер билан осмонча фарқ бор-ку? Келиб-келиб шу ёввойи Исобекнинг дастурхонига тупурса!

Қизиқ, оч одамнинг гурури қанчага чидаши мумкин? Бегмат деган болакай наҳот унга эгилмайди?

Исобек биринчи бор ўз хаёллари билан олишиб тонг оттирди.

* * *

Ҳамсўбатининг кенг елкаси, узун қўллари, бир-бирига туташиб кетган қалин қошлари қачонлардир келишган йигит булганидан далолат берарди. Айниқса, узини йўқлаб келган нотаниш одам билан худди эски қадронлардек очилиб сўхбатлашиши изқуварнинг ҳайратини ошириб, меҳрини жуш урдириб юборди.

— Ака, бемаврид безовта қилганим учун узр, қизингиз — Аноранинг иши буйича келдим. Саволлар берсам оғирлик қилмайдимми?

— Марҳамат, сўрайверинг. Билганимни яширмайман. Худодан беркитмаган нарсани бандасидан яширишга не ҳожат, — деди.

Бегмат «Бахтсизликни тотиб кўрган одам билан икки карра эҳтиётроқ бўлиб гаплашиш керак» деб эшиттанди. Шу сабабли ногиронлар уйида ҳаёт кеңираётган бу инсоннинг ориятига тегиб кетишдан чучибгина саволга кўчди.

— Қотилликни очиш менга юклатилган. Билишимча, уйингизга охириг пайтларда бир бегона одам келар экан.

Аслида Бегмат «бегона эркак» демоқчи эди. Аммо айтолмади.

Облақул узоқ, савол берган кишини хижолат қилувчи даражада жим қолди.

— Э, укажон, тушакка михланиб қолсанг. Қўлингиздан иш келмай, тирик мурдага айлангач, ҳатто суйган хотинингиз ҳам итоат этмай қўяркан. Илож қанча, бегона эркакни бошлаб келса ҳам чидаркансиз.

— Облақул ака, сиз уша эркакни танирмидингиз?

Ногирон эр қаравот бошидаги сочиқни олиб юзини артди.

— Уни бир мартагина кўрганман, холос. Шундаям қоронғида, дераза ортида. Адашмасам, у кужойнак тақиб олганди. Кузи чатоқ булса керак.

— Аноранинг қотили уша деб уйлaysизми ё?

Бу гал Облақул елка учирди.

— Қишлоқ одамларидан ҳам гумонингиз йўқми?

— Аниқ бир нарса дейишим қийин. Мен бунақа ишларга сира тушунмайман. Очиқ айтадиган булсам уша, мошин миниб юрган пайтларимда ҳам мелисадан чўчирдим. Шу сабаб сира қоида бузмаганман. Фалончидан гумоним бор дейишга тилим бормайди. Сизни чалгитишдан кўрқаман.

— Балки Роҳила сизга бирон нарса дегандир? Ота-онанинг гумони булиши керак-ку, ахир?

Облақул юзини нариги томонга бурди.

— Илтимос, ука, уни менга гапирманг. У менинг маҳрамим эмас. Бу ерга келишдан олдин ажрашганмиз.

Бегмат Облақулни бошқа безовта қилмаслик мақсадида аста ўрнидан турди. Ҳамсўбатининг ориқ бармоқларини сиқиб хайрлашди. Бироқ ногирон эр унинг бақувват қўлларини қўйиб юбормади. Икки томчи ёш сизиб чиққан кўзини унга қадаб сўради:

— Укажон, сизга ишонсам буладими? Қотилни топасизми? Ахир, мен майиб булганим билан ҳали улганим йўқ. Тирикман. Менда ҳам шу юрагимнинг қоқ ўртасида алам бор. Анора қизим улмаганда бу ерга келмасдим.

— Хотиржам булинг, ака. Қотилни топмасдан қўймаймиз. Биз бекорга юрганимиз йўқ.

Облақулнинг киприklarига илиниб турган икки томчи ёш аста юмалади.

— Раҳмат, укажон. Мен ҳеч кими йўқ одамман. Ўзингизга инсоф берсин. Бу дунёдан кўзим очиқ кетмаса, деб кўрқаман. Эшитяпсизми, ука, сизга ишондим. Ҳар куни тонгда кўз очишим билан Яратгандан сизга умр тилаб қоламан. Бошқа нарсага кўрбим етмайди.

Ногиронлар уйдан чиққан Бегмат қадамини тезлатди. У неча кундан бери ахтариб юрган жумбоқ учини топгандай эди.

. . . .

Одам боласининг одати қизиқ. Боши тошга тақ этиб тегмагунча кўзи очилмайди. Давраларда ёнбошлаб, етгинчи осмон ҳақида орзу қилишга одатланган Ўлмас бир кун келиб бошига мусибат тушишини, эл-улус олдада, энг муҳими битта ошни аранг пишириб беришга кўрби етадиган улфатлари олдида шарманда буламан деб уйламаганди. Бошига бундай савдолар тушишини билганда эди, давраларда янги машинасининг калитини бармоқ учиде айлантириб, кўз-кўз қилмаган буларди.

Туйларда келган саяёқ уйинчининг чаккасига юзталикларни қистирмаган буларди.

Нега унинг бу боши олдинроқ, ҳеч бўлмаса, бир йил олдин ишламади? Айб узида, бошқалар қатори оёғи ерга тегиб юрганда шу кунлар йўқ эди. Энди унга ҳаммаси аён. Кузини ёғ босиб, ҳовлиқиб қолган экан. Акс ҳолда ҳали она сути огзидан кетмаган болалар уни учиб юрган еридан кесак билан уриб туширишмаган, огиз-бурнини қонга белаб, халқ олаида шарманда қилиб кетмаган булишарди.

Ҳамма режалари тескари чиқди. Худо унинг қай гуноҳлари учун бу шармандаликни раво кўрди экан?

Шу кунларда бировдан қарз олиб, икки-уч мошин юк билан урис шаҳрига бориб келиш узи бўлмайди. Қанча ҳаракати бекор кетди-я. Негайм уша машинани олди, сотмоқчи бўлди?

Улмас шу кунгача ҳайрон. Бегона юртларда бегона одамлар қайирмаган қанотини ўз уйида, нақ остонасида алақандай тирмизаклар синдириб кетишди. Бу хурликка қандай чидаш мумкин?

Бечора хотини бу йулдан қайтишини сўраб қанча Худонинг зорини қилувди-я. Шу хотинининг гапларига қулоқ тутиб, қадамни тутирлаб олганда бўлмасмиди?

Мана, номусдан қочиб, тўрт девор ичида жон сақлаётган кунларига жонига шу хотини аро кираяпти. Шилинган пешонасини силаб, кўкарган кузига шама босаётган, биқинига дори-дармон бослаётган ҳам шу — хотини.

Синглисининг ўлими камлик қилгандек, унинг бу ташвишлари аёл бошига қора қуюндек ёприлди. Худо сабр-бардошни аёл кишига берган экан. Бу гам-аламларни, ташвиш ва гурбатларни орқалаб юриш унчамунча эркакнинг қўлидан келмайди.

Эшик очилиб, ичкарига Соҳиба кирди. Хонтахта устига қўлидаги косани қўйиб, эрига юзланди.

— Шурва пиширгандим, совимай ичиб оласизми?

Улмас индамади. Даҳлиздаёқ қадам товуши эшитилганда юмиб олган кузини очгиси келмади. Унинг бу ҳолатини узича бошқа нарсага йўйган аёл ташқарига юрди.

— Мен қўшнимизниқида бўламан. Оқишоқ қовуришган экан. Талқон туйишга айтишган.

Даҳлизда хотинининг қадам товушлари тингач, кузини очди. Билмайди, қай воқеа сабаб бўлди-ю, у хотинининг кузига тик қаролмайдиган булиб қолди. Олдинги давридек Соҳибани уришга, огзига келган ёмон сузалар билан буралаб суқишга журъат эта олмайди. Нима бўлди, нималар бўляпти узи?

Мана, хотин ва болалари билан бир дастурхон атрофида овқат емаганларига ҳам қанча бўляпти.

Юмуқ куз билан тубсиз жарлик еқасига келиб қолганини, яна бир қадам ташласа, жарликка қулашини энди англадимиз? У хунграб йиглагиси, бошини тошларга уриб, узини лаънатлагиси келди.

Ахир бутун умрини бағишлаган хотинининг кузларига тик боқолмай яна қанча яшashi мумкин? Ҳар бир кишига Оллоҳ томонидан улчаб берилган сабр қанчага етади? Ҳали булар ҳолва. Эшитган одамнинг туки турадиган савдолар олдинда.

Орқада, ёлғизоёқ йўлнинг охирида қиличини яланғочлаб Исобекдек одам турибди. У ортиқча ҳаракат қилмайди. Товуш чиқариб чақирмайди. У бир нарсани, Улмасни шу йулдан пинҳона кетганини ва албатта бошқа туйнук тополмай боши берк кучанинг бошидан қайтиб келишини яхши билади.

Бу қиморбоз керагида қордан олов ясайдиган одам. Бўйинига сирт-

моқ солмайди. Қайси йулдан кетган бўлсанг уша йулдан унинг олдига қайтасан. Бугунги Исобек кечаги Исобекка сира ухшамайди. Ҳозир у оч. Қиш уйқусидан ошқозони таталаб, емиш ахтариб чиққан, лекин улжа урнига овчининг ўқига дуч келган айиқдай даргазаб. Огриқ азоби-дан панжасига илинган мавжудотни парчалаб ташлағудек аламли.

Айб узида, на хотинининг, на ёмонлиққа чиққан қайнонасининг гапига кирди. Урис оғайниларига бериб келган ваъдасини бузгиси келмади. Янада кўпроқ юк элтиш илинжи унга тинчлик бермади. Бурди кетишидан, эртага бу эшиклар узи учун ёпилиб қолишидан, энг муҳими у томонга тобора кўпроқ фойда оқайтган ариқнинг қуришидан кўрқди.

Қайнонасига пул сўраб борганда Исобекдан ёрдам тегиши мумкин эканлигини эшитиб, ваҳимага тушиб, юз угирмади. Аксинча бу сафар унга осонликча қулига тушадиган пулдан, алақачоноқ қарз берувчи билан қайнонасининг эл огзида дoston бўлганлиги унинг кўнглига далада берди.

Четдан қараган одамга ҳар икки йўналиш ҳам пухта. Қоқилмайди. Ортида суянчиғи бор. Одамлар нарвон билан чиқолмаган томга у бир сакрашдаёқ чиқиб олиши мумкин. Шундай экан, ўз оёғи билан келиб турган омадни олдига солиб қувиш инсофданми? Ким бошига қўнган бахт қўшига кесак отади? Уни учириб юборади? Тарих шундай лақма, фаросатсиз одамни кўрганми? Йўқ албатта. Инсон боласи борки, у ўз омадини кутиб яшайди. Айримлар уни бутун умри бўйи кутиб ўтади. Лекин кута-кута омад деганларининг ҳатто думини ҳам кўрмай қора ер бағрига армон билан бош қўйганлар қанча? Улмаснинг омади эса ана, қул чўзса етгудек масофада турибди. Шу калта, сира қадоқ бўлмаган қўлларини чўзса бас. Етади. Бошқаси билан иши йўқ. Шундагина шунча тортган азобларию ўқубатларини, қилган барча гуноҳларини супуриб ташласа бўлади.

Аслида мошина бозорида ҳаммининг кузини ўйнатган «тойчоғи»га отасининг баҳосини қўймаганда эди, бу кургиликлар йўқ эди. Тирмизак иблислар эмас, инсоф кучасидан ўтган одамлар харидор буларди. У эса шакарнинг озига эмас, купига учди.

Кеча тунда қайнонаси келди. Узоқ угирмади. Соҳиба чой дамлаш мақсадида ошхонага чиққанда куёвига ичидаги дардини тўқди.

— Куёв, сизни йўқлашяпти. Муддат тутаган. Наҳотки утаётган ҳар бир кун сизни кўртдек сўришини билмасангиз?

— Ойи, мен машинага ишонган эдим. Ҳаммасини куриб турибсиз. Шу кунларда кечалари ухламай чиқаман. Балки у муддатини яна чўзар. Сиз бош қўшсангиз, йўқ демас?

Қайнонаси ҳоргин, қандайдир ташвишли тарзда бош силкиди.

— Ҳозир мавриди эмас. Эшитгандирсиз? У ютқазиб қўйган. Кунмайди!

Улмас охириги ишончини йўқотиб, юраги дукурлашга тушди.

— Ойи, энди нима қиламан? Сиз йўл кўрсатинг!

— Олдига бориңг. Қандай қарши олиши менга қоронғу. Лекин бошқа чорангиз ҳам йўқ.

Бийдай далада, жони огриб ётган пайтдаёқ у Исобекнинг олдига боришни кўнглига тутиб қўйганди. Чунки, ҳозир қайнонаси таъкидлагандек ундан қочиб юриш бефойда. Вақти келиб ҳамма «хунари» учун бир йўла жавоб беришга туғри келади.

Бу ҳам яна омаднинг кетганига бориб тақалади. Қарз олишда Исобекнинг бунчалик тез очқаб, туқайида чала чайнаб ташлаган суякларни ахтариб қолишидан хабари йўқ эди. Ҳа, у оч айиқ. Унинг олдига қай йўсунда боришининг фарқи йўқ. Ҳатто кузингга ёш олиб, Худонинг зорини қилиб борганинг билан фойдаси бўлмайди. Оч кўпроқ сени эмас, таталаб бораётган қорнини ўйлайди.

Энди ҳаммаси тамом. Исобек чақирибдим, бориши шарт. Ундан беркиниб, қавақда жон сақлаб бўлмайди. Худди магнит чуқурликдан темирни тортиб олгандек, Исобек уни ётган қавағидан олиб олади.

Ўлмас халатини ечиб, ташқарига чиқди. Шу тобада унинг юраги сиқилиб, нафас олиши қийинлаша борди. Қуёш нурига чумиб турган кенг ҳовлиси ҳам кўзига тор кўринди. Дорга илинган кийимларни олиб, пешайвонга улоқтирди. Сунг титроқ босган қўллари билан ингичка арқондан боши сигарли кенгликда сиртмоқ ясаб, арқоннинг учини узум сўрисиغا боғлади.

Ўлмаснинг ичидаги дәрди ўзига аён. Олган қарзи куп. Беш-олти йил ишласа-да, бунча пулни тополмайди. Аслида пулни — пул толади. Лекин қани ўша пул? Чўнтагида шамол ўйнаётган йигитта яна ким ишониб, ким қарз беради? Бошқа илож йўқ. Оч айиқнинг олдига бориш нодоннинг иши.

«Ўзинг эплайсанми, ё арқонни бўйнингга олишиб юборайми?» дейди у ҳам. Улим ҳақ нарса, у жой танламайди. Ўз оёғи билан гўрга бориб ётгандан, ўз уйида жон бергани маъқул. Ҳеч бўлмаса, бола-чақасининг олдида...

У сиртмоққа бошини олиш мақсадида оёғи остига бир нарса излади. Тошиб сиртмоқни очган ҳам эдики, кўча эшиги тарақлаб очилди. Остонада қўлига талқон солинган пивла кўтариб олган ўгли кўринди.

— Дадажон. Қаердасиз, мен сизга талқон олиб келдим...

. . .

Тушлиқдан қайтган Бегматни ички ишлар бўлимнинг бошлиғи йўқлади. Буни кутмаган изқувар шошилангича унинг хонаси томон йул олди. Милиция бошлиғи юмшоқ ўриндиққа чуқиб, қандайдир қоғозларга имзо чекиш билан банд экан. У Бегматта кузи тушиб, қўлидаги рўчкани четта қўйди.

— Келдингми, ишлар қалай?

— Раҳмат, ўртоқ полковник.

Бошлиқнинг синиққан юзига табассум югурди.

— Яхши. У ҳолда бутун кечки рейс билан Бухорога учасан. Уюшган жиноятчиликка қарши махсус операция ўтказишяпти экан. Вазирликдан ёрдам сурашибди. Аниқ маълумотни борганиндан сунг оласан. Ўша ерда ҳаммасини тушунтиришади. Келишдикми?

Кутилмаган таклифдан Бегмат тарадудланиб қолди. Унинг ўйланиб қолганини кўрган полковник норози оҳангда сўради.

— Ҳа, нафасинг ичингга тушиб кетди?

Бегмат қанчалик асабийлашмасин, бошлиққа босиқлик билан тушунтириш лозимлигини унутмади.

— Ўртоқ полковник, Сизнинг буйругингиз мен учун қонун. Лекин...

Бошлиқнинг юзи жиддийлашди.

— Нима лекин?

— Хабарингиз бор. Анора Ҳайдарованинг иши менга топширилган. Яна икки-уч кун ичида жиноятчининг изига тушаман. Назаримда калаванинг учи топилгандай. Энди бу ишни ташлаб кетсам, қотилнинг изи йўқолиб кетиши мумкин деб...

Унинг жавоби бошлиқни ўйлатиб қўйди.

— Айтмоқчи, сен ҳақсан. Бу иш ҳам юқорининг назоратида. Очилмай қолса сен билан менинг бошимни силашмайди. Лекин бошагинг ҳам эски, купни кўрган изқувар-ку. Сен келгунча ўзи аравани тортиб турар?

Бегмат шу тобада полковникнинг тутган йўлини англай олмади.

— Яхши, Бухорога қачон жўнашим лозим? — деди ноилоҳ.

— Дастлаб вилоят бошқармасига борасан. Ўша ердан олиб кетишади. Махсус самолёт ажратилган. Уйдагиларингни оғоҳлантириб келсанг, яхши бўлади. Ҳали вақт бор, бемалол улгурасан.

Бегмат бошлиқнинг хонасидан ичи эзилиб чиқди. Хонасига кирди-ю, баъзан тунаб қолганида ётадиган эски диван устига ўзини ташлади.

Бўлим бошлиғи нега бундай йул тутди? Ахир қотиллик юзасидан зир югуриб юрганини яхши билади-ку? Уларнинг бўлимида ўзидан ташқари яна уч ходим бор. Ушалардан бирортасини жўнатсалар ҳам бўларди-ку? Уларнинг қўлидаги иш Анора Ҳайдарованики сингари оғир эмас. Шундай экан, нима учун ушалардан бирининг номзодини курсатмай, уни жўнатяпти? Наҳотки қотилликнинг тезроқ очилиши уни қизиқтирмаса. Бегмат анчадан бери бошлиқнинг кўнглида киши англаши қийин бўлган бир сир борлигини пайқаб юради. Негадир сузида қатъий тура олмайдиган ҳеч. Доим кимнингдир курсатмаси ва илтимоси билан иш юрיתהди. Яна бошлиқлар олдида юмшоқ сушурги булиб юргани-юрган.

Бегмат Бухорога борувчилар рўяхатига номи киритиши сабабини ўйлай-ўйлай топгандай бўлди.

...Икки кун олдин уни бўлим бошлиғи узгача илтифот билан қарши олди. Одатгича ишлар юзасидан ҳисобот талаб қилиб ҳам утирмади. Қолган йигитларга махсус топшириқ бериб жўнатгач, човғумга чой қўйди. Қайнаган сувга туқсон бешдан мудроқ солиб қайтарди. Бир муддат ўтгач, чой қуйиб унга узатди. Сунг ёшига ярашмаган мулозимат билан жой курсатди.

— Утиринг, гап бор. Чойхонада ош емаганимизга ҳам анча булиб кетди, тўғрими, Бегматжон? — деди, очилиб-сочилиб.

Бошлиқнинг муддаосига тушунган Бегмат уни қўллаб жавоб қайтарди.

— Ош бўлса ош-да, хужайин. Битта ош сиздан ургилсин. Қачонга тайёр бўлсин?

Бошлиқ курсаткич бармоғи билан стол устини чертди. Бу билан ходимини «шошилма», демоқчи бўлди.

— Чойхонани қўй. Сан билан бизга бўлмайди. Битта ошни бошқа ерда ҳам урмалатса бўлади.

Бошлиқнинг гапидан Бегмат иккиланиб қолди.

— Унда ошни қаерда дамлаймиз? Ё келинингизга айтайми?

Бошлиқ яна стол устини чертди.

— Уйдагиларни ташвишга қўйма. Бу ёғи бизга тан. Ошни пишириб кутиб утирганлар бор. Мезбонни хафа қилмай ейишни урдасидан чиқсак, марра бизники.

Бегмат кутилмаган бу таклифдан иккиланиб қолди.

— Унда бизга қанақа хизмат бор?

Ходимининг унғайсизланиши бошлиқнинг кўнглини кутарди.

— Ҳеч қандай. Боя айтганимдек, устига илик билан қази босилган ошни есак бас. Тушундингми?

Бундай катта зифатни кутмаган Бегмат ажабланди.

— Ўйлатиб қўйдингиз-ку? Қаерда экан ўша ош?

Бошлиқ энди икки бармоғи-ла стол устини завқ билан черта бошлади. У шу тобада ходимининг эгилишини куриб хурсанд бўлаётганди.

— Дамланган ош қайси ўчоқда эканлиги ҳозирча сир. Борганда биламиз.

Бегматнинг хаёлига махсус топшириқ билан чиқиб кетган ҳамкасблари келиб, бошлиқнинг гапини бўлди.

— Йигитлар билишадими?

Бошлиқнинг юзи жиддийлашди.
— Бир чуқум ошга тудалашиб юрдикми? Шакарнинг ози ширин.
Ош сен учун дамланган.
Бошлиқнинг жиддий айтилган гапларидан Бегмат ҳайратга тушди.
— Нечук айнан мен учун?

Бошлиқ уридан турди. Стол устида сочилиб ётган қоғозларини йиғиштириб темир сандиққа солди. Илгичдаги телпагини олиб, бошига кияр экан, тайинлади:

— Ишдан сунг кетиб қолма. Ҳаммасини кечқурун биласан...
Шу куни Бегмат то кечгача ишни нимадан бошлашини билмай қараёт сирди. Яхши одамлар томонидан у учун дамланган ошда қандайдир юр борлиги юрагига гулгула соларди.

Еган оғиз уялади, деган гап бор. Бундан чиқди, яхши одамлар дегани унинг оғзини ош билан мойлаб, сунг истаган нағмасига уйнатмоқчи бўлишибди-да? Наҳотки қорин ишқида тик бошини ўшалар олдиди эгса? Пок гурурини топтаб, таъмагир луттибозларнинг қўлига сув қўйса?

Ахийри барибир бошлиқ айтган жойга Бегматнинг оёғи тортмади. Қоронгулик тушар-тушмас идорадан чиқди-ю, муолишдаги телефондан навбатчига сим қоқди.

— Оғайни, бош оғригим яна хуруж қилиб қолди. Уйда дам оляпман. Бизнинг бошлиқ сўраса, айтиб қўярсан.

Кеча алламаҳалгача унинг келишини кутган бошлиқ, бутун унинг саломига алик ҳам олмади. Аксинча, кенг пешонасини тириштириб танбеҳ беришга тушди.

— Вақт утяпти, ука. Ойлик олиб бола-чақани боққандан кейин ишлаш керак-да. Эпломасанг, айт. Бошқа осонроқ ишга ўтказиб қўяй.

Демак, ошга бормаганидан бошлиқ даргазаб. Тўсатдан Бухорога кетиши ҳам унинг иши. Балки полковник ҳам унинг гапига қўлоқ солишини билдириб қўйгиси келгандир?

Шу боис Бегмат боя полковникка кўнглига тутиб қўйган гапларини айтмай қўя қолди. Мафиянинг мерган болаларидан қўрқаяпти деган хаёлга боришини истамади ва уйдагилар билан хайрлашиб, йўлга чиқди.

Аэропортда рўйхатдан ўтиб, йиғиланларни тайёрагоҳга элтадиган автобус томон юрди. Ҳали кетишга вақт эрта.

Шу пайт орқадан махсус группа бошлигининг товуши эшитилди:

— Бухорога фақат шаҳарлик йигитлар боради. Райондан келганларга рухсат. Шахсан генералнинг буйруғи шундай.

Бегмат энгил тин олиб қайтди. Яхши бўлди, шунақаси қишлоққа чиқиб кетади.

Қишлоқ автобуси ёшу қари билан лиқ тула. Йўлақда катта-кичик тугунлар айқашиб ётарди.

Бегмат бир жойга бориб ўтирди. Буларнинг кўпчилиги тўйдан қайтаёптилар чоғи, автобусда бўладиган гага-говур йўқ. Кимдир муздек ойнага, кимдир шеригининг елкасига бошини қўйиб уйқуга кетишган. Фақат Бегматнинг олдиди ўтирган икки аёл нима ҳақидадир тинимсиз гийбаталашиб келишарди.

— Гапингизга қўшимайман, эгачи, — деди жиккаги, — Роҳилага ҳам осон тутиб бўламайди. Бир хотин шунчалик булар. Нима қилсин у ҳам?

Бошига шол рўмол ташлаб олган аёл ҳамсуҳбатининг гапини бўлди:
— Бир кам дунё деб шуни айтадилар-да. Уша қишлоққа қизим тушган. Яқинда келиб ерёнгоққа қарашиб кетди. Уша сиз айтган аёл... биласизми, нима қиларкан?... Бегона эркани уйига бошлаб келармиш, — деб шивирлади у охири.

Жиккак аёл ҳам энди шивирлашга тушди:

— Вой шунақами, битта шапкурни топибди дейишса, ишонмовдим.

— Қанақа шапкур?

— Анув... бойвачча — қиморбоз-да. Кўзойнак-чи... Мен уни танийман. Исми Исобек. Ҳамиша кўзойнак тақиб юради. Жуда топармон-да, эгачи. Жаҳонгашта, уйида ҳам кам бўлади.

Шериги қарганди:

— Улсин. Эркак зотига ўт кетган эканми? Келиб-келиб йилда бир уйида бўлмайдиган қиморбозни танласа? Тепада Худо бор, узининг гуноҳи қизига урибди...

Бегмат ичида нуқул «ўша, ўша» дер, калаванинг учини бехос топиб олганидан ичи қизиб туриб кетарини ҳам, вайсақи хотинларга раҳмат айтирини ҳам билмасди.

Исобек ётган жойидан турмади. Ҳатто ўта мулоимлик билан берилган саломга алик олишни ҳам ўзига эп кўрмади. Эшик олдиди ўтрилик қилиб қўлга тушган боладай қўл қовуштириб, хум бошини эгиб турган йигитга зимдан тикилди.

Кўринишидан Роҳила айтганчалик анқов эмас, деб ўйлади у. Келишган, бақувватгина йигит. Улоқ кўрмаган тойдек хом-у, лекин илгичи тўқ кўринади. Ерга ўрсанг осмонга сапчигудек. Муштдек болаларга алданиб қолмаганда, остонада бунинг ҳукмини кутиб, мусичанинг боласидек беозор термулиб турмасди.

— Келинг, бойвачча. Хўш, хизмат?

Улмас уйдан чиққандан минг хаёлларга борган бўлса-да, Исобек бу аҳволда кутиб олади, деб ўйламаган эди. Ҳеч бўлмаса қайнонамнинг ҳурматини қилади деганди.

Улмас бўйнига харсанг тош осилгандай бошини аранг кутарди. Оғзида қанти бор боладек тушунарсиз гапирди.

— Келмоқчи эдим. Лекин ишим юришмай қолди. Эшиттандирсиз?

Қиморбоз оёғини чалиштириб олди.

— Бойвачча, сўйилган қўйнинг оёғидаги арқонни ечишга ҳам фаросат керак. Бир ишни эплаш учун эса, калла керак. Пул ҳиди анқиган ҳар битта тешикка каллани тўқаверадими? Шу ниятинг бор экан, Тошкентта бориб, гавжум жойга ўтириб ол. У ерда алданмайсан. Утган одам ташлайдиганини ташлаб кетаверади, — кесатди у.

Бу гаплардан Улмаснинг жаҳли чиқди. Бошқа пайт бўлганда ўзи биларди. Ҳозир... мавриди эмас. Ҳаммасига чидаши керак. Бўйнига солинган арқоннинг учи унинг қўлида. Ёт деса ётади, тур деса туради.

— Айбимдан тонмайман, — деб мингирлади у, — фақат мўдатни сал қўзиб берсангиз, «тойчоқ»дан дарак чиқishi биланоқ...

Исобекнинг юзига табассум югурди. Қаршисиди нақ тиззасидан лойга ботиб турган тирмизакнинг гап билишига ҳаваси келди. Бу шайтон нимага шаъма қиялпти? Исобекнинг дайди ўртоқлари кўпчилигини, йўқолган машинасини топиб беришда ёрдам беришини сўраялтими?

Исобек Улмаснинг чув тушганини Роҳиладан эшитган эди. Аёлга очик айтмаган бўлса-да, ичида унга ёрдам бермоқчи бўлди. Эски танишларини ишга солиб, уч-турт ерга хабар юборди. Ҳатто Тошкентдай катта шаҳарда машина овлашда ном чиқарган туданинг саройида ҳам у сураттан машина йўқмиш.

Вақт бунчалик шафқатсиз бўлмаса! Кечагина ер остида илон қимирласа эшитадиган Исобек шунчалик тез кар бўлиб қолдими? Қўшга тик боқса, қамашмайдиган лочин кўзлари-чи? Улар қачон хиралашиб қолди?

Ахир учта картани айлантриб, йуқдан бор ясаётганлар шулар эмасми-ди?

У қандай шайтон малайлари буддики, ортларида на из, на суз қолдирмабди? Сувга тушган томчидек йуқ булиб кетса-я! Баҳорда потраб чиқадиган бу заҳарли қузиқоринларнинг макони қаерда? Улар нечта гуруҳни ташкил этади?

Дупписи ерга тушса пул бериб олдирадиган Иsobеклар вақти ўтди-ми? Улар қулида ушлаб қолган қарта шунчалик тез эскирдими?

— Йуқолган нарсанинг топилиши энди амримаҳол, — деди у ниҳоят. — Тойчоғининг қаноти бор, шекилли. Учиб кетган кўрунади. Энди излаб овора бўлма.

Улмас унинг гапларидан анграйиб қолди.

— Нима қил, дейсиз? — деди жон битиб ахйри, — узим бир етим бўлсам...

Бу тулки экан, уйлади Иsobек. Ҳатто бир марта овчининг тузоғига тушиб тиригидан айрилган тулки. Узоқдан ҳид оляпти.

Нафсамбирини айтганда Иsobек ҳам ёлғиз. На отаси, на онаси бор. Улиб кетса, орқасида чирогини ёқадиган бола-чақаси ҳам йуқ. Бу тулки нега нолайди? Орқасида ёш бўлса-да, утиллари бор. Эрта-индан ёнига кириб, қулидан ишини олади. Лекин Иsobекнинг-чи, кими бор?

Шу кунгача даста-даста пул сингари унинг қулидан қанча аёллар ўтди. Бир-иккитасини ёқтириб никоҳига олган вақти ҳам бўлди. Бироқ бир ёстиққа бош қуйиб, яшаб кетолмади. Бирини хунуқликда, яна бирини фаросатсизликда айблади. Бошқа бирови кунглига ўтирмади. Икки орада вақт гидираги уни эринмасдан қирқдан нарига элтиб қўйди.

Эндиги кунгил ҳам, дард ҳам бошқа. Агар унга Роҳила дуч келмаганда оила қуришнинг вақти ўтди, деб юрган буларди. Дастлабки кунлар Роҳилани ҳам «купининг бири-да» деб юрди. Лекин бора-бора унга боғланиб қолганини, ундан ажролмаслигини англаб етди. Унинг эри олдида сал қийналаса-да, кеча олмади. Тунлари унинг эшигига қандай бориб қолишини ўзи билмайди.

Иsobек ҳозир Улмаснинг қандай тулки бўлишидан қатъий назар унинг барча гапларига қулоқ солишга мажбур. Унинг терисини шилиб олишдан нима наф?

Оғзидаги ошни олдириб қуйган бу сутакка ҳозир ўлигини ортса кутаролмайди. Газаб отига мингудек бўлса, ўртада Роҳила бор. Бир ёмони шу ландовурнинг қулида. Шунинг топиб келишига қаноат қилиб, гулдек умрини хазон қилиб ўтирибди.

— Яна қанча муддат сўрайсан, узинг айтақол, — деди валломатлик билан.

Кутурган шернинг инсофга келганидан ажабланган Улмас шошиб қолди.

— Майли десангиз, бир йил етади. Ҳаммасига улгураман.

— Камлик қилмайдими?

Иsobек бу гапни киноя биланми ёки ичи ачиганидан айтди, Улмас англай олмади.

— Бир йил етади. Улгураман.

Иsobек уридан туриб, дераза томон юрди. Ташқарида олд оёқлари-га бошини қуйиб, кесилган қулоқларини динг қилиб ётган итидан куз узмай гапирди.

— Мен рози. Фақат атрофимда бўласан. Шунда орқангда аканг йуқлигидан нолимайсан. — Иsobек орқасига угирилди. — Бекорчиликдан зерикмадингми? Қузлаган жойинг борми?

Улмас бу ҳақда уйлаб курмаганди. Бош чайқади. Буни узича тушунган Иsobек тайинлади.

— Эртага автопаркнинг директорига учраш. Мендан салом айт. Таксининг янгисини беради. Керак бўлсанг узим чақираман.

Улмас икки қули кўксига ортига тисарилди.

— Хуп бўлади, акажон. Хизмат бўлса, жоним билан.

У Иsobекнинг олдида қандай чиққанини сезмади. Ҳарқалай бутун баданидан қора тер чиқиб кетганини кучада пайқади. Орқасидан берки-тилган эшикка қараб тупуради.

Аблаҳ! Ўзи ким-у, яна ақл ургатганига ўласанми! Акамиш! Шу пайтгача қайси гунгнинг ичида ётган эдинг. У иблис мени уз нағмасига уйнатмоқчи шекилли, индамасам. Устимга эски чопон кийдириб, полизга қоровул қилиб қўяди. Адашадилар. Лекин муддатни чўзгани зур бўлди. Унгача ё Худою ё Раззоқ!

Улмас берк эшикка яна бир бор тупуриб, йўлга тушди...

...

Полковник жойига қайтиб утирди. Қандайдир хотиржамлик билан Бегмат узатган суратга узоқ тикилди. Сўнг кўзойнагини олиб, стол устига қўяркан, фикрини айтди.

— Гапингда жон бор. Қизнинг улимига шу йигит сабабчи бўлиши мумкин. Лекин қонунчилигимизнинг сирларини мендан кам билмайсан. Ҳаммаси ипидан игнасигача аён бўлмагунча қийин. Иsobек деганинг кўпни кўрган. Шунинг эсингда тут.

Бу насиҳатлардан Бегматнинг кайфияти кутарилди.

— Раҳмат, ўртоқ полковник. Иsobекнинг таржимаи ҳоли билан чуқур танишиб чиқдим. Орқасидан сира ёмон из қолдирмаган. Тулкидек думи билан супуриб юради. Ҳатто ҳокимиятга бориб, маҳалла учун мачит солиш нияти борлигини билдирибди. Эрта баҳор уста ёллаб, иш бошлармиш.

Полковник кудди.

— Курдингми, айёрлигини. Одамларнинг кўнглини қандай олишни билади. Топган пули ҳаром бўлгани билан у ерда тер тукадиган усталарнинг меҳнати ҳалол. Уша ютган пулларини мачитга ишлатмай бузуқ аёлларга сарфлаб юборганда нима қилардинг? Ундайлар камми? Э... буларнинг ортидан юравериб сочимга оқ тушганини сезмай қолдим. Ҳали буниси ҳолва. Эрта-индин Иsobекнинг ўша мачитга мутавалли бўлибди деб эшитсанг, ёқа ушламай ишонавер.

Бегмат полковникнинг олдида чиқиб котибиятга кирди. Ўзига тегишли хат-хабарларни олиб пастга тушди. Эшиги олдида бетоқат турган кўзойнакли кишини куриб таниса-да, эътибор бермади. Чунтагидан калит олиб, эшикни очиб, ичкарига кирди.

— Кечирасиз, ука. Бу хонада сиз ўтирасизми?

Бегмат ўта хотиржамлик билан жавоб қайтарди.

— Худди шундай.

Иsobек қулида тутиб турган бир парча чақирув қоғозини стол устига қўйди.

— Кеча уйга шу қоғозни ташлаб кетишган экан. Олиб ҳайрон бўлдим. Бирон гаплари бўлса керак-да, деб йўладим. Қоғоз ёзиб анча овора бўлиб-сиз-да. Биронта ёш боладан айтдириб юборганингизда ҳам буларди. Биз шутти одами. Ўзи нима гап, ука? Тинчликми?

Бегмат худди полковник айтганидек гапни узоқдан бошлади.

— Ҳозир қаерда ишлаяпсиз?

Иsobек бепарво жавоб қайтарди.

— Қаерда буларди, узимизда-да.
Жавобдан Бегматнинг энсаси қотди. Қаршисида худди ҳайкалдек қотиб утирган ҳамсухбатига тикилди.
— Тушунмадим, узимизда деганингиз қаер?
Исобекнинг юзида сохта табассум куринди.
— Кечирасиз, сал тўмтоқроқ жавоб қайтардим шекилли. Узимизнинг маҳаллада болалар боғчаси бор. Олдинги пошшони даврида қурилан. Уша ерда қоровулман.
— Қоровулман дейсизми? Сиз-а?
Исобек товушини бир парда кутарди. Ҳатто ҳамсухбатининг ажабланишидан завқланиб қулди.
— Шунақа, ишонаверинг. Қирқдан ошган одамга ёлгон гапириш ярашмайди. Тутри, кўзойнак билан оқ оралаган сочни курган одам камида мактаб директори булса керак, деб уйлайди. Худо савлатдан бериб, калладан сиққан.
— Яна нима иш қиласиз? Қўлингизда бошқа ҳунар ҳам бордир?
— Дурдагорлик ҳам менинг зиммамда. Болалар шўх-да. Баъзан тош отиб ойна синдиришади. Кунига икки столнинг оёғи «майиб» бўлмас ҳисобмас. Кундуз кунлари улар синдирган ул-бул нарсаларни тузатиб, кечқурун уларнинг бойлигини қуриқлаб чиқаман. Билган одамга бу ҳам катта иш. Ҳозирги идораларни кўриб турибсиз. Ҳаммасида қисқартириш.
— Бодомзорда кимингиз яшайди?
— Қайси Бодомзорда? Узимизнинг райондагимиз?
— Ҳа, мен уша қишлоқни назарда тутаяпман.
— Менинг умуман қариндошим йўқ. Суққабошман. Балки тўймаъракаларга одамларга қўшилиб утган булишим мумкин. Лекин у ерда қариндошим йўқ.
Бегмат бир мударат жим қолди. Тулки, чиндан ҳам тулки деб уйлади.
— Мени бир нарса қизиқтиради. Бодомзордаги Ҳайдаровалар оиласи билан қаңдай алоқангиз бор? Оила бошига тушган мусибатдан хабарингиз бўлса керак?
Исобекнинг на юзида, на стол устида турган қўлида узғариш бўлди.
— Сиз айтган оила билан борди-кеддим йўқ. Лекин қизлари ҳақида эшитдим. Одамлардан гап қоладими? Уша воқеани ҳозиргача гапириб юришибди. Ҳа, айтмоқчи, кеча боғчада бир гап эшитдим. Тарбиячиларни биласиз-ку. Ишга гап тўрваларини орқалаб келишади. Уларнинг айтишига қараганда, сизлар қотилани топган эмишсизлар. Улай агар, роса қувондим. Шу гап ростми, ука?
Бегматнинг товуши одатдагидан қаттиқроқ чиқди.
— Сиз мени хафа қиялпсиз. Ёлгон гапириш сочига оқ тушган одамга ярашмайди. Ҳайдаровалар оиласида бўлганингизни яширишдан нима фойда?
Исобек яна шошилмасдан жавоб қайтарди.
— Менга ишонинг, ука. Сизни алдаб менга нима?
— Майли, сиз айтганчалик булақолсин. У ҳолда Ҳайдароваларнинг қўшилари сизнинг машинангизнинг рақамларини қаердан билишлари мумкин?
Изқуварнинг киноя аралаш гапидан таъсирланган Исобек чуқур тин олди.
— Гапингизда жон бор. Боя айтганимдек боғчада ишлагач, таниш-билиш кўпайиб кетаркан. Айрим болаларнинг отаси уста. Гоҳида у ер, бу ерини сошлаб беринг деб машинани бериб юбораман. Йўқ дейишмайди. Ундан ташқари, машина сўраб келадиган оғайнилари қанча. Бирининг юзи, бирининг кўзи иссиқ. Йўқ деб буладими?

Ҳамсухбатининг нима демоқчи эканлигини олдиндан сезган Бегмат буш келмади.

— Ошна-оғайнига одамгарчилик қилганингиз яхши. Бироқ у ердаги одамлар машина рулида сиз бўлганингиз ҳақида кўрсатма беришди. Баъзан тунда қолиб кетишингизни ҳам эслатиб қўйишди.

— Сизга тушунмаяпман, ука. Бировнинг уйига бориш гуноҳми? Ё уй эгасидан ариза борми?

— Гап аризада эмас. Керак бўлса оила аъзоларидан ёзиб берадиган одам топилади. Бу ёғидан кунглингиз тўқ бўлсин.

Ҳамсухбатининг анойилардан эмаслигини сезган Исобек сал юмшади. Шунда ҳам ичигаги сирини бой бергиси келмасди.

Бегмат ариза ҳақида ноурин гап очиб қўйганидан пушаймон бўлди. Роҳила-ку бу ишни қилмайди. Лекин унинг барча ҳақоратларига чидаб ётган эри-чи? У ҳам индамайди?

— Ука, сиз ҳам эркак кишисиз-ку. Сиз айтган жойга бостириб борганим йўқ. Меҳмон бўлиб келганман. Ростини, шунақа гапларни сизга сира айтгим йўқ эди. Охири қўймадингиз.

Бегмат ҳамсухбатини чув тушганидан кайфияти кутарилди.

— Меҳмон деганлари йилда ёки ойда бир келади. Ҳар куни тунда пайдо буладиган одамни меҳмон деб атасак ҳақимиз кетмайди? Ишлатамиз десак бошқа сузлар ҳам бор-ку? Анорани танирмидингиз?

— Қайси Анорани сўраяпсиз? Боғчамизнинг мудирасиними?

— Сиз мени чалғитманг. Сизни меҳмонга чақирган аёлнинг қизи ҳақида сўраяпман. Энди тушунгандирсиз?

Исобекнинг ранги оқариб кетди. Ҳатто стол устидаги қўллари билин-билинмас титради.

— Сиз нимага шаъма қиялпсиз, ука. Мени бунақа ишларга аралаштирманг. Роҳиланинг олдида борганим рост. У билан тунлари битта тушакда қолганини ҳам яширмайман. Худо ҳаққи, ёлгон бўлмасин, уша қизни бир-икки курганман. Лекин нонни ушлаб қасам ичаман, сира аҳамият бермаганман. У мени ёмон кўрарди. Ҳатто бир куни ботинкамнинг ичига сув тўлдириб қўйибди. Эрталаб қарасам муз бўлиб қотиб қолибди. Шу-шу борганимда уйда булмасди.

— Нера?

— Роҳила уни опасиникига жунатиб юборарди.

— Унда нега қалтирайсиз? Мен сизни айбдор демаяпман-ку? Марҳума ҳақида сўраяпман, холос.

— Гапингиздан қалтироқ босгани рост. Чунки сиз мендан гумон қиялпсиз. Булмас менинг у қизга нима алоқам бор? Эшитган қўлоқ нима дейди? Эрталаб бу ерга келатганимни кўпчилик курган эди. Йўқ, ука. Қиз ҳақида мендан сўраманг? Жавоб бермайман. Билмаган, курмаган нарсамни гапиришни ёмон кўраман.

Бегмат биринчи галдаги саволларига жавоб олгач, уридан турди. Катта столи айланиб утар экан, стол четида турган ҳамсухбатининг кўзойнагига қўли тегиб, пастга тушириб юборди. Бундан унғайсизланган Бегмат, Исобекдан олдинроқ ҳаракат қилиб, пастда ётган кўзойнакни олиб эгасига тутди.

— Кечирасиз, эҳтиётсизлик қилдим. Яхшиям синмади. Пухта ишланган экан.

Исобек тасдиқлади.

— Пишиқ ишлангани рост. Одессадан олганман. Биласизми, уларнинг духтирлари бу соҳада жуда илгарилаб кетишган.

Бегмат ҳамсухбатининг бу учрашувдан сўнг қай мақомга йўргалашини кузатиш мақсадида унга жавоб берди.

— Керак булсангиз, яна чақираман. Хафа булмайсиз?

Эшик тутқичига қўл узатган Иsobек босиқлик билан жавоб қайтарди.

— Биз рози, ука. Қачон чақирсангиз, келаверамиз. Мени бошлигингиз ҳам яхши билади. Куп суҳбатда булганмиз. Хайр, у кишига салом айтинг.

Иsobекнинг ортидан қараб қолган Бегмат, бу илон қай маънода бошлигини тилга олганини тушунгандай булди-ю, бироқ у бир нарсани, гуноҳини беркитиш учун уша тун ош дамлаган мезбон шу одам эканини билмай қолди...

...

Улмас буйнидан боғланган итдек Иsobекнинг ҳовлисига кириб келганда вақт пешин эди. Шариллаб оқаётган водопровод сувига елқасини тутиб ювинаётган қиморбозни кўриб, унга салом берди.

— Йўқлаган экансиз. Сал кеч қолдим.

Иsobек унинг абжирлигидан, эрмакка томоқ қоқса, ернинг остидан булса-да, етиб келишидан хурсанд булди. Ёқаётган илиқ сувдан елқасини олгиси келмай буюрди.

— Бугун кеч уч-туртта меҳмон келиши керак. Уйга кирсанг сервантнинг биринчи тортмасида пул бор. Керагини ола-да, бозорчага тушиб чиқ. Меваларнинг яхшисини ол. Гузардаги қассобга мени айтиб, қўй сонининг унг томонини кестир. Ҳамма маза уша ерда. Офтобга тутиб ётади. Ҳалиги «урис боласи»дан икки шшасини ол. Кўкатлардан мулроқ булсин. Тушундингми?

Улмас ичкарига кириб пул олиб чиқди. Ҳамон буйинини юваётган акасида сўради.

— Яна нима олай.

— Бошқаси уйдан топилади. Ҳаяллаб кетма. Улар қўй суйиб чақирсанг ҳам келмайдиган меҳмонлар, уялиб қолмайлик.

Куча эшиги ёпилиб, машина шаҳа билан кўзгалди.

Иsobек кечгача, меҳмонлар келгунга қадар беш-олти бор кучага чиқиб келди. Шунда ҳам Улмасдан дарак йўқ эди. Буни сезгандек меҳмонлар қуруқ келишмаган экан. Арман коньягидан тортиб лимонгача, қазичартадан тортиб Қува аноригача олишибди. Жиззали нонни яқин атрофдаги нонвойлардан олишган шекилли, ҳали совумаган, дастурхонни бир зумда янги тушган келиннинг уйдек безатиб қўйишди.

Бироқ Иsobекка ҳозир арман коньяги ҳам, меъёрида пиширилган қазича ҳам татимасди. Ютқазганини эшитиб, узоқдан келган дўстларини қуруқ кутиб олаётганидан уяди. Энди булар нима деб уйлашади? Иsobекни корейслар чунтагига қўшиб дастурхонини ҳам сидириб кетишган экан, дейишмайдами? Йўқлаб келган меҳмонни қозон осмай жунатган йигитмиди у? Улмас нега бундай қилди? Ё бирон фалокат рўй бердимми?

Дўстлари узоқ утиришмади. Бир пивладан чой ичиб уринларидан туришди. Иsobекнинг шунча қистаганига қарашмади. Йўл узоқлигини, насиб этса янги йилдан олдин буладиган уйинга келиб, корейсларнинг додини беражакларини айтиб, узр сўрашди. Дастурхон четдаги буш саватта улардан бири беш мингталикдан бир пачқасини ташлаб қўйди. Бу илтифотдан Иsobек хижолат бўлаётганини кўриб, далда бердилар.

— Янги йилгача ҳали узоқ. Бу зеркиб қолмаслигинг учун. Писта олиб чақарсан. Дўст деган бунақа булмайди. Бошинга шундай иш тушса-ю, индамасанг. Узимиз эшитиб келмасак, дамнингги чиқармай юрарар экансан-да. Чимкент узоқми? Ҳеч булмаса, телефон қилмайсанми?

Иsobек эски қадронлари билан қай тариқа хайрлашганини билмайди. Газадан вужуди титрарди. Қайтиб дастурхондаги коньяқдан пивлани тулдириб, бир кутарди. Парраклаб тўғралган қазидан оғзига солар экан, стога мушт урди.

— Аблаҳ! Барибир итлигини қилди. Аммо атай қилган булса, кулини кўкка совураман. Йўқса, онамининг берган сути ҳаром булсин...

...

Қаймоқ тусли янги Волга автомашинаси бир туп одамлар турган жойга яқинлашиб тухтади. Улмас машинадан тушиб, бир-бирлари билан тил топишолмаётган одамларга узоқ тикилиб турди. Ёшроқ йигит урта яшар кишига ниманидир тушунтирмоқчи буларди.

— Амаки, том сувоқнинг узи буладими? Сиз ҳадеб осмондаги қуёшни кўрсатаверманг. У узи ухлаб қолган одамдек уйдан ҳозир чиқди. Бир отим носнинг кайфини сурмасингиздан яна ботади. Бу ёғи энди қиш. Совуқ тушиб қолди. Қаранг, бармоқларим ёрилиб кетган. Ишим битиб қолсин десангиз мен айтган нарх. Ундан камига булмайди. Сиз айтган нархга бозорда ҳафтада бир тугадиган товўқ ҳам бермайди.

Қора чопонининг устидан шойи белбогини маҳкам боғлаб олган киши маҳмадона йигитта дерди:

— Ука, сендан мен Саидолимхоннинг аркини сувоқлаб бер деётганим йўқ. Нарй борса, бир хонали ҳаммом. Унинг ҳам сирти шувалган. Истасанг ичига печка ёқиб бераман. Астойдил ҳаракат қилсанг, бир кунлик иш. Сал инсоф қил-да. Кафтдек жойга новвоснинг пулини сўрайсанми? Савоб ҳам керак-да одамга...

У усталар олдида утиб борар экан, бехосдан тухтаб қолди. Қорачадан келган, синиқ гишт устига утириб олган йигит эътиборини тортди. Одамлар орасидан туртиниб-суртиниб уша томонга ўтди.

— Нега сиз туў одамдек индамай утирибсиз? Ё ишга боргингиз йўқми? — деди кулиб.

Ўтаниш одам истар-истамас бошини кутарди. Уйқусизликдан булса керак, кўзлари қизариб кетганди.

— Иш булса, бораверамиз. Эрталабдан дуч келган одамга осилавериш жонга тегди. Иши бор одам келар.

Улмасга устанинг соддалиги ёқди.

— Қўлингиздан қанақа ишлар келади?

Уста саволдан кулди. Урнидан туриб, орқасини қоқди.

— Ёшимиз тенг шекилли. Ҳақиқий уста иш танламайди. Мақсадингизни айтсангиз, ҳисоб. Узи билиб қилаверади.

Улмасга узи тенги йигитнинг ута босиқлик билан, вазмин гапириши ёқди.

— Қаерликсиз? Бегонага ухшамасиз-ку? Тикилиб қараган одам иккимизни ака-ука деб уйлайди. Фақат сизнинг муйловингиз бор экан.

Уста Улмаснинг бошидан оёғигача синчиклаб қараб, бунга қўшилган булди.

— Аслида ҳаммамиз бир отанин болаларимиз. Шундай булгач, бир-биримизга ухшаймиз-да. Лекин мен бу ерлик эмасан. Узоқроқданман.

Улмас гала-говурда эшитмай қолишдан чучиб, товўшини баландлатди.

— Уста, ҳовли қаерда?

Ҳамсуҳбатининг юзи жиддийлашди.

— Ҳовли Кўлобда эди. Ҳозир борми-йўқми билмайман. Бола-чақадан ажралгач, чопонни елкага ташлаб, чиқиб келаверганман. Биздаги бўлаётган воқеалардан хабарингиз бордир?

Улмас бор-будидан ажралиб, ёлғиз қолган устага ич-ичидан раҳми келди.

— Уйда озроқ иш бор эди. Икки метр чуқур ковлаб, устини берки-тиб берсангиз, бас. Пулида гап йуқ. Мусофир экансиз, хафа қилмайман.

Уста оёқ остида ётган түр халтасини олиб, Улмаснинг орқасидан эргашди. У машинанинг орқа ўриндигига келиб утирди.

Улмас шаҳар марказидаги ошхона олдидан утаётганда уйда гушт қолмаганини эслади-да, машинасини ошхона олдига тўхтатиб, орқасига утирилди.

— Уста, сиз утира тулинг. Мен ҳозир, — деди.

— Мен ҳам папирос оламан.

Улар орқама-орқа ошхонага киришди.

Ўрта яшар, семиз аёл сақич чайнаб утирар, сочига лента тақиб олган ёш қизалоқ эса, қўлидаги шарни осмонга отиб уйнарди. Аёл ҳар замонда кимсасиз даҳлизни бошига кутариб, қиқир-қиқир кулаётган қизини уришган буларди.

— Зубайда... Зули!.. Бас қил, қизим. Бошимни огритиб юбординг. Бунақа туполончи бўлсанг иккинчи олиб келмайман.

Уста жойида ҳайкалдек қотиб қолди. Бутун танасида титроқ туриб қўлидаги халтасини ташлаб юборди. Сунг вужудига кутарилган куч уни қутирчоқдек қизалоқ томон етаклади. Муздек цементга чўкалаб, шарни кучоқлаганича нима қиларини билмай ойсига қараб қолган қизчанинг оппоқ қўлчаларидан тутиб ўзига қаратди. Қўздан чиққан ёшлар лабига урмалаб оқиб тушди.

— Вой... сен-ей. Сен ҳали Зубайдамисан? Бу ерларда нима қилиб юрибсан, қизим? Нега индамайсан? Нега дадангнинг буйнига осилмаяпсан? Ё танимаяпсанми? Биласанми, мен сенга нима олиб келдим? Ҳозир утрасан. Зубайда, менинг Зубайдагинам. Қизалоғим!

Уста қизалоқни бағрига босиб, юз-кузларидан ула кетди.

Бегона одамнинг соқолидан қўрққанидан қизча бақириб йиғлаб юборди. Чучиб тушган аёл эса шу ёққа қараб чопди.

— Вой анови, алқашни! Жинни-пинни эмасми? Нега бировнинг боласини бугасиз? Ҳозир милиция чақираман.

Агар орқадан гушт кутариб Улмас келиб қолмаганда нима бўлиши номаълум эди. Улмас устани қўлтигидан олиб тургизар экан, калта қўларини белига тираб турган аёлга тушунтиришга уринди.

— Олажон, бу киши маст эмас. Сиз нотўғри тушундингиз. Қизингизни кўриб, боласи эсига тушиб кетди, шекилли. Булар Қўлобдан. Бола чақасидан бир кунда айрилган.

Аёл унинг гапига заррача эътибор бермай бидиллаганча қизини етаклаб нари кетди.

— Қизини эсласа, нега буни бугади? Қуринган одамнинг қизига чанг солаверадиими?

Улмас ерда ётган халтани қўлига олиб, аёлнинг олдига келди. Чунтагидан битта мингталикни чиқариб деди:

— Ўн қути папирос беринг.

Аёл бели синмаган мингталикни олиб, стол тортмасига солар экан, бир оз юмшади.

— Қанақасидан, ука. Фильтрлиги йуқ эди-ку.

Улмас ташқарига чиқиб кетаётган устани чақирди.

— Қанақасидан чекасиз?

Уста ердан бошини кутармади.

— Менга барибир. Тутаса булди.

Улмас устанинг кузидаги ёшни куриб, юраги эзилди.

— Юз грамм ичасизми?

Уста қаршилиқ қилмади. Аёл узатган катта стакандаги ароқни бир кутаришда сипқорди. Сунг ҳар қандай андишани четта суриб, очик турган шишадан стаканга яна тулдириб қўйди. Буни кўрган буфетчи аёлнинг кузи косасидан чиққудек булиб, Улмасга юзланди.

— Ука, бу киши ҳалиги кинода немислар билан спорлашиб бир буханка нон ютиб олган одам эмасми?

Улмас қолган қайтимига ҳам ароқ олиб, машинаси томон юрди. Уста аллақачоноқ ўз ўрнини эгаллаган экан. У машина эшигини очар-очмас орқасидан ҳалиги аёлнинг товуши эшитилди.

— Ҳов ука, шошмай тулинг. Анув кишининг бир нарсаси тушиб қопти-ку.

Аёл Улмаснинг қўлига кирчил румолга уралган ҳужжатларни тутиб, орқасига қайтди.

Машина катта йўлга чиқиб тезликни оширди-ю, Улмаснинг назари-да ортидан бегона машина изма-из юргандек булди...

ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

ПРОТОКОЛИ

«199... йил 16 ноябрдан 17 ноябрга утар кечаси Тошкент-Бекобод йўлининг 93 километрида йул четида ағанаб ётган Волга автомашинаси кўздан кечирилди.»

Пастла ағананин машина бутунлай ёниб кетганлиги сабабли унинг давлат рақамини аниқлашнинг иложи бўлмади. Шунингдек ҳайдовчи ҳам ёниб кулга айланишига бир баҳя қолган.

Машина ёнган жойдан олти метру етмиш сантиметр узоқликда эркак кишининг нутра теллаги топилиди. Теллак қора тусли. Элик еттинчи размерли. Ички томонида оқ доғи бор.

Машинадан беш метрлар узоқликда бўшаган йигирма литрли канистр топилиди. Машина ёнган ердан ўн саккиз метру ўн олти сантиметр узоқликда тахминан машина пастликка ағанаш жойида қўзи оғизлар учун ишланган кўзойнак топилиди. Кўзойнак тутқичининг ич томонида кичкина юлдузча тасвири уйиб туширилган.

Ушбу ерни кўздан кечирिश давомида бошқа нарсалар борлиги аниқланмади...»

...

Ишга барвақт келган Бегмат навбатчидан тунда бўлган воқеани эшитди, эксперт йигит утирадиган хонага кирди. Тун буйи ухламаганидан кўзлари қизариб кетган терговчи билан эксперт тунда олинган суратларни қўригаётган экан.

— Машина қаерники экан? — суради салом-алиқдан сунг Бегмат.

Турли ҳолатларда олинган суратларни кўздан кечираётган терговчи бошини кўтармай жавоб берди.

— Бахтга қарши такси ўзимизники экан. Бутунлай янги дейишди. Заводдан келганига бир ой бўлган экан. Ёниб кул бўлишига оз қолган. Чекка жой-да, ҳеч ким кўрмаган. Ярим тунда кўрганлар ҳам тинчлигини уйлаб, тўхтамай утиб кетаверишган. Ҳозирги одамларни биласиз-ку?

Бегмат суратдаги манзараларга ачиниби тикилди.

— Машина узимизники эканлигини қаердан билдиларинг? Суратда куруқ темирдан булак нарса қолмаган-ку?

Плёнкани чироқ нурига тутиб қуритаётган эксперт жавоб қайтарди.

— Автопаркка сим қоқиб, тунда қайтмаган машиналарни сўрадик.

Фақат бир такси автомашинасигина гаражга қайтмаган экан. Навбатчи механик бир хавфни сезгандек воқеа содир булган жойга ўзи етиб келди. Машинанинг орқа юкхонасига синчиклаб тикилгач, «бизники» деди.

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку? Сизлар билмаган нарсани у қаердан билди. Машинада биронта белги қолмаган-ку?

— Шубҳангиз ўринли, — гапида давом этди эксперт. — Ҳамма гап шундаки, навбатчи механик ҳайдовчи билан бир маҳаллада яшаркан. Утган куни тунка ёрадиган темир понасини устахонага олиб келиб чархлатган, сунг ҳайдовчидан «йўлинг тушса, уйга ташлаб ўт» деб машинанинг юкхонасига ташлаб қўйган экан. Шундан таниди.

— Тушунарли. Демак, ҳайдовчининг шахси аниқ. Шундайми?

Терговчи бош силкиди.

— Механикнинг айтишига қараганда, ёш йигит экан. Уйига хабар юбордик. Ҳозир келиб қолишса керак. Машина ағдарилётганда эшиги очилибми, ҳарқалай тасодиф юз бериб ҳайдовчининг теллаги тушиб қолган. Ана, дераза тоқчасида турибди. Ҳарқалай хотини таниса керак.

— Ёнгин машинанинг пастга ағанаб кетиши оқибатида содир бўлганми ёки бошқа тахминлар ҳам борми?

Эксперт қўлини сувга чайиб, оппоқ сочиққа артди.

— Ҳали бир тўхтама келишга вақт бор. Ағдарилган машина ерга қаттиқ урилиши оқибатида ёниб кетишям мумкин. Бироқ машинадан сал нарида канистр ётгани менда шубҳа уйғотди. Канистр буш. Яна оғзи очиқ. Дастлаб биз машина ағдарилганда канистр отилиб кетдими деган тахминга бордик. Лекин канистрнинг оғзи телага қаратилганча турибди.

— Бу билан ёнгин уюштирилган демоқчимисиз?

Эксперт йигит елка қисди.

— Айтдим-ку, бу ёғини уйлаб куриш керак. Канистр у ерга осмондан тушиб қолмагандир.

Эшик тақиллаб, ичкарига навбатчи кирди. У уч ҳамкасбининг қай бирига мурожаат қилишини билмай, бир дақиқа иккиланиб турди. Сунг унвони катта ҳамкасбига юзланишни афзал кўрди.

— Автопарк механики келди. Ёнида бир аёл ҳам бор. Олдиларингга кирмоқчи. Нима қилай?

Бегмат чаққонлик билан дераза тоқчасида турган теллакни олиб, стол устига қўйди. Сунгра яна уша эпчиллик билан икки ҳамкасбининг бошидаги теллагини улардан сўрамасданоқ унинг қаторига қўйди.

— Майли, киришин. Навбатчи механикка айт. Ҳайдовчисини ҳам чақирсин. Улар гувоҳликка ўтишади.

Орадан куп ўтмай ичкарига узун буй, қорачадан келган ёш йигит ва бошига шол рўмол ураб олган чиройли жувон кириб келишди. Ҳайдовчи йигит эса нимагадир, шошилганидан булса керак бошидаги дўпписини қўлига олволган эди.

Бегмат гап нимада эканлигини билмай хонадагиларга ҳадик билан тикилиб турган аёлдан сўради.

— Синглим, эрингиз қаерда ишлайди?

Жувон ёнида турган навбатчи механикка ишора қилди.

— Шу кишининг қўлида такси минишади.

— Ҳозир қаерда, биласизми?

Жувон ҳеч нарсадан хабарим йўқ дегандек елка қисди.

— Кеча эрталаб ишга бораман деб чиқиб кетганлар. Ҳали келганлари йўқ. Олдиндан шунақалар. Икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетадиган одатлари бор. Қаёққа, кимнинг олдига боришларини менга айтмайдилар.

— Такси мингандан бери уйга келмаган кунлари бўлдимми?

— Бу ишлари яхши экан. Мошинни гаражга қўйиб келишлари билан уйқуга кетардилар.

Бегмат жувоннинг эътиборини стол устидаги теллақларга қаратди.

— Синглим, бизга бир жумбоқни ечишга ёрдам берсангиз. Мана бу теллақларга разм солинг. Қай бири сизга таниш?

Жувон стол устидаги теллақларга узоқ тикилмай, чап томонда биринчи турган қора тусли теллақка ишора қилди.

— Шу теллақ кўзимга иссиқ кўриняпти. Хужайинимникига ухшар экан.

Қоғозга алланималарни ёзиб ўтирган терговчи жувонни чалгитмоқчи бўлди.

— Нима сабабдан айнан шуниси? Бозорда бунақа рангдаги теллақлар озми?

Бироқ жувон гапидан қайтмади.

— Адашаётганим йўқ. Ҳар куни чангини қоқиб кўядиган теллакни танитайманми? Аниқ эсимда. Утган йили Қўқон бозоридан олганмиз. Ҳали янги. Лекин ички астариди озгина доғиям бор.

— Ниманинг доғи, — қизиқиб сўради Бегмат.

— Аниқ билмаймиз. Теллакни олиб уйга келгач кўрдик. Данақдек келадиган оқ доғи бор экан.

Бегмат чап томондаги биринчи турган қора тусли теллакни қўлига олиб ичини ағдарди. Кузи беихтиёр данақдек катталиқдаги оқ доғга тушди. Терговчи ёзишдан бир дақиқа тўхтаб, кўзойнак билан тароқ қўйди.

— Бу нарсаларнинг қай бири сизга таниш?

Жувон бош чайқади.

— Танитайман. Бизнинг уйда кўзойнак тақадиган одам йўқ. Тутадиган тарогимиз ҳам бунақа эмас.

Терговчи яна жувонни синаш мақсадида савол берди.

— Адашмаяпсизми?

Жувон ҳайрон бўлди.

— Тавба, узимнинг хужайинимни нима еб, нима кийишини билмасам, у ҳовлида нима қилиб юрибман? Тинчликми ўзи? Нега менга бунақа, галати саволлар беряпсизлар?

Эксперт йигит бор гапни аёлга айтиб, уни бу мудҳиш воқеадан хабардор қилиш ниятида полковник олдига бошлади.

Жувон чиқиб кетгач, Бегмат стол устидаги кўзойнак билан тароқни қўлига олди.

— Булар ҳам уша ердан топилдимми?

Суратларни қоғоз қутичага солаётган терговчи тушунтирган бўлди.

— Ҳа, кўзойнак машина пастликка ағдарилган жойга тушаверишда ётган экан. Тароқ эса узимники.

Бегмат кўзойнакни олиб зимдан кўзатар экан, тутқичига ўйиб туширилган юлдузчани кўриб, бақириб юборай деди.

— Ия, мен биламан-ку! Ҳаммасини биламан!

Ҳеч нарсага тушунмаган терговчи бошини кутарди.

— Юрагимни ёрай дединг-ку, хумпар. Нега бақирасан? Нимани биласан?

Бегмат стол устида ётган терговчининг теллагини бошига кийгизиб қўяр экан, жавоб қайтарди.

— Кўзойнак эгасини биламан.

Бегмат яшил рангга буялган дарвозани тақиллатиб, уй эгасини чақирди.

— Иsobек! Ҳов, Иsobек!

Бирок ичкаридан жавоб булмади. Фақат ҳовлида ётган ит бир-икки ҳуриб, олд оёқлари билан дарвозани тимдалади. Бегматнинг олдидан турган милиционер йигит эшикнинг тирқишидан ичкарига муралади. Рупарадаги уй эшигига осилган муштдек қулфга қузи тушиб, ҳафсаласи пир булди.

— Уртоқ майор, уйда йуқ шекилли. Ичкари эшикка қулф осилган. Куринг.

Шу пайт рупарадаги қушни уйнинг эшиги очилиб, гилдирак аравага ахлат ортган одам куринди. У ҳам нотаниш одамларни куриб тухтади. Ариққа энгашиб, қулини чайди. Сунг қулларини қултигига артиб, улар томон юрди.

— Ассалому алайкум. Сизларга ким керак, меҳмон?

Бегмат нотаниш одамнинг саломига алик оларкан, суради:

— Амаки, бизга Иsobек ака керак эдилар. У кишини қаердан топ-сак булади?

Қушни киши милиционерга қизиқиб тикилди. Шу боис жавобни формаси бор йигитга қайтарди.

— Овора булибсизлар-да, Иsobек уйда йуқ эди-ку. Кеча пешиндан кейин бир мошин келиб тухтади. Мен ҳовлидаги чеснокка сув очаётган эдим. Жуда галати мошин экан. Ҳалиги, шопирлар бурайдиган рули ун-г томонда. Узи тухумдек думалоқ. Мошинадан икки йигит тушиб, булар-никига кириб кетди.

— Келган одамларни танимадингизми?

— Танимадим, ука. Уларни илгарилариям курмаганман. Ҳарқалай бу ернинг йигитларига ухшамайди. Э... буну уйи қарвонсарой, ука. Қунига мингтаси келиб-кетади. Қайсинисини танийсиз.

— Меҳмонлар қачон кетишди? Хабарингиз булмадимми?

Қушни ҳаммасини бир бошдан тушунтироқчи булди.

— Паришонхотирлик-да, ука. Ҳалиги мошинга берилиб, икки жуяк чеснокка бир ариқ сув ҳайдабман. Ичкаридан хотин бақириб қолди. Қувурни озгига гишт босаётганимда қушним чиқди. Ёнида ҳалиги йигит-лар. Иsobек мошинга утиргач, «Бизни уйга қараб туринг», деб тайинла-ди. Ҳатто қайтишида менга хуроз олиб келишини айтди.

Бегмат эшиги очик қолган машина томон юрди.

Қушни гапга берилиб, одамгарчиликни унутаёзганидан хижолатта тушиб, уларнинг орқасидан эргашди.

— Катта идорадан келиб, қуруқ қайтсаларинг уят булар, уйга ки-ринглар. Янгангиз иссиқ нон ёпаяпти. Бир тишламдан еб кетардила-ринг.

Бегмат машинага чиқиб утирар экан, миннатдорчилик билдирди.

— Нонни кейин ермиз, ака. Раҳмат.

Иsobек оёқ товушидан сергакланиб қузини очди. Утовга катта коса кутариб олган кампир кириб келди. Қулидагини кигиз устига қуйиб, огриқ азобига чидаб, миқ этмай ётган меҳмондан суради.

— Сал камайдимми?

Иsobек аранг огиз очди.

— Раҳмат, шеше. Энди узимни яхши ҳис қиялман.

Кампир косани узига яқинроқ суриб, Иsobекка тайинлади.

— Широгим, озроқ огриқ булса шида. Осман узилиб ерга туш-байди.

Кампир шундай дея косадаги ёглиқ қатиқни гадир-будир қуллари билан меҳмоннинг қуйган ерларига сурта бошлади. Иsobек огриқни енгиш мақсадида бармоқлари билан кигизни гижимлади. Ишини тутат-ган кампир ўрнидан турди. Косани яна қайтиб қулига оларкан, Иsobек-дан суради.

— Широгим, оқшам беспармақ пишираман. Ҳеч булмаса, сувидан ишасан. Эт этта, шурпа бетга деб айтишган, тушиндингби?

Кампир меҳмоннинг жавобини кутмай, ташқарига чиқди.

Бир ҳафтадан бери утовда ётавериб сабри тутатган Иsobек кигиз устида ётган ойнани олиб, узига тикилди. Ҳозиргина қатиқ суртилиши-га қарамай гушт булиб қолган юзлари ловуларди. Қош-киприкларни, ҳатто сочининг олд томонигача куйиб, киноларда куринмай қолган Фонтамасга ухшаб қолганди.

Аттанг, уйламай иш қилиб, шу қуйга тушиб утирибди. Минг жаҳди чиққан тақдирда ҳам шайтонга ҳай бериши керак эди. Шошилишни унга ким қуйибди? Энди бу ёғи нима булади? Одамларга нима деб жавоб қилади?

«Ия... Иsobекмисиз? Ҳа, бу қош-киприк майлига, лекин сочни қаер-га ташлаб келдингиз, дустим. Ё пул етмасдан тиквордингизми қиморга» деб мазақ қилишмайдами? Тиззаларига шапатилаб, унинг устидан ку-лаётган ҳамқишлоқларига нимадир деса булади. Нарн борса то тузалгун-ча уйдан чиқмайди. Лекин эрта-индин мелисадагилар чақириб қолса-чи? Ахир улар «узоққа кетиб қолманг, узимиз қақирамиз» деган эди-ку. У лаънатиларни алдаб булмайди. Ошқозони огрийдиган беморлар ютади-ган ичкадек ичингда борини тортиб олишади.

Иsobек яна ойнани қулига олиб тикилди. На қоши, на киприги бор аксини куриб, аламидан бақириб юборди. Иложсизликдан, ич-ичдан отилиб чиқаётган нафрат утидан тўлғониб, қулидаги ойнани эшик то-монга отди...

Бегмат Соҳиба билан узоқ суҳбатлашди. Икки ой бадалида ҳам сингласидан, ҳам эридан ажраган бу хокисор аёлнинг юзларидан қон қочиб, тим қора кузлари киртайиб қолганди. Қанчалик огир булмасин, у ичидаги дардни, дарахт қуртидек бутун танасини кемириб бораётган аламларни яширмади.

Бегмат ёруг кунлар борлигидан умидини узган, қўнгли ярим булиб қолган бу жувонга ички изтироб билан тикилди.

— Бизнинг билишимизча, Иsobек қарз муддатини чўзган экан. Шундайми?

Аёл огир тин олиб, жавоб қайтарди:

— Ҳа.

— Сиз буну қаердан билдингиз?

— Хужайиним машинасини олдириб қуйгач, уйдан эшикка чиқол-май қолди. Овқат ейиш у ёқда турсин, одам билан очилиб гаплашмайди. Ётгани ётган. Бир куни кучага чиқиб, кеч тушганда хурсанд булиб келди. Озроқ ичибди ҳам. Кейин кечқурун ҳаммасини айтиб берди.

— Олган қарзи қанча экан?

Аёл пастки лабини тишлади.

— Сўрамадим. Чунки айтмаслигини яхши билардим. Раҳматли сал қайсарроқ эди. Шу учунми Худо ҳам шу улимни раво қурди. Кеч замонда гўрга бир ҳовуч куани элтиб кўмишадими? У бечора қимга ёмонлик қилган экан?

Бегмат аёл йиғидан тухташини кутди.

— У ҳолда кимдан гумон қиляпсиз? Исобекданми ё бошқадан?

Аёл елка қисди.

— Билмадим. Уртоқларидан гумон қилай десам, Худонинг олдида гуноҳга ботаман. Исобек ака ҳам бу ишни қилмас. Келиб-келиб укаси тенги одам билан уақишадими? Ёмонлиги булганда қарз муддатини узайтирмасди.

Соҳиба қаршисида қисматига ачиниб утирган изқуварга ишончи ортибми, ундан маслаҳат сўради:

— Киноларда искович итлар қўйишади. Сизларам...

Мусибатдаги аёлнинг искович ит ҳақида гап очиши изқуварни ажаблантирди. Аёлнинг киприклариди ёш қуринди.

— Ёмон бўлса ҳам уйда эркак кишининг булгани яхши экан.

— Нега? — хавотирланиб сўради Бегмат.

Соҳиба ички бир дард билан тушунтира бошлади:

— Кеча оқшом қўшни кампир чиқди. Қўярда-қўймай уйига олиб ўтди. Ош қилган экан. Болалар билан едик. Гапга берилиб вақт аллама-ҳал булганини сезмай қолибмиз. Уйимизга ўтиб ётмоқчи эдим қўшним уришиб берди. «Биз бегона бўлдикми? Шу ерда ётиб қоласан. Тунда болаларнинг уйқусини безовта қилма», деб туриб олди. Юзидан утолмадим. Болаларим билан ўша ерда ётиб қолдик. Эрталаб уйга кирсам ҳамма нарсаларим сочилиб ётибди. Қўрқанимдан бақириб юбордим. Ялангоёқ яна қўшнимизникига югурдим. Қўшним қозонда сут пишираётган экан. Тошиб кетади демай орқамдан халослаб югуриб келди. Улай агар, дунё кузимга тор қуриниб кетди. Айқаш-уйқаш бўлиб ётган қурпачаларга ағанаб тоза йиғладим. Ахир мен шурлик одамларга нима ёмонлик қилибман? Ёлғиз синглимни қонга белаб, қопга тиқиб кетишса, рўзгоримни бут қилиб юрган эримни мошинасига қўшиб, ёқиб юборишса. Агар жоним керак бўлса олишсин. Тутиб бераман. Агар икки қабрни қучишга мадори етмай, калталик қилаётган қўлларимни исташса, майли, кесиб олишсин. Тутиб бераман. Мабодо, икки сағир учун мерос булган уй керак бўлса, уни ҳам олишсин. Шундай бераман. Лекин қуйган юрагимга малҳам бўлиб турган икки боламга тегишмасин. Бундан кўра бизни тириклайин гўрга тиқишсин. Ахир мен болаларимсиз нима қиламан? Илдиизига қурт тушган чўкир толдек хазон бўлмайманми? Айтгинг, айбим нима, акажон?

Соҳиба кўзидан оқаётган ёшларни анчадан сўнгина артиб олди.

— Уғрилар нима олишибди?

— Эшитган бўлсангиз керак. Шу кунларда маҳалламизда ўғри болалар қўлайиб кетган. Худони берган кўни одамларнинг ё товуги, ё айвонга босиб қўйган ерэнгоги йўқолади. Лекин излаб сира топишолмайди. Бизни уйга ўғри ҳеч тушмаган эди. Ишқилиб яратган Эгам икки етимни гамини еганми, ҳеч нарса топишолмабди. Худди билгандек пул турадиган жойни титибди. Бироқ тополмаган. Сабаби пулни бир ҳафта олдин у ердан олиб, ойим кассага топширган эдилар. «Энди елғизсан, уйингда пул саҳлама», девдилар. Бўлмаса, шурим қуриб оч қоларканман.

— Пул турадиган жойни сиздан бошқа ким биларди?

Аёл тутила-тутила жавоб қайтарди.

— Уйда катталардан ёлғиз мен. Болаларим ҳали кичкина. Пул нима-лигини билишмайди. Раҳматли эрим тириклайида топган-тутганимизни уша ерга тиқиштириб юрардик. Бироқ бир-иккита ўртоқлари қарз сўраб келганда ўша ерга олиб кириб, берган эдилар.

— Эрингизнинг ўша ўртоқларини танийсизми?

— Аниқ эсимда йўқ. Улар уйимизга кўп келишарди. Мен ҳам хужайинимдан уларнинг келиш сабабларини сўрамасдим. Орадан анча кўн ўтиб, пулимизни санасак кам бўлиб чиқарди. Шунда у киши: «Тунов кўни фалончига берганман. Сенга айтиш эсимдан чиқибди», деб қўярди. Шу боис уларнинг айнан қарз олиш учун келган кўнларини билмаман.

Соҳиба муҳим нарсани эсидан чиқаргандек шошиб қўшиб қўйди.

— Пулни тополмагач, қолган буюмларга тегапми. Шунинг учун мелсага хабар бермадим. Энди ёмон бўлмайдими?

Бегмат аёлнинг гапи тугагач то остонагача кузатиб қўяр экан, тайинлади:

— Энди ўзбошимчалик қилманг. Ҳаммасини биз билишимиз керак.

Эшик оҳиста ёпилди. Энди аёлдан қолган ҳасратлар изқуварнинг ичинини емира бошлади. Дунёда ёмон одамлар шунчалик кўпми? Нега шундай бокира аёлнинг қаддини букиб, озғидаги сўнгити бурда нонини тортиб олишмоқчи? Наҳотки энди у иблисларнинг консиргаган қўллари Соҳибагача етиб келади? Мабодо ўша тун аёл ўз уйида ухлаб қолганда-чи? Нима буларди? Наҳот бу одам шаклида юрган галамислар одам қонига шунчалик ташна? Қоп ичида жон бераётган, ўзига-ўзи ўт қўяётган, эрининг бир ҳовуч кули устида фарёд чекаётган, қўрқувдан боласини бағрига босиб, қай тешикка яширинишни билмаётган бу ожизаларнинг гуноҳи нима? Бегмат кимнингдир меҳрига, ёрдамига зор аёлнинг ортидан қараб қоларкан, хаёлидан Ҳадисдаги «Аёллар эркакларнинг тутишган сингилларидир...» деган гап ўтди. Биз қандай ака бўлдикки, уларни паноҳимизга ола билмасак?

Бегматнинг ичи куйиб борар эди бу саволлардан.

Бошланишига унинг иши унғидан келмади. Духтир Асқар Ашуров ишхонасида топилмади. Ҳокимиятта шошиб кетаётган бош духтир ачиниб қолди.

— Аттанг, икки кўн кеч келибсиз-да, ука. Энди у кишини бу атрофдан тополмайсиз. Утган кўни бир гуруҳ шифокорлар билан Туркияга учиб кетди.

— Начора.

Шифоҳона ҳовлисида чиққан Бегмат узини оғиркарвонликда айблади. У бутун духтирга Исобекнинг бир неча ҳолатда тушган суратини кўрсатмоқчи эди. Таниса у танирди. Чунки Анорани касалхонага бошлаб келган кишини у қўрган. Афсуски...

Исобек ҳозир уйда. Кеча тунда уни рақамсиз машина ташлаб кетганлиги ҳақида маълумот бор. Ишончли одамларнинг айтишига қараганда у касалмиш. Юзи куйиб кетганмиш. Бу айрим гумонларга асос бўла олади.

Бундан чиқди. Улмаснинг ҳалокати уюштирилган. Машина ағанаб, ёниб кетиши мумкин. Лекин тасодифни заруратта айлантирган Исобекка бу камлик қилган. Улмасдан кўра машинадан биронта соғ белги қолишдан чўчиб, устига ўзи билан олиб борган канистрдаги бензинни сочворган ва... Шундай бўлиб чиқади-да. Юзи куйгач, канистри ташлаб тепаликка, машинаси олдига қочган. Кўзи хира эмасми, олов олдиди кўзойнагини тақмоқчи булган-у, эйлай олмаган. Титроқ босган қўллари панд берган. Жизганак бўлиб ёнаётган одам ҳидидан кўнгли айниб,

кузёйнакни тушириб юборган. Ахтариб утиришга вақти булмаи маши-
насига утирган-у, кудан гойиб булган.

Лекин Бегматта бошқа нарса тинчлик бермас эди. Бу муддиди «тасо-
диф»ни Исобекнинг ёлғиз ўзи амалга оширдимикиан ё? Исобек томи
орқасида пишган тарвузларни чайқовчи айтган нархга бериб юборадиган
анойилардан эмас. Аввал ўйлайди. Кейин савдо қилади. Иложи
булса тарвузига қул теккизиб куришга ҳам рухсат бермайди.

Шунақа. Исобек ҳатто соясини доғда қолдирадиган одам. Шундай
одам қарзини деб бировнинг жонига қасд қилиши — табиийми? Тинчи-
дан ажрашига арзийдими? Агар истаса қарз муддатини чўзмаган ҳам
буларди-ку? Унда кимга зарур бу фожиа?

Унда Улмас-чи? Нега ҳовлиқиб қолди? Исобекдай қиморбоз ҳиммат
курсатиб қарз муддатини узайтириб берганда, тавба қилиш ўрнига ул-
касини қўлиқлаб юрса?

Бегмат саволлар гирдобидан қутулиш мақсадида тинчи сувга тикил-
ди. Ўзига урилган муздек шамол унга Невечдаги шаршарани, улкан
харсанг тошлар устидан зилол сувга сакраб, чўмиладиган чўпон бола-
ларнинг қий-чувини эсига солди. Юраги орзиқиб, ўша болалик давлари-
ни қўмсаб утириб қолди.

...

Исобек қандайдир хавфни сезгандек, милициядан чақирув қозони
келишига қарамай, уйдан чиқмай утириб олди. Шу боис икки милицио-
нер уни олиб келишга мажбур булдилар.

Терговчи хонасига кирган Бегмат дастлаб Исобекни танимади. Қу-
лидаги қозғоларни ҳамкасбига узатиб, жойига утар экан, бир четда
бепарво утирган одамга зимдан назар ташлади.

Ўзини қўлоқлари аралаш чандиб боғлаб олган Исобек ўзини тани-
тиш мақсадида томоқ қириб, изқуварга салом берди. Терговчи Бегматга
маънодор қараб қўйиб, Исобекка мурожаат этди:

— Уртоқ Жониев, мен шу район ички ишлар бўлимнинг терговчи-
симан. Исми Орзиқул. Милиция капитаниман. Сизни нима мақсада
безовта қилаётганимиздан хабарингиз борми?

Исобек сочлари тепага таралган, узун буй, қотмадан келган тергов-
чининг гапларини бутун вужуди билан эшитиб, шошилмасдан жавоб
қилади.

— Танишганимдан хурсандман. Дустинг қанча кўп булса, шунча
кам дейишган. Лекин нима мақсада чақирганингиздан беҳабарман.

Терговчи Исобекнинг оғзидан чиқаётган гапларни қозога ёзиб бо-
раётган Бегматга эътибор қилмай саволида давом этди.

— Сиз ун олтинчи ноябрдан ун еттинчи ноябрга утар кечаси қаерда
эдингиз?

— Уйдан қачон чиқиб кетганим эсимда йўқ. Лекин кечаги жума
тунда қайтганим рост. Буни сизлардан яширадиган ери йўқ. Ёлғиз яша-
гач, эрта кетиб, кеч қайтишинини суриштирадиган одам бўлмас экан.
Бир томондан шуниси ҳам маъқул. Борган жойингда тинч утирасан.

— У ҳолда ўша бемалол утирган ерингизни билсак буладими?

Исобекнинг хиёл тортилган лабларидан унинг кулгани сезилди.

— Ука, ёлғиз одам икки оғиз ширин гапнинг гадоси. Қаерда улфат-
лар йирилса биз ўша ерда.

Энди уларнинг суҳбатига Бегмат аралашди.

— Бизни кўпроқ ун олтинчи ноябрь куни қаерда булганингиз қи-
зиқтиради.

Исобек кўзини бир нуқтага қадаб, эслагандек булди.

— Ун олтинчи ноябрь қайси кун булди?

— Шанба.

— Ҳа-я, у кунни эсдан чиқариб буладими? Нақ бир ўлимдан қол-
дим-ку.

Терговчи айнан шу жавобни кутган эди. Саволни тўхтатмади.

— Нима булди, оловга яқин юрдингизми?

Исобек оппоқ докага уралган бошини чайқайди.

— Йў-е, оловга яқин юрганимда бу кўйга тушмасдим. Олов билан
уйнашиб буладими? Лекин мен оловдан ҳам ёмонроғига дуч келдим.
Шу кургилик ҳам пешонамизда бор экан. Қутулишининг иложи булмади.

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку? У қандай кургилик эканки, сиздек абжир
йигит доғда қолса?

Исобек булган воқеани бир бошдан тушунтириш мақсадида гап
бошлади. У худди шеърни ёд олган ўқувчидек гапидан адашмас, қай
суздан кейин нафас олиш лозимлигича биларди.

— Ука, ҳозирги машиналарга ишонч йўқ. Айниқса, четникига.
Одамлар ҳам қизиқ. Тезлигига, кўринишига учиб, четни машинасига
ёпишиб олишган. Бирон ери бузилиб қолса, керакли қисмини топишни
ўйлашмайди. Шу ҳақиқатни тушунтирмакчи бўлсанг, ёқангдан олади.
Нима, ўша машина борган ерга узимизни «Жигули»лар боролмайдими?
Ҳамма айб узимда. Ўша куни Фарғонадан ўртоқлар келишган эди. Тош-
кентга тушиб, эски шаҳарнинг чойхонасида битта қўлбола ош қилиб,
уларни кузатиб қўйдим. Уйга қайтишда фикрим узғариб, Чимкент то-
монга боргим келди. Катта йўлга чиқиб ўша томонга кетаётган машина-
ларга қул кўтаравердим. Бир йигит хотини билан пачоғи чиққан чет
элининг машинасида Чимкентга кетаётган экан. Инсоф қилиб тўхтади.
Одобли йигит экан. Суҳбатлашиб кетдик. Чимкентга етишимизга озроқ
қолганда машинаси йўталиб, учиб қола бошлади. Мен тўхтаб десам, у
газ босади. «Карбюраторида нимадир туриб қолган, ҳозир чиқиб кета-
ди» дейди. Ахийри тўхтатириб, пастга тушдим-да, капотни очиб, кар-
бюраторига қараганимни биламан, лоп этиб мотордан олов кўтарилади.
Эпчилик қилиб бошимни кўтариб қолганимда, бундан баттар булар-
дим. Эр-хотин машина олдида қолишди. Мен орқадан келиб тўхтаган
машинада бир танишимнинг ўтовига етиб олдим. У ерда дўстимнинг
онаси куйган юзимга ўзи билганча дори-дармон қўйди. Бор гап шу.

— Демак тасодиф? Булиши мумкин. У ҳолда ўша ярим йўлда
моторидан ўт чиқиб ёнган чет эл машинасининг давлат рақамини ай-
тинг-чи?..

Бегмат ҳамсуҳбатига шу саволни бериб, унинг кўзидан ниманидир
илгамоқчи булди. Лекин у ҳолат содир булмади.

— Буни қаранг, давлат рақамига ҳеч эътибор бермапман. Бунақа
кўнгилсиз воқеа бўлишини ким билибди. Лекин, то узимга келгунча
ётган ўтовни қаердалигини биламан. Буни ўша қозоқ кампир ҳам тас-
диқлаши мумкин.

Шу тобда Исобекнинг шошмаслиги, берилаган ҳар бир саволга аниқ
жавоб қайтариши-ю, ўзини тутиши Бегматни ҳайратга соларди. У тир-
галишга ҳеч урин қолдирмай жавоб қиларди. Чинданам йўлда ўтаётган
чет эл машиналарининг саноғи йўқ. Ҳаммасининг давлат рақамини
эслаб қолишнинг иложи борми? У айтаётган машина булмаслиги ҳам
мумкин. Ҳаммаси ўйлаб топилган ҳийла бўлиши ҳам мумкин. Аммо
даволанган ўтов ва кампирни жуда топибди. Ишонмай кўр-чи!

Терговчи ҳам буни сезиб, энди саволни бошқа томондан айлантир-
ди.

— Районда содир булган воқеадан хабарингиз бордир?

Исобек терговчи томонга хиёл энгашигандек бўлди.
— Тинчликми? Нима ҳақида сураяпсизлар? Мен кеча тунда келдим.
Бу аҳволда кучага чиққанам ҳам йуқ.
Терговчи товушини баландадлатди.
— Наҳотки? Улмас Раҳмоновнинг фожиасини эшитмадингизми?
Исобек ҳайкалдек қотиб қолди. Терговчига қадалган кузлари худди қотиб қолгандек, ҳаракатсиз эди.
— Улмас Раҳмонов? Қайси Улмас? Ҳалиги савдогарчилик қилиб юрган йигитми? Унга нима қилибди?
Бегматнинг жаҳли чиқди. Бу илон ҳали уша мудҳиш воқеанинг сабабчиси эканлигини ҳам тан олмас?
— Уртоқ Жониев, — деди Бегмат ижирганганини яшириб, — Улмас Раҳмоновни қачондан бери танийсиз?
— У йигит билан салом-алик қила бошлаганимга куп булгани йуқ. Адашмасам, шу йилнинг ёз ойларидан шекилли. Қизиқ, буни нега сураяпсиз?
— Биалишимча, Улмас Раҳмонов билан олди-бердингиз бор экан. Шу гаплар ростми?
Исобек энди бир оз асабийлаша бошлади. Унинг қули сезиларли титрарди.
У Улмаснинг вақти келса сотишини, икки уртада буларнинг кўзига яхши кўриниб, ўз жонини асраб қолиши мумкин эканлигини яхши биларди. Меҳмонлар кетиб, юзи шувит булгач, уни икки марта йуқлади. Лекин кеча қорни очиб, оёғи остида уралашиб юрган кучукбачадан дарак бўлмади. Ҳатто шу кунларда кимнинг ялогини ялаб юрганини ҳам билмай қолди. Унинг бу қилигидан Исобек ичган қасамини бузмади. Худди утри мушукдек пайт пойлади. Дастлаб Улмаснинг буйнига боғланган ипни аста тортиб қуймоқчи бўлди. Лекин шайтонга ҳай берди. Ипни тортса, буйни кесилади. Унга майиб югурдакнинг нима кераги бор? Яхшиси, бу тентак бузоқнинг югуриб қаерга боришини куриш керак. Қани, тумшугини қайси охурга тикра экан?
Исобек Улмас ҳақида қанчалик ёмон фикрга бормасин, лекин шу охурга келиб буйин эгишини кутди. Чунки бу ер унинг охириги охури эди.
— Нега индамайсиз? Булганми ё йуқ?
Исобек Бегматнинг товушидан узига келди. Бир мuddат хаёлга берилиб, ҳамсўхбатлари кунгида шубҳа уйготганидан узини койган бўлди.
— Нимагадир сизларнинг гапларингизга тушунмаяпман. Икки одамнинг узаро олди-бердисини милицияга нима даҳли бор? Инсон боласи борки, ким биландир утириб гаплашади, ким биландир борди-келди қилади. Шундай экан, бу азалий одатларимизнинг нимаси ёмон? Икки одамнинг узаро берди-олдиси қонун томонидан таъқиқланганми?
Терговчи кулди. Шу бир лаҳзалик кулиш замирида ҳамсўхбатининг хушёрлигига тан бериш бор эди.
— Талабингиз тугри. Лекин Улмас Раҳмонов билан олди-бердингизни қоралаш ниятимиз йуқ. Бундай чалкаш хаёлларни бошингиздан чиқариб ташланг.
— У ҳолда сизларни нима қизиқтиряпти?
— Улмаснинг сиздан олган қарзи. Энди тушунгандирсиз? Айнан шу нарсанинг биз текшираётган воқеага даҳли бор.
Исобек елка қисди. Худди уйкудан турган одамдек узини гўликка солди.
— Ҳазиллашяпсизларми? Қанақа қарз? Ё мени устимдан куляпсизларми? Чунтак бушлигидан қозон қайнатиш эсига тушса кунги озадиган одам кимга қарз бериши мумкин? Кечирасизлар, бу ерда қандайдир

англашилмовчилик бор. Яқин орада бировга қарз берганимни эслай олмайман.

— Яхшилаб эсанг. Нега берган пулингиздан тонаётирсиз? Ахир у пуллар сизники. Ишлаб топгансиз. Шундай экан, уни сарфлаш ҳам, бировга қарз бериш ҳам сизнинг ихтиёрингиз.

Хавфни олдиндан сезган Исобек бир этикка икки оёғини тиқиб олди.

— Мени кечирасизлар, бу туҳматдан бошқа нарса эмас. Уша йигитга қарз бермаганман. Аввало қарз берадиган одам иккита холис гувоҳ топади. Кейин мухрдорлик идорасига бориб бераётган қарзини расмийлаштиради. Ҳозирги одамларда инсоф қолибдими? Керагида олиб, орадан икки кун утгач тониб кетяпти-ку. Тугрими? Мен сизга айтсам, аввал уша Улмаснинг узини қақриб, юзма-юз қилинглар-да, кейин гапиринглар.

Бегмат урнидан туриб, деразани очди. Дори ҳиди босган хонага энгил ҳаво учиб кирди. Оббо учар-е! Бу нимага шаъма қиялпти? У содир буладиган хавфни олдиндан сезиб, учиб кетадиган қора қарганинг узи. Қарга узоқ яшашининг боиси, куп алғов-дағов йилларни кўрган. Осмону фалак уқ-ёйларга тулган урушларда ҳам бир парча жони омон қолган. Шу сабаб доим хушёр. Ҳеч доғда қолмайди. Тумшугидаги ёнғоқни аввал жуда баландликка олиб чиқади-да, сўнг тош устига ташлайди. Чақилиб магизлари сочилиб кетган емишига ҳам дарҳол ташланмайди. Телада бир-икки доира ясаб, чор атрофни синчиклаб кузатади. Хавф йуқлигига ишонч ҳосил қилгачгина пастта шунгиди. Шуниси қизиқки, тенадан ташланган ёнғоқ қаерга тушганию ундан ажралган магиз қайси тошнинг орасига беркиниб қолганигача билади.

Исобек ҳам тенадан пастта ёнғоқ ташлаб, унинг қақилишини кўрадиган одам. Улмас энди йуқлигини яхши билади. Акс ҳолда у билан учраштиришни талаб қилмаган буларди. Энди у ерга қўнмаган қаргадек тутяпти узини. Шу сабаб узи мuddатини чўзган пулидан ҳам бош тортади.

— Афсуски, сиз айтган иш қўлимиздан келмайди. Улмас энди сиз билан юзма-юз бўлолмайди.

— Нега? — деди Исобек ҳайрон бўлиб.

Бегмат Исобекнинг кўзига тик боқиб, жавоб қайтарди.

— Хабарингиз йуқми? У бандаликни бажо келтирди.

— Йуғ-е, нега улади? Ҳазиллашяпсизми?

— Биров улади-ю, ҳазиллашадими одам. Машинаси ағанаб, ёниб кетибди.

Исобекнинг куйган лаби титради. Ҳозирги маггур кузларида кўр-қув турди.

— Машинаси нега ағанайди?

Исобекнинг бу саволи жавобсиз қолди. Терговчи стол тортмасидан воқеа содир булган жойдан топилган кўзойнакни олиб, унга узатди.

— Сизни Одессада куп булган деб эшитганман. Шундай экан, кўзойнакнинг яхши-ёмонини ажратиш қўлингиздан келса керак? Шуни бир шаҳарлик дўстим келтириб берди. Олсам адашмайманми?

Исобекнинг кўзойнак тутган қули қалтираб кетди. Бутун вужудини ларзага солган ҳаяжонини босолмай қолди. Бехосдан ерга тушиб қолган қуш мисол, оғзини очди.

— Буни... қаердан олдингиз?

Бегмат деразани ёпиб, унинг қаршисига келиб утирди.

— Нега сураяпсиз? Ё кўзойнак сизга ёқиб қолдими?

Исобекнинг овози аранг чиқди. Ҳатто унинг гапини терговчи эшитмай қолди.

— Ахир бу кузойнак меники-ку?
Бегмат кулди. Унинг ноурин қилиги ҳамсуббатининг асабига қанчалик огир таъсир этганини куриб турарди.
— Меники дейсизми? Шу-я? Адамшаяпсизми?
Исобекнинг жаҳди чиқди.
— Узимнинг буюимни танймайдиган эсарманми? Буни қаердан олдиларинг?
— Уша ердан.
— Уша ерингиз қаер? Номи борми?
— Албатта бор. Дунёда номсиз жой бормикин? Биз бу кузойнакни Улмас Раҳмоновнинг машинаси ағанаган ердан топдик.
— Булиши мумкин эмас. Бу тухмат.
— Нега? Тушириб қуйиш мумкин эмасми?
Исобекнинг жаҳди чиққанидан оғзидан тупуклари сачраб кетди.
— Сизлар мени лақиллатмоқчи буялпсизлар. Мен бу кузойнагимни йуқотиб қуйган эдим. Лекин сизлар айтган ерда эмас. У аблахнинг машинаси ағанаб, ёниб кетганини сизлардан эшитиб турибман.
Терговчи Исобекни тартибга чақирди.
— Илтмос, уртоқ Жониев, бақирманг. Бу ер мол бозори эмас. Лекин кузойнак уша жойга қаердан келиб қолди, шуни айтинг.
— Мен қаердан биламан?
— Ахир бу кузойнак сизники. Уни йуқотган ҳам сиз. Шундайми?
Исобек нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо нафаси тикилиб, тили айланмай қолди. Шаҳд билан турар экан, бошида оғриқ туриб, мувозанатини сақлай олмади. Унга тикилиб турган йигитлар тор хонага қушилиб чир айлана бошлади.
Шунда ҳам у сунги кучини йигиб:
— Ёгон! Ҳаммаси тухмат! — дедию узи қулаб тушди.
Тергов бундай тугагини кутмаган Бегмат телефон гушагига ёпишиб, «тез ёрдам»ни чақира бошлади...

...

Зарур иш билан кетаётган Бегматни даҳлизда навбатчи милиционер тухтатди.

— Уртоқ майор, Сизни телефонда сурашяпти.
— Ким экан?
— Танимадим. Аёл кишининг овози.
Бегмат ташқарида машина кутиб қолишидан хижолат тортиб, навбатчининг хонасига кирди-ю, стол устида турган гушакни қулогига тутди.

— Лаббай!
Нариги томондан аёл кишининг ҳазин товуши эшитилди.
— Алло, Бегмат ака, бу сизми?
— Ҳа, мен. Кечирасиз, сизни танймай турибман?
Аёл шошилиб, жавоб қайтарди.
— Худога шукр, топдим-а. Алло, бу мен Соҳибаман. Эсладингизми? Бегмат базур эшитилаётган овоз эгасини таниди.
— Э... сизми? Тинчликми, синглайм?
Аёл иккиланиб суради.
— Бегмат ака, сизда зарур гапим бор эди. Келиб кетолмайсизми?
Бегмат аёл бекорга безовта қилмаслигини биларди. Шу сабаб режалаштириб қуйган ишидан воз кечди. Симнинг у томонидаги аёлга тайинлади.

— Яхши, уйдан силжиманг. Ҳозир етиб бораман.
...Ҳаво айнаиб, майда ёмғир ёғишига қарамай, Соҳиба уни куча эшик олдида кутиб турган экан.
— Ассалому алайкум. Ёмғирда сизни қийнаб қуймадимми? Келинг, қушним ҳам шу ердалар.
Ичкарида, иссиқ сандалда утирган кампир Бегматни куриб урнидан турди ва чап қўлини кўксига қўйиб, салом берди.
— Нима гап, тинчликми?
Сандалнинг бир четига омонатгина чўккан Соҳиба ички бир дард билан гап бошлади. Унинг товуши титраб чиқарди:
— Ака, бизга бу қишлоқ торлик қилиб қолди. Биз кучиб кетмоқчимиз.
Кутилмаган бу гапдан Бегматнинг ҳайрати ортди. Гап нимада эканлигини билиш мақсадида қушни кампирга савол назари билан тикилди.
— Шунақа гап, болам. Шундай уй-жойни ташлаб қаёққа борасан десам, жавоб урнига нуқул йиғлайди.
Соҳибанинг баттар кўнгли юмшаб, аламини яна кузёшидан олди.
— Холажон, нима қилай, ҳаммасини узингиз куриб турибсиз. Ўзимга қолса, тайёр уйни ташлаб кетармидим. Икки болам билан кимнинг эшигига сизгаман? Лекин мени шунга мажбур қилишаётган бўлса, нима қилай?
Бегмат ичи ачиб, унга юзланди.
— Соҳибaxon, йиги билан иш битмайди. Айтинг, ким сизнинг тинчингизни бузяпти?
Яна бир муддат йиғласа, Бегмат кетиб қолишидан чучиган аёл шошиб гап бошлади.
— Кеча оқшом қишлоқдаги беш-олти қарияни чақириб, эҳсон қилгандик. Ҳамма кетгач юрагим бир ёмон хавфни сезгандек, сиқила бошлади. Бир-икки бошим айланиб, утириб ҳам қолдим. Холам аҳволимни сездилар шекилли, кетмадилар. Кун бўйи юриб чарчаган эканман, бошим ёстиққа тегиши билан уйқуга кетибман. Бир маҳал куча эшик томонда қандайдир шарпа эшитилди. Ҳойнаҳой утри мушукдир деб уша томонга юрсам...
Гап шу ерга келганда аёлнинг юзи оқариб кетди, гапини гапиролмай қолди.
— Хуш, кейин-чи? Қўрқмай гапираверинг?
— Шарпа тирик одам эди.
— Қанақа одам? Кечаси-я?
— Ҳа, тирик одам. Лекин танимадим. У эшик олдида менинг ортимдан тикилиб турган экан. Уст-боши қоп-қора. Эшик тепасида ёниб турган чироқ ёруғида аниқ кўрдим. Лекин юзини кўрмадим. Худди аёлларга ухшаб бошини оппоқ дока билан ураб олган. Қўрқиб кетдим. Ичкарида ётган холамини чақирай десам, товушим чиқмайди. Ҳушимдан кетиб қопман. Кузимни очсам, уйда ётибман. Холам билан утиларим бошимда утиришибди.
Бегмат воқеа тафсилотини эшитиб, хаёл исканжасида қолди. Сўнг кўнглида кечган тахминларини аниқлаштириш мақсадида қушни кампирдан суради:
— Хола, сиз ҳам уша нотаниш одамни кўрдингизми?
Қушни кампир кескин бош чайқади.
— Кўрмадим, болам. Мен ташқарига чиққанимда келин ерда ётган экан. Куча эшигига қарамабман.
Бегмат қўрқувдан юрак олдириб қуйган уй эгасига саволчан қаради:
— Балки кузингизга шундай кўрингандир.
— Йўқ. Аниқ кўрдим. Куча эшиги олдида турганди. Назаримда у менга нимадир демоқчи ҳам бўлди.

Кампир унинг гапига аниқлик киритмоқчи бўлди.

— Ўғри нима дерди, болам. Товушингни чиқарма, демоқчи булган да.

Изқуварни ишонтира олмаганини сезган Соҳиба ўрнидан туриб, қўшни хонага чиқиб кетди ва чиройли ёнғоқ чўпидан ишланган қутича кўтариб чиқди.

— Манг. Буни олиб қўйинг.

— Бу нима? — суради Бегмат ҳеч нарсага тушунмай.

Жойига утирган Соҳиба совуққонлик билан жавоб қайтарди.

— Ҳар ҳолда сизда тургани маъқул.

Бегмат уй эгасининг сирли жумбоғига тушунмади. Буни сезиб Соҳиба тушунтирган бўлди.

— Бу нариги хонада, сервантнинг ичида идиш-товоқлар қаторида турарди. Шу қутичага ҳам ишқибоз чиқиб қолибди.

Изқувар аёлининг гапидан ажабланганини яшириб утирмади.

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку? Бу қутичанинг ишқибозлари ким экан?

— Биласизми, бу қутича сервантнинг юқори тоқчасида турарди. Болаларим у ёқда турсин, менинг ҳам бўйим етмайди.

— Хуш?

Уй бекаси муддаога кўчди.

— Ҳамма гап шундаки, биз шу кунгача бу қутичада тилла тақинчоқларимизни сақлар эдик. Ҳатто раҳматли эримдан қолган тилла узук ҳам шу қутичада эди. Лекин ҳеч ким тегмасди. Ҳали сизга телефон қилишдан олдин нариги уйга кирсам, қутича ерда ётибди. Олиб қарасам ичи бум-буш. Утириб роса йиғладим.

Соҳибанинг бу гапидан кампир ҳам таъсирланиб кетди.

— Илоё, олган қули узилиб тушсин. Худо ҳаммасини куриб турибди. Улмасжоннинг ўзига буюрмаган узук у касофатларга буюрарканми. У дунёси куймаса, ҳисобмас келин.

Бегмат қайтариб суради.

— Сиз бу қутича айнан шу кеча бўшаб қолган, демоқчимисиз?

— Шу кеча йўқолгани аниқ. Ҳаммаси кўз олдидан турибди. Кеча гутурт олганимда ҳам тақинчоқларим турган эди. Оқ латгага боғлаб, тутиб қўйгандим.

Бегмат ҳақиқатни ойдинлаштирай деб ижикилади.

— Тақинчоқларингизни танийсизми?

Соҳиба иккиланди.

— Қайдам. Ҳаммасини ўша райондаги катта магазиндан олгандик. Унда арзон эди.

Бегмат бир қарорга келиб, ўрнидан турди.

— Ҳозир мен билан районга борасиз. Кийиниб чиқинг.

Соҳиба қутилмаган тақлифдан довдираб қолди.

— Қаёққа бораман?

— Ўша марказдаги тилла буюмлар дуконига борамиз. Йўқотган тақинчоқларингизнинг ўхшашини кўрсатасиз.

Соҳиба унинг муддаосини энди тушуниб бўшади ва нариги хонага қараб юрди.

Кук кийиб олган Соҳиба машинанинг орқа уриндигига утирар экан, қўшнисидан илтимос қилади.

— Холажон, эшикка қулф урмадим, келгунимча утириб турасиз-да.

Қўшни кампир «Бемалол, келин, бемалол», деганича қолди.

...

Навбатчиликни топшираётган ҳамшира духтирнинг олдига иккиланбгина кириб келди.

— Тинчликми? — ҳамширанинг важоҳатини куриб, суради духтир.

У тутила-тутила жавоб қилди:

— Духтир, кеча пешинда келган бемор жойида йўқ.

— Бу нима деганинг? Қай бири?

— Ҳалиги, юзи куйган одам бор-ку?

— Нега йўқ бўлади? Ўйлаб гапиряпсанми?

— Қарамаган жойимиз қолмади.

— Милицияга хабар қилдингларми?

— Олдингиздан утай дедим.

— Тезроқ хабар қилинглар.

Тунда Исобекиннинг касалхонадан рухсатсиз чиқиб кетгани ҳақидаги хабар милиция ходимларини оёққа тургазди. Улар унинг уйига жўнашди. Бироқ эшик қулф эди. Полковникка «Қочқоннинг уйи берк, бошқа ёққа кетган кўринади», деб ахборот берилди. Аммо қулф осилган эшик ортидаги хоналарнинг бирида Исобек мазза қилиб ухлаб ётар эди.

...

Полковник юқорига жўнатилиши лозим бўлган ҳужжатларга имзо чекар экан, қаршисида турган Бегматга тайинлади.

— Бугун кечгача сенга дам. Уйга бориб, уст-бошингни алмаштир. Соч-соқолингни олдириб, одамга ўхшаб дамингни ол.

У полковник олдидан чиқиб азза-базза тошойнага ўзини солиб курди. Бошлиқ бекорга танбёҳ бермаган экан.

У кичик дарчани очиб, навбатчига қаради.

— Оғайни, ярим соатга машинангни бериб туромайсанми?

Навбатчи истар-истамас жавоб қайтарди.

— Уйгами? Машина фақат топшириқларни бажариш учун минилади. Ана, катта куча. Қўл силтасанг, нечтаси тўхтайд.

Ҳамкасбининг гапидан Бегматнинг жаҳли чиқмади. Индамай кетаётган эди, у инсофга кириб тўхтатди.

— Шошма, оғайни. Ҳозир Нишонбой келади. Участковой келсин деб оқсоқоли ҳоли-жонимга қўймаепти. Бирга кетасизлар.

— Ўзи қаерда?

— Тепада. Ариза тушган, шуни олиб тушади.

Бегмат бўш стулларнинг бирига утирди. Шу пайт ёш участка инспектори, ёши эликлардан ошган кишини бошлаб кириб келди. Участковой қўлидаги қўш отар милтиқни стол устига қўйиб, ортидан соядек эргашиб келаётган одамга юзланди.

— Амаки, сиз қанақа одамсиз, ўзи? Нега гапга тушунмайсиз? У ер дала бўлгани билан мактаб болалари пахта теряпти. Сиз булсангиз уларнинг бурнининг остига бориб милтиқ отиб юрибсиз. Қўлингиздаги милтиқнинг ҳужжати ҳам йўқ.

Ноъаниш киши участкавойнинг тажанглигидан хафа бўлиб, тиззасига шাপатилаб қўйди.

— Жон ука, нега унақа дейсан? Ҳамма ҳужжати бор. Ўзим эски овчиман. Ишонмасанг маҳалланинг участкавойидан сура. Уч кун олдин келиб милтиқнинг ҳужжатларини текшириб, қозғ тўлдириб кетган. Нега одамга ишонмайсан?

Участковой унинг жигиллашига эътибор бермай, сумкасидан қозғ олиб, тўлдира бошлади.

— Ундан кўра айтинг, қаерда яшайсиз?

— Дангарада.

Участковой ёзидан тўхтаб бошини кўтарди.

— Дангара? У қишлоқ бизнинг районга қарамайди-ку?
Овчининг кунглида умид учқуни уйғонди.
— Жон ука, ҳеч бўлмаса паспортимни кўрмадинг. Сурамай бошлаб келавердинг. Сабр қилганингда ҳаммасини айтиб берардим.
Содир булган англашилмовчиликдан участкавой қулди.
— Булиши мумкин эмас. Ахир сиз буз ариқнинг бу томонида милтиқ отдингиз-ку? Қани, паспортингизни беринг-чи?
Эски овчи шошиб жавоб қайтарди.
— Баали, жон ука. Ҳаммаси тўғри. Бироқ мен буз ариқнинг у томонида яшайман. Айбим итни бу томонга утказиб отганимми?
Участкавой стол устида ётган қуш отар милтиқни қулига олди. Қушни район билан боғланиш мақсадида навбатчи милиционер утирадиган хона томон юрди.
— Энди бир оз кутишингизга тўғри келади. У томондан тасдиқлашса, кетаверасиз.
Овчи нима қилишини билмай даҳлизнинг у бурчидан бу бурчига юра бошлади. Унинг асабийлашгани хатти-ҳаракатидан сезилиб турарди. Ич-ичини кемириб бораётган дардни кимга айтишни билмасди. Унинг бу ҳаракатини кузатиб утирган Бегмат тинчлантирмоқчи булди.
— Амаки, келинг бу ёққа утиринг. Бу ер шунақа жой.
Овчи боятдан бери жим утирган соч-соқоли усган йигитдан садо чиққанидан хурсанд бўлиб, уша томонга юрди. Изқуварнинг олдига утирар экан, унинг уст-бошига разм солди.
— Сени ҳам олиб келишдими? Айбинг нима?
Бегмат бир овчига, бир узининг уст-бошига қараб жавоб қайтарди.
— Шунақароқ.
Овчи унинг гапини илиб кетди.
— Менам хотинни гапига кириб, шутта утирибман. Уша қутурган итни ариқни у томонида отсам-ку, буларди. Кўздан нарироққа олиб боринг деб қўймади. Мана, оқибат. Қариганимда пат-патни орқасига мингашиб, уттиз чақирим ердан мелисахонага келиб утирибман.
Бегмат ҳамсуҳбатини койиған булди.
— Ҳамма айб узингизда, амаки. Овчи деган итни ҳам отадими? Уволидан қўрмадингизми?
— Э, жон ука. Узимга қолса отмасдим. Милтиқни уч йилдан бери қулимга олмай қўйгандим. Энди вақт утди. Куз хира тортиб қолган. Узоқдаги одамни яхши кўрмайман. Қариганда тинч утирай дегандим. Кеча бир йигит маҳалламизга тилла буюм олиб келган экан. Бечора бизнинг ҳовлига келганда, гузапоянинг остида ётган итимиз роса талабди-да. Қонамаган жойи йўқ. Ҳай-ҳайлаб уйдан чиқиб қолмаганимда гажиб ташлааркан. Кейин қарасам қутурган экан. Оғзидан сулаги оқиб ётибди. Қутургандан кейин отмаслик гуноҳ, ука.
Бегмат бу гапдан сергак тортди. Калаванинг учини топгандек булди. Юраги қанчалик ҳаприқмасин, ҳамсуҳбатини чўчитиб қўйишдан қўрқди.
— Амаки, тилла тақинчоқлар сотадиган дукон кўп-ку? Ҳар хилидан бор. Келинойимни бошлаб келсангиз, зуридан топиб беришади. Яна у йигит лули бўлиб, алданиб утирманг дейман-да.
Овчи бўш келмади.
— Дукондагиси қиммат, ука. Биздақаларнинг кучи етармиди? У йигитта пул зарурлиги учун анча тушиб берди.
— Нималар олдингиз, амаки?
Овчи қулди.
— Э, ука-я, энди янгангизга тилла тақинчоқни ким қўйибди. Чиқарадиган қизим бор.

Бегмат ҳамсуҳбатининг кунглига қул солиб курди.
— Яна бор эканми? Менам келинингизга олардим.
Овчи тила остига нос ташлар экан, жавоб қилди.
— Бечора, кечадан бери уйда ётибди. Индинга азонда Хужандга кетадиган биринчи автобусга солиб юбораман. Яраси анча яхши бўлиб қолди.
— Қаерлик экан, амаки.
— Бу ериликка ухшамайди. Мен ҳам қизиқиб сурамадим.
— Қачон кетади дедингиз?
— Индинга азонда. Соат еттида уйимизнинг олдидан катта қизил автобус утади. Шунга солиб юбораман.
Овчининг гапи оғзида қолди. Навбатчилар хонасидан чиқиб келган участкавой бор товуш билан уни чақирди.
— Уртоқ Хайитов. Гапингиз тўғри чиқди. Боравуринг.
Бегмат қуш отар милтиқни тилхат орқали эгасига қайтариб бераётган участкавойдан илтимос қилди.
— Ака, яна амакимизни орқасидан қогоз ёзиб, бутун маҳалласига шарманда қилиб юрманг. Яхши одам эканлар. Озроқ гурунглашиб қолдик.

... Қуруқ хашакни жоди билан майдалаб, қуйларига солаётган Норбой овчи қушни эшикка келиб тўхтаган «тез ёрдам» машинасини кўриб, кунглига гулгула тушди. Хотинидан сўради.
— Ҳофизни уйда тинчликми? Духтирларни мошини нима қилиб турибди?
Бушаган челаки охурдан олаётган хотини жавоб қайтарди.
— Меҳри момога келгандир-да, пишиб турган нарса. Хабар олсангиз буларди.
Норбой овчи уст-бошига ёпишган чангни қоқиб, қушни уй томон юрди. Қандайдир қўрқув билан ҳовлида турган машинанинг ичига қаради. Бироқ машина ойнасига тутилган парда ичкаридаги нарсани кўришга имкон бермасди. Уйдан эса, беш-олти одамнинг гаплашаётгани эшитилди.
Шу пайт уй эшиги очилиб, оқ халатли йигит чиқиб келди. Нотаниш духтирнинг салобати босиб, овчи узини четга олди.
— Ассалому алайкум, меҳмон!
Духтир овчи билан сўрашиб, йулида давом этди. Шунда у қушнисига юзланиб сўради.
— Ҳофизбой, тинчликми, ука. Момом яхшимилар?
Ҳофиз қушнисининг меҳрибончилигидан кунгли тўлиб, жавоб қайтарди.
— Раҳмат, қушни. Онам яхшилар. Кечаги хўроз шўрвани фойдаси булди. Сув-сув терладилар. Шамоллаган эканлар-да. Булар райондан келишибди. Ҳамманинг уйини текшириб дорилаб чиқишар экан. Қушни кампирнинг соғлигидан кунгли тўлиб, шубҳалари тарқаган овчи духтирга юзланди.
— Тинчликми, ука? Нега уйларни текшириб юрибсизлар?
Духтир машина томон юрар экан, тушунтирган булди.
— Эпидемия, ота. Сариқ тарқалган. Ҳатто шу касал оқибатида ўлганлар бор.
Сариқ касал ҳақида эшитган овчининг пешонаси тиришди.
— Э... бу дарддан худо асрасин, ука. Қувватингни олиб жигарингни халта қилиб ташлайди. Бизни хотинни отаси шу касал билан ўлган. У пайтларда духтир кам эди.
Машинадан дори-дармон олиб қайтаётган духтир овчининг олдига тўхтади.

— Ота, демак бу касал уругингизда булган экан-да?
Овчи бу саволдан шошиб қолди.
— Булгани рост, ука. Лекин унга анча йил булиб кетган. Янгангизга янги уйланган вақтларим эди-ёв?

Овчининг соддалигига дүхтирнинг ҳаваси келиб, кулди.
— Тушунарли, ота. У ҳолда сизларга фақат укол қилиб кетамиз. Истасангиз ичадиган турли дориларимиз бор. Ташлаб кетишимиз мумкин.

Ҳатто ичишга дори олиши мумкин эканлигидан хурсанд булган овчи орқасига утирилади. Курсаткич бармоги билан дүхтирнинг эътиборини қаршиларида турган уйга қаратди.

— Уша, девори ёрилиб иккига ажралай деб турган уй бизники. Укол булса оламиз. Зарилдирки, сизлар овора бўлиб келгансизлар. Мен унда уйга утай. Янгангиз мошинни куриб хавотир бўлиб утиргандир.

Норбой овчи хушхабарни хотинига тезроқ етказиш мақсадида уйи томон юрди.

Дүхтирлар овчининг уйига утганларида иссиқ печка ёқилган уйга жой солиниб, дастурхон безатилаган эди. Бу ҳолни куриб безовта булган меҳмонларга овчи тушунтирган бўлди.

— Бир пиёладан иссиқ чой ичиб кетинглар. Ҳали борадиган жойларинг куп.

Дүхтирлар қоринлари тўқ эканлигини айтиб, овчининг кунгли учун бир пиёладан увиз ичишиб, ишга киришишди. Дүхтир қалин қайднома-ни очиб, қулига қалам олди.

— Ота, уй бошлиги сизми?

— Ҳа.

— Исмингиз, фамилиянгиз?

— Хайитов Норбой деб ёзинг.

— Қарамонингизда нечта киши бор?

— Ҳаммаси бўлиб уч киши. Мен, янгангиз, кейин анаву дастурхон-ни йиғиштираётган қизим. Қолганлари уйли-жойли бўлиб кетишган.

Дүхтир ёзишдан тухтаб, хона туридаги каравотда ҳеч ким билан гаплашмай ётган, юзлари боғланган йиғитта ишора қилди.

— Бу йиғит-чи?

Овчидан олдин йиғитнинг узи жавоб қайтарди.

— Мен меҳмонман, дүхтир. Бу ерда яшайман.

Каравотда ётган меҳмоннинг гапини овчи тасдиқлади.

— Рост айтади, дүхтир, ука. У киши меҳмон. Тунов кунни қутурган ит тишлаб, уйларига кетолмай қолди. Узимиз рухсат бермадик.

Дүхтир овчининг соддалигидан кулди. Урнидан туриб меҳмон томон юрди.

— Ота, бу ёғини Муҳитдин Дарвешевга ухшаб аския қилиб юбор-дингизку. Ё меҳмон сизларда одам ҳисобланмайдими? Бизга ҳамма тенг. Бировнинг амалига ёки қулига қараб хизмат курсатмаймиз. Демак, меҳмонингиз анча кундан бери сиз билан. Бир товоқда ош еб, бир пиёлада чой ичгансизлар. Яна меҳмонингиз уйига, бола-чақаларининг олдига ви-русни орқалаб кетмасин. Битта укол олса зиён қилмайди. Узига фойда. Хуш, меҳмон, сизнинг исм-фамилиянгиз?

Йиғит ётган жойидан туриб утирди. Бир оз унгайсизланиб жавоб қайтарди.

— Ёзиш шартми?

Дүхтир соддалик билан тушунтирган бўлди.

— Сарфланган уколларга ҳисобот бераман. Узингиздан қолар гап йўқ. Ҳозир бунақа уколларни пулингизга ахтариб ҳам тополмайсиз.

Бу гапларни эшитган меҳмон сал юмшади.

— Дүхтир, эпидемия қаерда тарқаган?

— Эпидемия маркази Кулоб. У ерда бўлаётган воқеалардан хаба-рингиз бордир? Фамилиянгиз?

Меҳмон сергак тортди. Сафари олдидан дүхтир келиб эмлашини худонинг узига курсатган каромати деб билди.

— Набиев Иброҳимман.

Дүхтир қайдномага белги қуйгач, меҳмонга юзланди.

— Яра безовта қилмайтми? Нега юзингизни боғлаб олдингиз?

— Оғриқ оғримда қолди. Тиши қаттиқ ботган экан. Лекин чидаса булади. Кечадан бери жағ тишим оғрияпти. Совуқда шишиб кетибди.

Дүхтир унинг боғланган юзи билан оғрига ачиниб тикилди.

— Биродар, соғлигингиз узингизга керак. Ит қутурган бўлса ҳа-зиллашиб булмайди. Эртага кетсангиз албатта дүхтирга учрашинг. Анализ топширинг. Ётиб даволанмасангиз булмайди. Ҳозир мен қиз-ларга тайинламан. Оғриқни босувчи укол қилиб қўйишди.

Дүхтир нариги хона томон юрди. Қулида дори шимилган шприц билан укол қилаётган ҳамшира қизчанинг бармоғидаги ёқут кузли узугини куриб ҳаваси келди.

— Вой, узугинг мунча чиройли. Қаердан олдинг?

Қулига тоза сочиқ ушлаган уй бекаси гапга аралашди.

— Қизим, сизга узук ёқдимми?

— Ёққанда қандоқ, холажон. Ҳозир бунақа хилидан дуконларда йўқ. Анчадан бери ахтариб юраман-у, тополмайман.

Уй бекаси сочиқни ҳамширага узатар экан, суради:

— Узингиз тақасизми, қизим?

— Бегонага тақтирармидим, холажон. Ўзим тақаман-да.

— Унда мен сураб курай-чи, сотармикан?

Ҳамшира қувониб кетди.

— Вуй, мунча яхшисиз, холажон. Ҳозир топиб берасизми? Пули нақд. Кеча олган ойлигим чунтагимда турибди. Уй бекаси меҳмон ётган хонага кириб кетди. Ҳамшира янги шприцга дори олгунча, аёл қулида ёқут кузли сирга билан чиқиб келди.

— Дүхтир, қизим, сендан бошқа булганда топиб бермасдим. Менга ёқиб қолдинг. Лекин нархи қимматроқ экан. Олаверасанми? Фақат бир шарти бор. Тоза докангиз бўлса, меҳмонни оғи билан қулига дори суртиб боғлаб қўясиз. Эртага йўлга чиқсам қийналиб қолмай деяпти. Хулми?

Ҳамшира чунтагини кавлади.

— Мен рози, холажон. Раҳмат, сизга. Дока ҳам, маз ҳам топилади. Нархи қанча экан?

Аёл айтиди. Ҳамширанинг пули етмади шекилли, югуриб ташқарига чиқди. Ҳамшира дүхтирга юзланди.

— Қаҳҳор Нураҳмедович, осроқ қарз бериб туролмайсизми? Керак бўлиб қолди. Ишхонада бераман.

Аёллар билан ишлаб, уларнинг одатини билган дүхтир кулди.

— Нима бало, бу ерда ҳам тижорат дукони бор эканми?

Дүхтирнинг ҳазилидан ҳамшира кулди.

— Биз бор ерда булади-да. Берасизми?

Қаҳҳор Нураҳмедович чунтагига қўл солди.

Гулсара меҳмон йиғитни эмлаб, оғриқ босадиган укол қилиб, узи айтгандек яраларини боғлаб чиққач, дүхтир овчи билан хайрлашди.

— Увиз учун раҳмат, ота. Жуда мазали экан.

Овчи дүхтирларнинг ишидан хурсанд бўлиб, то машина турган ерга-ча кузатиб чиқди.

— Бу келганларинг ҳисобмас, дүхтиржон. Эрта кўкламда бу ерлар

нақ жаннат булиб кетади. Ушанда бир келасизлар. Янгангиз ялпиз сом-сага уста. Бир мазза қиласиз...

Қишлоқда ишини тугатган «тез ёрдам» машинаси нимагадир тўғри милиция идораси олдига келиб тухтади.

Духтир устидаги халатини ечиб ҳамширага тутқазар экан, беҳол стулга утирди. Унинг чарчаганини сезган Бегмат сўради.

— Хуш изқувар жаноблари. Духтирликнинг юки огир эканми?

Ҳамкасби пешонасини тириштиради.

— Ҳаммасига чидаса бўлади. Фақат дорининг ҳиди миямни тешиб юборай деди.

Бегмат темир сандиқдан беш-олти хил суратни олиб ҳамкасби билан ҳамшира қиз олдига ташлади.

— Синчиклаб қаранглар-чи, шу суратлар ичида борми?

Изқувар билан ҳамшира «йўқ» дегандай бош силкишди.

— Унинг сурати бу ерда йўқ.

Бегмат ҳамма тахминлари тўғри чиқаётганидан хурсанд булиб, стол устига бошқа сурат ташлади. Улардан бири Исобекники, бошқаси Улмасники эди.

Изқувар ҳам, ҳамшира ҳам уни танишди.

— Ана шу йигит.

Бегмат суратларни темир сандиққа қайта солар экан, ҳамширадан сўради.

— Меҳмоннинг кайфияти қалай? Ҳеч нарса демадимми?

— Соғлиги дуруст. Оёғи билан қўлини боғлаб қўйдим. Чап қўли билагигача куйган. Шу боис уқолни унг билагига қилдим. Энди кетсам майлими? Сиргани нима қилай?

— Қолдириб кетинг. Вақти келиб тўй қилсангиз сирғасига биз қарздор. Раҳмат сизга.

Ҳамшира уялиб юзини четга бурди.

...

Сиргани Соҳиба узиники эканлигини тан олганда, Норбой овчининг уйи олдаги чинор остида бир енгил машина бузилиб қолди. Ҳайдовчи йигит машинанинг капотини очиб анча уринди. Бироқ машинани ут олдириш қўлидан келмади. Ҳатто қишлоқдаги бир-икки уста йигитлар ҳам ўзларини синаб қуришди. Барибир фойдаси булмади.

Совуқда икки йўловчига ичи ачиган одамлар уйларига таклиф қилишди. Бироқ қайсар йўловчилар кўнишмади.

— Машинада ётамиз. Иложи бўлса биронта машина тортиб кетар. Сизларга раҳмат, — дейишиб машина эшигини ёпиб олишди.

Тунда совуқда қолган йўловчиларга яқин ердаги уйлардан иссиқ овқат билан термосда қайноқ чой келтириб беришди.

Лекин бузилган машинани то тонгача биронта машина тортиб кетмади...

...

Йўловчилар уз уринларини эгаллагач, автобус оҳиста жойидан қўзғолди. Йўловчилар узлари билан, нарсалари билан банд. Кимдир шеригининг елкасига бошини қўйиб мудраса, яна бошқаси ойнадан ташқари-га тикилган қўйи жим кетяпти.

Болалар учун белгиланган жойда утирган икки киши эса, кеча Бука

бозорида бир новвосни тўқсон саккиз минг сумга сотилгани ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришмоқда.

Бироқ бу гапларнинг ҳеч бири Бегматнинг қулогига кирмасди. Ҳатто бошларига телпак кийиб, эски чопонлари устидан белбоғларини сиқиб боғлаб олган ҳамкасбларининг ҳар замонда маънодор тикилиб қарашларига ҳам эътибор бермасди.

Олдинроқда утирган урта яшар киши ҳайдовчига қараб бақирди.

— Шопир ука, мошинни радиоси йўқми? Бўлса, қулогини бураб қўйсанг-чи. Бундоқ оламдаги янгиликлардан эшитиб кетайлик. Кеча тилибузурда айтди. Ашхободни подшоси фуқароларига газни, сувни, электрни текин қилганмиш. Ишонмасдан қўшнимнинг уйига югуриб чиқдим. У ҳам эшитибди. Рост дейди.

Радио қулогини бураётган ҳайдовчи ҳалиги одамнинг гапига жавоб қайтарди.

— Энди бу ёғи шу-да, ака. Бошга тушганини қураверамиз. Сиз газни гапирасиз. Ёқа ушламоқчи бўлсангиз бизни гаражга боринг. Битта тешик камерани ямаш элик сум. Бунга нима дейсиз?

Шу пайт радиодан таниш дикторнинг овози эшитилди.

— Жумҳурият вазирлар маҳкамаси четдан келтирилаётган нефть ва ёнилги маҳсулотларини ҳамда машиналарнинг эҳтиёт қисмларига кетадиган сарф-харажатларнинг кўплигини ҳисоб олиб...

Ҳозирги газ баллонининг нархи ошганидан нолиб келаётган киши елкасига бошини қўйганча ухлаб келаётган шеригининг биқинига туртди.

— Шоқосим, эшитдингми? Йул ҳаққи ошибди.

Шеригининг турткисидан уйқуси бўлинган Шоқосим қийшайган теллагини тўғрилар экан, жавоб қайтарди.

— Нима дединг, ойлик ошибдимми? Энди қанча оларканмиз?

Шоқосимнинг бепарволигидан шеригининг фигони чиқди. Автобусда утирганини ҳам эсдан чиқариб бақирди.

— Дард ошибдимми, бало ошибдимми? Мен боғдан келсам бу нодон тоғдан келади-я!

Автобус йул четидаги чинор остига келиб тухтаганда ҳам ҳалиги йўловчининг ҳасратидан чанг чиқарди. Эшик очилиб пастда Норбой овчи қуринди. Ёнида урта буй, теллагини бостириб кийиб олган, юзи иссиқ шарф билан тўсилган йигит. Норбой овчи қўлидаги тугунни автобусга чиқаётган ҳамроҳининг қўлига тутқазаркан, калта буйинини чузиб ҳайдовчига тайинлади.

— Шопир, бу йигит меҳмон. Туриб кетмасин. Жой топиб берарсиз.

Ҳайдовчи маъқул ишорасини қилди. Кейин меҳмонга буюрди.

— Орқага утинг. Йигирма саккизинчи урин буш.

Йўловчи қўлидаги тугунни билан ҳайдовчи айтган жойга келиб утирди. Бошини юмшоқ уриндиққа суяб кўзини юмди. Неча кундан бери саросимага тушган кўнгли бир оз таскин топгандек бўлди.

— Биродар, сиз қаергача борасиз?

Меҳмон ёнма-ён утириб келаётган Бегматнинг саволини эшитса-да, жавоб бергиси келмади. Бироқ савол яна қайтарилгач, кўзини очмай ўта совуққонлик билан жавоб қайтарди.

— Охиригача.

Зум ўтмай берилган иккинчи савол меҳмоннинг гашига тегди.

— Шунақа денг. Кундузги уйқу одамни огир қилади, деб эшитганман.

Меҳмон ёнига утирибди. Қулар тўқнашганда унинг юраги қўрқувдан титраб кетди. Тиззасига қўйиб келаётган тугунини қандайдир эпчиллик билан даст кўтарди-да, Бегматнинг юзига туширди. Энг сўнгги

дақиқаларда ҳам омади чопиб, совуқда титраб қул кўтарган кампирни олиш учун тўхтаган автобус эшигидан узини пастра отди.

Аммо орқадан изма-из келаётган «Жигули»дан катта искович ит отилиб чиқди-да, меҳмоннинг ортидан югурди. Ит пастликда қалин қамишзор томонга югуриб кетаётган йўловчига уч-тўрт сакрашда етиб олди-да, олд оёқлари билан уриб қорга ағдарди. Сўнг бақувват панжала-ри билан унинг кўкрагидан босганча тепага қаради. Икки ҳамкасби билан етиб келган Бегмат улжасини қимирлашга қўймаётган итга буюрди.

— Балли, Сиртлон. Бас, етар.

Ит унинг устидан тушиб, эгаси томон юрди. Ўлмас Бегматнинг кўзига тик қарашдан чўчиб, юзини муздек қорга босди...

...

Туман ички ишлар
булими бошлиғига

БИЛДИРИШНОМА

Ушбу билдиришнома орқали Сизга марҳум Анора Ҳайдарованинг қотилини топиш давомида амалга оширилган ишлар ҳисоботини маълум қилмоқчиман.

Анора Ҳайдарова дўхтир Асқар Ашуров билан булган учрашувда ҳомиласини олдиришнинг иложи йўқлигини, шу ишга ҳеч қайси ақлан шифокор қул урмаслигини англаб етади. Шу боис уни тутиб юрган умидлари чилпарчин бўлиб кетгач, йўлда асабийлашади. Ҳатто поччаси Ўлмас билан уришиб қолади. У Ўлмасга машинани тўхтатишни буюради. Тўхтаган машинадан тушгач, телбаларча орқасига қараб югуради. Ҳатто йўлдан утаётган юк машиналари остига узини ташламоқчи бўлади. Ўлмас қизни қўлидан ушлаб, машинага чиқиб утиришни буюради. У эса кўнмайди. Аксинча, «бутун уйга қайтгудек бўлса ўз жонига қасд қилишини» айтади.

Дўхтирнинг рад жавобидан сўнг, бутун қишлоққа шарманда бўлишга кўзи етган Ўлмасга қизнинг кейинги инжиқликлари ортиқча бўлиб туюлади. Унинг жаҳдини чиқаради. Навбатдаги машинанинг остига узини ташламоқчи булган қизнинг юзига шاپалоқ тортиб, қўрқитмоқчи бўлади. Тарсаки зарбидан қулаган қиз ўша ерда жон беради. Бу ҳолни суд тиббий экспертизаси ҳам тасдиқлаган.

Ўлмас ўз жиноятини яшириш мақсадида қизнинг жасадини машинанинг юкхонасида ётган қопга жойлайди. Ва хилватроқ ерга олиб келади. Йўл четида ётган сим билан қоп оғзини ва ўртасидан сиқиб боғлайди. Сўнг пастликда оқаётган ариқча думалатади. Ариқда сув кам бўлганлиги сабабли, қоп узоққа оқиб кетмаган.

Қизнинг ҳомилдорлигидан хабар топган Ўлмас айёрони иш тутган. Дахлаб Анорани «Нега бир оялигида айтмадинг?» деб уришган. Ҳар қандай қиз бундай ишларга тушунмаслигини уйламаган. У дўхтир Асқар Ашуровнинг олдига оқсоқланиб, кўзойнак тақиб борган. Сири очилгудек бўлса, дўхтирнинг курсатма беришидан қўрққан.

Дахлабки кўнлар қотиликнинг сири очилмаслигига ишонган. Лекин, охирги боришларида дўхтир Анора билан ёлғиз гаплашганини эслаб, саросимага тушган. Чунки уларни нима ҳақида сўзбашлашиганини

билмай қолган. Анора Асқар Ашуровга бор ҳақиқатни, шунингдек, бу киши унинг эри эмас, аксинча, поччаси эканлигини айтган деган уйга боради. Айниқса, бизнинг уша дўхтирга бориб учрашганимизни эшитгач, пайтавасига кўрт тушган. Чунки Аноранинг битта опаси бор. Демак, поччаси ҳам битта. Бу йўлдан милиция адашмай келишини сезган.

Ўлмас Раҳмонов кутулишнинг турли йўллариин излай бошлаган. Охири Исобек энг ишончли вариант эканлигини билган. Чунки қиморбоз ҳар кеча Роҳиланинг олдига тунаш учун борган. Аёл билан ишқий саргузаштлар қилган. Бу ишни ҳамма, яъни қишлоқ аҳли ҳам кўрган. Боз устига Исобек кўзойнак тақиб юради. Демак, қотилни қидираётган изкуварни чалғитиш мумкин.

Дахлабки кўнлар у уйлаганчалик утади. Сабаби ҳамма тахминлар қиморбозга бориб тақалаверади. Ҳатто уни бир-икки бор милицияга чақриб, гумондор сифатида сўроқ қилишади. Лекин милиция қиморбозни қамоққа олмаётгани унга тинчлик бермайди. Шу боис бутунлай уйиндан чиқишга қарор қилади.

Мардикор бозорига бориб, уйда ишлашиш мақсадида уста ёллайди. Кўлобдан бола-чақасидан айрилиб, бу ерларга тирикчилик утказиш мақсадида келган фуқаро Набиев Иброҳим унинг уйида ишлашга розилик беради. Шуниси ажабланишлики, Ўлмас шунча мардикор орасидан уни бекорга танламайди. Улар бир-бирига жуда ухшаш булган. Худди ака-укадек. Буни сезган Ўлмас мардикор йигита ароқ бериб маст қилади ва йўл четида машинасини тушириб, ўт ёқиб юборади. Ўт қўйишдан аввал ўз урнига Иброҳим Набиевни ўтказиб қўяди. Машина аганаш натижасида узини улганлигини одамларга билдириш истагида атай телпагини тушириб қолдиради.

Ўлмас шундай оғир бир шароитда ҳам Исобекдан қасд олиш ниятидан қайтмайди. Машина агананга жойга Исобекнинг уйидан пул олиш учун кирган вақтида яширинча олган кўзойнагини ташлаб қўяди. Чунки, изкуварлар кўзойнакни қуришгач Исобекдан гумон қилишларига ишонади. Мабодо, сир ошкор булган тақдирда ҳам милиция ёниб кулга айланган одамни ахтармаслигини, қўзғатилган жинсий ишни бекор қилишга мажбур бўлишини яхши билади.

Милиция дахлаб қидирув ишлари давомида Исобек Жониевдан гумон қилиш билан чегараланади. Лекин Соҳибанинг уйига тушган ўғри, изкуварларни чуқурроқ уйлашга мажбур қилади. Сабаби бу ўғрилик бошқаларидан фарқ қиларди.

Ўғри, ҳеч адашмай пул сақланадиган жойни титган. Қулга илинадиган бошқа нарсага бўлса-да, уларга телмаган. Омонат кассага топширилган пулни тополмай қуруқ қайтган. Ўзга юртга қочиб кетиши учун Ўлмас Раҳмоновга пул керак булган. Шу мақсад илинжида ўз омадини иккинчи бор синаб кўрмоқчи булган.

Кейинги сафар тилла тақинчоқларни олишга муяссар бўлади. Уларни қарда сақланишини билиши ишни осон қилишига имкон яратади. Тақинчоқларнинг айримларини қўшни районнинг чекка қишлоқларида сотади.

Тақинчоқлар ўғирлангандан сўнг Ўлмас Раҳмоновнинг улимига шубҳа уйғонади. Шу боис овчининг уйида бўлиб қайтган ҳамширага Исобек билан Ўлмаснинг суратлари курсатилганда, у ҳеч иккиланмай Ўлмас Раҳмоновнинг суратини таниб қолади.

...Жиноятчи мен томондан берган саволларга қуйидагича жавоб қайтарди.

«Биринчидан: машина олдидан топилган кўзойнак Исобекники эди. Мен уни меҳмонларни кутиш учун бозорга пул олаётганимда ўғирлаб чиққанман. Машинада пулим борлиги эсимдан чиқиб, ўт ёқвордим. Бир

неча кун чунтагимда қолган пулларга кун кечирдим. Канистрадаги бензинни машина устига сочаётганимда чап қўлимга теккан экан. Аланга тегиб ёниб кетди. Бироқ кийимимни ечиб ташлашга улгурдим.

Иккинчидан: бошқа уйга утирликка тушсам ушланиб қолардим. Сабаби бу иш менинг қўлимдан келмайди. Уз уйимдаги аҳволни эса яхши биламан. Мен Хўжанд орқали урис юртига учиб кетмоқчи эдим. У ерда орттирган дусларим куп. Ёрдам беришига ишонардим. Узимни унглаб олгач, хотиним билан болаларимни чақиртириб олардим.

Мен бу ҳақда тила тақинчоқларни олиб чиққач Соҳибани шипшитиб қўймоқчи эдим.

Уйимдан утирланган тақинчоқларимнинг ярмини сотдим. Албатта уз нархидан анча пастга. Ит тишлаб олмаганда алақачон урис шаҳрида булардим. Эл мақтаган ит менга келганда вафолик қилмади.

Учинчидан: Аноранинг уз уйимда, урис юртидан қайтган тунда номусига тегиб қўйганман. Хотиним шу кеча қўшнимизникида экан. Унинг урнида сингласи ётган экан. Қайфлигим сабаб ажратолмадим. У ҳам буйида булганини менга жуда кеч айтди. Афсуски, вақт ўтган экан. Духтир аборт қилишдан бош тортди. Жаҳл устида бир тарсаки урганим рост. Лекин инсон боласининг шунчалик тез жон беришини билмас эканман. Жазодан қўрқиб унинг жасадини сувга ташладим. Қоп машинанинг орқасида эди. Ариқда сув кам оқишини билмас эдим. Акс ҳолда бошқа чора курган булардим.

Ҳозир қилган ишларимни эсласам қўрқиб кетаман. Айниқса машина ёнаётганда менинг уримда қолган мардикорнинг жон ҳолатда қичқириши ҳамон орқамдан қувиб келгандек булаверади. Ёнимдан чиққан ҳамма ҳужжатлар ушанга тегишли. Ёшлигимни, бола-чақамни ҳисобга олиб кечирिशларингни сўрайман...»

Шунингдек, менинг қўлимдаги ушбу қотиллика оид барча ҳужжатларни тергов булинмасига ўтказишингизни сўрайман.

Жиноят қидирув бўлими ходими,
милиция майори Бегмат Собиров.

...

Уйига кетиш учун автобус бекатига келган Бегматнинг эътиборини оппоқ соқоли қария тортди. У атрофида турган йуловчиларга нима ҳақдадир жон куйдириб гапирарди.

...Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир дарахтнинг соясида дам олаётган эканлар. У кишининг ерда ётганини курган саҳобалар курпача келтириб тағларига солишмоқчи бўлишибди. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом рад қилиб, шундай дебдилар:

— Кишига берилган умр, шу дарахт соясидек гап. Мен бу дарахт соясидан пиеда юриб эмас, аксинча от миниб утаяман. Шу бир лаҳзалик оромим учун уринмангиз. Бойликка, ортиқча мол-дунёга хирс қуймангиз.

— Кўрдингизми, — деди қария атрофидагиларга, — инсон умри шунчалик қисқа. Шундай экан, бир-бирларингни дилларингни оғритманглар. Бойлик деб бировга озор берманг. Сиз билан биздан бу дунёда фақат яхшилик қолади. Бунга ёшларга тушунтириш керак.

Шунда оқсоқолнинг гапидан руҳланган аёл беихтиёр қўлини фотиҳага очди. Бегмат ҳам чунтагидан қўлини олиб, юзига фотиҳа тортди. У нимагадир узини енгил ҳис қилди ва қорда тойиб, аранг ҳассасига суяниб кетаётган оқсоқолнинг ортидан ҳавас билан тикилиб қолди.

У ҳозир ҳар тонг узини дуо қилишдан бошқага ярамайдиган Облоқулнинг олдига бормоқчи эди...

МУҲТАРАМ ЖУРНАЛХОН!

Сиз, ички ишлар ходимининг саргузашт қиссасини ҳам ўқиб тугатдингиз. Бунда жиноятчиларнинг манфур ва жирканч қипишларини уз вазифаларига фидойи бўлган ички ишлар ходимларининг ҳаёти ишонарли ёритилган.

Таҳририятимиз сиз, азизларнинг тилак ва истакларингизни инобатга олиб, ички ишлар ходимларининг жиноятчилликка қарши кураши ҳақида ҳикоя қилувчи саргузашт асарларни эълон қилишда давом этади.

Бунда милиция ходимлари, ёзувчилар ва барча қалам аҳли уз асарлари билан иштирок этадилар, деган умиддамиз!

Мундарижа

СИЗГА АТАЛГАН АСАРЛАР

Тухтасин Жалолов. Дориломон. *Мухтасар қисса* 3

НАЗМ

Ҳалима Худойбердиева. Дилимдаги қушларим гуж-гуж . . . 34
Анвар Эшонов. Унутилган қушиқлар 99
Шавкат Ҳасан. Шабнамнинг бағрига сингиб борар тонг . . . 107
Жуманазар Бекназар. Қамай дostonи 121
Абдураззоқ Обруй. Киноялар 222

САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

Аҳмад Лутфий. Ойдинликлар сари 39

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА

Жуманиёз Жабборов. Амир Темур сўзи 103
Абдулла Абдунабиев. Миллатимиз ифтихори 104

НАЗМ ТАЪБИ

Яшар Қосим. Авлоднинг изланиши 110

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Алиназар Эгамназаров. Оқловдан сунг 134

БУЛОҚ КУЗ ОЧДИ

Дилдора Абдуллаева. Сен яшайсан орзу куйнида . . . 144

НАСР

Ҳабиба Султон. Мадина. *Қисса* 146
Муҳаммаджон Соипов. Охирги имкон.
Саргузашт қисса 181

ТАЛАБАЛАР ДАФТАРИДАН

Энг ёруғ хаёлдай қилурсан жилва 175

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев Мусаҳҳиҳ М. Зайниддинова

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқчача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) буйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монёлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 17.05.96 й. Босишга рухсат этилди 24.06.96 й. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи. 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 12516 нусха. Буюртма N 201.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.

